ҒАЙРИТАБИИЙ:
Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

ТЎРТИНЧИ КИТОБ:

ХУШХАБАРЧИ
ВА УНИНГ
МАЪҚУЛЛАНИШИ

(1951 — 1954)

Оуэн Жоргенсен

Бу китоб сизнинг барча ўқиганларингиздан фарқ қилади…

Ҳавода нур пайдо бўлди ва кейин шифтга кўтарилди — унинг қаҳрабодай шуъласи остида Раббий Фариштаси турган эди. Билли қўрқувдан титраб кетди. Гарчи у қалтираб турса-да, Фариштанинг келганидан миннатдор эди.эҳтимол, у ушбу мушкул аҳволдан ҳозир чиқиб кета олади.

— Бу одамлар кимлар, ва улар нимани билдирадилар? — Билли сўради.

Фаришта қўлини кўксида қовуштириб турар эди. Гарчи Билли Фариштани жилмайганини кўришига тўғри келмаган бўлса-да, ҳозир унинг тешиб қўйгудек қараши жиддий эди.

*— **Улар билан сафарингни давом эт, —** деди Фаришта жиддий оҳангда. **— Сен улар билан кета бошлаган экансан,энди сенга буни амалга оширишингга тўғри келади. Аммо эсингда бўлсин, агар сен нима бўлганда ҳам жанубга улар билан кетсанг, сен бундан азият чекасан.***

Ҳадемай, сизнинг олдингизда ғайритабиий сфера очилади…

Исо деди: «Менга ишонинглар; Мен Отамда ва Отам Менда ҳозирдир. Борди-ю, бунга ҳам ишонмасангизлар, ақалли бажарилаётган ишларимнинг ўзи орқали Менга ишонинглар.

Сизларга ростини айтаманки: Менга ишонган киши, Мен қилаётган ишларимни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман».

Юҳанно 14:11,12

Мундарижа

Муаллифдан
Тўртинчи китоб: хушхабарчи ва унинг маъқулланиши.

53. **«Қора-оқ мўъжизалар»**
54. **1951 йилдан ўтмишга нигоҳ**
55. **Холлнинг парадокси**
56. **Ғариб кафедаги ҳаёт**
57. **Африкадаги ларза**
58. **Иблис тузоқ қўяди**
59. **Ниҳоят, Дурбанда**
60. **Фариштанинг олдиндан айтиши**
61. **Учта гувоҳ**
62. **Мичиган кўлидан чапга бурилиш**
63. **Муҳаббатнинг намоён бўлиши**
64. **Ҳаётга мойланиш**
65. **Мисрдан чақирилиш**
66. **Ҳиндистондаги якун**
67. **Тушунарсиз қийналишлар**

Муаллифдан

“ХУШХАБАРЧИ ВА УНИНГ МАЪҚУЛЛАНИШИ” Уилльям Бранхам умрининг, у бутун дунёдаги машҳурлигини энг чўққисига етган тўрт йилини ўз ичига олади. Минглаб хизматчилар уни уларнинг регионларига имон-шифоланиш кампанияларини етказишини истар эдилар. У катта шаҳарларга келганида, юзлаб маҳаллий жой пасторлари деноминациялар аро улкан йиғилишларни ташкил қилиб, у билан ҳамкорлик қилар эдилар. 1951 – 1955 йиллар Уилльям Бранхам шу вақтгача бўлиб ўтганлардан ҳам йирик Христиан йиғилишларини ўтказди. Жанубий Африканинг Дурбанидаги бир йиғилишда эллик минг одам ва Ҳиндистоннинг Бомбейидаги йиғилишида, бир кунда уч юз минг одам иштирок этди.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, Уилльям Бранхамга омманинг кам-кўплиги таъсир қилмас эди. У 25 одамга ҳам, 25 000 одамга бўлгандай, тайёргарлик билан ваъз қилар эди. 1953 йили у шундай деган эди: *“Бу оқшом одамлар мени келишимга чақирадиган жойлар маълум ва уларда биринчи оқшомдаги йиғилишига 15 000 одам кела олади. Мен кўпгина жойларни биламан, у ерда биринчи оқшомдаёқ, ҳеч бўлмаганда 150 000 одам тўпланади. Бироқ мен оломон ҳақида ўйламаяпман. Хушхабар бу шаҳарда ҳам ва у шаҳарда ҳам ва бутун дунё учун гувоҳлик ваъз қилиниши лозим; шундан сўнг Раббимиз келади. Теология ваъз қилиниши эмас, балки Муқаддас Руҳнинг намоён бўлиши ва қудрати бутун дунё бўйлаб гувоҳлик кўриниши керак. Шунда ўша вақт келади. Сизни Худо дуо қилсин.бу соат сизники. Уни қабул қилинг”.*

Уилльям Бранхамнинг барча хизматлари Муқаддас Руҳнинг қудратли кучи ва унинг намоён бўлиши ҳақида гувоҳлик берар эди. Гарчи бу китобда талай мўъжизалар ёзилган бўлса-да, улар бор-йўғи унинг тўрт йил ичида хизматлари вақтида бўлиб ўтган минглаб ғайритабиий ҳодисаларнинг намуналари эди, холос. Собиқ конгрессмен Апшоунинг ғайритабиий шифоланишини сўзлай туриб, Уилльям Бранхам шундай деди: *“Бунақа гувоҳликка келсак, мен ишонаманки, мен бу ерда сўнгги беш юз соат (агар бунинг иложи бўлса эди) турган ва Раббимизни ўша ишлар ҳақидаги гувоҳликлари билан бўлишган бўлардим, қайсиларники Раббимиз амалга оширган эди, ва бу ҳам ҳаммасини қамраб олиш учун камлик қилган бўлар эди... Мен Раббимиз Исо ҳамма қилган ишларни кўрганларимнинг тафсилотларини минглаб том китоблар сиғдиролмас эди. Дўстларим, бу юз мрта юзлаб, юзлаб... Сизлар айтасиз: “Нима учун бизлар энди бу ҳақида эшитмадик?” Ахир айнан шу ҳақида ўйладилар-ку, кўплаб яҳудийлар Исо михлаб бўлингандан кейин. Улардан кўплари: “Нима учун энди олдинроқ бу мўъжизалар ҳақида эшитмадим?” — деб айтишган эдилар. Ҳозир сизда бу ҳақида эшитишга ва буни қабул қилишга имтиёз имкон бор. Бу кун сизники”.*

Уилльям Бранхам ҳаётини тўла-тўкис ўргана туриб, мен унинг: унинг хизматида бўлиб ўтган ваҳийлар, мўъжизалар, шифоланишлар ва бошқа нарсаларни ҳамма тафсилотлари билан изоҳлаш учун минглаб том китоблар керак бўлар эди — деган фикрига мутлақо қўшиламан.

“Ғайритабиийлик: Уилльям Бранхамнинг ҳаёти” сериясидан бу тўртинчи китобда мен фақатгина унинг бу давридаги асосий воқеаларни ҳаммасини олишга уринмадим, балки мен шу билан бирга кўплаб ваҳий ва мўъжизаларнинг “кўндаланг кесими”ни ҳам киритдим, қайсиларки, ҳар доим бўлиб ўтар эди. Бу барча ғайритабиий ҳолатлар ўзаро боғлиқ эди. Худо Уилльям Бранхамни алоҳида бир мақсад учун етаклади. Жанубий Африкада иблиснинг қўйган пичоғи уни сал бўлмаса, ҳалок қилар эди. Шу кўргуликдек бошидан ўтказганларидан у ўзига олган дарси, унинг кўплаб кейинги қарорларига таъсирини ўтказди. Бундан ташқари, унинг Исроилга сафарини бекор қилиниши, унинг хизматини Библиявий башоратлар нуқтаи-назаридан янгитдан текширишига мажбур этди. Бу текширишлардан кейин у, Илоҳий шифоланишга камроқ эътибор қаратиб ва Библиявий таълимотларга кўпроқ аҳамият бериб, у ўз хизматини тубдан ўзгартирди... бунинг устига, бу ҳайратланарли натижалар кўрсатар эди.

Оуэн Жоргенсен, 2001 й

53 БОБ
“ҚОРА-ОҚ МЎЪЖИЗАЛАР”
1951

УИЛЛИ АПШОУ бу оқшомни олтмиш олти йил кутган эди. “Ё ҳозир, ё ҳеч қачон”, — ўйлар эди у. “Ўша ерга ўз вақтида етиб келсам эди фақат...” У такси тезроқ юришини истар, бироқ транспортни ҳаракат тиғизлиги вақтида, ҳайдовчини секинроқ юришга мажбур этар эди. Уилли соатига қараб қўйди. Тез орада Уилльям Бранхамнинг йиғилиши бошланади. Агар у ибодат карточкасини олиш учун етарлича барвақт келмаса, бу сафари беҳуда кетиши мумкин. Ибодат карточкасисиз у навбатга киролмайди, лекин агар у ибодат навбатида бўлмаса, унда у қандай қилиб орзусини амалга оширади?

Ярим асрдан кўпроқ у юрагида ақл бовар қилмайдиган орзусини, нима бўлганида ҳам, ҳеч қачон ўчишга қўймайдиган зиғирдайгина ёниб турган умиди учқунини ардоқлаб келар, умидвор яшаётган эди. Уилли Апшоу ўзгалар ёрдамисиз юришни истар эди. Бу жуда ҳам оддий ва шу пайтнинг ўзида шундай мураккаб эди. У охирги марта ўн саккиз ёшида, фермадаги бахтсиз ҳодисада умуртқасини синдиришигача, юрган эди. Барча кейинги оғир йилларда у кучи борича ўзининг: *“Ҳеч нарсадан ҳижолат бўлма ва ҳеч қачон таслим бўлма”,* — деган шиори бўйича иш кўришга ва яшашга ҳаракат қилар эди. Қодир Худога ишониб, Уилли қунт қилиб, яна юриб кетиши учун ибодат қилар эди. Худо унинг юзидаги операция қилиб бўлмайдиган ракни ҳам ва бошқа ҳар хил касалликлардан шифолади. Кераклича имонга эга бўлиш учун, кўп йиллар ибодат қилишига қарамай, у ҳеч қачон туриб кетиш ва юриши учун зарур бўлган имонга нима учундир етишолмас эди, эҳтимол...

Бир кун олдин Уилли Апшоу хотини Лили билан уйи яқинроғида Калифорниянинг Санта-Моника шаҳридаги баптист хизматчилари съездида бўлганди. У ерда у воиз, 1932 йилда Уилльям Бранхамни хизматга қўл қўйган доктор Рой Дэвис билан учрашди. Уилли Апшоу доктор Рой Дэвисдан Уилльям Бранхам ҳақида эшитган барча феноменал хабарларини ҳақиқатли эканлигини сўради. Рой Дэвис унга ўз кўзлари билан кўрган битта мўъжизаси ҳақида сўзлаб берди. Уни черковидан Фрэнк Шумахер деган нозири ўн йил олдин умуртқаси синиб, оёқлари юрмай қолган эди. Ногиронлар аравачасига ёпишиб қолганида ҳам, у черков офисида ишлаб, ҳар қалай фойдаси тегиб турган эди. Ўтган йили Шумахер Бранхамнинг шифоланиш кампаниясига борган эди ва ўша оқшомни ўзида, Бранхам ваҳийда Фрэнк Шумахерни юраётганини айтди. Шумахер ўша заҳоти ўрнидан турди ва ногиронлар аравачасини қолдириб юриб кетди. Дэвис, шундан бери Фрэнк Шумахер жуда яхши юрибди, деди.

Бу ҳикоя Уилли орзусининг “иссиқ кулини” токи бу “бир парча чўғ” қизариб, тутамагунича “пуфлади”. Агар у қачон бўлса ҳамУилльям Бранхамдан ўзи учун ибодат қилишини сўраб билолса, мумкин, у ҳам яна юриб кетади. Кейин у суриштириб, Уилльям Бранхам Лос-Анжелесдаги шифоланиш кампаниясини қарийб тугатаётганини билиб олди. Бирдан Уиллининг биринчи орзуси яна алангаланди. У шу заҳоти уйига жўнади, кетишга ҳозирланди ва Лос-Анжелесга кейинги рейсга авиабилет сотиб олди. Ишлар беш эди! Бу, эҳтимол, унинг охирги имконияти! Мана нима учун Бранхам хизматига олдинроқ тушиши, ибодат карточкасини олиши учун зарур эди.

Афсуски, ҳозир кўча ҳаракати тиғизлашди ва таксининг тезлигини янада секинлаштирди. Уилли орқасидаги тортқичларини асабий тортқилай бошлади.

— Уилли, — деди хотини, — Раббийдан нигоҳингни олма! Худо сени шунчалик кўп синовлардан ғолибона олиб ўтди. Сен ўйлагинки, қачонки сен бутун континент бўйлаб юрасан ва У ҳақида қўлтиқтаёқсиз гувоҳлик берасан, Уни нафақат жонингни Нажоткори деб, балки танангни шифолаган, Буюк Врач деб эълон қилганинг Уни қанчалик улуғлайди, бу ҳақида ўйлаб кўр.

У ҳақ эканлигини Уилли билар, аммо шубҳаларнинг “ёпинчиғи” олдингидай, ундаги оловни “ўчиришга” ҳаракат қиларди. У охирги марта қўлтиқтаёқсиз юрганидан қанча вақтлар ўтгани ҳақида фикрлай бошлади. У билан бахтсиз ҳодиса 1884 йили бўлганди. Ҳозир бўлса 1951 йил — олтмиш олти йил ўтибди.

1884 йил ёзининг ўша машъум кунидан бери бушчалар кўп воқеалар бўлиб ўтди... етти йил, уни тўшакка михлаган йиллар, ҳақиқий даҳшат эди гўё, бироқ ўша қийноқли йиллар уни Худога яқинлаштирди. У азоблар тўшагида ётганича, “Тиришқоқ Уилли ёки ёлғизликдан юрак акс садолари” деган руҳлантирувчи китобини ёзди. Бу китоб унинг жамоатчилик орасидаги узоқ мавқесининг бошланиши бўлиб хизмат қилди. “Тиришқоқ Уилли” китобининг сотилишидан тушган маблағ унинг

коллежидаги ўқишига етадиган бўлди. Кейинроқ у “Олтин аср” ойномасининг асосчиси бўлди ва унинг ўн уч йил давомида редактори эди.

Кейин Уилли сиёсат соҳасига жон-жаҳди билан ёпишди. 1919 йилда у Қўшма Штатлар конгрессида ўрин олди; уни Жоржия штати аҳолиси сайлади. Уилли айниқса, Қўшма Штатлар конгрессининг вакиллар палатасидаги ўз хизматидан фахрланар эди. Унинг дўстларидан кўплари ҳали-ҳали уни конгрессмен Апшоу деб аташар эди. 1932 йилда у Қўшма Штатлар президенти бўлиши учун, прогибиционистлар партиясидан[191] кандидат сифатида ўзини қўйиб, сайловолди кампаниясини ўтказди.

[191] Прогибиционистлар партияси (инглизча “prohibition” таъқиқ, ман қилиш) — АҚШ иккинчидаража сиёсий партия, 1869 йилда ташкил топган, қайсики, спиртли ичимликлар сотишни таъқиқлаган.

Ўзининг президентликка сайлов олди кампаниясидаги мағлубиятидан сўнг, у ёмон аҳволдаги оилалардан болаларни коллежга киришида ёрдам бериб, Христианлик маълумоти сферасида маошсиз ишлади. У қирқ икки штатнинг мактабларида ўн минглаб студентларга маъруза ўқиб ва уларга ҳаётда Худо билан боғлиқ мақсадни топишда рағбатлантирди.

1938 йили, етмиш икки ёшида, Уиллига баптистлар хизматчилигига қўл қўйилди ва кейинроқ Жанубий Баптистлар въездида вице-президент лавозимида икки муддат хизмат қилди. У ҳатто озроқ вақт Линда Вистанинг Баптистлар Коллежида вице-президент бўлиб, ва Калифорниянинг Сан-Диего семинариясида ҳам ишлади.

Энди, саксон тўрт ёшида, Уилли Апшоу ўзининг мисли кўрилмаган муваффақиятидан, айниқса, ногиронлигини ҳисобга олса, ғурурланар эди. Ўша оғир йиллар давомида у ҳеч қачон, у ҳам бошқа одамлар каби тузук юриб биламан деган орзусини ўчишига йўл қўймади. У ҳар доим, агар етарлича имонга эга бўлсам эдим, ҳаммаси мумкин бўлади деб ишонар эди.

Ҳали такси ҳайдовчиси кўчадаги интенсив ҳаракат оралаб юрар экан, Уилли чўнтагидан газета бўлагини олди ва руҳини кўтариш учун уни ўқий бошлади. Бу мақолада ўтган йили бўлиб ўтган, XIX асрнинг машҳур инглиз ҳамшираси — Флоренс Найтингейлнинг қариндоши бўлган, Флоренс Найтингейл Шёрло билан бўлган мўъжиза ҳақида хабар берилган эди. Флоренс Шёрло Жанубий Африкада яшарди. Гарчи у бор-йўғи ўттиздан ўтган бўлса-да, унинг ҳаётини унинг ошқозонида, ўн икки бармоқли ичагида ўсган хавфли ўсма, унга овқат ҳазм қилдирмай, бўғаётган эди. Бу ўсма операция қилиб бўлмаслигидан, унинг аҳволи танг кўринарди. Унинг врачи бир неча йил давомида унга озуқани томиридан юбориб турди, бу пайтда унинг мускуллари бужмайиб, териси эса қуриб, суякларига ёпишиб бораверди. Охир-оқибат унинг вазни 25 килограммгача камайди, натижада у тери тортилган скелетдай бўлиб қолди. Унинг олдида бўлган кишилар, уни умри тугаяпти деб ўйлашарди, бироқ Флоренс Найтингейл Шёрло ҳали умидини йўқотмаган эди.

У Уилльям Бранхам ва у касаллар учун қилган ибодатида эга бўлган ҳайратланарли муваффақияти ҳақида ўқиди. 1946 йилда Уилльям Бранхам, Фаришта, Худодан унга бутун дунё одамлари учун Илоҳий шифоланиш иноятини намойиш этиши топшириғини олиб келганини айтди. Фаришта унга: агар у сидқидил, самимий бўлса ва ўзига одамларни ишонтира билса, унда унинг иботи олдида ҳеч нарса туролмайди, ҳатто рак, — деб айтди. Мисс Шёрло Уилльям Бранхамга самолётга билет юборди ва ундан Жанубий Африкага келиб, у учун ибодат қилишини илтижо қилди. Афсуски, хушхабарчида аллақачон Швеция, Финляндия ва Норвегия сафари режалаштирилиб қўйилган эди. Қачонки Флоренс Шёрло Бранхам ака Англияда қирол Георг VI учун ибодат қилиш мақсадида тўхташини билиб қолгач, у самолётда Лондонга жўнади. Унинг самолёти бортида америкалик хушхабарчи бўлган самолётдан бор-йўғи бир неча дақиқа олдинроқ қўнди. Унинг веналари қисқарганди ва ҳамшира энди томирдан озиқлантириш учун унга игна тиқолмас эди. Унинг товуши шивирлашга ўтди, нафас олиши оғирлашди а юрак уриши секинлашди ва пасайди. Уилльям Бранхам Худодан, Исо Масиҳ Исми ҳақи шифолашини сўради, ва сўнгра башорат қилди: “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сен ўлмайсан, балки яшайсан”.” Бу башорат қанчалик эҳтимолдан узоқ туюлмасин, у амалга ошди. Мақоладаги суратда Флоренс Найтингейл Шёрлонинг, 75 килограмм вазнли кулиб, ҳаёт ва энергияга тўлган ҳозирги ҳолати кўрсатилган эди.

Уилли Апшоу газета бўлагини қайтиб кўк костюмининг чўнтагига солди. Унинг имони Калифорниянинг тоза ҳавосидан ловуллаётган ўрмон ёнғинидай, алангаланди. Энди у фақат ўша ибодат навбатига турса бўлди...

Конгрессмен таксиси кўча тиқилинчида тўхташ учун секинлаша бошлади ва бундан унинг ибодат карточкаси қарийб етиб бўлмайдигандай кўринди. Уилли ичида ғўлдиради: “Ҳеч нарсадан ҳижолат бўлма ва ҳеч қачон таслим бўлма”.

ГОВАРД БРАНХАМ акасининг меҳмонхона эшигини аста қоқди.

— Билли, — деди у, — йиғилиш бошланай деб қолди. Агар қимирламасак, унда кечикишимиз аниқ.

У жавобни кутиб, тинглаб турди. Хонада жимлик. Говард қаттиқроқ урмоқчи бўлиб қўлини кўтарганди, бироқ бундай қилмасликка қарор қилди. Бу уларнинг Лос-Анжелесдаги тўртинчи кунлари эди ва у акасини касаллар учун ибодатидан қийналаётганини кўрди. Шунга қарамай, Говард бир марта ҳам акасини йиғилиш олдидан ухлаганини билмас эди. Ундан кўра аниқроғи, у чуқур ибодатда бўлиши керак. Говард ресторанга тушди, бир стакан сутли коктейл заказ берди ва уни сомонча билан секин-секин ичди. Коктейлни ичиб, яна эшикни қоқиш учун юқорига чиқди. Бу сафар эшик қия очиқ эди.

Уилльям Бранхам укасига Гўлгота Маъбадига бораётиб, бир сўз ҳам демади. Унинг фикри Муқаддас Руҳга тўпланганди. Раббий Фариштаси унинг номерига келганди. Ҳатто, қачонки Билли Фариштани кўролмаса ҳам, у Фаришта яқинлашганини билар эди: унинг терисига электрланган эпкинга ўхшаган босим тегар эди. Бу ғайритабиий мавжудот борлигида, Билли ҳурмат ва қўрқувдан серрайиб қотиб қолар эди. Гарчи Фаришта у билан юз бор учрашган бўлса-да, Билли уни келишидан доим титроқ сезар эди. Бироқ Фаришта гапира бошлаганида, бу қўрқув йўқолар эди. Бу бир неча бор ваҳийлар билан давом этар, қайсиларники устидан Билли назоратга эга эмас эди. Шундай вақтларда у ҳатто ўз товушини бошқара олмай қолар эди. Мана нима учун черковга кетишда у укаси Говардга ҳеч нарса гапирмади; у ўзида бўлган Муқаддас Руҳ илҳомини бузишни хохламади, чунки у ўзидаги инъом беихтиёр ўша инъом остида ўзининг куч қувватини олиб ҳаркатга келган бўлар, унда эса айнан шу кучини бугун кечқурунги йиғилиш учун сақлаб туриши керак эди.

Улар Гўлгота Маъбадига тайинланган вақтдан кечроқ келгани туфайли, Билли ўз администратори У. Ж. Эрн Бакстерни кафедрада туриб, ваъз қилаётганига ҳайрон бўлмади. Биллини кўриб, Эрн Бакстер қисқа ваъзини тугатди ва Бранхам кампаниясининг асосий қўшиғига одамларни жалб қила бошлади:

Ишон, фақат ишон; ишон, фақат ишон:
Худога ҳаммаси мумкин, ишон, фақат ишон...

Аудиторияга салом бериб, Билли зал охиридагилардан уни эшитиб билаётганини сўради. Уни қониқтириш учун етарлича қўл кўтарилмади, шу учун овоз кучайтирувчи аппаратни созловчи одамдан овозни кўтаришини сўради. Бу одатдаги созлаш бўлиб, Билли билан администраторининг тана тузилиши орасидаги фарқ туфайли бўлар эди. гарчи иккала эркакнинг ҳам ёшлари яқин бўлса-да, улар феъл-атвори ва кўринишидан фарқ қилар эди. Эрн Бакстернинг бўйи икки метрлар бўлиб, йирик одам эди; уни кўкрак қафаси катта бўлганидан, у баланд баритон товуши билан ваъз қилар эди. Бакстернинг бесўнақай боши қалин дағал сочлари билан қопланган, унинг кўзларидаги симлик кўзойнак билдириб турар эди. Уилльям Бранхам ундан фарқ қилиб, бўйи бор-йўғи бир метр-у олмиш етти сантиметрлар, вазни бўлса — 75 килограммлар эди. 42 ёшида Биллининг сочлари сийраклашган ва чаккаларидагилар тушган, унинг чуқур жойлашган кўзлари гўё, юқори чўққида ўтириб, пастдаги водийни текшириб турган ва ҳеч қандай ҳаракатни нигоҳидан яшириниб қолишига йўл қўймайдиган бургутга ўхшаб, зўр диққат билан қараб тургандек эди.

1946 йилнинг июнидан миллий масштабдаги хизмати бошидан, то 1951 йил февралда Лос-Анжелесдаги йиғилишигача, Уилльям Бранхам ўзининг кўпроқ кучини касаллар учун ибодатга мужассамлади. Агар у ваъз қилса, одамларни ибодат навбатига чақиришдан олдин, бу одатда қисқагина ваъз бўлиб, қайсики у Илоҳий шифоланишга Библиявий асос қўяр эди. Ҳатто агар у ваъз қилмаганида ҳам, у ҳар доим ўзининг ўзгача ғайриоддий хизматини тушунтириш учун бир неча дақиқа ажратар эди. У қуйидагиларни айтар эди:

— Азиз Масиҳчи дўстлар, бу ибодат навбатини бошлашимиздан олдин, мен ўзимни Илоҳий шифоловчи демаслигимни ҳаммангиз аниқ тушунишингизни истайман. Биргина, мен сиз учун қила оладиганим — бу сиз учун ибодат қилиш. Одамлардан ҳеч ким шифолаб билмайди. Худо — Ягона Шифоловчи.

— Мен — бор-йўғи бир инсонман, биродарингизман, сизларгга ушбу дуолар билан хизмат қилишим учун, Худодан келган ғайритабиий зот, Раббий Фариштаси томонидан тасдиқланганман. Наҳотки чироққа уланган электр сими: “Қаранглар, мен қандай буюк симман” — дейди. Йўқ, бу сим нур таралиши билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Электр токи, симда жойлашган — мана нима нурни ҳосил қилади. Мен шу электр симига ўхшайман. Менинг ўзимни шахсий нурим йўқ, токи у бирор-бир манбадан уланмагунича. Кўряпсизларми, мен шон-шарафни Исо Масиҳга беряпман? Бу мендан чиқмаяпти, балки Ундан.

— Айрим кишилар Янги Аҳдда Фаришталар йўқ деб ўйлайдилар ва фақат Муқаддас Руҳ биринчи черковни етаклаган дейишади. Бу тўғри, Муқаддас Руҳ черковни етаклаган, бироқ Фаришталар доимо асрлар оша хизматчи руҳлар[192] ҳисобланади. Ҳаворийлар Фаолияти 8-бобни эсланг, Раббий Фаришталари Филиппга зоҳир бўлди ва унга Ғазага борадиган саҳро йўлига, Хабашистонлик ўша амалдорга гувоҳлик қилиши учун боришини айтди. Пётр зиндондалигида эса, Раббий Фаришталари унинг устига нурдай ярқиради, уни туртди, уни занжирлардан озод қилди ва кўчага олиб чиқди.[193] Муқаддас Павелни ҳам унутманглар. Ўн тўрт кун-у, ўн тўрт кеча ўтиб, денгиз бўронида қолиб, қутқарилишга умуман умидлари қолмаганларида, Павел шундай деди: "Эрлар, дадил бўлинглар, зеро мен Унга хизмат қилиб юрган Худонинг Фаришталари менга зоҳир бўлди ва менга, сизлардан ҳеч бир жон ҳалок бўлмайди, — деди; шу учун Худо худди менга айтганидек қилишига қаттиқ ишонаман".[194] Азиз пир Юҳанно Библиянинг охирги бобида: *"Мен — Исо Ўз Фаришталарини олдингизга юбордим, токи у бу тўғрида жамоатларига шаҳодат берсин"*.[195]

[192] Ибронийларга Мактуб 1:13-14 га ҳавола қилинган. (Тарж.)
[193] Ҳаворийлар 12
[194] Ҳаворийлар 27
[195] Ваҳий 22:16

— Кўрдингиз, Раббий Фаришталари Юҳаннога Ваҳий Китобини кўрсатди ва Юҳанно унга сажда қилиш учун ўша Фаришта оёқларига йиқилди, аммо Фаришта унга: "Зинҳор, бу ишни қилма! Мен сенинг, шунингдек, ҳамма биродарларинг ҳамкориман",[196] — деб уни тўхтатди. Барча асрлар давомида пайғамбарларда бўлган ўша башоратчи Руҳ, Юҳанно орқали башорат қилиб ва унга Фаришта орқали келажакни кўрсатиб, ўша ерда бўлган эди. Худди ана шу Руҳ шу оқшом шу бинода, шу ерда ҳозир бўлиб турибди. У кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир. Буни тушунтиришга уринманг, фақат қабул қилинг.[197]

[196] Ваҳий 19:10
[197] Бу изоҳлаш Уилльям Бранхамнинг 1951 йил 17 июл, сешанба куни, Огайо штатининг Толидо шаҳрида, *"Руҳнинг намоён бўлиши"* деган ваъзидан қисқартирилган кўринишда олинган. (Тарж.)

1951 йилнинг шу февраль оқшоми, Лос-Анжелес аудиториясида йиғилган одамларга ўз хизматини тушунтира туриб, Билли Фаришталарни ўзидан узоқлашаётгани ва одамлар бошлари устида ҳаракат қила бошлаганини ҳис қилди. Бу унинг йиғилишларидаги ўзига-ўзи бўладиган одатдан ташқари ҳолат бўлмай, Фаришта буни фақат қачонки ибодат навбати бошлангач ва одамларнинг имони, одатда энг юқори ҳолатда бўлган пайтлардагина қиларди. Эҳтимол, бу ерда кимдир бор эдики, унинг ҳозирдаёқ буюк имони бор эди. Гапини тўхтатмаган ҳолда, Билли одамларни диққат билан кузатаверди.

Кейин у буни кўрди: Олов Устуни фотоаппарат чироғидай ярқираб ловуллар эди. У маъбаднинг охирида, қатор ораларининг йўлакка яқинроғида ўтирган озғинроқ қария устида тўхтади.

Билли бу ғайритабиий Нурни, токи у ваҳийга ўтмагунича, кузатаверди. Гарчи Биллининг кўзлари катта-катта очиқ бўлса-да, у одамларга тўлиб кетган Гўлгота Маъбадини бошқа кўролмади. Бунинг ўрнига, у яхши ёз кунида аравасини пичан ғарамига қараб тортаётган йигитни кўрди. Йигит ғарамни устига чиқди ва шоха билан пичанни аравага ташлай бошлади. Билли онгининг бир қисми билан элас-элас ҳали ҳам Лос-Анжелеснинг Гўлгота Маъбадида минглаб одамларга гапираётганини англаб турар, бироқ ақлининг актив қисми билан ўша пичан уюми ёнида, бўлаётган воқеаларни кузатиб турар эди. Бу, худди у бир вақтнинг ўзида икки жойда бўлиб турганига ўхшар эди.

Воқеаларни кузатаётиб, у микрофонда гапиришда давом этар эди. "Мен пичан ғарамида ўйноқилик қилаётган йигитни кўряпман. У жуда ғалати кийинган. О-о! У ғарамдан йиқилди ва орқаси билан аравага урилди. Мен уни кимдир кўтарганини ва врачга этганини кўряпман. Врачнинг оқ мўйлови бор ва у бурнини устигача осилиб турган кўзойнак таққан. Мен врачнинг йигитни шифолашга уринаётганини, бироқ ҳамма ҳаракати беҳудалигини кўряпман. Унга ҳеч қандай ёрдам беришни иложи йўқ. Врач уни уйига ётишга юборяпти. Йигитнинг аҳволи шунчалик ёмонлашдики, у ҳатто ўзининг ётоғидаги полда юраётганлар оёғидан чиққан титроққа ҳам тоқати йўқ. Мен уларни ёғоч полда, бу титроқларни камайтириш учун тешик тешаётганликларини кўряпман. Энди бу йигит қанақангидир иш билан машғул бўляпти... О-о, у китоб ёзаяпти. Ҳозир у буюк одам бўлади. Мен уни ногиронлар аравачасида ҳаракатланаётганини кўряпман ва у ҳатто юриши мумкин, агар қўлтиқтаёқ ва орқаси боғламаларини ишлатса, ундан фойдаланса. Мен уни скамейкада ўтирганини ва унинг нутқига одамлар олқишлаб, қарсак чалаётганларини кўряпман. Ва дўстларим, мен нима учун билмайман, лекин мен Колумбия Округи, Вашингтондаги Оқ Уйни кўряпман. Энди бу менга кўринмай қолди".

Кўринишларнинг тез ўзгариши хиралашиб ёпилиб кетди ва Билли Гўлгота Маъбадидаги одамларга қараб турганини кўрди. У маъбаднинг охирида энди Фаришта Нурини кўрмади, шу сабабдан Нур чамбари бўлган жой яқинида ўтирганлар юзларига тикила бошлади.

— Мана у, — қўли билан кўрсатиб, деди Билли. — Мана шу ёши ўтган одам, йўлакнинг ёнида, ўзининг бир жуфт қўлтиқтаёғи билан.

Ҳали одамлар ўша томонга бурилиб қарашар экан, Билли Говарддан қанча ибодат карточкалари тарқатилганини сўради. Говард одатда кампаниянинг ҳар бир оқшомида юзта янги карточка тарқатар эди. Ҳар бир карточкада ҳарф ва сон ёзилган эди, масалан 85, ва кейин кимда 85 дан 100 гача карточкаси бўлса, ибодат навбатига туришни айтар эди. ҳар оқшом алфавитнинг ҳар хил ҳарфи ишлатилганлиги туфайли, ҳар бир 85 номерини битта хизматга ишлатса бўлар эди. Бу танлов жараёнини ҳаққоний, одилона қилар эди: у учун ибодат қилишини хохлаган ҳар бир кишида, ҳар оқшом ибодат навбатида бир хил шанс бўлар эди.

Говард одамларни йўлакни бир томонига тизар экан, Эрн Бакстер Биллига келди ва деди:

— Бранхам ака, сен ваҳийда кўрган ўша одам кимлигини биласанми?

— Йўқ, сэр, билмайман.

— Бу Уилльям Апшоу, Қўшма Штатларнинг собиқ конгрессмени. У сен билан гаплашишни истайди, шу учун мен у ёққа узайтиргич билан микрофонни этдим.

Ёрдамчи қўшимча микрофонни товуш кучайтирувчи аппаратга улади. Карнайлар мистер Апшоунинг овозини узатдилар.

— Ўғлим, мени йиқилганимни ва ўспиринлигимда майиб бўлиб қолганимни қандай билдинг?

— Сэр, — деди Билли, — мен олдин сиз ҳақингизда ҳеч қачон эшитмаганман. Мен сизга ягона бир нарсани, мана шу ваҳийда нимани кўрган бўлсам, шуни айта оламан.

— Нима дейгин, бу нима бўлган бўлса, аниқ шундай бўлганди. Мени Уилльям Апшоу дейдилар ва мен саккиз йил давомида Жоржия штати вакили бўлиб, конгрессмен бўлдим. Мен 1932 йил Қўшма Штатларнинг президенти сайлов олди кампаниясида қатнашдим ва спиртли ичимликларни қонунлаштиришга қарши чиқиб, енгилдим. Мен ҳозиргача бунга қарши чиқаман. Мен майиб бўлганимда, ўн саккизда эдим. Мен олмиш олти йил давомида ногиронман: етти йил тўшакка ёпишиб, ётиғлик эдим, эллик тўққиз йил эса мен ногиронлар аравачаси ва қўлтиқтаёқларни ишлатаман. Мен учун ўн марталаб ибодат қилган эдилар; ва ҳаммаси муваффақиятсиз. Бор-йўғи бир неча кун олдин доктор Рой Дэвис менга бу ёққа келишни ва сендан Худо олдида мен учун ҳомийлик қилишингни сўрашимни маслаҳат берди. Ўғлим, мен қачондир шифолана оламанми?

— Биродарим, мен сизга ҳеч нарса дея олмайман. Мен билмайман. Ягона, сизга айта оладиганим — бу, мен ваҳийда нима кўрган бўлсам, шу. Ҳозир бўлса, бу мендан кетди.

Билли ён томонга қаради. Говард ибодат навбатини бошласа бўлади дегандай, унга бош ирғади.

Гарчи маъбад одамлардан тўлиб кетган бўлса-да, платформада, Биллининг орқасида бор-йўғи бир неча одамгагина ўтиришга рухсат берилган эди. У тажрибасидан, бу ҳаммасидан маъқул эканига ишончи комил эди. Руҳ мойланиши остида бўлган вақтида, у руҳларга жуда ҳам сезгир бўлиб қолган эди. Агар платформа одамлар билан тўлдирилган бўлганида, у уларнинг орасидаги ҳар бир ишонмовчи, шубҳаланувчини сезган бўлар эди, ва уларнинг шубҳаланиши туфайли у диққатини ибодат навбатидаги муҳтожликка йиғиши қийин бўлар эди. Бу фақат унингина ғояси эмас эди; унда Муқаддас Ёзувда ёзилган намуналари бор эди. Исо Яирнинг қизини тирилтиришидан олдин, У барча шубҳаланадиганларни хонадан чиқариб юборди. Пётр ҳам Тавитв учун ибодат қилишидан олдин худди шундай қилди.[198] Бироқ яна бир сабаб бор эдики, нима учун Билли ўзининг орқасида ишонмовчилар туришини хохламас эди: ҳар сафар, эпилепсия, яъни тутқаноқ касалидан қийналаётган одам Раббий Фариштасига яқинлашганида, тутқаноқ руҳи ўзидан чиқа бошлар эди. Агар яқинроқда ишонмайдиган одам бор бўлса, уларнинг имонсизлиги ўша иблисга қўмаклашар, натижада Биллига ўша ёвуз руҳ устидан назорат қилиши қийинлашар эди. Баъзан Билли, хизматчиларга шунчаки орқасида туришига рухсат этар эди, агар улар ундаги инъомга ишонишларига имони комил бўлса. У уларнинг имонини ҳис қила олар ва бу унга ёрдам берарди.

[198] Марк 5:37-48; Ҳаворийлар 9:36-42.

Қачонки навбатдаги биринчи одам Биллига келганида, худди Исо қилганидай, қачон У самариялик аёл билан Ёқубни қудуғи ёнида суҳбатлашганидай, У бироз вақт у билан, унинг руҳига диққатини мужассамлаш учун, суҳбатлашар эди.[199] Агар у одам Масиҳчи бўлса, ўзига нисбатан ёқимли руҳни ҳис қиларди. У тез-тез Масиҳчилар боши атрофида нур ёғдусини кўрар эди. Билли мойланиш ўзига келганини сезишигача, у билан кўп гаплашишга тўғри келмасди. Одатда, айнан ўшанда ваҳий пайдо бўлади. У, қандай қилиб пациент ҳавога “кўтарилиши” ва кичрайишини кўриб

турар эди, гўёки у одам ундан товуш тезлигида узоқлашганга ўхшаб кетар эди. Кейин миниатюр кўринишлар пайдо бўлар, улар кўпинча ўша одамни ўтмишидан ниманидир кўрсатар ва очар эди ва ҳар доим касалнинг маълум бир муаммосидан ниманидир аниқлар, ошкор қилар эди. Бу ваҳийлар Билли мутлақо уйғоқ, дадил турган ва кўринишлар аниқ ва равшан бўлганини кузатган пайтларидан ташқари, тушга ўхшар эди. У ўша одамни манзилини, уйнинг биқинидан ёки унинг исми-фамилиясини почта қуттисидан кўриб билар эди. Бир неча марталаб, пациентнинг муаммосини унга ташҳис қўяётган врачнинг сўзларини тинглаб, билиб олар эди. Ҳар бир ваҳийни кузата туриб, Билли аудиторияга нима кўрганини айтар, бироқ бу сўзлар унинг ўз иродаси бўйича айтилмас эди. Ваҳий ундан кетгач эса, у нима кўрганини ва гапирганини сал-пал эслар эди. Лекин ибодат навбатида турган одамлар у руҳ илҳомидан мойланган пайтда уларга айтганларини ҳар доим ҳақиқат эканлигини маъқуллар эдилар. Агар Билли пациент боши атрофида ёрқин нурни айланаётганини кўрса, у мўъжиза бўлганини билар эди. Бошқа ҳолатларда, Билли одамларни ваҳийда қандай шифоланганини кўрар эди. Бу ҳар сафар бехато ҳақиқат эди.

[199] Юҳанно 4:6-19

Ваъз қилиш учун мойланиш билан ваҳий кўриш учун мойланиш орасида аниқ фарқ бўлар эди. Биринчи ҳолда Билли куч олар эди, а иккинчисида кучдан қоларди. У жисмонан заиф одам эмас эди. Ов вақтида (овга тез-тез чиқиб турар) у бир кунда жуда ўнқир-чўнқир жойлардан 60 километрларгача ўта олар эди, кейин, эртасига туриб у буни такрорлаши мумкин эди... бироқ, битта ваҳий кўриб, у бир соат давомида кувалда ургандан кўра кўпроқ чарчаб қолар эди. Шу ибодат навбатлари вақтида ваҳийлар бири кетидан бошқаси келаверар эди. Ҳар бир ваҳий тугаганда, мойланиш худди кабутар каби ҳавога кўтарилиб унинг устига турганича, уни тарк этарди. Кейинги одам олдинга ўтирини кутиб, уни тарк этар эди. Агар шундай бўлиб ўтмаса эди, Билли саноқли дақиқаларда полга йиқилган бўлар эди. Унинг танаси бундай кучланиш, босимга чидай олмаган бўлар эди. Амалда ҳолдан кетиб, қотиб қола бошлагунича, йигирма, мумкин ўттиз дақиқа чидаб тура олар эди.

Ўша оқшом Гўлгота Маъбадида ибодат навбати учун танланган ўн беш одам бирин-кетин олдинга ўтдилар; уларнинг ҳар бирини ўзларига хос муаммолари бор бўлиб, ваҳийларда аниқлик билан очиларди. Охирги одамни навбати келганда, Билли гўё ҳозир йиқилаётгандек, гандираклаб кетди. Эрн Бакстер уни ушлаб қолиш учун олдинга чиқди, аммо Билли ўзини тутиб олди. У юзини ишқалай бошлади. Унинг лаблари “қалинлашди” ва худди қон етишмаётгандагидек, териси ҳам санчила бошлади.

Бирдан навбатдаги ваҳий пайдо бўлди. Билли оқ медицина халатидаги ёш врачга қаради. Врачда қалин шишали кўзойнак бўлиб, ва унинг пешонасида думалоқ металл нур қайтаргичи бор эди. Қўлларини кўксига қовуштириб туриб, врач пастга қаради ва афсусланиб бош чайқади. Билли врачнинг қарашини кузатиб турди ва шундай деди: “Мен ёш, озғин ва баланд бўйли врачни кўряпман; унинг кўзойнаги жигарранг гардишда. У беш ёки олти ёшлардаги кичкинагина қора танли қизни операция қилаяпти. У унинг талоқ безларини кесди, аммо нимадир ишгал нарса бўлди, ва ҳозир у елкаси ва паст томони шол бўлиб қолди”.

Ундан ваҳий кетиши билан, ўша онда Билли аёл кишининг қичқирганини эшитди. Залнинг энг охиридаги йирик қора танли аёл олдинга кела бошлади. У ғилдиракли замбилни тортар ва: “Раббий, шафқат қил! Бу менинг болажоним эди!” — деб тўхтамай бақирар эди. Бир неча ёрдамчилар уни тўхтатишга уриндилар. Америка футболчисига ўхшаб, қайсики яримҳимоячилар орасидан ёриб ўтади, бу йирик аёл бу ёрдамчиларни ҳар томонга итариб юборди ва юришда давом этаверди. Ниҳоят, унинг олдида етарлича эркаклар туриб олгач, уни тўхташига тўғри келди, бироқ у бақиришда тўхтамади:

— Пастор, бу менинг болам эди! Ва айнан шундай кўринар эди, врач. Бу икки йил бурун бўлувди ва шундан бери юрмайди. У шифоланадими?

— Холажон, мен билмайман. Олдин конгрессменга айтганимдай, биргина, сизга айта оладиганим — бу, ўша ваҳийда нимани кўрсам шу. Бу замбилдаги сизнинг қизингизми?

— Ҳа. Мен уни шифоланиши учун ибодат қилавердим, қилавердим.

— Нима десам, холажон, мен у учун ибодат қилишим мумкин, эҳтимол, Раббий Исо уни шифолар, аммо шундай бўлади деб, мен буни ўзимдан қилолмайман.

Билли укасига қаради ва сўради:

— Говард, бу киши навбатдаги охирги одамми?

Говард маъқуллаб, бош ирғиди ва охирги пациентга, у олдинга чиқиши учун имо қилди.

Билли қора тасмага ўхшаган бир нарсани одамлар боши устидан ўтиб кетаётганини пайқаб қолди. У кузатавергани сари, бу тасма кенгаяверди ва шаҳар кўчасига айланди. Кейин у кўчада сакраб-сакраб юрган ва қўлида қўғирчоғини тебратаётган кичкинагина қора танли қизчани кўрди.

Билли у онага деди:

— Холажон, Исо Масиҳ сени имонингни тақдирлади. Сенинг қизинг шифоланди.

Ҳислари тўлиб тошганидан, қалтираганича, она замбил устига эгилди ва қизчани ўпди. Кейин у баландга қаради ва сўради:

— Пастор, а мени қизим қачон шифоланади?

— Холажон, у ҳозирнинг ўзида соппа-соғ.

Она ҳали хушхабарчига қарар экан, унинг қизи замбилдан аста сирпаниб тушди. Қизча оёғига тура олишига ишониши биланоқ, у қичқириб юборди. Бурилиб, қараш учун, уни онаси ҳам қичқириб юборди, кейин эса ёрдамчиларнинг қўлига чалқанча йиқилди. Бир неча сониядан сўнг она-ю – қиз қўл ушлашиб, қатор ораларидаги марказий йўлакдан, Худони улуғлаб одимлар эди. Ўша ердагилар ҳам завқ-шавқ билан ўзларни қувватларди.

Билли уларни она ва қиз эшикдан чиқиб кетгунигача, нигоҳи билан кузатиб турди. “Кўрдингиз, Исо Масиҳ нима қила олади”, — деб тушунарсиз деди у, чунки қаттиқ чарчаганини ҳис қилди.

Ибодат учун навбатдаги охирги аёл билан сўзлашиш учун бурилмоқчи ҳам эдики, кўз қири билан қандайдир ҳаракатни сезиб қолди. Қараб туриб, Билли аудиторияда ўтирган одам боши узра, ўша кўчадан кетаётган собиқ конгрессменни кўрди. Конгрессмен Апшоу шоколад рангли, ингичка оқ йўлчалари бор костюм кийганди, ва унинг бошида жанубий стилдаги кегг фетр шляпаси бор эди. У хурсанд жилмаяр ва бораётиб, одамларга салом бериб шляпасига қўлини тегизиб қўяр эди.

Билли марказий йўлак ёнида ўтирган мистер Апшоу томонга қаради. Бу ерда черковда, қари давлат арбоби қизил галстук билан кўк косюм кийиб олган эди.

— Конгрессмен, сизда ингичка оқ чизиқли тўқ жигарранг костюм борми?

Қария жентльмен ҳали ҳам қўшимча микрофон ушлаб турган эди.

— Ҳа, ўғлим. Мен уни кечадан олдин харид қилган эдим.

Энди Билли нима бўлишини билар эди.

— Биродарим менинг, сиз бу ҳамма йиллар Художўй мўмин одам эдингиз ва Худони хурмат қилгандингиз. Худо ҳозир сизни охирги кунларингизда бахтиёр қилиб, тақдирлайди. Конгрессмен, сиз энди юришингиз мумкин. Раббий Исо Масиҳ сизни шифолади.

Мистер Апшоу нима қилишни ҳам билмай қолди. У деди:

— Худога ҳамду-санолар бўлсин. Ўғлим, агар Исо Масиҳ менга ҳассаларимсиз юришимга қўйса, мен умримни охирги кунларини Унинг шон-шарафи учун ўтказаман.

— Конгрессмен... — Билли шу ерда тўхтаб қолди ва тебраниб кетди. У ўзини қанчалик беҳол бўлаётганини ҳис қилди. Эрн бакстер ва Лерой Копп уни ушлаб қолдилар ва уни платформадан олиб кета бошладилар. Билли пичирлади:

— Конгрессмен, Исо Масиҳ Исми ҳақи оёққа туринг ва юринг. Худо сизни соғайтирди. Бу “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ”!

Пастор Лерой Копп микрофонга қайтиб келди ва шундай деди:

— Бранхам ака конгрессмен соғайди деди.

Уилльям Апшоу юраги орқага тортиб кетганини ҳис қилди. У ичида ўзига: “Бранхам ака Худони фикрини билади, шу учун мен имонда қадам отишим керак ва Исо Масиҳни менинг Нажоткорим деб қабул қилишим керак”, — деди.

У бутун танаси бўйлаб “совуқ” титроқ ўта бошлаганини сезди. Ҳассаларини бир томонга ташлаб юбориб, турди ва йўлакка чиқди. Гарчи унинг оёқларидаги нервлари аллақачон қуриб қолган бўлса-да, бирдан у уларга ҳаёт киришидан санчиқ сезди. Унинг тортилиб қолган мускуллари қонга тўлди. У ғаройиб тарзда оёққа турди. У яна бир қадам ташлади, кейин яна бир қадам. У чиндан ҳам буни қилди! У бегоналар ёрдамисиз юрди!

Халқ Худога сиғиниб, қайнаб турган бир пайтда, Уилльям Апшоу йўлакдан пастга қараб кетди ва эсанкираб қолган Лерой Коппнинг қўлини сиқди. Кейин уни ҳамма кўрадиган ўша жойда туриб, Уилли Апшоу эгилди ва туфлиси учига қўлини тегизди.

54 БОБ
ЎТМИШГА 1951 ЙИЛДАН НИГОҲ
1951

1951 ЙИЛНИНГ ИССИҚ ИЮН КУНИДА, Уилльям Бранхам навбатдаги кампаниялар серияси олдидан озроқ дам олиш умидида, Индиана штати, Жефферсонвиллига, уйига келди. Июлда унда икки ҳафтага узлуксиз йиғилишлар тайинланган эди: биринчи ҳафта Огайо штати, Толидода; кейин иккинчи оқшом Иллинойс штати, Сионда кечки йиғилишлар, ва ниҳоят, Пенсильвания штати, Эрида йиғилишлар. У бу жуда кучли бўлишини билар эди. Ўтган кампаниядан ўзи анча чарчаганидан, дам олиши соғлигини ушлаши учун муҳим эди.

Уни тинчланиши ва ором олиши учун вақт топиши ҳам осонгина кечмади, ҳатто уйида ҳам. Одамлар Биллини шаҳарга қайтганини билишлари биланоқ, келувчилар унинг эшиги қўнғироғини чала бошладилар ва кунни ўртасида унинг меҳмонхонаси шахсан суҳбат ва ибодатни хохловчи бегона одамлардан тўлиб кетди. Бу нарса унга Худо 1946 йил топшириқ берганидан бери шундай тарзда бўлиб келаверди. Уни ёлғизлигини одамлар доим шундай бузишларига Билли қаршилик қилмас эди. У одамларни севар эди ва уларга ёрдам беришни истар эди. Бироқ, ҳозирги вақтда бирор кишига ёрдам бериши учун жуда ҳам чарчаб қолган эди. Агар у бугун шахсий суҳбатлар ўтказса эди, ваҳийлар (бу суҳбатлар вақтида доим ваҳий пайдо бўлар эди) уни бор ҳамма кучини олиб қўйган бўлар эди.

Меда деди:

— Билли, одамлар тўпланмасдан олдин, кел, мен билан бирор ёққа кетайлик.

Улар бирга Жефферсонвиллидан 25 километр шимоли-шарқ томонда жойлашаган, Туннель Милл деган жойга кетдилар. У ташвишли, нотинч вақтлар тез-тез бу ўрмонларга жўнаб кетар ва бу ўсимликлар ўсиб кетган тинч, ёввойи жойларда ором олар эди. Бу тепаликлар орасида унинг ғори яширинган, у баъзан ўша ёққа дам олиш ва ибодат қилиш учун борар эди. Бироқ бугунги бу сафари, бу мақсадда эмас эди. Унинг сирли ғорига саёҳат жуда чарчоқли ва узоқ юрадиган сайр эди. Билли Медани у ёққа 1941 йил тўйларидан кейин бир марта этганди. Хотинига ўша бир марта етиб кетган эди.

Жефферсонвиллига қайтаётиб, Билли ёшлигида мактаб борган ўша жойга тўхтагиси келди. У майсазорга бурилди ва ўша ерда машинани тўхтатди. Ривқо дашт гулларини теришга чопқилаб кетди, Меда бўлса уни ортидан юрди. Билли эски қудуқ колонкасига борди ва дастакни кўтариб-тушириб, ичишга сув чиқарди. Бир хонали мактаб уйи олдин шу қудуқ яқинида жойлашган эди. Энди бўлса, мактабдан ҳеч вақо қолмаган, ҳатто фундамент тошлари ҳам. Ёғоч деворга суянганча, Билли водий орқали ўзини ёшлиги ўтган ўша жойларга қарай бошлади. Ўша пайтлар бу жойларда одамлар сийрак яшар эди; энди бўлса, бутун қия тепалик яхши қурилган уйларга тўлиб кетган. Улар у болалигида яшаган икки хонали кулбачадан қанчалар фарқ қилади-я! Дунё ўттиз йил ичида қанчалар тубдан ўзгарди!

У ҳали умуман кичкина бўлган вақтлар, кулбанинг ёғочлари унга қанчалик улкан туюлганини, Билли хотирлади. Кулба орқасида улкан олма дарахти турар, бир куни у уни абадий ўсади, деб ўйлаган эди. Ҳозир бўлса, у ўша жойда йўқ эди. У чўмилиш учун отаси ясаган ва ўша олма тагига ўрнатилган скамейкани ва уни танасига михлаб қистирилган ойна бўлагини эслади. Қанча марталаб у отасининг ўша дарахт тагида соқолини олишини кузатган! Чарльз Бранхам паст бўйли, бақувват мускулли соғлом одам эди. У ювиниш ва соқол олиш учун кўйлагини ечганида, ўша мускуллар гўё териси остида пульсланар ва думалаб юргандай бўлар эди. У ўшанда қандай ўйлаганини эслади: “О-о, менинг отам қандай кучли! У юз йил яшайди!” У жуда кўп алкогол истеъмол қилиб, ўзини жувонмарг қилиб, 1936 йилда, эллик икки ёшида ўлди.

Кулба олдида бурун булоқча бўлар эди. Билли неча марталаб оғир кедр челагини ўша булоқчага, сув олиш учун судраганлари ҳақида ўйлаб қолди. Ўн боланинг каттаси бўлиш Билли учун енгил насиба бўлмаган эди. Ота-онаси унга жуда ҳам кўп умид қилгандилар. У укаси Эдварддан конфетга ўз ишларини қилдирган вақтлар ҳам бўлган. Энди бўлса, булоқчадан ҳеч вақо қолмабди; уни, шубҳасиз, бульдозер билан кўмганлар. Эдвард ҳам аллақачон қазо қилди.

Эдвардни ўйлаганида, Билли базўр кўз ёшини тўхтатар эди. Гарчи Эдвард ундан бир ёш кичкина бўлса ҳам, улар бирга мактаб бора бошладилар. Бу оғир йиллар эди. Оилалари шунчалик қашшоқ эдики, на уни ва на Эдвардни етарлича кийими бор эди. 1917 йилнинг ўша кузида мактабга бекўйлак жўнади. Қор бошланганида қўшни аёлни раҳми келди ва унга куртка берди. Мактабда

дарсда ўтирганида, унда кўйлаги йўқлигини бошқа болалар билмаслиги учун, Билли бутун ўша қиши билан доим курткасини кийиб юрди. Танаффус пайтида бошқа болалар дўкондан сотиб олинган чаналарида учиб борардилар. Билли ва Эдвард ахлатхонадан эски лаганни топдилар ва уни чана сифатида, токи унинг занглаган таги ейилиб кетгунича ишлатдилар. Тушда у Эдвард билан Огайо дарёсига, пастга, ўзларининг ночор овқатларини ейиш учун тушар эдилар. Уларни биттагина тушлик челакчаси бор эди. Уни ўрталаридаги ёғочга қўйиб, улар ловиялари ва кукуруз зоғора нонларини тенг бўлардилар. Биллининг хотирасига, онаси челакчага ширинлик солганидаги ўша воқеа келди: кукурузли патиллоқ. Билли тегишлисидан кўпроқ ейиш учун синфдан олдинроқ чиққанди. О-о, у укасини шундай алдаганига қанчалик афсусланди!

Бу 1917 йил, биринчи жаҳон уруши вақтида бўлиб ўтган эди. Эрталабки маросим ҳар доим ўшандай бўлар эди. Мактаб қўнғироғини чалиб, миссис Темпл ўқувчиларини мактаб ҳовлисига чиқарар ва тол хивичидан тартиб сақлаш учун фойдаланиб, уларни бир чизиққа саф тортирарди. Ватанга содиқликларини билдириб, улар мактабга юзларини ўгиришар, бир қўлларини олдинда турган боланинг елкасига қўйишар ва марш юриб, мактабга қайтишар эдилар. Ўша шеренгада ҳар бир ўқувчида тайин этилган жойи бор эди. Билли ҳали-ҳали ўша навбатни эсидан чиқармаганди, олдинда Роланд Холлауэй, малла сочли ва кўпол характерли йигит бўлар эди. Роланд суяк ўйини вақтида одамни отди ва турмада ўлди. Уни кетидан вильмер борар эди. У пичоқ билан муштлашишга аралашди ва бўйни кесилиб ўлиб кетди. Уиллис Пол билан нима бўлганди? У танасидан бор ширасини сўриб олган касалликдан қазо қилди. Говард Хиггинс “Колгейт” заводидаги портлашда ҳалок бўлди. Ральф Филдс ва Уилли Хинкл? Улар ҳам аллақачон ўтиб кетгандилар. Уиллидан кейин Эдвард, Биллининг укаси эди. (Бирдан Биллининг ўтмишини ширин-аччиқ соғинчи ширинлигидан кўра кўпроқ аччиқ бўлди. 1928 йил Эдвард Бранхам Жефферсонвиллида, Билли Аризонада мол боқиб юрган вақтида вафот этди. Бу ҳали Билли Масиҳчи бўлишидан олдин бўлган эди. Шунга қарамай, Эдвард ўла туриб, шундай деди: “Биллига етказинглар, мен у билан бир куни осмонда кўришаман”.)

— О Худойим, — Билли ўйлади, — мана, уларнинг ҳаммасидан бир мен тирик қолдим. Яна яшашим учун, мен кимман ўзи? Сенинг Каломинг қанчалар ҳақиқат: *“Чунки бу ерда бизнинг доимий шаҳримиз йўқ, биз бўлғуси шаҳарга кўз тикиб юрибмиз”.*[200] О Раббим, мен Сенга қолган бор умримни бераман, агар Сен менга озроқ кукурузли патиллоқ олишга, ўша эшикларга боришга ва: “Эдвард, оғайним, мана, мен болалигимда сендан тортиб олган шу бир қисм кукуруз патиллоқни ол”, — дейишимга қўйсанг. — Бирдан Билли қаттиқ қичқирди: “О Худойим, майли Фаришталар келсин ва менинг бечора, чарчаган жонимни бу ердан олсин! Бу дунё бошқа менга уй эмас!”

[200] Ибронийларга 13:14

Руҳиятнинг бундан жўш уриши Медани уни ёнига қайтишига мажбур этди. У Биллини қучоқлаб туриб, деди:

— Азизим, бу ёққа сен дам олишга келгандинг ва мана энди сен бола каби йиғлаяпсан. Бундай қилма.

— Азизам, — жавоб қилди Билли, — агар сен менинг юрагимдан қанақанги фикрлар ўтганини билганингда эди фақат. Мен у уйда турганимни, кичкина Шарон Роуз касал бўлганини эслайман. Тез орада уни кетидан Хоуп касал бўлди.[201] Мен тушунаман, нима учун Худо Хоупни олди, бироқ нима учун У Шарон Роузни олганига, мен ҳеч ҳам тушунолмадим. У бор-йўғи тўққиз ойлик эди.

[201] Хоуп Биллининг биринчи хотини эди. Уларда иккита бола туғилган эди: Билли Поль ва Шарон Роуз. Хоуп 1937 йил бор-йўғи 24 ёшида сил касаллигидан вафот этган эди. Бир неча кундан кейин Шарон туберкулёз менингитидан вафот этди.

Меда уни тинчлантирарди.

— Билли, сен бу ҳақида ўйлашинг керак эмас. Ҳозир вақти эмас.

Бироқ унинг насиҳатларига жуда кеч бўлган эди. У аллақачон бу ҳақида эслаганди...

УИЛЛЯМ БРАНХАМ Кентукки штати, Берксвилли яқинидаги қўпол бир хонали йоғоч кулбачада дунёга келди. Онаси, Элла, аслида ўзи ҳали бола эди — бор-йўғи ўн беш ёшар қиз эди. Отаси, Чарльз эса ўн саккизда эди. Билли айнан нақ тонг отиши олдидан, 1909 йил 6 апрелида дунёга келди.

Ўша ерда бўлган одамлар, — киндик кесувчи кампир, қўшнилари, момоси, Элла ва Чарльзнинг сўзлари бўйича, — унинг туғилганидан бир неча дақиқа кейин, очиқ деразача орқали кулбага ғалати нур учиб кирди, унинг кровати устида бир неча сония муаллақ турди ва кейин том орасидан ўтиб кетди. Бу унинг ҳаёти одатдан ташқари бўлишлигига биринчи ишора эди.

1912 йилда Чарльз Индиана штати, Жефферсонвилли яқинидаги фермага оиласи билан кўчиб келди. 1917 йили Билли мактабга бора бошлагани, кейин тез орада бир нарса бўлдики, уни шунчалик қўрқитиб юборди, бу кечинма уни ёшлигидан энг ёрқин хотираларидан бири бўлди. Бу воқеа

“спиртли ичимликларни сотиш ва истеъмол қилишни ман қиладиган қонун” вақтида содир бўлган ва унинг отаси уни уйи орқасидаги саройда яширилган самагон-кубга тепалик бўйлаб челакда сув ташишга мажбур этди. Тепаликдан баландга боришда, ярим йўлда етти ёшар Билли терак тагига дам олиш учун ўтирган эди. Тез орада у дарахтнинг баланд шоҳида туриб қолган ғалати қуюнни пайқади, — ғалатилиги шундаки, чунки у жойидан жилмас эди. Бирдан у овозни эшитди, овоз эшитилишига қараганда, гўё ўша қуюнчадан чиқаётган эди. Овоз бундай деди: *“Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. Улғайганингда, сен учун меҳнат бўлади”.* Билли челакни шундай қолдириб, уйга онасини чақириб, ўқдай учди. Ўша овоз умрбод эсида қолди, ва қачонки у ўша амрга қулоқ солмасликка ҳаракат қилиб қолганида, уни ақлига сиғмайдиган нимадир уни ҳар доим бундан ушлаб қоларди.

Шу ҳодисотларга қарамасдан, Билли Худодан узоқда ўсди. Йигирма уч ёшида “Нью-Олбани Газ кампанияси”да ишлаётиб, у газдан заҳарланди. Бу бахтсиз ҳодиса унинг соғлигига кучли таъсир қилди. Уни боши ва ошқозони доимо оғрир эди, ва ундан кейин унда кучли астигматизм[202] авж ола бошлади. Унинг врачи унга ташҳис қўйишда мушкул аҳволга тушиб қолди. Ниҳоят, унинг аппендикси яллиғланган ва уни олиб ташлаш керак, деган хулосага келди.

[202] Кўз касаллиги, унинг натижасида нарсаларнинг кўриниши ноаниқ ва хира бўлади. (Тарж.)

Операция ўтиши билан Билли касалхона койкасида ётганида, у танасидан жони чиқаётганини ҳис этди. У ҳамширани чақиришга уринди, аммо унинг овози фақат бир шивирлашга ўтди.

Унинг юрак уриши пасаяверган сари, касалхона палатасини кўриниши ўзгараверди. Унга гўё қоронғи, совуқ ўрмонда юраётгандай туюлди. Ўлим билдирмай унга келаётган эди. Узоқда у яқинлашиб келаётган шамолни шовқинини эшитди. Қўрқувга тушган Билли, ўлим уни олиб кетишга келяпти деб ўйлади. Бирдан у яна болалигидаги ўша терак тагида пайдо бўлиб қолди; у турганча юқорига, дарахт шохларида бўлиб турган ўша қуюнчага қаради. Билли яна ўша паст овоз унга гапирганини эшитди, фақат бу сафар охирги сўзлар бошқача эди.Овоз деди:

— “Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма... Мен сени чақирдим, сен бўлсанг келмадинг”.

Билли бақириб юборди:

— Исо, агар бу Сен бўлсанг, унда мени ерга боришимга рухсат бер ва мен Сенинг Хушхабарингни уйларни томларидан ва кўча бурчакларидан ваъз қиламан. Мен Сен ҳақингда ҳаммага айтаман.

Бирдан бу ваҳий йўқолди ва Билли яна касалхона палатасида пайдо бўлди. Унинг соғлиги аста-секин тикланаверди.

У Баптистларнинг Миссионерлар черковида воиз бўлди, бироқ тез орада у ўзининг мустақил черковини тузишга раҳномалигини сезди. Якшанба куни, 1933 йил 11 июнда, у икки ҳафталик уйғониш йиғилишларини янги имонга кирганларни Огайо дарёсида сувдан чўмдириб, ниҳоялади. Бунинг ҳаммасини мингдан кўп одам қирғоқда кузатиб турган эди. Билли ўн олти одамни Раббий Исо Масиҳ Исмидан сувдан имон келтиргач, бирдан ҳавода олов шар пайдо бўлди, нақ унинг боши устида муаллақ осилиб турди ва овоз гапирди: *“Яҳё пайғамбар Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар қилганидек, сен Уни Иккинчи Келишини хабар қиласан”.*

Бу нимани англатишини ўша вақтда Билли тушунмади. Бу уни бутун умрида кузатилиб келаётган ҳайратланарли ҳодисалар силсиласининг бор-йўғи навбатдаги воқеасидек туюлди; у Масиҳчи бўлгандан кейин, энди ҳозир, бунақа ҳодисотлар сони ошди. Бир куни у ҳатто ердан бор-йўғи бир метр ҳавода турган Исо Масиҳни ваҳий кўрди. Бу феномендан нима қилишини билмай, Билли ўша жойларда яшаётган бошқа хизматчиларга маслаҳат солди. Улар уни ақлини иблис ўйнашаётганига шама қилиб, бунақа нарсалардан озод бўлиш керак, деб огоҳлантирдилар. Бу Биллини қўрқувга солди ва кўп йиллар давомида ҳаётидаги ғалати Илоҳий чақириққа қаршилик қилди. Кейин 1946 йил майида, Биллининг саросималиги ҳамма чегарадан чиқди. Яширин ғорда бир ўзи қолди-да, токи Худо у билан учрашмагунича ва унга унинг одатдан ташқари ҳаётининг маънисини тушунтириб бермагунича, шу ёввойи жойдан чиқмайман, деб қасам ичди.

У соатлар кетидан соатлаб ибодатда азоб-уқубатли ҳисларини ибодатда тўкаверди. Кейин у жим бўлди. Гарчи аллақачон ярим кечадан ўтиб кетган бўлса-да, ухлаш ҳатто унинг фикрига келмаганди. Билли ибодат қилиб, фикрлаб ва диққат билан қулоқ солиб, тим қоронғида ўтираверди.

Бирдан у шулъаси билан торгина ғорни бутунлай тўлдирмагунича катталашаётган нурни кўрди. Ўша нурни ичидан оқ кийин кийган, оёқ яланг одам чиқди.

Бу одамни бўйи бир метру саксон сантиметрлар ва вазни ҳеч бўлмаганда юз килограммлар бор эди. Қалин қора сочлари — тешиб юборгудек кўзлари ва шафқатсиз нигоҳли юзини ўраб, елкаларигача тушиб турар эди.

Биллини даҳшат қоплади ва уни “буга” бошлади. Нотаниш тилга кирди:

— Қўрқма.

Шу ондаёқ Биллидан қўрқув йўқолди. Бу ўша, унга ўша терак шох-шаббасидан гапирган паст, жаранглайдиган овозни ўзи эди. Бегона одам сўзини давом эттирди:

— Мен Қодир Худо Ҳузуридан сенинг ўзига хос туғилишинг ва ўзгача ҳаётинг сени бутун дунё одамларига илоҳий шифолаш инъомини келтиришни билдиришни айтиш учун юборилганман. Агар сен чин дилдан ибодат қилсанг ва одамларни ўзингга ишонтира билсанг, сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса тура олмайди, ҳаттоки рак ҳам. Сен дунёнинг кўп жойларига борасан ва қироллар, ҳокимлар ва подшоҳлар учун ибодат қиласан. Сен бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларга ваъз қиласан ва минглаб муҳтож кишилар сенга маслаҳат сўраб келадилар. Сен уларга уларнинг фикрлари осмонда сўзларидан кўра баланд жаранглашини айтасан.

Билли, бу қаҳрамонликни амалга ошириши учун камбағал ва маълумотсизлигини айтиб, унга ҳеч ким ишонмайди деб далил келтириб, эътироз билдира бошлади.

Фаришта деди:

— Мусо пайғамбарга уни Худо юборганини тасдиқлаши учун иккита аломат берилганидек,[203] сенга ҳам иккита аломат берилади. Биринчидан, одамнинг ўнг қўлини чап қўлингга олиб, ҳар қандай вируслик касалликни борлигини, унинг чап қўлингда пайдо бўладиган вибрациядан аниқлай оласан. Кейин сен у одамни шифоланиши учун ибодат қилишинг керак; агар бу нарса бўлиб ўтмаса, унда у одам учун дуолар сўра ва нарига ўтавер. Худо Руҳидан мойланган пайтингда, ўз фикрингга йўл берма, нима гапириш сенга берилади. Агар сен мулойим ва камтарликда бўлсанг, шундай бўладики, ваҳий ёрдамида сен уларнинг юрак сирларини билиб оласан. Шунда одамлар сенга ишонишига тўғри келади. Бу Хушхабарни қудрат билан ёйишимиз учун асос бўлади, қайсики, Масиҳнинг Иккинчи Келишини хабар қиладган қудратли Хушхабарни бошлаб беради.

[203] Чиқиш 3

Жефферсонвиллига қайтиб, Билли ўз йиғилишига, унга Фаришта қандай келганлигини сўзлаб берди. Бранхам черковини аъзоларидан бири, бу воқеани бирга ишлаётганларига айтиб берди. Бу ҳақида, хотини рақдан ўлаётган Уилльям Морганга хабар қилдилар. Врачлар унинг аёлини иложсиз деганлари туфайли, Морган, агар уни Билли Бранхамга ибодат қилиши учун этса, ҳеч нарса йўқотмайди, деб қарор қилди.

Уилльям Морган хотинини черковга замбилда, беҳуш аҳволда олиб келди. Қачонки Билли чап қўли билан унинг ўнг қўлини олганида, жуда ғалати нарсани сезди. Унинг билаги ва қўлининг пастки қисми, пастроқ зарядли электр токига тегиб кетгандай қаттиқ санчди. Бу титроқ унинг қўлидан юқорига, тўппа-тўғри юрагига қараб силжийверди. Ўша қўлини орқа томодаги териси қизарди ва унда кичик-кичик ғуддачалар конфигурацияси пайдо бўлди. Қачонки Билли Исо Масиҳдан бу ўлаётган аёлни шифолашини сўраганида, титроқ тинди. Шу заҳотиёқ, Биллининг қўли нормал кўринишга эга бўлди. Айнан ўшанда у, бу титроқ ўша аёлнинг танасини еяётган ёвуз руҳнинг рақдаги ҳаётидан келиб чиқаётганини англаб етди. Энди бўлса, ёвуз руҳ йўқ бўлди. Билли фикрида ҳеч шак-шубҳасиз эълон қилди: “Сэр, қўрқманг, зеро РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сизнинг хотинингиз яшайди!””

Маржи Морган шунчалик тез соғайган эдики, бир неча кундан кейин унинг ҳайрон бўлиб қолган врачи, уни касалхонадан жавоб бериб юборди. У уйига жуда яхши соғлиги билан қайтди.

Бу мўъжиза тўғрисидаги хабар Масиҳчилар доираларида тарқалиб, ҳаттоки Миссури штати, Сент-Луис ва Луизиана штати, Шривпортдан бўлган хизматчиларни Биллига мактублар йўллашга ундаб, улар ундан келиб, уларнинг жойларида уйғониш йиғилишларини ўтказишини сўрагандилар. Билли Индиана коммунал хизматлар кампаниясидан ишдан бўшади ва ўзини ҳамма вақтини хушхабарчилик меҳнатига бағишлаш учун, Жефферсонвиллидаги Бранхам Чодири пасторлиги вазифасидан кетди.

У бутун Қўшма Штатлар ва Канада бўйлаб имон билан шифоланиш кампанияларини ўтказиб, ғайрат билан сафарлар қилди. Унинг қўлидаги аломат ва бунинг кетидан бўлаётган мўъжизалар доимий ошиб-кўпайиб бораётган оммасини жалб қилиш учун бир ягона яхлитликка бирлашди. Ҳар сафар Билли бирор кишини ўнг қўлини чап қўли билан ушлаганида, ва агар ўша одам микроорганизмлар ёки вируслар чақирадиган касалликдан азоб чекаётган бўлса, унинг чап қўли қизарар ва шишиб кетар эди. У ҳар қандай вирусли ва микробли касалликни, шишган чап қўлини орқа томонидаги пайдо бўладиган оқ ғуддачалар конфигурацияси бўйича аниқлар эди. Одамларни ҳатто, уларда қанақа касаллик эканини айтишига зарурат ҳам йўқ эди, — у буни уларга айтиб берар

ва ҳар сафар бу хатосиз бўлар эди. Касал учун ибодатдан кейин, агар Биллининг қўли нормал кўринишга қайтса, у шундан ёвуз руҳ қувилганини билар эди; одам шифоланарди.

Ҳар бир йиғилишда минглаб одамлар Худодан бу ҳайратланарли аломатни кўриш иштиёқида тўпланишар ва улардан юзлаб кишилар ўзлари учун ибодат қилинишини хохлар эдилар. Бу буюк муҳтожларни кўриб, касалларнинг бутун навбатлари учун уч, тўрт, беш, айрим пайтлар олти соатлаб ҳам ҳар кеча ва ойлар давомида узлуксиз ибодат қилиб, фақат бироз кичикроқ танаффуслар қилиб, Билли ўзидан бор кучини аямай сиқиб олаверди. Бу икки йиллик машаққатли меҳнатидан кейин у уни хизматини ярим йилга тўхтатишга мажбур қилган асаб системаси бузилишидан азоб чекди. Қачонки у Раббийга хизматини давом эттиришга қарор қилганида, бу сафар у анча доно ва эҳтиёткорроқ бўлди.

1949 йил унинг хизматида худди Фаришта шундай бўлади деб аниқ айтганидай, иккинчи аломат пайдо бўлди. Билли Канаданинг Саскачеван провинциясидаги Реджайнда ибодат йиғилиши ўтказиб турган эди. Ўрта ёшлардаги аёл ибодат навбати бўйича олдинга ўтди. Билли уни қўлини дардини аниқлаш учун олишидан олдин, уни ваҳийда қизча ҳолида кўрди; уни муаммоси нимадалигини ҳам кўрди ва у нима сабаб ибодат учун келганини ҳам билиб олди. Кейин у аёлни келажагини — келажакда у соппа-соғ кўринган эди, — кўрди. Ўша оқшомдан бошлаб, бу иккинчи аломати, ҳар йиғилишда биринчи аломатни суриб чиқараверди.

Унинг қўлидаги аломат асло уни бутунлай тарк этмади. У уни ҳар қандай қулай вақтда ишлатиб билар эди. Билли 1949 йил Калифорнияда йиғилиш ўтказаётганида бўлиб ўтган воқеани ҳеч ҳам унитолмаган эди. Меда билан меҳмонхона номеридалиги пайти, унга дўсти Поль Маликян кўмак сўраб, қўнғироқ қилди.

— Бранхам ака, ҳозиргина хотинимни кўзи ёриди ва уни аҳволи жуда оҳир. Унга нима бўлганини врач аниқлаёлмаяпти. Мен сен кўришинг учун олиб келсам, мумкинми?

— Албатта, Меликян ака, — деб жавоб қилди Билли, — аммо уни бугун олиб келишингга тўғри келади. Эртага мен Каталинага жўнайман.

Поль Меликян хотинини тез орада олиб келди. Билли шу заҳотиёқ уни оғир аҳволдалигини билди. У деди:

— Опа, қўлингни меникига қўй. Кўрамиз, бу қандай касаллигини Раббий кўрсатармикин.

Аёлнинг ўнг қўли уни чап қўлига тегиши билан, Билли деди:

— О-о, бу оёқ веналарининг яллиғланиши.[204]

[204] Оғриқли оқ флебит (тиб.) — одатда аёлларда туғруқ вақтида инфекция натижасида бўладиган, тос веналарида яллиғланиш ва қон увушиб қолишидан оёқларнинг оғриқли шишиб кетиши. (Тарж.)

— Ғалати бўлди-ку, — деди аёл, — менимча мени оёқларида қон увушиб қолганлигини ҳеч қандай симптоми йўқ.

— Мана кўрасиз. Бу оёқ веналари яллиғланишидан бошқа нарса эмас. Бу инъом ҳеч қачон хато қилмайди.

Миссис Маликян Биллини шиш қўлининг орқа томонига қаради. Қўл майда-майда оқ томчилар билан живирлаб турар эди.

— Бранхам ака, буни кузатиш одамни ҳайрон қилади. Сиз ушлаган ҳар қандай қўлда ҳам шундай бўладими?

— Йўқ, — жавоб берди Билли, — бу фақат одамни саломатлигида нимадир ёмон бўлгандагина бўлади. Қараб туринг, мен хотинимни қўлини олсам, нима бўлади. Уни соғлиги жойида.

Билли қўлини олиши билан, қўли яна асл ҳолига келди. Меда энкайиб, ўнг қўлини эрини чап қўли кафтига қўйди. Билли ҳайратда қолди.

— Меда, сенда аёллар касаллиги. Сени чап тухумдонингда киста (сариқ сув олган шиш ўсма).

— Мен бу ҳеч бунақани сезмадим-ку, — деди Меда.

— Бироқ, ҳар қалай бу нарса сенда бор.

Икки кундан кейин миссис Маликян врачига даволанишга борди, у эса уни оёғидаги тромбни даволади.

Ўша вақтнинг ўзидан, Билли хотини тухумдонида пайдо бўлган киста тўғрисида ташвишланиб юрди. Тез орада унга бу нарсани текширишига имконият бўлиб қолди. 1951 йил 19 мартида у Медани касалхонага этиб қўйди, чунки у иккинчи боласи, Саррани туғиш вақти келган эди. Биринчи қизи туғилганидек, Медани қорнини кесиш керак эди. Ҳали уни операцияга тайёрлар эканлар, Билли доктор Диллманга деди:

— Қачонки сен уни очасан-ку, ўшанда уни чап тухумдонини қара ва агар ўша кистани топсанг, олиб ташла.

Кейинроқ доктор Диллман:

— Мен уни тухумдонида ҳеч қандай хатарли нарсани кўрмадим, — деди.

Энг яхши ниятлар билан Билли хотинини ўнг қўлини чап қўлига олди. Афсуски, у қўлини шишганини ва қизарганини кўрди. У ҳали бери киста ўша ердалигини билар эди.

БУ ВАҚТГА КЕЛИБ, булут ўтлоққа соя солди. Энди дарё томондан эсаётган шабада совуқлашди. Меда уйга қайтишни таклиф қилди.

Билли хотини юзига, унинг нозик бети ва ёқимли кўзларига махлиё бўлиб қараб турди. У бор-йўғи ўттиз икки ёшда бўлса ҳам, бироқ вақт унинг қора сочлари орасига аллақачон кумуш толаларни ёпиштирганди. Билли бу оқ сочлар, уни уйида бўлганида, жамоатчиликдан қайғуришга йўйди. У қанчалик Медани яхши кўради! Унга қанчалик оғир бўлар эди, биринчи рафиқаси Хоупдан айрилиб қолганидай, ундан айрилиб қолса! Раббий, шак-шубҳасиз, ҳеч қачон бундай бўлишига йўл қўймасди. Ёки қўяр эканми?

Билли қўлига кичкина Ривқони, уни дала гуллари дастаси билан қўшиб олди ва машинага қайтди.

55 БОБ
ХОЛЛНИНГ ПАРАДОКСИ
1951

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ бир неча марталаб сафарларда бир неча ҳафта кетма-кет хизмат ўтказиши сабабли, у ҳар сафар уйига қайтишида, кўплаб янгиликлар олиб келар эди. Меда Биллининг Жанубий Африкага бўладиган кампаниясининг санаси ниҳоят тайинланганлигини билиб, қувончидан яшнарди. У Нью-Йоркдан 1951 йил 1 октябрида учади.

Билли бу сафар хусусида аралаш-куралаш хом хаёллар билан юрар эди. Унинг борлиғини бир қисми Меданинг қувончига қўшилар эди. У шимолий-америка континентидан ташқарига жўнаса, бу фақат иккинчи марта бўлади. 1950 йил баҳоридаги скандинавия давлатларидаги унинг шифоланиш кампаниялари кўплаб оммани ўзига тортди ва кўплаб ҳайратланарли мўъжизалар учун руҳлантирувчи бўлиб хизмат қилди. Улар қаторида, фин болани ярим соат давомида мархум ҳолатидан Исо Масиҳ қудрати орқали яна ҳаётга қайтган воқеа бўлган эди. Билли Жанубий Африкада ҳам шунга ўхшаган натижаларни кутаётган эди, чунки, хусусан ўша ёққа боришни унга Худо буюрган эди.

1950 йил январида, Техас штати, Хьюстондаги кампанияси вақтида, Билли Флоренс Найтингейл Шёрлодан хат олди. Унда у Биллини Жанубий Африка, Дурбанга келиб, у учун ибодат қилишини сўраган эди. Ошқозон раки ўлимдан дарак бериб, уни аста-секин адойи тамом қилаётган эди. Миссис Шёрло конвертга хат билан самолётга билет ва ўзининг суратини солган эди. Суратда шунчалик ориқ аёл тасвирланган эдики, у Миср мўмиёсини эслатар эди. Билли унга учолмаслигидан афсусланди. Буни амалга оширишни иложи йўқ эди, чунки у тез орада кампания ўтказиш учун Скандинавияга жўнаши керак эди. Флоренс Найтингейлни суратига қараб, Биллини унга шунчалик раҳми келганидан, бундай ибодат қилди: “Худойим, агар Сен мени Жанубий Африкага боришимни истасанг, илтимос, бу аёлни шифола”. Биллини ҳайрон қолдиргани, Флоренс Шёрло шахсий самолёт заказ қилиб, у билан учрашиш учун Англияга келиб қўнди. Ўша ерда, 1950 йил апрелининг туманли тонгида, Худо уни мўъжизавор тарзда шифолади. Шунинг натижасида Билли тушундики, Худо уни Жанубий Африкага, Дурбанга боришини хохлайди ва у бу мамлакатда Худо буюк ишларни амалга оширади, деб кутиб юрди.

Шу вақтнинг ўзида, у хавотирга ҳам тушди ва у иблис у учун Жанубий Африкада тузоқ қўйганини башорат қилди. Бу қанақа тузоқ бўлиши мумкин деб, тасаввурида ўзига-ўзи савол берарди. У Исо Масиҳ кучига қарши чиқадиган жодугарлар ҳақида фикрлади. Бу айтарлик тузоқ ҳам эмасдек эди. Африкада уни у ҳақида умуман билмайдиган бошқа бир тузоқ кутмаяптимикин? Билли бу ҳақида ўйлаганидаёқ, хавотирга тушар эди.

Яхши янгиликлар қатори, Меда айрим ёмон хабарлардан ҳам айтди: Биллининг дўсти Уилльям Холл ўлим ёқасида эди.

— Холл акани, бўлиши мумкин эмас! — ҳайрон бўлиб, Билли деди.

Уилльям Холл ўн бир йил муқаддам у Индиана штати, Миллтаунда уйғониш кампанияси вақтида, биринчи бўлиб имон келтирган одам эди. Кейинчалик бу инсон Миллтаундаги Баптистлар Черкови пастори бўлди.

— Ҳа, — деди Меда. — Уни жигарида рак. Доктор Диллман: у кўп яшамайди, деди. Улар уни Нью-Олбанига олиб келдилар ва ҳозир у опасининг уйида тўшаклик бўлиб ётибди. У сени чақиряпти.

— Нима қиламиз, кел, борайлик ва ундан ҳозирни ўзида хабар олайлик.

Улар ўша уйга келганларида, Билли ўртоғини қанчалик ориқ ва мурда каби рангпар кўринишидан титраб кетди. Одамгинанинг териси қовоқдек жигарранг тусда эди. Билли сўради:

— Холл ака, нима бўлди?

Уилльям Холл унга жавоб бериш учун бор кучини йиғди.

— Бранхам ака, врачлар ҳаммасини қилдилар. Мен ўйлайман, агар Худо мўъжиза қилмаса, бу мени манзилимни охири.

Билли эски қадрдон дўсти учун ибодат қилди. Қачонки у Меда билан кетишга чоғланганларида, миссис Холл уларни кузатиб қўйди. У сўради:

— Бранхам ака, сен унга яна бирор нарса билан ёрдам бероласанми?

— Ачинаман, Холл опа, бироқ биргина мени қилиб биладиганим — бу ибодат қилишимдир.

Аёл узоқларга қаради ва минғиллади:

— Мумкин, бошқа врач бор...

— Бу хусусда врачлар хизматчиларга ўхшайди, — деди Билли. — Сиз уларга ишонишингиз керак, бўлмаса улар сизга ёрдам беришолмайди. Албатта, менинг Сэм Эдер деган яхши дўстим бор. Тиббиёт фанларига келсак, мен ўйлайман, у энг яхши врач.

Миссис Холл яна Биллига қараб туриб:

— Қизиқ, сенинг дўстинг Эдер мени эримни текширолмасмикин? — деди.

— Мен ундан сўраб кўраман, — жавоб берди Билли.

Билли унга қўнғироқ қилганида, доктор Эдер деди:

— Билли, мен касалхонага бораман ва лаборатория текширишларини ўрганаман. Ўша бўйича мен, нима қилишим кераклигини билиб оламан.

Ўша эрталаб, кейинроқ доктор Эдер Биллига қайтиб қўнғироқ қилди.

— Мен лаборатория текширишлари маълумотларини ўргандим. Бу одамнинг жигари рак бўлган. Бунақа тур рак ўсмасини шифолаб бўлмайди ва операция қилиш мумкин эмас. У ўйлади.

— Сен юборсанг бўладиган мутахассис борми? — Билли сўради.

— Хўш, биз уни Луисвиллидаги доктор Эйблга жўнатишимиз мумкин. У — мамлакатнинг рак касалликлари бўйича энг яхши мутахассисларидан бири.

Чўкаётиб, сомонга тирмашаётгандай, миссис Холл эрини Огайо дарёси орқали доктор Эйбл клиникасига этиш учун, тез ёрдам машинасини ёллади.

ЎША КЕЧҚУРУН яна бир эски қадрдон, Нью-Олбанида, Мейн Стрит кўчасидаги Методистлар Черковидан пастор Жонсон ундан ёрдам сўраб, Биллига қўнғироқ қилди.

— Бранхам ака, сен менда биттами ёки иккитами хизмат ўтказолмайсанми? Агар шундай қилсанг, мени жуда хурсанд қилардинг.

— Жонсон ака, мен касаллар учун ибодат қилишни истамайман. Уйимда бўлган вақтларим, мен бўшашимга ва буни қилмасликка ҳаракат қиламан, чунки юрак сирларини билиб олиш келганида, у мени тинка-мадоримни қуритади.

— Унда фақат кел, менда йиғилиш ўтказ. Менга бор-йўғи бир оқшом ажрат. Сенга ваъда бераман, касаллар учун ибодат қилишингни сўрамайман.

— Яхши, Жонсон ака. Қайси оқшом мени келишимни истайсан?

— Чоршанба оқшомда келсанг, ажойиб бўларди.

Жаноб Жонсон чоршанба эрталабки радиопрограммаси бу йиғилишни реклама қилгани туфайли, ўша оқшом беш юздан ортиқ одам Мейн Стритдаги Методистлар Черковига тиқилишди. Ундан ҳам кўпроқ одам ичкарига кириш истагида ташқарида туришганди. Черков деразаси баландлигидан, тротуардаги одамлар ичкарига қараёлмас, шу учун нозирлардан бири улар ҳам ваъз эшитишлари учун деразаларга радиокарнайлар ўрнатди. Биллининг черковга келиш вақтида тротуардаги одамлар тўдаси шунчалик тиқилинч эдики, у эшиккача ўтиб боролмади. Нозир уни бино орқасидаги тор кўчага олиб ўтди, у ерда бошқа одам очиқ деразадан қўлларини чўзиб эгилди, Биллининг билагидан махкам ушлаб олди ва уни черков ичига кўтариб ўтказди.

Билли ўша оқшом ваъзида шундай деди:

— Дўзахга пиянистликдан жўнамайдилар. Дўзахга тамаки чеккани учун ва табака чайнагани учун бормайдилар. Дўзахга ёлғон учун, алдамчилик ёки ўғрилик учун бормайдилар. Дўзахга бевафолик қилгани учун бормайдилар...

Бирдан методист-аёллардан бири ўрнидан туриб кетди ва уни гапини бўлди...

— Муҳтарам Бранхам, мен бунга қаршиман. Булар гуноҳ-ку! Агар булар учун дўзахга кетмаса, унда нима учун ахир?

— Дўзахга Худо Каломига ишонмаганликлари учун кетадилар. Худо қоралайдиган ягона гуноҳ — бу имонсизлик гуноҳи. Бу қолган ҳамма нарсалар гуноҳнинг атрибутлари холос. Одамлар буни қиладилар, чунки ишонмайдилар. Қанчалик ғалати кўринмасин, бутун умр бўйи черковда ўтириш мумкин ва олдингидай Худо Каломига ишонмаслик мумкин! Библияда, ким Исо Масиҳга ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади, ишонмаган махкум бўлади,[205] деб ёзилган! Исо айтди: *“Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эга бўлади”.*[206] Агар ҳақиқатан ҳам Исо Масиҳ Худонинг Ўғлилигига ишонсангиз, сиз У билан учрашгунингизгача яшаган ўша гуноҳкор ҳаёт билан яшамайсиз.

[205] Марк 16:16; Юҳанно 3:18

[206] Юҳанно 5:24

Йиғилиш якунида жаноб Жонсон шундай деди:

— Бранхам ака, мен сизга бирор киши учун ибодат қилишингизни сўрамайман, деб берган ваъдамни биламан, бироқ бу ерда бизда якшанба мактаб ўқитувчиси бор, у ёрдамга муҳтож. Унинг исми миссис Шейн. У – ажойиб аёл, менинг энг содиқ аъзоларимдан бири; бироқ у нервоз. Охирги ўн

йил давомида у Луисвиллидаги психиатрга даволанишга боради, аммо бундан умуман тузалмади. Кўплаб имонлилар уни шифоланиши учун ибодат қилдилар, бироқ ҳеч нарса ёрдам бермади. У олдингидай оғир аҳволда. Унинг асаблари “ғуж-ғуж бўлиб қолган”. Сен унга фақат қўл қўйиб ва Худодан унга дуо сўролмайсанми?

— Яхши. Мен уни қаердан топа оламан?

— Мен унга бизни пастда, подвал зинапоясида кутишини айтгандим.

Уни аҳволини Жонсон айтгани бўйича, Билли уни тийдириш кўйлагида ушлаб турган бўлишса керак, деб кутган эди. Бунинг ўрнига у ёқимли аёлни кўрди (у ўттизлардан ўтган эди). У бир қарашда ажойиб-товур туюлди.

— Ассалом, Бранхам ака, — деди у.

— Салом, мадам. Сиз эмасми ўша пациент, мен ибодат қилишим керак бўлган?

— Ҳа. Мени исмим миссис Шейн.

— Сиз касалдек кўринмайсиз.

— Мен чиндан ҳам касал эмасман. Мен умуман билмайман, нима бўлаётганимни. Мен ўзимни қўлга ололмайман. Баъзан ақлдан оздиммикин, деб ўйлаб қоламан.

Ҳозир, энди Билли аёлнинг ҳатти-ҳаракатларида невроз симптомларини сезди: у бармоқларини безовта бўлиб қимирлатар, ва уни оғзини чекаси учар эди. Билли деди:

— Сен ақлдан озгансан, деб мен ўйламайман, опа. Кел, сени муаммонгни Раббий Исога этамиз.

У аёлга қўл қўйди ва ибодат қилди, бироқ ибодат охирида уни шифоланганига ишончи йўқ эди.

Икки кун ўтиб, Билли ва Меда Нью-Олбанида харид қилиб юрганларида, тасодифан кўчада миссис Шейн билан учрашиб қолдилар.

— Опа, сен тузукмисан энди? — Билли сўради.

— Йўқ, мен баттар бўлаяпман, — ингради у.

Унинг боши қушларни ҳаракатини эслатиб, сал-пал силкинар, кўзлари бўлса кўчани у бошидан бу бошига ўйнар эди. У гўё, унга худди ҳар лаҳзада қароқчи ҳужум қилиши мумкиндек, ўлгудай қўрқаётгандек эди.

— Бранхам ака, мен Нью-Олбанидан кетолмайман, чунки агар кетсам, биламан, менга нимадир йўлиқади. Мен ҳақиқатан ҳам ақлдан озганман деб ўйлайман.

— Опа, мен бундай ўйламайман. Сен гуноҳдан устун яшаётган Масиҳчимисан?

— Ҳа, мен — янгидан туғилган, муқаддасланган методист-аёл. Ҳар якшанба ярим кунлаб ёш аёллар учун якшанба дарсларини бераман.

— Нима ҳам дердим, кел, яна бир бор сен учун ибодат қиламиз.

Билли бош эгиб, ибодатни бошлади: “Худойим, илтимос, бу бечора аёлга раҳминг келсин. Биз Исо Масиҳ Исми ҳақи сўраймиз. Омин”. Бироқ, улар тарқалишган вақтда, бу муаммо илгаригидай енгилмай қолганини ҳис қилди.

Кейинги кун миссис Шейнни дугоналари Биллининг уйига олиб келишди. У:

— Мени уйимга қайтариб этинглар! Агар мен Нью-Олбанидан кетсам, ўламан! — деб қичқирганча, уларга қаршилик қилар эди.

Билли у билан гаплашмоқчи бўлганида, у унга Нью-Олбанидан чиқиши мумкин эмаслиги, акс ҳолда, уни оёғи остида ер ёрилиши ва уни ютиши мумкинлиги ҳақида минғирлашда давом этаверди. Билли у учун яна ибодат қилди, у тинчланди, бироқ ҳали ҳам у шифоланганга ишончи комил эмас эди. Унинг юраги тубида яширин нимадир, уни жуда безовта қилар эди.

Миссис Шейнга ҳам бу нарса маълум эди.

— Бранхам ака, мен ишонаман, агар сен руҳга кирганингда ибоат қилсанг, мен шифоланаман.

Кейин у дугоналарига деди:

— Кейинги сафар, қачон Бранхам ака Нью-Олбани яқинларида шифоланиш кампанияларини ўтказса, мен сизларга ҳозир айтиб қўяй, агар сизларга мени ҳатто тийдириш кўйлаги кийдириб ва қачонки мен бақириб, тепиб ташласам ҳам, мени ўша ёққа судраб олиб келишларингизни истайман.

КЕЙИНРОҚ, ЎША КУНИ Билли Сэм Эдерга қўнғироқ қилди.

— Билли, доктор Эйбл сени дўстинг хусусида менга ўз хулосасини айтди. Агар бу ҳақида сен унинг хотинига айтсанг, яхши бўлар эди. мистер Холл тўрт кунлардан кейин қазо қилади.

— Унга ҳеч нарса билан ёрдам бериб бўлмайдими?

— Билли, рак жигарни шикастлаган! Жигарни олиб ташлагандай кейин у яшай олмайди. У ўлим ёқасида. Мен ўйлайман, у воиз экан, у кетишга тайёр.

— О-о, Худо олдида уни юраги тўғри, бироқ мен уни ўлимини кўришни жуда-жуда истамайман. У 55 ёшда холос. У Раббий учун яна кўп меҳнат қилиши мумкин. Билмадим, нима учун Худо уни олаяпти.

— Ҳа, ҳар қандай одамга буни тушуниш қийин. Баъзан бизлар бунга кўнишимиз керак, холос.

Билли Меда билан бу ҳақида миссис Холлга айтиш учун кетди. Унинг охирги умиди ҳақиқат "тошига" урилиб, "чилпарчин" бўлганидан, қайғудан унинг руҳи тушди. Билли уни юпатишга уринди.

— Холл опа, ёдингда бўлсин, у — Масиҳчи. У Уйга кетишга тайёр. Ҳаворий Павел Масиҳчига шундай деган: "Биз биламизки, бу фоний уйимиз, бу кулбамиз хароб бўлгандан кейин, Худо бизга мангу бир уй, қўл билан қурилмаган осмондаги маконни беради".[207] У бораётган жойда, Холл акага у ерда анча яхши бўлади. Албатта, сенинг ёшингда, бунинг устига фарзандсиз, сен ёлғиз қоласан. Аммо сен ёдингда тутишинг керакки, биз учун нима яхшироқ эканини Худо билади ва У энг яхшисини қилади.

[207] 2 Коринфликларга 5:1

— Мен билмайман ҳам, усиз нима қиламан, — йиғлаб, деди у.

— Келинглар, бориб, у учун яна бир бор ибодат қилайлик, — Билли таклиф қилди.

Уилльям Холл ҳафта давомида гоҳ ўзига келар, гоҳ ўзидан кетар эди. Ҳозир эса у беҳуш аҳволда эди. Унинг жигарранг териси асалари мумини эслатар эди. Билли, Меда ва миссис Холл унга Худо раҳм-шафқат қилиши ва ҳаётини сақлаши учун яна бир бор ибодат қилишди.

Билли кетмай туриб, миссис Холл ундан сал қолса ялинган тонда сўради:

— Бранхам ака, Худо сенга ваҳийда ҳеч бўлмаса, бирон нима демадими?

— Афсус, Холл опа, лекин У менга ҳеч нима демади. Мен бутун юрагим билан ибодат қилдим. Эҳтимол, Худо Холл акага кетишига йўл қўяр.

— Сен уни ўлади деб ўйлайсанми?

— Ўйлайманки, ҳа, чунки ҳамма маълумотлар унга қарши. Бу Раббийни иродаси бўлиши керак, аммо мен буни бутун ишончим билан айтолмайман.

Билли Меда билан уйга қайтди. Одатдагидек, йўл бўйлаб уларни уйи олдида бир гала машина турганди. Ўндан ортиқ нотаниш одам Биллини кутишарди. У уларни ҳар бири учун ибодат қилди. Охирги одам ярим кечадан кейин кетди. Билли ётоқхонаси эшигига олмахон ови учун қуролини суяб қўйди. Кровать четига ўтириб, у будильникни эрталаб соат 4:00га қўйди. Билли уйида хохлаганидай дам ололмаганидан, у эрталаб барвақт ўрмонга боришни, бир неча соат ов қилишни, кейин дарахт тагида ётиб, мизғиб олишни ёқтирар эди. Ҳеч бўлмаганда, ўрмонда уни уйқусини ҳеч ким бузолмас эди.

Будильник соат 4:00да жаранглади. Билли истар-истамас кроватидан тушди ва қоронғуда кийимини тимирскилай бошлади. Бармоқларини дераза жалюзлари пластинкалари орасига тиқиб, у кўчани кўриш учун уларни етарлича сурди. Баъзан одамлар ярим кеча келишар ва эрталаб бўлишини кутиб, ибодат қилиши учун, ўз машиналарида ухлар эдилар. Бу эрталаб йўлакча бўш эди, бу уни овга зудлик билан бора олади дегани эди.

Ўзининг 22-калибрли милтиғини олиб, Билли катта хонадаги чироқни ёқди ва оёғини судраб, уйқули кўзларини ишқаб, ваннага кетди. Хонани ярмидан ўтиб, у кичикроқ ғадир-будир хом олмани, чамаси, деволда осиб қўйилганини кўриб қолди. Билли ўйлади: "Хотинимга нима керак экан, деворга ғадир-будир, қурт еб ташлаган олмани осиб қўйиш?" Уни яхшироқ кўриш учун у яқинроқ келди. Бирдан у хатосини тушунди. Бу олма деворга бириктирилмаган — у ҳавода муаллақ турар эди!

Бир тиззасида туриб, ва қуролини ёнбошга қўйиб, Билли шляпасини чаққон ечди ва: "Самовий Ота ўз қулига нимани айтишни истайди?" — деди.

Яна битта усти қўтир босган хом олма биринчи олма ёнида пайдо бўлди... уни кетидан яна бир нечаси, то ҳавода бештадан иборат ғадир-будир хом олмаларни бир тўдаси чайқалиб турмагунича, келаверди. Билли буни бутунлай ҳайрон бўлиб кузатиб турар экан, бу тўдани устига каттакон шикастланмаган сариқ олма тушди. Билли сувли олмани тишлаётган одамдан қарсиллаб чиқаётган товушга ўхшаш товушни эшитди. Бу сариқ олма барча бешта олмани беш марта чапиллатиб чайнаб, еб қўйди.

Ваҳий кўринмай қолди, бироқ ўша ғайритабиий Нур шифт остида қуюнни шовқинига ўхшаган товуш бериб, айланиб тураверди. Бу Нур ваҳий эмас эди. Билли яна сўради:

— Менинг Раббим Ўз қулига нимани хабар қилмоқчи?

*— **Тур,** — Фаришта буюрди. — **Уилльям Холлга бориб айт: РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сен яшайсан, лекин ўлмайсан".***

Кейин Нур ғойиб бўлди.

Биллининг онгидан олмахон ови ҳақидаги бор фикрлари учиб кетди. Ётоқхонага югуриб кирди, у билан бу ажойиб янгиликни бўлишмоқ учун, хотинини уйғотди.

— О-о, сен билан борсам бўладими? — деди у.

Улар бирга Уилльям Холл ўлим тўшагида ётган уйга келишди. Улар келган вақтда қуёш энди дарахтлар учларидан кўринаётган эди. Чарчаб қолган, ҳамма нарсага лоқайд, Мэгги Холл эрини кровати ёнида, уни қўлини уқалаб ўтирар эди.

— Уни аҳволи қандай? — сўради Билли.

— У ҳали тирик, Бранхам ака, лекин у ўлади. Нега сен бундай хурсанд, думоғинг чоғ кўринасан?

— Холл опа, менда эринг учун РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ, бор.

Унинг ҳайронлигидан оғзи очилди.

— Бу янгилик яхшиликками?

— Ҳа, Холл опа.

Кейин Билли бурилди ва сўради:

— Холл ака, сен мени эшитяпсанми?

Уни қовоқлари учди ва у хириллаганча:

— Мен ҳали ўлмадимми? — деб сўради.

— Йўқ, сен ўлмайсан — ҳозирмас. Менда сен учун Раббийдан сўз бор. Икки соатча олдин мен ваҳий кўрдим. Холл ака, сен қанча вақтлар бетобсан?

Буни эслаш учун жуда бетоблигидан, Уилльям Холл кўзларини хотинига қадади ва хириллади:

— Мэгги, буни ўзинг айт.

— У беш ойдан бери касал.

Билли бош ирғади.

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим. Сал олдинроқ, бугун эрталаб ваҳийда катта сариқ олма, бешта кичикроқ ва қурт еган олмаларни еганини кўрдим. Бу хом олмалар, Холл ака касал бўлган вақтни, ўша ойларни ифодалайди. Шу вақтдан эътиборан у тузала бошлайди. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ!

Уйига қайтгач, Билли дўсти Сэм Эдерга қўнғироқ қилди.

— Доктор, сен эслайсанми, сени сўзинг бўйича тўрт кундан кейин ўлади деган одамни? Раббий менга ҳозиргина уни ўлмайди, деди.

Сэм Эдер эътироз қила бошлади.

— Бу мумкин эмас. Қандай қилиб у яшай олади, уни жигари рак бўлган?

— Мен билмайман, аммо у яшайди, чунки Раббий шундай деди.

— Билли, мен сени сўзларингга шубҳа қилгим келмайди. Мен сени йиғилишларингда бўлиб ўтган шунчалар кўп воқеалар гувоҳи бўлганмай, мен сенга, нима деганингда ҳам, ҳаммасига ишонишим керак. Бироқ бу, кўпни кўрган докторга, бу қандай бўлишини кўришига тўғри келади, акс ҳолда у ишонмайди.

— Ундай бўлса, бу қандай бўлишини кўришинггача, сен ҳали қаришга улгурмайсан.

56 БОБ
ҒАРИБОНА КАФЕДАГИ ҲАЁТ
1951

1951 ЙИЛ 21 ИЮЛИ, шанба оқшомида, Огайо штати, Толидо аудиторияси духовкага ўхшар эди. Кўтариброқ қўйилган кафедрада одамлар олдида туриб, Уилльям Бранхам ёрқин лампалар остида терлар эди. У эндигина ваъзини якунлади ва ҳозир Говард Бранхам ўнлаб одамларни ибодат қаторига тизди. Навбатдаги биринчи одам олдинга чиқди. Магнитофонлар ишлашда давом этар, бу йиғилишни плёнкага умрбод ёзаётган эди.

— Мен гапирган вақтимда, бундан мен озроқ титрайман, — очиқ иқрор бўлди Билли. — Мен ўйлайман, бу бир бор-йўғи инсон асаблари. Энди мен тинчланишим ва бу Раббий Фариштаси илҳоми ихтиёрига ўзимни топширишим керак. Бизлар бир-биримизни танимасак керак, деб ўйлайман.

— Ҳа.

У одам шундай дейиши билан, Билли уни ҳавода муштдек кичрайганини кўрди. Кейин ваҳийда уни муаммоси аниқ бўлди. Билли деди:

— Сизни бошингизда оқма яра сабабли, бошингиз оғрийдиганга ўхшайди. Мен сизни мана бундай ўтириб ва бошингизни ушлаб турганингизни кўряпман. Сиз беҳоллик даврларини ҳам бошдан кечиргансиз. Ахир сиз Хушхабар хизматчиси-ку. Сизни юрагингизда муаммонгиз бор. Шундай эмасми ахир?

— Ҳа, бу ҳақиқат.

Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Отамиз, мен қадрдон биродаримга раҳм-шафқат сўрайман ва мен Сенинг шу ерда бор бўлган Руҳинг, унинг дуо қилишини ва Исо Масиҳ Исми ҳақи шифолашини сўрайман. Омин”.

— Биродар, сени Худо дуо қилсин. Ҳозир боришинг мумкин. Сен соғаясан.

Навбатдаги кейинги аёл кекса, озғин ва жуда бетоб кўринар эди. Билли деди:

— Сизни операция қилганлар. Операция столи атрофида бир неча киши турибди. Оқ сочли ҳамшира бир томонга ўтяпти. Мен хирургни бурилаётганини кўряпман; Бу ўзида оқ маскаси бор баланд бўйли ориқ одам. У сизни танангиздан еттита қовурғангизни олиб ташлади. Шундан бери сиз беҳол ва асабийсиз, опа, шундай эмасми? Сиз санаторияда бўлдингиз, аммо, ҳеч нарса наф қилмаганга ўхшайди.

Ваҳий ғойиб бўлди ва Билли қайта мослашиш учун бошини салгина силкиди.

— Бу ҳақиқатмиди? — у сўради.

— Ҳар бир сўз, — жавоб берди аёл.

Қўлларини аёлнинг бошига қўйиб, Билли деди: “Иблис, Исо Масиҳга ишонувчи сифатида ва Унинг Гўлготада бизни ўрнимизга қийналганлигида Унинг вакили сифатида, мен сенга Исо Масиҳ билан бу аёлдан чиқишингни буюраман”. Билли унга, уйга боришни, нима истаса ҳаммасини ейишни ва бир неча кундан сўнг вазнини ўлчаб, унга гувоҳлигини юборишини маслаҳат берди.

Кейинги пациент аёл билан мулоқотида, бу аёлни томоғида рак ўсмаси борлигини аниқлаб, қўлидаги аломат илгаригидек амал қилаётганини намойиш қилди. У ҳам Исо Масиҳ Исми ҳақи шифоланди.

Кейин олдинга қиз келди. Билли ундан сўради:

— Сен қаёқдан келдинг?

— Онтариодан.

— Онтарио, Канада. Демак, бизни кўп миллар ва кўп йиллар ажратиб турибди. Агар дунёда сени билишим учун бирор нарса бўлса, бу, албатта ғайритабиий куч воситасида бўлишлиги керак. Тўғрими?

— Ҳа.

Шу заҳотиёқ ваҳий пайдо бўлди.

— Мен сенда астма борлигини кўряпман. Сени шу туфайли касалхонада текширдилар; сени олдингда турган врачни кўряпман. Энди мен бошқа бир нарсани кўряпман. Сен автомобиль ҳалокатига учрадинг.

Қачонки ваҳий тугагач, бу қисқа кўринишлар ҳам Биллининг эсидан чиқди. Бироқ у тажрибадан билар эдики, у Мойланиш таъсирида бўлганида, нима демасин, ҳақиқат бўлар эди. У ишонч билан деди:

— Опа, сен Худонинг пайғамбари – мен сенга ҳақиқатни айтишимга ишонасанми? Яхши. Мен сенга қўл қўяман. Исо Гўлготада ўлган вақтида, У сени шифолаган. Сен ҳозир шу ерда ғайритабиий Мавжудот турганини тушунасанми, ва Унинг шу ердалиги сени ишонишинг бўйича Унинг Борлигидир. Бу тўғрими? У сени бу астмадан озод қилади, Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи, мен сени дуо қиламан. Онтариодаги уйинга қайт ва соғлом аёл бўл, шунингдек, умринг бўйи сенга Худонинг қилган иноятн ҳақида гувоҳлик бер.

Аудиторияга бурилиб, Билли сўради:

— Сиз Исони севасизми?

Кўплаб "Омин" садоларидан ҳаво зириллади.

— Агар Исо шу оқшом айни шу ерда, менинг костюмимда турганида, У сиз учун ҳозир нима қилган бўлса, шундан кўпроғини қилолмас эди. Исо шундай деди: *"Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди..."*[208] У бу ҳаммасини Отадан ваҳий орқали кўрди. Исо қилган ишларидан ҳеч нимани Ўзим қилдим, деб айтмади. Кейин Унда бўлган Руҳ кетди. У шундай деди: "Яна озгина ва дунё Мени бошқа кўрмайди; аммо сизлар Мени кўрасизлар, Мен сизлар билан, ҳаттоки сизларда, ҳар куни, дунёни охиригача сизлар билан бирга бўламан".[209] Тўғрими бу? *Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир.*[210]

[208] Юҳанно 5:19
[209] Юҳанно 14:16-20; Матто 28:20
[210] Ибронийларга 13:8

— Агар мен айтсам, бу ҳаммасини мен қилаяпман деб, мен ёлғончи бўлар эдим. Мен буни қилмайман. Исо Масиҳ Ўзининг Эркин иноятн ва раҳм-шафқати бўйича менга бу нарсаларни кўрсатади. Мен учун эмас; бу сизларнинг шифоланишингиз учун. Худо Ўз Каломини, ундан кейин Ўз хизматчиларини юборгандай, ҳозир У Ўз халқини имонини кучайтириши учун башоратчи неъматини, уларни Ўзига ишончини ҳосил қилиш учун юбораяпти. Мадомики, агар бу раҳм-шафқат ва иноят бўлмаса, унда мен билмайман, нима раҳм-шафқат ва иноятдир.

— Худо ҳеч қачон ердан Ўз Руҳини олмайди. Худо Ўз хизматчиларини олади, аммо ҳеч қачон Ўз Руҳини олмайди. У Илёсни олди, Илёсни руҳи Елисейга икки баробар ўтди.[211] Ахир шундай эмасми? Бундан бир неча юз йил ўтиб, Яҳё Чўмдирувчи пайдо бўлди.[212] Ва шу Руҳ охирги кунларда яна пайдо бўлади, деган башоратлар бор.[213] Худо Ўз одамини олади, аммо Ўз Руҳини эмас. Унинг Руҳи шу ерда қолаверади. Қачонки Руҳ кетади, Черков ҳам кетади. Унда бошқа энди нажот-қутқарилиш бўлмайди. Қачонки Руҳ кетса, раҳм-шафқат тугайди.

[211] 4 Шоҳлар 2:1-15
[212] Лука 1:11-17
[213] Малаки 4:5-6; Матто 17:10-11

КЕЙИНГИ ЭРТАЛАБ — 1951 йил 22 июль, якшанбада уйғониб, Билли илгаригидай чарчоқ сезди. Кетма-кет кечки беш йиғилишда ваъз қилган вақтида унинг жуда қуввати кетиб қолганди. Эрн Бакстер Билли меҳмонхона номерида дам ола билиши учун, унга эрталабки йиғилишида ваъз қилишини таклиф қилди. Билли ўзининг бўш вақтини ибодат учун ҳамда якшанба куни ва оқшоми йиғилишларига тайёрланиш учун фойдаланиб, бу таклифни хурсанд бўлиб қабул қилби. Куннинг яримларида у очиқди, шу учун сэндвич харид қилгани чиқди.

У машинасида Толида чегараларидан бир неча километрда бўлган мотелга келиб тўхтади. Бутун ўша ҳафта давомида шу мотел ёнидаги ажойиб топ-тозза ресторанда овқатланганди, бироқ бу ресторан якшанба кунлари ёпиқ бўлар экан. Кўчанинг қарама-қарши томонидаги ресторан бўлса очиқ эди, шундан Билли ўшанга борди ва ичкарига кирди.

Орқасидан эшик тақиллаб ёпилди. У бу ғарибгина кафени ҳар ёғига кўз югуртирди. Кофе мусиқали автоматдан чиқаётган хонки-тонк[214] ритмларидан зириллар эди. Ўзини чап томонида бир қўли билан аёлни қучоқлаб, бошқаси билан ўйин автоматига монет ташлаб турган полициячини кўрди. Билли бундан шокка тушди. Ахир Огайо штатида азарт ўйин ўйнаш қонунга хилоф эди, мана бу ерда бўлса қонун ҳимоячиси турибди ва очиқчасига, ўзи ҳимоя қилишга қасамёд қилган қонунни очиқчасига бузаётган эди. Бу шу ердаги ёшларга қандай ўрнак бўлар эди? Билли ўн саккиз ёшлардаги қиз қўлида пиво бонкаси билан стол четида ўтирганини кўрди. У беадаб қисқа юбка кийган бўлиб, бу унга иккита йигит ялтоқланиб турган эди. Бу Биллини нафратини қўзғади. Кейин у ўнг томонга қаради. У ерда ёши ўтган аёл икки кексароқ одам билан ўтиришган эди. Учаласи пиво ичишаётганди. Аёл жуда қўрқинчли кўринар эди: унинг калта жингалак сочлари кўк рангга бўялган эди; чаккалари кўкиш соя бериб бўялган лабларида кўк помада бор эди, қўл ва оёқ тирноқлари қип-қизил қилиб бўялган эди. Устида шалвираган, осилиб қолган қўли мускулларини бекитмайдиган енгсиз кофтача бор эди ва сонларини қуриб осилиб қолган мускулларини кўрсатиб турган шорт кийиб олган эди. У сигарет чекмоқчи бўлар, лекин ҳеч гугуртни ёқолмас эди.

[214] Хонки-тонк — оддий, фортепьяно мусиқаси, кўпроқ барларда ва шунга ўхшаш бошқа жойларда. (Тарж.)

Билли бу ҳаммасидан жирканди. У фикран ҳар кечқурун йиғилишларда ҳис этадиган Худонинг чексиз муқаддаслигини, уни бу ғариб кафеда ўраб турган, ушбу дунёвий бузуқлик билан таққослади. У ўйлаб қолди: "О Худойим, буларга Сен қандай тоқат қиласан? Наҳотки менинг кичкина Ривқо ва Сарра қизларимга шунақа бузуқликлар орасида ўсишига тўғри келади. Нима учун энди Сен бу дунёни йўқ қилмайсан ва ҳаммасига бархам бермайсан? Мана бу қизга қара, у черковда бўлишлиги лозим, у бўлса ноз-қарашма билан тегишиб ўтирибди; ва мана бу қимор ўйин ўйнаётган полициячи билан аёлга ҳам; ва ниҳоят, у ерда ўтириб олган ва маст бўлиб қолган ана у кампирга қара. Чамамда, ҳаммаси бузилиб бўлган: мамлакатимиз ёшлари, оналик меҳр-муҳаббати, полиция, ҳатто қарилар. Бу ҳаммаси бархам топган".

Билли уларни ҳаммасини юрагида қоралаб турган бир пайт, уни ғалати туйғу қоплади. У орқага, хирароқ бурчакка ўтиб, бўш стол ёнида ўтирди. Бирдан очиқ фазода айланаётган ер шарини кўрди. Ерни узун, юпқа булутга ўхшаш, қип-қизил тасма ўраб турар эди. Билли тушунтираётган товушни эшита олди: ***"Бу қизил парда гуноҳкорларни қутқариш учун ўлган Раббий Исо Масиҳнинг Қонидир. Шу сабаб туфайли Худо бу одамларни йўқотолмайди. Уларда ҳали ҳам имконият қолаяпти. Барча ўлиши муқаррар инсонлар ўз нажотларини ўлгунлари ва Қон чегараларидан чиқиб кетадиган кунларигача топишларига, қутқарилишни қабул қилишга ҳақлари бор. Агар улар уни қабул қилмай ўлсалар, улар аллақачон маҳкум бўлганлар. Аммо ўша вақтгача, токи улар тирик эканлар, агар улар буни қабул қилишса, Ҳаёт Дарахтидан ейишга ҳақлари бўлади".***

Кўзларини арта туриб, Билли ўйлади: "Нималар бўлаяпти? Мен биламан, ухлаб қолмадим. Бу, ваҳий бўлиши керак. Ишончим комил, бу ваҳий".

У бу ер шари устида турган ва Ўз яратганларига қараб турган Исо Масиҳни кўрди. Исонинг юзи қайғули ва раҳмни келтирадиган эди. Билли Унинг бошида тиканлардан тожни, Унинг чаккаларидан тизиллаб отилаётган қонни, ҳамда Унинг соқолидан оқаётган рим аскарининг ҳақоратомуз тупугини кўрди. Вақти-вақти билан Исо бошини, гўё Унинг юзига нимадир урилгандай, силтар эди. Исо токи: ***"Улар сенинг гуноҳларинг келиб урилишидан",*** *— демагунигача, Билли бу силкинишлар нимаданлигини тушунолмай турди.*

Довдираб қолган Билли, ўзига лозим бўлмаган нарсани гапираётганини, қилаётганини кузатиб турди. Ҳар сафар у гуноҳ қилганида, қора сояни фазога Худони Тахтига кўтарилганини кўрди. Билли ички ҳис билан, агар уни гуноҳларидан бири Худони Тахтига етса, унинг ҳаёти ниҳоясига етишини билар эди: Худо уни шу учун ўша заҳоти йўқ қиларди. Бироқ, бу гуноҳларни йўлини нимадир тўсар эди; ерни ўраб турган ўша булутсимон алвон парда, машина бамперидек, уни гуноҳларини Муқаддас Худо Ҳузуридан қайтариб юборар эди.

Билли энди ўша, ерни ўраб турган қип-қизил оқим, Исони ёнбошидаги жароҳатидан оқаётган Қонидан чиқаётганини билди. Яна битта гуноҳ сояси юқорига учди. У Унга урилганида, Исо ларзага келди ва Унинг пешонасидан Қон томчиси оқа бошлади. У Ўз қўлини кўтарди ва деди: ***"Ота, кечир уни. У нима қилаётганини билмайди".***

Биллининг юраги оғриқдан эзилди. У ўйлади: "О Худойим, ноҳотки буни мен қилдим? Наҳотки бу мен эдим?"

Ва ҳар қалай, бу ўзи эди. Худо Тахти олдида очиқ китоб ётарди. Билли унинг биринчи саҳифасида катта ҳарфлар билан ёзилган ўзининг исмини кўрди. Исмининг остида бошқа сўз турган бўлиб, уни нималигини билолмади. Бу китобни саҳифалари қандайдир матн билан ёзиб ташланган, ва ҳар сафар, қачон гуноҳнинг сояси ердан кўтарилганида,китобда навбатдаги гап қўшилар эди. Қалтираб-титраб, китобда ёзилганларини ўқиш учун, Билли яқинроқ келди. Уни даҳшатдан оғзи очилиб қолди. Унинг исми остида ўша: ***"Маҳкум"****— деган қўрқинчли сўз ёзилган эди.*

Ваҳийда Билли ҳолдан кетиб, йиқилди. Беҳол ва қалтираганча, Исони оёқлари остига эмаклаб борди ва ялина бошлади: "Раббий Исо, мени гуноҳларим Сени бунчалик оғритишини билмас эдим. Илтимос, мени кечир!"

Исо Ўз бармоғини, Ўз ёнбошидаги жароҳатига тиқди ва Ўз Қонини сиёҳ сифатида ишлатиб, китобнинг муқовасига бармоғи билан: ***"Афв этилган"****, — деб ёзди. Кейин У бу китобни Ўзини орқасига, кўринмайдиган жойга қўйди.*

Ҳеч қачон олдин Билли ваҳийда бунчалар ажойиб бир нарсани кўришига тўғри келмаган ёки бундай хурсандлик ва енгилликни ҳис этмаган эди. Бироқ, у ўз миннатдорчилигини билдиришидан аввал, Исо деди: ***"Мен сени кечирдим, аммо сен бу одамларни айбламоқчисан".***

Билли айбини тушунганидан, мурдадек қотиб қолди. Ҳа, бир неча дақиқа олдин у, Худо шу ерни ер билан яксон қилишини истаган эди. Энди бўлса, у бу кафедаги одамларга умуман бошқача қарай бошлади.

Ваҳий хиралашаверган сари, овоз Биллига деди: ***"Сен кечирилдинг, у аёл ҳақида эса нима дейсан? У ҳам Хушхабарга муҳтож".***

Кафени гир айланасини қараб, Билли, ҳозиргина ачиниш, раҳм-шафқатга тўлганидан, ўйлади: "О Худойим, мен қаёқдан билардим, Сен кимни даъват этгансан, кимни йўқ? Мени ишим ҳар бирига айтиш".

Икки қария ва бу шалвираган кампир қаттиқ кулиб юборишди. Билли бу икки қария туриб, аёлни ёлғиз қолдириб, ҳожатхонага кетганини кўрди. Унинг столига келиб, Билли деди:

— Салом, леди! Ўтирсам бўладими? Мен сиз билан гаплашмоқчиман.

Ҳингиллаганча, у юқорига, Биллига қаради, ҳиқичоғи тутди, столга пиволи банкасини қўйди ва аниқ эшиттирмай жавоб берди:

— Мени ўз кампаниям бор.

— Мен бундай демоқчи эмасдим, опа. Мен — хизматчиман, ва мен сиз билан сизнинг жонингиз ҳақида гаплашишим керак.

У аёлни "опа" деб атаган эдиям, аёлни унга нисбатан муносабати ўзгарди.

— Ўтир, — деди у.

Стулини аёлнинг стулига яқинроқ суриб, Билли ўзини таништирди. Кейин у аёлга ҳозиргина кўрган ваҳий ҳақида сўзлаб берди.

— Мен сизни юрагимда танқид қилаётиб, у ерда тургандим. Менда шундай туйғу бор эдики, Худо тушиши ва бу ерни йўқ қилиши керакдай эди. Аммо ҳозир мени фикрим ўзгарди. Мен сизни шундай айблаганим учун, сиз мени кечирасизми? Худо менинг гуноҳларимни кечирди ва мен истардимки, У сизни ҳам кечирсин.

— Бранхам, — аёл ғўлдиради. — Бранхам... Сен эмасми ўша одам, шу ерда уйғониш йиғилишлари ўтказаётган, бу аренада?

— Ҳа, мадам, бу мен.

— Мен у ерга боришни истардим, аммо ҳеч ўзимни мажбур қилолмадим. Мистер Бранхам, мен Масиҳчилар оиласида ўсдим. Мени иккита ёш Масиҳчи қизларим бор. Мен бор-йўғи қаерда тўғри йўлдан озганимни ва нотўғри йўлдан кета бошлаганимни биламан.

У қисқача ўз ўтмиши ҳақида, ҳаётнинг барча афсус ва қайғуларга тўла қоронғи томонига олиб келган нотўғри танлаган йўлларини тилга олиб ўтди.

У ҳикоясини тугатганида, Билли сўради:

— Опа, сиз нималар қилгансиз, мен учун муҳим эмас, Исо Масиҳнинг Қони аввалгидай сизнинг атрофингизда. Бу дунё Унинг Қони билан ўралган, ва У сизни Худонинг ғазабидан ҳимоя қилади. Ҳали танангизда жонингиз бор экан, Қон сизни ўраб туради. Аммо бир кун келиб, танангиздан жонингиз чиқар экан, жон чиққач, сиз бу дунёдан ўтиб, шундай жойга жўнайсизки, у ерда Қон ҳеч ҳам сизга ёрдам беролмайди. У ерда фақат, биргина ҳукм бўлади. Ҳали сиз кечиримни олишга имкониятингиз бор, уни қабул қилинг. Исодан кечирим сўранг ва қутқариласиз.

У ўзини пивосига қаради.

— Мистер Бранхам, мен ичаман.

Унинг қўлини олиб, Билли деди:

— Бу ҳалақит бермайди. Муқаддас Руҳ мени сизга келиб, буларни айтишимни буюрди. Худо сизни дунёни яратилишидан аввал чорлаган, опа. Нотўғри иш тутиб, сиз фақат ҳаммасини оғирлаштирасиз.

— Сен, мени Худо қабул қилади, деб ўйлайсанми?

— Шубҳасиз, у сизни қабул қилади.

Биллини қўлини қисиб, у қизғин сўради:

— Мени нажот топишим учун ибодат қилмайсанми?

Улар ўша кафенинг полида, то бу аёл Исо Масиҳда ўз қутқарилишини қабул қилмагунича, тиз чўкдилар ва бирга ибодат қилдилар. Билли турган пайти, ўша полициячи ҳурмат қилиб, шляпасини олиб, бир тиззасида ўтирганини кўрди.

Бу кичкина ресторанчадан чиқаётиб, Билли ўйлаб қолди: "Тўғри. Уларни ҳукм қилма, уларга Хушхабарни бер, холос".

1951 ЙИЛ 26 АВГУСТИДА, олти кунлик сафардан кейин, Жефферсонвиллига, Жанубий Африкага кетишдан олдин бир неча ҳафтани уйда ўтказиши мумкинлигидан қувониб, қайтди. Ўша

оқшомни ўзида у жонажон шаҳрида ўзининг 1951 йилдаги охирги ваъзини айтди. Бу даражада кўп одамлар унинг черковига сиғмаслигини англаб, у 4000 одам сиғадиган маҳаллий мактаб аудиториясини ижарага олди. Афсуски, бу жой ҳам торлик қилди. Ҳамма ўтириладиган жойлар тўлганидан ва девор ёнида одамлар турганидан кейин ҳам, ташқарида яна бир неча минг одам бор эди, улар ичкарига киролмай қолган эдилар.

Йиғилганлар: "Ишон, фақат ишон, ишон, фақат ишон, Худога ҳамма нарса имконли, ишон, фақат ишон!" — оҳиста куйлашар экан, Билли платформага чиқди. Томашабинлар жойларига, юқорига қараб, у доктор Диллманни кўриб қолди.

— Ҳайрли кеч, доктор Диллман, — Билли микрофонга деди.

Диллман салом маъносида унга бош ирғади. Гапини тўхтатмай, Билли халққа қарашда давом этаверди. Тез орада эшикка яқин жойда туриб турган дўсти, Сэм Эдерни кўриб қолди.

— Салом, доктор Эдер. Сени ўтиришингга жой топилмагани учун, узримни сўрайман. Худо дуо қилсин сени.

Кейин, кенг жилмайишидан юзида бахтиёрлик балқиётган, пастда ўтирган Уилльям Холлни орада кўриб қолди. Билли деди:

— Доктор Диллман, Уилльям Холл деган пациентни эслайсанми, у яқинда сенда текширишда бўлган? Бир ярим йиллар чамаси олдин у жигар ракидан ўлим ёқасида эди.

Доктор Диллман бош ирғиб, маъқуллади.

— Доктор Эдер, Уилльям Холл тўрт кундан кейин вафот этади, деб менга айтганингни эслайсанми?

Сэм Эдер ҳам бош силкиб, маъқуллади.

Билли Уилльям Холлга қараб турди ва деди:

— Холл ака, гувоҳлик айтишни истайсанми?

Уилльям Холл сакраб турди:

— Гувоҳлик беришни истайманми? Албатта! Раббийга шукур!

Йиғилиш тугагач, доктор Эдер ва доктор Диллман Уилльям Холлни касалхонага, атрофлича текширишга олиб кетишди. Улар унинг танасида ракдан из ҳам топмадилар.

1951 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРДА Уилльям Бранхам Нью-Йорк шаҳрида имон билан шифолаш кампаниясини бошлади. Охирги беш оқшомги йиғилишларига унинг Жанубий Африкага учишигача, Америкадаги охирги кампания бўлиши тақдир қилган эди.

Жума оқшомида биринчи бўлиб навбатга келган киши, ўрта ёшлардаги аёл эди. Унга бир қарашидаёқ, Билли уни жуда қийналаётганини англади.

У деди:

— Сиз касалсиз. Албатта. Исо сизни ўн тўққиз юз йиллик олдин шифолаган. Бу Раббийни Сўзи, шундай эмасми?[215] Ва бизлар Унга ишонишимиз лозим. Ана, У буни бевосита сизга, сизни исмингизни ишлатиб, ёзмади. У буни кўплаб одамларга ёзган. Аммо бу, гўё, айнан сизга ёзганидай. Кейин бу охирги кунларда Ўз Халқининг имонини уйғотиш учун, Ўз Черковига башоратли неъматларини юборди. Шундай қилиб, агар У мен орқали гапирганида, бу иккинчи даражали бўлар, шунга қарамай, бу Унинг Сўзи бўлар эди. Ёзилган Каломга шубҳа қилиш гуноҳ бўлган бўлар эди, ва Унинг айтган Сўзига шубҳаланиш ҳам бўлган бўлар эди.

[215] Ишайё 53:5; 1 Петр 2:24

— Сиз ҳаммаларингиз, навбатда турганлар, сиз ишонишга тайёр бўлишингиз лозим. Агар сиз ишонмасангиз, ҳозирнинг ўзида шундай навбатдан чиқинг, чунки бу турушда, оқибатда сизнинг соғлигингиз бундан беш баттар бўлади. Исо бир одамга деди: *"Мана, сен соғайдинг. Энди бошқа гуноҳ қилма, тағин бошингга янада ёмон кун келмасин".*[216] Қачон У "бошқа гуноҳ қилма", — деганида, У қандайдир ахлоқсиз қилмишни кўзда тутмаган эди. Гуноҳ — бу Худо Каломига ишонмаслик. *"Ишонмайдиган аллақачон маҳкум бўлган"*[217]. Тушуняпсизми? Айнан ишонмаслигингиз сизни маҳкум қилади. Худо сизни маълум бир қилган қилмишингиз учун дўзахга юбормайди. У сизни дўзахга, агар У сизни қутқарилишингиз учун очган, тайин этган йўлни рад этсангиз дўзахга юборади. Агар сиз фақатгина Исони рад этсангиз, Унинг Сўзига ишонмасангиз, — сиз дўхахга нобуд бўлишга маҳкум бўлиш учун зарур бўлган ҳаммаси шу. Иблис ҳамма вақт бунга сўроқ белгисини қўяди, бироқ бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ.

[216] Юҳанно5:14

[217] Юҳанно 3:18

— Ўйлайманки, мен нима учун ушланиб турганимга сизлар ҳайрон бўляпсиз. Мен Раббий Фариштасини кутаяпман ва ҳозир мен уни тушаётганини сезаяпман.

Ёнида турган аёлга Билли деди:

— Сиз англаяпсизми, бу ерда нимадир содир бўлаяпти. Бу ҳақиқатан ҳам мойланиш. Сиз бундай илиқ, хушмуомала, ёқимли руҳни сезаяпсизми? Агар тўғри бўлса, қўлингизни кўтаринг.

Аёл шу заҳоти қўлини кўтарди.

— Раббий Фариштаси ҳозир шу ерда, платформада турибди ва сизни имонингиз Уни шу томонга тортаяпти. Сиз умуман Нью-Йоркдан эмас. Сиз Пенсильваниядан келдингиз. Мен сизни пастки қисм органларингиз касалликларидан қийналаётганингизни кўраяпман. Бу қовоғингиздаги рак. Сизда бошқа касалликлар ҳам бор, масалан: юрак хасталиги. Мен сизни катакли кўйлакда кўряпман; сиз нафасингизни ростлаш учун ҳаракат қилиб, ҳаллослаяпсиз.

Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, опамизга раҳм-шафқат қил ва уни ўлдирмоқчи бўлаётган даҳшатли иблисдан озод қилиб, ишфоола уни. Шайтон, бизлар имонли-Масиҳчилар сени бу аёлдан кетишинг, қоронғиликка кетиб ва бошқа уни безовта қилмаслигинг учун, сени Раббий Исо Исми билан лаънатлаймиз”.

— Энди, азиз она, бу сендан кетди. Пенсильванияга қайт ва қувониб яша.

Оқшомги йиғилиш шу тартибда бир аниқ диагнозда бошқа бирига, бир шифоланишдан навбатдаги мўъжизага ўтиб, давом этди. Ҳар хил турдаги рак касалликлари, юрак хасталиклари, диабет, асаб, карлар, эпилепсия, — бу ҳамма касалликлар Исо Масиҳнинг шифоловчи қудрати олдида тура олмади. Тез орада Фариштa платформадан кетиб, аудитория устида ҳаракат қила бошлади.

Билли деди:

— Мен Худо Руҳини у ерда ўтирган қизил кўйлакли леди устида турганини кўряпман. У ё дуо олди, ё шифоланди, ёки шунга ўхшаш. Леди, сен Масиҳчимисан?

Эрн Бакстер деди:

— Бранхам ака, у ўтган куни йиғилишда соғайганди.

— А-а, мана гап нимада. Мен бу ҳаммасини эслолмайман. Йиғилишларда нималар бўлганини улар менга айтишларига тўғри келади. Бу мени тушимда бўлгандай туюлади. Агар бу аудитория ҳозирни ўзида менинг аҳволим қандайлигини била олса эди: мен қўлларимни озроқ йириклашганини, лабларим бўлса катталашганини ҳис қилаяпман. Руҳ келганида, бу гўё мен ўзимни гапимни тинглаётгандай бўламан. У шундай бир мавзуни олади ва уни баён қилади. Буни У айтди, а мен эмас; мени бу ерда умуман алоқам йўқ. Яхши, энди ҳаммангиз иззат-икромли бўлиб туринг. Бутун юрак билан ишонинглар. Худо буни амалга оширади.

Йиғилиш оқшом 11ларга яқин тугади, ва Билли Меда билан ўз меҳмонхоналарига, қарийб ярим тунда қайтдилар. Улар вестибюлга кирганларида, қабулхонадаги тунги хизматчи уларга уйларидан келган хатни берди. Жуда оғир ҳавотирликда Меда уйга қўнғироқ қилишни ва кичкина Саррани аҳволини билишни истар, Билли эса кутишни истар эди. Саррага уни Бранхам бибиси қарар, унда телефон йўқ эди. Бу дегани, Медага қўшнисига қўнғироқ қилишига, у эса ёвон орқали Элла Бранхамни уйига бориши керак эди ва орқага янгилик билан қайтиши керак эди. Ҳозир жуда кеч бўлиб қолганидан, Билли Медани у телефондаги суҳбатини эрталабгача қолдиришига кўндирди.

Билли ухлаёлмай, узоқ вақт пастелда ётди. Гарчи у ҳолсизликни сезиб турса ҳам, унинг тарранг асаблари унга уйқу бермас эди. Бироқ бу оқшом унда касал қизи тўғрисида қўшимча ташвиши бор эди. У, токи уни хотинини нафаси секин, бир хил ритмга тушмагунича, жим ётаверди. Кейин у астагина жойидан турди, бошқа хонага борди, тиз чўкиб, Сарра учун ибодат қила бошлади.

Тонгги соат 3ларда, Билли онасини ўзига қараб, қўлида эса қизчасини олиб келаётганини кўрди. Сарра ҳарсиллар эди. У оғир нафас олаётганидан ва унинг бетчаси қип-қизариб кетган эди. Элла биби болани Биллига узатди, у бўлса Саррани кўксига босди ва ибодат қила бошлади: “О Худойим, менинг кичкинамни ўлишига йўл қўйма. Раббий Исо, илтимос, уни ҳаётини сақла”.

Сарра тўйиб бир нафас олди ва кейин яхши нафас олаверди. Билли уни бибисини қучоғига қайтарди.

Раббий Фариштаси деди:

— Эрталаб сен, боланг оғир бетоб эди, лекин ҳозир уни аҳволи яхши, деган янгилик оласан.

Кўнгли жойига тушиб, Билли жойига қайтди ва ухлаб қолди. Билли Поль уни эшигини қоқиб, соат 9 да уйғотди. Меда аллақачон кийиниб бўлган эди. Билли Поль кирганида, у шундай деди:

— Мен ҳозир уйга қўнғироқ қилиб, қизимни аҳволини билмоқчиман.

— Азизам, сени қўнғироқ қилишингга ҳожат йўқ. Бироқ сен агар қўнғироқ қилсанг, сенга қуйидаги хабарни айтадилар. Қачон қўшнимиз Саррани аҳволини билиш учун борса, у қайтиб келади ва: “Қизча жиддий касал эди, аммо ҳозир уни аҳволи яхши”, — дейди.

Меда ҳайрон бўлганга ўхшаб турар, шу учун Билли қўшиб қўйди:

— Саррани Худо ўтган кеча шифолади ва кейин буни менга ваҳийда кўрсатди.

Меда эрини ваҳийси неча марталаб рўёбга чиққанини кўрганига қарамай, унинг оналик туйғуси уни нима бўлганида ҳам қўнғироқ қилишга ундади. Ҳали улар қўшнисини кутар эканлар, Билли деди:

— Унинг сўзларига эътибор бер, чунки унинг жавоби сўзма-сўз менга Фаришта айтганидай бўлади.

Телефон жирингладн. Меда телефон гўшагини эри ва ўгай ўғли қўшнисини жавобини эшитишлари учун қулоғидан бир неча сантиметрда ушлади, у деди:

— Қизча оғир бетоб эди, лекин ҳозир уни аҳволи яхши. Худо уни ўтган кеча шифолади.

Билли маъқуллаб бош ирғади. Бу вақтга келиб, беш йиллик тажрибадан кейин, Раббий Фариштаси доим унга ҳақиқатни гапирганини билар эди. Бироқ у ҳали, Фаришта нима деса, шуни аниқ бажариш қанчалик аҳамиятли эканини англамаган эди. Тез орада Жанубий Африкада, олдида буни тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш турган эди.

57 БОБ
АФРИКАДАГИ ЛАРЗА
1951

ОВ ШЛЯПАСИНИ ОЛИБ, Сидни Жексон пешона терини артди. Об-ҳаво олдинги кунгидан кўра иссиқроқ бўлди. 1951 йилнинг сентябри эди — Жанубий Африкада ёзнинг бошланиши — ва Жексон ўзининг цитрус ўрмончасидаги суғориш линиясини таъмирлар эди. белкурагини ерга суқиб қўйиб, у орқасини дарахтга суяб ўтирди. Бу ёқдан, тепалик ён бағридан, уни кўз ўнгида Хайвельдга — ғарбга Ботсванга, а шимолга бўлса — Робезияга[218] қараб чўзилган ўтлоқ ва яйловларнинг ўрмонли райони яққол кўриниб турар эди. Сидни Жексон шарқроқда, унинг фермаси ва Ҳинд океани оралиғида Транваалнинг Дракон тоғлари — Жанубий Африкадаги йирик тоғ тизмаси — чўзилиб кетган эди. Гарчи Сидни Жексон бутун умрини шу жойларда яшаган бўлса-да, у бу ернинг ёввойи, "қурук" гўзаллигига завқ қилиб қарашдан чарчамас эди.

[218] Родезия — Жанубий Африканинг Шимолий Родезия (ҳозирги Замбия) ва Жанубий Родезия (ҳозирги Зимбабве)дан иборат олдинги регион (Тарж.)

У сафарини[219] эслаб, у айнан шу ола-чипор мушукни отганини эслаб, шляпасидаги леопард терисидан лентани эринибгина силаб қўйди. Ўшандаги фаолияти кўпчилик экспедитциясидан каттароқ бўлган эди. Ҳозир Жексон ҳайвонлар подшосини ов қилар экан, у туб аҳолидан бутун бошли қишлоқни улар буталарга тўла ишланмайдиган ерлардан оралаб ва баланд ўтлар орасидаги пана жойлардан шерларни ҳайдаб чиқишлари учун ёллади.

[219] Овчилар эскпедицияси, Африкада одат бўлган (Тарж.)

У, табиийки, фикран бу қора танли туб аҳолини ўйлади, улардан кўплари унинг дўстлари эди. У йиллар давомида ярим ставка миссионерлик меҳнатини қилиб, Трансвааль провинцияси бўйлаб саёҳатлар қилган эди. Бу вақтга келиб Сидни Жексон учта; инглиз, голланд ва африка тилидан ташқари бир неча жойли диалектда гаплашар эди. У бу ёввойи бутазорларни ёқтирар ва унда африкаликларга нисбатан чуқур ҳурмат пайдо бўлганди.

Сидни Жексон ерли аҳоли ўртасидаги миссионерлик меҳнати ҳақида ибодат қилиш учун кўзларини юмди. Тез орада унинг ибодати, Жанубий Африкада меҳнат қилаётган барча миссионерларни ўз ичига олиб, "шохлаб" кетди. У Раббий Руҳига қанча кўп чуқурлашавергани сайин, у тўсатдан ўзини: "Уилльям Маррион Бранхам", — деб айтганини эшитди. Бундан ҳайрон бўлди. Гарчи у Уилльям Бранхам ҳақида ўқиган бўлса-да, бу америкалик хушхабарчи ҳозир унинг ҳаёлида ҳам йўқ эди. А Маррион Бранхам ким бўлса экан? У тушунмас эди, Уилльям Бранхамни Маррион хотини бўлганмикан? Агар шундай бўлса, унда Уилльям ва Маррион Бранхамларнинг Жанубий Африка миссионерлари билан нима умумийлиги бор? Жексон, унга Худо ниманидир хабар қилмоқчилигини билар, аммо ҳозирги лаҳзада бу нима эканини билмас эди.

Шу кечани ўзида у туш кўрди, унда у Уилльям Бранхамни стадион курсисида сигарет чекиб ўтирганини кўрди.

Бу Жексонни ташвишга солди. Уилльям Бранхам бутун дунёда обрў-эътиборли Худо ўғли эди. Нима учун уни тушида, шундай Художўй-мўмин одам соғлигига шунчалик зарарли, муқаддас бўлмаган ишни қилиб, яъни чекиб ўтирган эди? Худо унга нима демоқчи экан?

Бу кўрган тушидан бир неча ҳафта ўтиб, октябрда, Сидни Жексон газетада Уилльям Бранхам Жанубий Африкага келиши ҳақида ўқиб, ўта ҳайрон бўлди. Миллий қўмита **(Сурат №1)** — унинг таркибига Жанубий Африканинг энг йирик Масиҳчилар деноминациялари черковлари раҳбарлари кирган эди: Голланд Реформаторлар Черкови, Англичан Черкови ва Апостоллар Имони Миссияси — улар икки ойлик айланма сафарни маблағ билан таъминлар эди. бу икки ойлик сафар чоғида, Уилльям Бранхам Жанубий Африканинг ўн битта йирик шаҳрига бориши мумкин бўлади. Бу турне 1951 йил 3 октябрида Йоханнесбургда бошланди. Сидни Жексон, унга Худо нима демоқчилигини билмас эди, бироқ унга қачон бу машҳур америкалик хушхабарчи келганида, у Йоханнесбургда бўлиши лозимлиги унга маълум эди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМНИНГ КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРИ, ҳали у Нью-Йоркдан учишигача бошланди. Халқаро аэропортга келиб, уларнинг визалари тўлиқ талабга жавоб беролмаслиги туфайли, у ва Билли поль жадвал бўйича учолмасликларини билиб олди. Уларнинг иккисига ҳам сариқ иситмага қарши эмлаш ўтказилмаганди. Хуллас, кампаниянинг қолган қисми — Биллининг икки администратори (Эрн Бакстер ва Фред Босворт), ҳамда истеъфодаги армия капеллани – Юлиус Стедсклю — самолётга ўтирдилар ва улардан олдин Жанубий Африкага учдилар. Билли билан ўғлига

аэропортдан сал наридаги касалхонада эмлаш ўтказишди, бироқ улар ҳам учишни амалга оширишларидан олдин, Нью-Йоркда яна уч кун кутишларига тўғри келди.

Шимолий Атлантика океани устидан бу шиддатли парвоз, турбулент[221], нотинч парвоз эди. Билли тушган самолёт Йоханнесбург устида 1951 йил 6 октябри кечки 6:30да айлана бошлади, бироқ қалин туман сабабли ва авиаприборларнинг носозлиги туфайли у фақат кечқурун 9да ерга қўнди. Эрн Бакстер Биллини келишини аэропортнинг учиб келувчилар дарвозасида кутаётган эди. Бакстерни ёнида Биллини Жанубий Африкага сафарини қўллаб-қувватлаган Миллий қўмита бошлиғи, муҳтарам А. Ж. Шуман турган эди. Ҳукумат билан олдиндан келишилганлик туфайли, Биллини шошилинч божхона бошлиғига этдилар. Афсуски, унинг визаси олдингидай қонуний кучга эга эмас эди, у бу давлатга кира олиши учун унинг сариқ иситмага қарши эмланиши ўн икки кунлие инкубацион даврини талаб этар эди. Жаноб Шуман ҳукуматдагиларга бу одамнинг ваъзини эшитиш учун минглаб одамлар кутаётганлигини тушунтириб, улар уни истисно қилишлари учун ёлворди. Ниҳоят, Жанубий Африка Тиббиёт Ассоциацияси Биллига шаҳар территориясига киришга рози бўлди-ю, бироқ уни Жанубий Африканинг бошқа регионларига кейинги ўн кун ичида чиқишга рухсат бермади.

Аэропортдан чиқишларидаёқ, Эрн Бакстер Биллига шу уч кун ичида нималар бўлганини айтиб берди. Жанубий Африкага қўнганларида, минглаб одамлар Биллини учрашишни кутаётганларини кўрди. Албатта, улар Биллини Нью-Йорк аэропортида ушланиб қолганига умидсизликка тушишди. Уларга Биллисиз кампания бошлашдан бўлак ҳеч нарса қолмади, шу учун Бакстер ва Босворт шаҳарнинг энг йирик черков биноларидан бирида йиғилиш ўтказишди.

Залда келганларнинг бир қисмигина жойлашиб билар, шундай қилиб, кейинги кун улар кампанияни шаҳардан 30 километр наридаги Маранафа Парки Черковига кўчиришди. Эрн Бакстер деди:

— Ҳар оқшом одамлар ўртача 10 000дан бўлди. Босворт ака билан мен, шифо олиш учун ваъдасига асос қўйиб, навбат билан ваъз қилдик. Биз у ерга бугун кечқурун қарийб охирида етиб борамиз, бироқ, ҳеч бўлмаганда, сен одамлар билан саломлашишинг ва уларни эртанги йиғилишга тайёрлаш учун бир-икки оғиз сўз айтиб қолишинг мумкин бўлади.

— Бу гапларинг умуман ёмон эмас, — деди Билли, яхши ёритилган кўчадаги биноларга қараб туриб, чарчоқ билан. — Мен, Дурбан шундай замонавий шаҳар деб ўйламагандим ҳам. Мен уни анча қадимги шаҳар деб фараз қилгандим.

— О-о, Бранхам ака, сен адашаяпсан, — деди жаноб Шуман. — Бу Дурбан эмас, а Йоханнесбург.

— Бу Жанубий Родезия эмасми, ахир? — сўради Билли.

— Йўқ, бу Жанубий Африка, — жавоб берди мистер Шуман.

— Хўп, унда Жанубий Африканинг қайси қисмида Жанубий Родезия жойлашган?

— Бранхам ака, Жанубий Африкада Жанубий Родезия йўқ.

— Миям гангиб қолди. Мен хотинимга Жанубий Африка, Жанубий Родезия, Дурбанга хат жўнатишини айтганман.

Мистер Шуман кулгидан пишқириб юборди.

— Бранхам ака, бу сен худди Нью-Йоркка, Канадага хат ёзганингдай гап. Канадада умуман Нью-Йорк йўқ. Родезия — бу Жанубий Африкадан бўлак, умуман бошқа мамлакат.

— Унда Дурбан қаерда ўзи?

— У шарқий соҳилда жойлашган, таҳминан бу ердан 450 километр жануброқда.

— Бу қанча миль?

— 300га яқин.

— Нима десам, Дурбан бу, мени боришимни Раббий истаган жой ҳисобланади. Қачон биз у ёққа борамиз?

Шуман ўзини йўқотиб қўйгудик бўлди.

— О-о, сен у ерга борасан, — у мужмал жавоб берди. — Бундан ташвиш қилма.

Кейин у суҳбат мавзусини алмаштирди.

Маранафа Парки Черкови аслида аудитория эмас эди; у йирик пўлат конструкция бўлиб, ён деворларисиз, томи эса рух қопламали тунукадан эди. Бу бино олдин Йоханнесбургнинг темир йўқ вокзали бўлган эди. Ҳаворийлар Имони Миссияси — Жанубий Африкадаги йирик элликчилар деноминацияси — бу паркни конференциялар ўтказиш учун сотиб олди. Ҳозир Черковда халқнинг бир қисми, 15 000га яқини жойлаштирилган эди. **(№2 Сурат)**

Бу одамларнинг миллий мансублиги Биллини қийин аҳволга солиб қўйди, чунки уларнинг ҳаммаси европаликдай кўринар эди.

— Уларнинг ҳаммаси африкаликми? — сўради у. — Мен ўйлагандим, африкаликлар танаси қора рангли деб.

— Ҳа, булар африкаликлар, — Шуман изоҳлади, — худди мен африкалик бўлганимдай. Голландлар, французлар ва инглизлар Жанубий Африкани мустамлака қилдилар. Умуман, Жанубий Африкада 3 миллионга яқин европаликлар, а қолган 10 миллиони — европалик бўлмаганлар; нафақат ерли аҳоли, балки кўплаб Ҳиндистондан келган муҳожирлар аҳолиси ҳам бор. Бизнинг давлатда ирқий дискриминация бор, шу учун сени кўплаб йиғилишларингда бу икки гуруҳ қўшилмайди. Бироқ бизлар сенинг айрим йиғилишларингни туб аҳоли ўртасида ўтказишингни режалаштирганмиз, шу учун сен уларга ҳам ваъз қила оласан.

Одамлар америкалик хушхабарчи келганини билиб қолиб, тўлқинланиб кетдилар. Билли платформага кўтарилди ва одамларнинг жуда кўп тўпланганига қаради.

— Хайрли кеч, дўстлар, — деди у микрофонда.

Мистер Шуман ҳар бир гапни африканс, Жанубий Африка Республикасининг давлат тилига таржима қилди.

Билли беш дақиқа ҳам гапирмаган эди, бирдан соялар ва ўрмонлардан чиқиб йиғилганлар боши устидан ҳавода келаётган кўк автобусни кўрди. Автобус платформага етарлича яқин масофадан ўтди, шу сабабли Билли олд шиша устида "Дурбан" деган ном ёзилган тахтачани, унинг йўналишини охирги пунктини билдирувчи тахтачани кўра олди. Кейин автобус кўринмай қолди. Билли аудиторияга ўзининг сафари ҳақида сўзини давом эттираверди.

— Дўстлар, кўряпсизми, мен чиндан бу оқшом жуда чарчаганман, парвоздан толиқдим.

Бир неча дақиқа ўтиб, у яна ўша кўк автобусни ҳавода, залнинг охиридан келаётганини кўрди. Аудитория ўртасигача келгач, у тўхтади. Ўспирин-бола ҳассада юриб келиб, автобусга ўтирди. Билли унинг оёғининг бири бошқасидан ҳеч бўлмаганда 15 сантиметр қисқа эканини кўрди. Автобус ўз йўлида давом этди ва унинг ғилдираклари йиғилганлар боши устидан бор-йўғи бир метр жойдан айланди. У яна платформа ёнидаги ўша, Билли гапириб турган жойга келиб тўхтади. Автобус эшиги очилди ва ундан ўша ўспирин чиқди, бироқ бу сафар ҳассаларсиз. У одамлар устидан залнинг охирига қараб ярим йўлга боргунча юрди ва кейин нурнинг чақнашида кўринмай қолди. Тўппа-тўғри шу нур остида ўша боланинг шахсан ўзи ўтирган эди.

Шу йигитни кўрсатиб, Билли деди:

— Ҳу у ерда, охирроқда... оқ кўйлакли, қора подтяжкали бола. Сен Дурбандан келдинг, шундай эмасми?

Билли уни инглизча билишига унча ишонмасди, бироқ у тушунди, чунки у жавоб бериб қичқирди:

— Ҳа, мен Дурбандан келдим.

— Сен ногиронсан, шундай эмасми? Сени бир оёғинг бошқасидан қисқа, ва сен ҳассаларда юришга мажбурсан.

— Мутлақо тўғри! — ўспирин хитоб қилди.

— У энди қисқа эмас, — деди Билли. — Сен шифоландинг. Исо Масиҳ сени шифолади.

Аудиториядан ҳайронлик тўлқини ўтди, аммо бир онда ҳеч нарса содир бўлмади. Йигит тортқилар билан шунчалик қаттиқ "боғланган" эдики, ўз оёғини яроғлилигини текшира олмадиям. Бир неча одам уни турғазишди, одамлар орасидан кўтариб олдинга олиб ўтишди ва уни ҳаммага кўринадиган жойга, баланд платформага турғазиб қолдиришди. Қачон одамлар уни шу ҳолатда қолдиргандилар ҳамки, у совуқ терга тушиб кетди. У эҳтиётлик билан шиналанган оёғи бардошини текшириб, аста бир қадам ташлади. Оёғи уни кўтарди.унинг кейинги қадами анча бепарвороқ бўлди ва тез орада бола умуман чўлоққа ўхшамай, платформада у ёқ – бу ёққа юра бошлади.

Ҳали йиғилганлар Раббийни улуғлашар эканлар, Юлиус Стедсклю боладан унинг ўтмишини билиб олди. **(№3 Сурат)** У оиладаги ўн боланинг кичиги экан, ногирон туғилган ва тўрт ёшлигидан бери мутахассис-врач кузатувида турган. Икки йил давомида у металлдан ясалган оёқ скоба-тортқичларини тақиб юрди, бироз бўлса-да, аҳволи яхшиланмади. Кейинроқ мутахассис операцияни таклиф қилди, аммо самараси бўлишига ҳеч қандай кафолат бўлмаганлигидан, боланинг оиласи унга рози бўлишмади. Уилльям Бранхам Жанубий Африкада бўлишини эшитган Эрнест, хушхабарчини Дурбанга келишини кутиб туролмади. У ота-онасини уни Йоханнесбургга этишларига кўндирди. Эрнест, қачонки Уилльям Бранхам унга гапирганида, у ғалати ҳиссиётни сезганини, гўё унинг танаси орқали совуқ сув оқиб ўтганидай бўлганини айтиб берди. У ўшанда шифоланганини тушунди.

Билли бу орада аудиторияни ишонишга ундар эди.

— Кўряпсизларми, Исо Масиҳга ишониш нималар қила олишини? Хўш, мен врачларга қарши эмасман. Мен врачларни қувватлайман. Худо уларни дуо қилсин. Врачлар сизларга ёрдам бериш

учун. Бироқ врачлар, шифолай оламиз, деб айтишолмайди; улар, табиатга ёрдам берамиз холос, деб тасдиқлашади. Худо Шифокор ҳисобланади. Сиз агар қўлингизни синдирсангиз, врач уни тўғрилаши мумкин, аммо ким уни бир-бирига тутиб кеттиради? Агар сиз қўлингизни кессангиз, врач кесилган жойни тикиши мумкин, аммо, фақат Худо у ерга яна терини ўстиради. Ва қачонки врач сиз учун қўлидан келган ҳаммасини қилгач, унда имон билан Раббий Исо Масиҳга қараш вақти келди.

Билли гапира туриб, ҳавода, одамлар боши устида яшил енгил машина тез ўтганини кўрди. Жуда катта тезликда бурилиб, у муюмишда бошқарувни йўқотди ва айланиб-айланиб, орқа томони билан дарахтга урилди. Ҳалокат жойига тез ёрдам машинаси келди ва қутқарув автомобил бўлаклари орасидан оқиш сочли ўспирин қизни чиқариб олди. Билли қутқарувчилардан бирини, қизни орқаси бир неча жойидан синиб кетганини айтганини эшитди.

Ваҳий тугагач, у одамларга қараб, бу қизни қидира бошлади, аммо уни тополмади. Кейин Олов Устуни унинг кўз олдида ялт этди ва ундан бор-йўғи бир метр жойда муаллақ турди. Билли платформа четига келди ва пастга қаради. Мана, у ўша ерда, пастда орқачада ётар эди ва унинг раскладушкаси платформага шунчалик яқинлигидан, у олдинга чиқмаганида, уни кўролмас эди. Қизча кўринишидан ўн тўрт ёшларда эди. Билли уни кўрсатиб туриб, деди:

— Ёш леди, сен ахир яқинда автоҳалокатга учрамаганмисан?

— Ҳа, — деди у базўр қийналиб ва унинг чаккалари ҳаяжондан қизарди.

— Сен кўк машинада эдинг, у айлана бошлади ва орқа бампери билан дарахтга урилди ва сени орқанг уч жойидан синган.

Кейин Билли уни яна ваҳийда кўрди: у ҳавода аудитория устида, қўлларини баланд кўтариб сакрар ва Худони улуғлар эди. Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, у шундай деди:

— Исо Масиҳ Исми ҳақи, тур, чунки РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сен шифоландинг".

Қизчанинг онаси унинг ёнида ўтирган эди, ўрнидан турди ва бунга қаршилик қила бошлади:

— Йўқ! Унга мумкин эмас! У авариядан бери қимирламаган! Агар у қимирласа, врач айтди, бу уни халок қилади!

Бироқ, ҳатто онаси норози бўлган вақтда, уни қизи раскладушкадан туриб, бир қадам қўйди. Шу пайт аудиторияда қизчанинг қувончли қичқириғи эшитилди. Бу онани ўзига тортди. Ёнида турган қизини кўриб, она ҳушдан кетди ва ҳозиргина қизи туриб кетган раскладушкага йиқилди. **(№4 Сурат)**

Аудитория ўз-ўзидан Худони улуғлай бошлади. Йиғилишни умумий ибодат билан тугатиш вақти келганини сезган Билли, одамларга бир-бирига қўл қўйишни ва ёнида турган киши учун ибодат қилишини сўради. Одамлар қизғин, кўтаринки руҳда ибодат қилишар экан, Билли артритдан шифоланган аёлни кўрди. Ваҳий ғойиб бўлгач, у аёлни одамлар орасида кўрди ва уни қўли билан кўрсатди. Аёл унга жавобан, бу ҳақиқатан бўлганини тасдиқлаб, унга қўл силкиди. Боши айланганини сезиб, Билли жуда қаттиқ зўриқишдан йиқилишига сал қолди. У кимнингдир бақувват қўллари уни ушлаганини, Маранафа Парки Черковидан олиб чиққанини ва машинага солганларини элас-элас эслади.

Йиғилишдан кейин жаноби Шуман Эрн Бакстерни ва Биллини яхшилаб ухлаб олишлари учун уйига олиб келди. Йўл-йўлакай Шуман бу мўъжизаларни кўришдан ва бу йиғилишлардан у қанчалик хурсандлигини айтди. Билли янглишмаган эди. У бу одамдаги скептицизм — шубҳаланишни, саваннадаги ўтларни фил босгандаги изни сезгандай, билиб турар эди. Унга бундайин ишончсизлик билан қаровчи маълумотли Масиҳчилар ўртасида ҳам тез-тез дуч келишига тўғри келган эдики, улар бу ҳақиқатан ҳам юрак сирларини қандайдир тарзда яхши ўйланган ҳийла-найрангми — эҳтимол, ақлий телепатия, ёки аудиторияга таъсир қилиш учун куч ишлатишга ўхшаган, оммавий психологиями, улар ҳайрон бўлишардилар. Одатда, Билли скептик-шубҳаланувчилардан ҳавотирланмасди. Бироқ, бу одам Биллини Жанубий Африкада ўтказиладиган барча йиғилишлари учун жавобгар бўлган қўмитанинг раҳбари эди. Агар мистер Шуман скептиклигича қолаверса, бу муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

ГАРЧИ тўртта элликчилар деноминацияси — Ҳаворийлар Имони Миссияси, Худо Ассамблеяси, Элликчилар Муқаддаслиги ва Худонинг Тўлиқ Хушхабари Черкови — Уилльям Бранхамнинг Жанубий Африка кампаниясининг асосий спонсори ҳисобланса-да, кўплаб бошқа деноминациялар ҳар хил даражада ҳамкорлик қилдилар. Бундан Голланд Реформатор Черкови мустасно эди, қайсики улар Илоҳий шифоланишга ишонмас эдилар. Голланд Реформатор Черкови пресвитери, ўзининг тенгдошлари ва унга обрў-эътибори бўйича тенг бўлганларнинг танқидларига қарамасдан, биринчи оқшом Йоханнесбургда ўтирар ва америкалик хушхабарчининг ҳаракатларини танқидий назар билан ўрганар эди. Юрак сирларини билиш иноятн мутлақо нотанишларни билишини

кўриб, у бу Худонинг иши эканлигига ишончи комил бўлди. Йўл-йўлакай у уйга кетишда, дўстиникига ўзининг хурсандлигини бўлишиш учун, Голланд Реформатор Черкови хушхабарчисиникига кирди.

Бу хизматчи унинг бундай гўллиги учун койиб, шундай деди:

— Бранхамни иблис илҳомлантиради. У учига чиққан фолбин. Ундан узоқроқ юр.

Пресвитер дўстининг уйидан думоғи куйиб чиқди. Бу хизматкорнинг эшиги яқинидаги шафтоли дарахти тагида тиз чўкди ва ибодат қила бошлади: "Худойим, мен ишонаман, бугун оқшом мен кўрганларим ҳақиқатдир, ва мен ишонаманки, Бранхам ака бизга ҳақиқатни гапиряпти, чунки Сендан бошқа ҳеч ким бундай мўъжизаларни қила олмайди. Мен ишонаман бунга, аммо менинг дўстим ишонмайди. У ҳам буни кўриши қанчалик муҳим?"

Бирдан у елкасини кимнингдир қиздирилган темирдай куйдурувчи қўли билан тутганини сезди. Ўрнидан сакраб турди, ким унга текканини кўриш мақсадида бурилди. У ерда ҳеч ким йўқ эди — ҳеч бўлмаганда, у кўришни кутган ҳеч ким йўқ эди. Бироқ, ҳавода тикка ҳолда 30 сантиметрлар узунликдаги нур тасмаси осилиб турган эди. Унинг кўз ўнгида бу нур гултожи ўлчами катталашаверди, кейин икки қисмга бўлинди ва бу иккита яримталик орасидан қора сочлари елкасига тушган, оқ кийимли йирик одам чиқди. Бу нотаниш гапирмагунича, пресвитернинг нафаси чиқмай турди.

*— **Бор,** — деди оқ кийимли нотаниш киши, — **дўстингга айт, у бу одамни ҳукм қилиши керак эмас, чунки бу келиб кўриш соати.***

Кейин нотаниш ғойиб бўлди.

Ўртоғининг уйига йугуриб, эшикдан отилиб кирди-да, қичқирди:

— Мен ҳозиргина Фариштани кўрдим! У мен билан шу ерда, ҳовлида учрашди ва сенга, бу бизга келиш соати эканини айтишни буюрди. У қўлини менинг орқамга қўйди ва у мени куйдирди.

Албатта, хизматчи бунга шубҳали қаради. Бироқ, дўстининг орқасига қараб, у кўйлакнинг оқ материалида инсон қўлини куйдирилганини кўриб, эсанкираб қолди! Бу уни ишонтирди.

ЭРТАСИ КУНИ ЭРТАЛАБ, учала америкалик миллий қўмита раҳбарини уни ошхонасида учратишди.

— Хайрли тонг, Шуман ака, — деди Билли қувноқ оҳангда, нонушта қилиш учун стол атрофида ўтира туриб. — Шубҳасиз, бу ерда бизда об-ҳаво жуда яхши.

Мистер Шуман баланд бўйли, пешонасидан сочлари тушган, оқарган мўйловли ва қалин пластмасса гардишли кўзойнакдаги озғин одам эди. У тиззасидаги салфеткани тузатди-да:

— Ҳа, ҳаво яхши. Унутманглар, бу бизда ёзнинг бошланиши. Биздаги фаслларнинг айланиш цикли сизникига тескари, — деди.

Билли Шуманнинг онгини ҳавотирга солаётган шубҳани сезиб, ичида ибодат қила бошлади: "Раббий, агар Сен менга уни ғафлатдан чиқаришга ва ишонтиришга бироз ёрдам берсанг, бу катта ёрдаминг бўлар эди, чунки у бу ерда мени маблағ билан таъминловчи қўмитанинг раисидир".

Улар нонуштани ва қисқагина суҳбатни, токи Билли бироз вақтдан кейин Муқаддас Руҳ илҳомини сезмагунича, давом эттиравердилар.

Тезда ваҳий пайдо бўлди. Худди миниатюр театр кўриниши каби, мистер Шуманни ва унинг кичкинагина қизчасини врач кабинетида ўтириб, уни тинглаётганини кўрди. Деворда, уларни орқаларида 1951 йилнинг апрелини кўрсатиб турган календар осилган эди.

— Мистер Шуман, сени кичкина қизчанингни Андре дейдилар, шундай эмасми?

Мистер Шуман ҳайрон қолганидан вилкани тушуриб юборди. У жаранглаб тералкасидан учиб, полга тушди.

— Ҳа, Бранхам ака. Сен қандай билдинг?

— Олти ойлар бурун сен ундан айрилиб қолишингга сал қолувди, шундай эмасми? Унинг томоҳида нимадир яхши эмас эди. Врачлар уни операция қилишди ва ундаги томоқ безини олиб ташлашди, лекин операция жуда ҳам муваффақиятли ўтмади. Шундан бери у овқатни ютишда қийналади, нотўғрими?

— Бранхам ака, бу мутлақо тўғри. Раббий сенга уни келажаги ҳақида бирор нима кўрсатдими?

— Ҳа. У ҳақида ҳавотирланма. У яхши бўлиб кетади.

Шуман стол тагидан вилкасини олиш учун эгилганида, унинг стули оёқлари шақиллади. Кейин у деди:

— Бранхам ака, мен ўз хатоимни тан олишим керак. Ҳозиргача мен сенга шубҳаланиб, ишонмайроқ қарар эдим. Аммо ҳозир эшитганларим ҳақиқат эканини биламан.

Газетанинг эрталабки номери келгач, Шуман Голланд Реформатор Черкови пресвитери ҳақидаги ҳикояни ҳқиб, унда унга ўтган кечқурун Фаришта текканини тасдиқлар эди, тонг қотиб қолди. Газетада ҳатто одам қўли изи бор елкаси куйган оқ кўйлакни суратини ҳам босишган эди.

— Бранхам ака, сен буни ўқишинг лозим!

— Менга бу ҳақида аллақачон маълум, Шуман ака. Раббий буларни ҳаммасини ваҳийда менга кўрсатди. Агар шу кўйлакни олиб келсанг бу ерга, мана кўрасан, менинг чап қўлимни ташқи кўриниши ўша куйган изга мутлақо мос келади.

Жаноб Шуман газета редакцияси билан боғланди ва тез орада репортёр бу кўйлакни уни уйига олиб келди. Кафтнинг куйган контури кўйлакнинг орқасида аниқ кўриниб турган эди. Билли ўзини чап қўлини бу изга бармоқларини ўша из бўйича суриб, қўйди. У ўзи бу ҳақида айтганидай, унинг кафти аниқ унинг изига мос келди.

58 БОБ
ИБЛИС ТУЗОҚ ҚЎЯДИ
1951

ЙОХАННЕСБУРГ УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ хизмати туфайли “сейсмик шок”дан қалтиради. Жанубий Африканинг бутун жанубий “шохчаси” бўйлаб руҳий силкиниш тарқади. Биринчи йиғилишда бўлган одамлар кўрганлари ҳақида хабар бериш учун ўз оилаларига ва дўстларига қўнғироқ қилишди. Ҳар оқшом халқ кўпаяверди. 1951 йил 8 октябри, сешанба оқшомида (Биллининг шаҳарда бўлган учинчи оқшоми), Маранафа Паркига юрак ниятларини билишни кўриш учун 17 000 дан кўп одам тиқилишди. Кўплар, кимки касал ҳолда келишган, у ёқдан соғайиб чиқишди. Қарийб ҳамма одамлар бинодан ҳаяжонланиб чиқишар, пайғамбар Африкага келгани ҳақидаги янгиликни тарқатишар эдилар ва Исо Масиҳ бу пайғамбарда бўлиб туриб, Палестина йўллари йуриб, У кўрсатган ўша мўъжизаларни қилганини: касалларни, чўлоқларни, карларни, кўрларни шифолаганини ва одамларнинг юрак сирларини очганини айтишар эдилар. Гўё ҳамма нарса мумкин эди.

Чоршанба эрталаб Жанубий Африка Тиббиёт Ассоциацияси Биллини нонуштага таклиф этишди. Уларнинг вакили шундай деди: “Жаноб Бранхам, Жанубий Африкадаги врачларнинг кўпчилиги Масиҳчилардир. Бизлар врач бўлдик, чунки бизлар одамларга ёрдам беришни истадик. Бошида, эҳтимол, сиз врачлар ва тиббиёт негативдир ва ундан четроқ юриш керак дея Масиҳчи фанини ваъз қиларсиз, деб уйлаб, сизга ишонқирамай қарадик. Энди бизга бутунлай очиқ-равшан бўлдики, сиз врачларни қўллаб-қувватлайсиз. Биз Илоҳий шифоланишга сиз уни қандай ваъз қилаётибсиз, худди шу тарзда ишонамиз. Жаноб Бранхам, гарчи сизнинг сариқ иситмадан эмлашни иккубацион даври ҳали тугамаган бўлса-да, биз барибир сизга бутун мамлакат бўйлаб сафар қилишингизга ижозат берамиз. Ва бу ҳали ҳаммаси эмас — биз касалхоналаримизнинг эшикларини очамиз ва пациентларимиздан сизнинг йиғилишларингизга боришни истаганларнинг ҳар қайсисини ўша ерда бўлиши учун ғамхўрлик қиламиз”.

Нонуштадан кейин Эрн Бакстер Биллига келиб:

— Бранхам ака, менда сен учун янгилик бор. мен сени Дурбанга боришни хохлашингни биламан, аммо, у ёққа тўппа-тўғри Йоханнесбургдан бориш ўрнига, Миллий Қўмита маршрут тузди, ўша бўйича бизлар 1600 километрдан кўпроқ жанубга, Кейптаунга борамиз, а ундан кейин шарқий соҳил бўйича юқорига – Дурбанга кетамиз. Шунақа режа ҳақида нима деб ўйлайсан?

— Мен учун фарқи йўқ, — жавоб берди Билли, — асосийси, Дурбангача етиб олиш, чунки мен айнан ўша ёққа боришга руҳим етаклаётганини сезяпман. Қачон биз йўлга тушамиз?

— Эртадан кейин.

Улар Йоханнесбургда бор-йўғи эндигина йиғилишлар ўтказишни бошлаганликлари сабаб, бу нарса фавқулоддалилиги билан Биллини лол қилди. Уларда маҳаллий тиббиёт ассоциациясининг нафақат маъқуллаши, балки Билли ҳамма вақт ҳам эга бўлавермаган матбуотнинг ижобий баҳоси бор эди. Йиғилишлар ҳақиқатан ҳам жуда яхши ўтаётган эди. Ҳар кечқурун одамлар улар билан шифоланишлар ва мўъжизалар ҳам кутаётган эди. Нима учун энди бу ердан бундай тез кетиш керак? Бу ғоя ҳеч ҳам Биллининг онгига етиб бормас, аммо у бу ҳақида ҳеч нарса демади. Нима бўлганда ҳам, у жанубий-африка хизматчилар ассоциациясининг меҳмони эди, шу учун фақат улар унинг барча тайёргарликларига қўйиб бериши тўғри бўлиб кўринди.

Ўша оқшом Билли йиғилишдан кейин ора-сира ухлай олди. Кечаси соат иккиларда уни ғалати чийилдоқ қичқириқ уйғотиб юборди. У ётоқхонаси деразасига, бу қандай қуш бундай ғалати товуш чиқардийкин, деб ўрмалади. Уни бор-йўғи кўргани — енгил шабадада чайқалаётган қамиш эди, холос. Тўшагига қайтиб яна ухлашга уринди, аммо бўлмади. Ўқиса уйқуси келар деб, Билли чироқни ёқди, кроватнинг олд деворига суяниб ўтирди-да, Библияни очди.

Бирдан унинг териси санчиб, энсасида сочлари тикка бўлди. Кўзини Библиядан олиб, хонани ўртасида турган Раббий Фариштасини кўрди: унинг оқ либоси электр чироғи нурида ярқирарди. Очиқ деразадан эсаётган кучли шамол Фариштанинг қора сочларини шўх тортқиларди. Ҳатто табиий тўғри маънода ҳам унинг сиймоси кучли таассурот уйғотар эди: Фариштани бўйи икки метрга яқин ва ҳеч бўлмаганда 100 килограммлар келар эди. Ғайритабиийлик нуқтаи-назаридан у иззат-икромли қўрқувга солар эдики, бундан Биллининг кўкраги “қўрқувга тўла бўғчадай” сиқилар эди.

Фаришта қўлларини кўксида қовуштирди, Биллига қаттиқ тикилди ва деди:

— Бу одамлар билан Кейптаунга жўнаб кетма. Шу ерда Йоханнесбургда икки ҳафта қол ва йиғилишлар ўтказ. Эртага бир одам билан учрашасан...

Фаришта ҳали гапириб турар экан, хона худди ҳозиргина акварелда чизилган манзарага тоза сув тўкилгандай чаплашиб кетди. Қачонки ранглар тингач, Билли қараса, у юзи кавказликка ўхшаган одамга қараб турибди. У қорайиб кетган, бақувват ва кўринишидан эллик ёшларда эди. Унинг қулоқлари унчалик катта бўлмаган ва катта бурни ясасқи эди. Бошида леопард терисидан лентали овчилар шляпаси бор эди. Ваҳийда бу одам хижолатга соладиган туш кўрди.

Фаришта деди:

— Уни Сидни Жексон дейдилар, ва у шимолда фермерлик қилади. У ажойиб овчи ва у сен учун ажойиб сафари ташкил қилиши мумкин. Йоханнесбургда икки ҳафтани ўтказиб, сен кейинги ўн кунни Сидни Жексон билан овга бағишлашинг лозим. Кейин тўппа-тўғри Дурбанга жўна ва ўша ерда мен сени чақирмагунимча бўлиб тур. Агар сен буни ҳаммасини бажарсанг, мен бу мамлакатни сенга бераман.

— Лекин мен бу одамларни қандай қилиб кўндираман? Ахир улар аллақачон менинг сафаримни тўлиқ маршрутини тузиб қўйганлар-ку.

— Раббийнинг иродаси шунақа экани улар била олишлари учун, эртага муҳтарам Шуман сени Йоханнесбургга машинасида этади...

Вазият яна ўзгарди, ва Билли парк ёнида кўча бурчагини кўрди. Ҳандақ четларини ярқираган гуллар безаб турар эди. бинафша ранг кийимли маҳаллий аёл, кўча бурчагида турган эди. Фаришта деди:

— Бунга муҳтарам Шуманнинг эътиборини қарат. Бундай кейин улар сени Преторияга олиб кетишади...

Воқеалар жараёни шоссега ўтди, у ерда маҳаллий қизча йўл ёқасида мунчоқ сотиб ўтирган эди. сочлари пешонасининг бир томонида қириб ташланган ва у ерда кишини жиркантирадиган яра ўрни бор эди. Унинг мунчоқларига қараган пайтида, Билли ўткир қичқириқни эшитди ва йўл устидан учиб кетган ғалати қушни кўриб қолди. Энди Фаришта шундай деб қўшиб қўйди:

— Эрн Бакстерга, сен унга айтганингни, буни бўлишини эслатгин, бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ, эканини билиши учун. Преторияга борганингда, улар сенга бир одамни ибодатга олиб келадилар, у одам ўзининг ён бошида рак бор деб ўйлайди, аммо у адашади. У жарроҳлик хатосидан азоб чекаяпти. Яқинда бўлган операция вақтида, хирург жарроҳнинг қўлидан пичоғи сирғани чиқиб кетиб, танасининг умуман бошқа қисмини кесиб қўйди. Бу одам учун ибодат қилма, чунки у ўлади.

Биллининг атрофида ваҳий тарқади ва у олдинги ҳолатига қайтди: у аввалгидай кроватининг олд деворига суянганча, тўшагтда ўтирар эди; тиззаларида Библия ётган, а чаккаларидан бўлса, тер ағанар эди. Раббий Фариштаси ғойиб бўлди.

Билли бу ҳақида администраторига хабар қилиш учун қўшни хонага югурди.

— Бакстер ака, уйғон. Раббий Фариштаси ҳозиргина менга келди ва бизлар Миллий Қўмита тайин этган маршрут бўйича боролмаслигимизни менга айтди.

Уйқули кўзлари билан Эрн Бакстер бош ирғади ва деди:

— Нима ҳам дердим, эртага сен бу ҳақда Шуман акага айтишингга тўғри келади.

Эрталаб Билли мистер Шуманни қидириб келди. У уни топганида, у қандайдир топшириқ бўйича кетишга чоғланаётган эди. Билли у бирга боришни сўради. Улар топшириқни бажариб бўлганларида ва ўз ерларига қайтаётганларида, Билли суҳбатдошига Фариштанинг кечаги келиши ҳақида сўзлаб берди.

— Шундай қилиб, Шуман ака, сенга ўша маршрутни бекор қилишингга тўғри келади.

Шуман қўлини сочлари тўкилган пешонасидан ўтказди.

— Бранхам ака, мен бундай йўл тутолмайман. Ҳамма муддатлар тайинланган ва тайёргарликлар қилиб қўйилган. Биз Клерксторпга эртага эрталаб жўнаймиз. Биз буни бирор-бир сабабсиз бекор қилолмаймиз.

— Бироқ сабаб бор-ку ахир, асосоли сабаб. Раббий менга айтди, мен у ёққа бормаслигим керак.

— Ачинаман, Бранхам ака, лекин биз ўша маршрутга риоя қилишга мажбурмиз. Биз аллақачон минг долларлаб рекламага сарфлаб юбордик ва одамлар у ерда бизни келишимизни кутишмоқда.

Билли бу маршрутни бекор қилиш кераклигини талаб қилар, аммо Шуман заррага ҳам ён бермас эди. уйга ҳали етиб бормай, у йўлнинг четидан қарама-қарши томонга қараб келаётган бир

эркак билан аёлни ёнидан ўтиб кетди. Шуманнинг автомобили бу эр хотинлардан ўтиши билан, Билли ўша эркакни таниди.

— Шуман ака, тўхта!

Чўчиб кетган Шуман машинани кескин тўхтатди. Билли машинадан чаққон чиқди-да, бу жуфтга ўзини таништирди. **(№5 Сурат)**

— Ассалом-алайкум, мен Бранхам акаман.

— Бранхам ака, мен бу ёққа сиз билан учрашиш учун келдим. Менинг исмим...

— Биламан, — уни бўлди Билли. — Сизни Сидни Жексон деб аташади. Раббий Фариштаси менга сизни фермангизга бориб дам олишимни айтди. У менга сизни тушингизда мени сигарет чекиб ўтирганимни кўрганингизни ҳам айтди, аммо мен сизга айтмоқчиманки, мен умуман чекмаганман. Раббий сизга агар, Миллий Қўмита хохиши бўйича йўл тутсам, мен унга қулоқ солмаган бўлишимни кўрсатган. Нима учун энди сизлар орқага қайтмайсизлар ва бизлар билан нонушта қилмайсизлар?

— Жоним билан, — деди Жексон уялинфқираб.

— Жуда яхши. Айтганча, Маррион — бу менинг иккинчи исмим.

Сидни Жексон нимадир демоқчи бўлгандай оғзини жуфтлади, лекин ҳайрон бўлиб қолганидан, тилдан қолди.

Нонуштадан кейин Билли шундай деди:

— Мен билдириб қўймоқчиман. Биз ушбу маршрут бўйича Клерксдорп ва ундан узоқларга боролмаймиз. Раббий менга шу ерда, Йоханнесбургда яна икки ҳафта қолишимни, ундан кейин мистер Жексонни фермасига боришни ва ўн кун давомида дам олишим учун ов қилишни буюрди. Кейин мен тўппа-тўғри Дурбанга боришим ва у ерда то У мени чақиргунича бўлишим керак бўлади. Ўйлашимча, мен Дурбанда бир ойча бўламан.

Бу ҳамма учун ноқулай аҳвол эди. Эрн Бакстер деди:

— Бранхам ака, мен сенинг қарорингга розиман, бироқ сен уни Миллий Қўмитадан маъқуллатиб олишинг керак бўлади.

— Нима дердим, мен бу ҳақда мистер Шуманга айтдим, у бўлса қўмитанинг боши. Шундай қилиб, энди бу уларга маълум.

Билли жаноб Шуманга қараб қўшиб қўйди:

— Сизлар бу ҳақиқат эканлигини билишингиз учун, бугун шаҳарга боришда, бизлар бинафша рангли кийимда маҳаллий аёлни кўрамиз.

Шуманнинг юзида шубҳа ифодаси пайдо бўлди.

— Бранхам ака, мен бу ерда бир умр яшайман ва менга олдин ҳеч қачон маҳаллий аёлни бинафша рангли кийимда кўришимга тўғри келмаган.

— Нима десам, сен уни бугун кўрасан. У парк олдида, кўплаб скамейкалар бор жойда туради, одамлар гуллар билан савдо қилишади.

Шуман қошларини чимирди ва деди:

— Мен биламан, қаерда бу парк.

— Бизлар бугун шу жойни яқинидан ўтамиз, — давом этди Билли. — Кейинроқ Бакстер ака билан мен Преторияга борамиз ва мунчоқлар сотиб турган шу маҳаллий қизчага қараш учун тўхтаймиз. Унинг пешонасини бир томонида, каттакон чандиқ кўриниб турган жойида сочлари қириб олинган. Ҳали бизлар ундан бир неча жуфт маржон сотиб олар эканмиз, йўл устидан ғаройиб қуш учиб ўтади. Мана шу аломатлар асосида менинг айтганларим ҳақиқат эканини билиб оласизлар. Раббий ўша маршрут бўйича жанубга кетишимизни истамайди.

Мистер Шуман иккиланиб, деди:

— Мен буни қўмитанинг қолган аъзолари билан муҳокама қиламан ва кўрайчи, улар нима деркин.

Кейин улар бошқа ишлар билан банд бўлишди. Эрталабки соат ўнларда жаноб Шуман Биллидан ўзи билан шаҳар марказига боришини илтимос қилди. Улар Шуманнинг офисида тўхтадилар. Ортга фермага қайтишларида, Билли ваҳийда ўтган кеча кўрган паркни таниди. Шуманнинг елкасига қоқиб, бинафша рангли кийимдаги маҳаллий жойли қизчани кўрсатди.

— Ҳа, ҳеч қачон ўйламаган бўлардим! — мистер Шуманнинг бор-йўғи айтгани шу бўлди.

Ўша ерга қайтган пайтда, Билли Юстус ДуПлесис билан танишди, Биллининг Жанубий Африкада бўладиган қолган вақти унинг африканс тилига таржимони бўлиши керак эди. ДуПлесис кўркам жилетли костюмда эди. Пешонасида сочлари йўқлиги ва юзининг ориқлиги билан, агар Миллий Қўмита раисини кўзойнаги ва мўйловини демаса, анчайин мистер Шуманга ўхшаб кетар эди. **(№6 Сурат)** ДуПлесис ва Шуман Преторияга (Бу шаҳар Йоханнесбургдан 46 километр узоқда жойлашган) боришга ва ўлим тўшагида ётган одам учун ибодат қилишга тараддудландилар. Улар

Биллидан боришни хохлармидинг, деб сўрашди. У, албатта, рози бўлди. Уларга Эрн Бакстер ҳам қўшилди. Йўл-йўлакай Юстус ДуПлесис ўзининг америкалик йўловчилари билан Жанубий Африка туб аҳолисининг маъданияти ҳақидаги жозибадор маълумотлари билан ўртоқлашди.

— Одатда, шоссенинг мана шу участкаси бўйлаб ўнлаб туб аҳоли савдогарларини учратиш мумкин. Улар ўз қўллари билан ясаган ҳар хил майда-чуйдаларини автомобелистларга сотиш умидида, йўл четларида капалар ўрнатишади. Улар қанақа буюмлар билан савдо қилишларини кўра олишингиз учун биз тўхтаб, уларни бир-иккитаси билан гаплашамиз. Эҳтимол, сиз эсдалик учун бирор нима харид қиларсиз.

Билли шўхлик қилиб, ўзининг администраторини биқинига туртиб қўйди, бироқ у Юстус ДуПлесисга Биллининг кечаги ваҳийси ҳақида чурқ этмади. Миллар кетидан бошқаси ўтаверди, а тўртала йўловчи йўл бўйида битта ҳам савдогарни кўрмади.

— Қизиқ, — деди ДуПлесис. — Одатда бу ерда кўп савдогарлар бўлар эди.

Кейин суҳбат бошқа мавзуга кўчди. Бир неча километрдан кейин улар йўл четида капада ўтирган ёлғиз қизча ёнидан ўтиб кетишди. ДуПлесис ҳикоя қилишга шунчалик берилиб кетганидан, унинг ёнидан ўтиб кетди. Ярим мил ўтиб, у ҳикоясида етарлича жим қолганидан, Билли улар ўтиб кетган савдогар қизча ҳақида эслатиб билди. ДуПлесис ваъдасини эслади, машинасини қайтарди ва орқага юрди.

Савдогар-қизча қўл билан ўйиб ясалган мунчоқлар билан савдо қилар эди. Уни пешонасини бир томонини хунук кўрсатиб турган ярани чандиғидан юзи эсда қоларли эди Эрн Бакстер қизчани суратга тушурди. Кейин, қичқириқни эшитиб, у бурилди ва йўлни устидан учиб ўтган каттагина ранг-баранг қушни кўрди.

— Бранхам ака, қара. Ғалати қуш эмасми, ахир?

— Бу ёввойи товус, — Шуман тушунтирди.

Пешонасида чандиғи бор қизни кўрсата туриб, Билли шерикларидан сўради:

— Наҳотки сизлар мен эрталаб айтиб берган ваҳийни эслолмасангиз?

Бакстер кўзойнагини олди. Ҳайрон қолганидан уни кўзлари катта-катта бўлди.

— Бранхам ака, ахир бу аниқ, худди сен айтганингдай бўлди-ку.

Нигоҳини тўғри Миллий Қўмита раисига тикканча, Билли эълон қилди:

— Шуман ака, мен эртага ўша маршрут бўйича кетолмайман. Афсуски, агар бу сенинг қўмитанг аъзоларига ва уларнинг режаларига халақит берса, афсусланаман, лекин Раббий менга ўша маршрутга риоя қилмасликни буюрди.

Мистер Шуман дарғазаб оҳангда ғўлдиради:

— Бранхам ака, биз унга риоя қилишга мажбурмиз.

— О-о, сиз шундай кетишингиз мумкин, аммо мен кетмайман.

Шу сўзлар билан Билли бурилди-да, машинага қайтди.

Эрн Бакстер унга етиб олиб, унга шивирлади:

— Бранхам ака, агар бу Америкада бўлганида эди, биз бу маршрут бўйича жанубга кетмаймиз деб, “Йўқ” дейишга сенинг администраторинг сифатида ҳаққим бўлар эди. Аммо биз бу ерда шу хизматчилар қўлида турибмиз. Улар сени Раббий ваҳий орқали бошқараётганини тушунишмайди. Мен юз фоиз сен билан турибман, бироқ бу одамларни тушунишга ундаш — умуман бошқа гап.

— Нима дейгин, улар буни тушунадими ёки йўқми, Раббий менга нима буюрса, айнан шундай қилмоқчиман, шуни мен биламан.

Кейинги куни эрталаб — жума куни, 1951 йилнинг 12 октябри — Билли йўлакчада салт ушлаб турган машина моторлари товушидан уйғонди. Билли нималар бўлаётганига қараш учун пижамада фойега чиқди. У уни жанубга олиб кетишга кузатиб борувчилар келганини билиб, ҳайрон бўлди.

Юстус ДуПлесис ҳам таажжубда қолди.

— Бранхам ака, наҳотки сен ҳали йўл тараддудини қилмадинг?

— Йўқ, сэр. Мен ҳатто нарсаларимни йиғиштирмадим. Ва мен ҳеч қаёққа бормоқчи эмасман.

— Сен нарсаларингни йиғиштирсанг яхши бўлар эди, — деди мистер Шуман. — Сен тайёр бўлишинг билан бизлар Клерксдорпга жўнаймиз.

Билли қароридан қайтмади.

— Мени яна икки ҳафта йўлга чиқишга заруратим йўқ, кейин эса нарсамни йиғиштираман ва Жексонни фермасига арслон овига бораман. Ўшангача мен йиғилишларни шу ерда, Йоханнесбургда ўтказаман.

— Биз бу ерда йиғилишларимизни тугалладик, — дея, Шуман бош чайқади.

— Сиз йиғилишларни тугатдингиз?

Бу жавоб Биллини эсанкиратиб қўйди. У умуман бунақа йўл тутишларини кутмаганлигидан, бу уни ғафлатга қолдирди.

— Бу кулгили-ку. Биз бу ерда Раббийнинг хайрихохлигини олдик ва У бизга шу ерда қолишни буюрди. Мана биз қаерда бўлишимиз лозим.

— Энди бирор нимани ўзгартиришга жуда кеч, — деди ДуПлесис. — Барча одамлар уй-уйларига тарқалди. Бироқ Клерксдорпда бизларни бошқа бир халойиқ кутмоқда.

— Клерксдорп шаҳри аҳолиси қанча? — сўради Билли.

— Бу 30 минг аҳолиси бор кичикроқ шаҳар, — жавоб берди Шуман.

Биллининг ҳайронликдан чакаги осилиб қолди. Бу одамлар қанчалик узоқни кўролмайдиган бўлишлари керак?!

— Йоханнесбургда 500 000 одам яшайди, — таъкидлади у. — Нима учун энди биз Клерксдорпдай кичкина жойга боришимиз керак?

— Бизлар Фурье акага сени унинг шаҳрига олиб келамиз деб ваъда бердик, — тушунтирди жаноб Шуман, ва шошилинч қўшиб қўйди, — ва бизлар йиғилишга 10дан то 15 минггача одам келишини кутамиз. Улардан кўпчилиги қишлоқ округларидан келади.

Бу Биллини кўпроқ таажжублантирди.

— Сиз уларни қаерга ҳам жойлаштирасиз? Улар қандай қилиб овқатланишади?

Хизматчилар бир-бирига хижолат билан кўз уриштиришган вақтда, оёқ кийимларининг ғирчиллаши эшитилди. Кейин мистер Шуман иқрор бўлди:

— Бизлар билмаймиз, аммо биз Фурье акага у ерга 12 октябрда борамиз, деб ваъда берганмиз, шунинг учун биз шу бугун йўлга чиқишимиз лозим. Ва бу ерда йиғилишлар расман тугаган экан, сен биз билан борсанг бўлар эди.

Билли яна нима қилиши қолганини билмасди. Бу ерда, Йоханнесбургда қолишдан нима фойда, қачонки йиғилишлар тугаган бўлса? У истар-истамас хонасига нарсаларини йиғиштиришга кирди.

Учта машина жануби-ғарбга, Клерксдорпга 160 километрлик сафар қилди. Эрн Бакстер, Фред Босворт, Юлиус Стедсклю ва Билли Поль Бранхам иккинчи машинада кетдилар. Билли бошдаги машинада Юстус ДуПлесис, мистер Шуман ва бошқа икки Миллий Қўмита аъзолари билан кетди. Жуда яхши офтобли кун эди. Шуман, Юстус ДуПлесис ва қўмитанинг бошқа вакиллари Худонинг Йоханнесбургда уларнинг кўз ўнгида қилган мўъжизали ҳодисалари ҳақида тўлқинланиб гапиришар эдилар. Билли бўлса, аксинча, ўзининг Раббий иродасига бўйсунмагани ҳақида ўйлаганча, жимгина ўтирар эди. У ичида ибодат қилди: “Самовий Ота, мен Сен айтганингдай Дурбанга боришни истайман, лекин мен бу одамлар қўл остидаман. Сен мени бу бўйсунмаганлигим учун кечирасанми?”

Билли кечирим олганини ҳис қилмади. Миллар кетидан миллар ўтаверди, уни юрагидаги ўзини айблаши, токи, ниҳоят бунга чидаёлмай қолгунига қадар, кучаяверди.

— Машинани тўхтатинг! — буюрди у. Ҳайдовчи машинани йўл четига буриб, тўхтатди.

— Бранхам ака, нима бўлди?

— Мен бошқа боролмайман. Шуман ака, сенга мени орқага, Йоханнесбургга этиб қўйишингга тўғри келади. Раббий менга бошқа кетмасликни буюрди.

Қолган икки машина келиб, биринчи машина орқасига тўхтади. Жаноби Шуман иккинчи машинага келди ва Бакстер ва Босвортга деди:

— У жанубга боришдан бош тортяпти. Сиз иккалангизга бориб, у билан гаплашишингизга тўғри келади.

Эрн Бакстер ва Фред Босворт машинасидан чиқиб, туриб қолган Биллига қараб боришди. Уни бошқа хизматчилар ўра олишди. Бакстер сўради:

— Нима бўлди, Бранхам ака?

— Бакстер ака, мен яна икки ҳафта Йоханнесбургда йиғилиш ўтказишим керак, кейин ўн кун Жексон ака билан ов қилишим ва ундан кейин тўғри Дурбанга кетишим керак. Агар мен Клерксдорпга борсам, Раббийга итотсизлик қилган бўламан.

Бу гуруҳда ҳеч ким Биллининг хизматига 74 ёшли хизматчи-ветеран, қайсики, 1920-1930 йилларда ўзи Илоҳий шифоланиш катта кампанияларини ўтказган Фред Босвортчалик кучли ишонмас эди. 1948 йилда Биллининг йиғилишларидан бирида бўлган шунчалик таассурот олгандики, у нафақага чиқишни ҳам унутди ва Биллининг администраторларидан бири бўлди. Энди бўлса, у бошқа томонга туриб, умуман ўзига ўхшамай қолди.

— Бранхам ака, сен хато қилаяпсан. Агар сен бу одамлар билан жанубга борсанг, мен ишонаманки, сен сўраганингдан ҳам ёки ҳаёл қилганингдан ҳам ортиғини кўрасан, — деди Фред Босворт, Эфесликларга 3:20 дан цитата келтириб.

Бу сўзлар унинг юрагига хоин ханжаридек санчилди.

— Босворт ака, сен мени ҳақиқатдан ҳам қойил қолдиряпсан! Сен неча бор платформада турган вақтларингдан бери ва мени “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ” деганимда, ҳеч бўлмаса биронта хато бўлганмиди?

Босворт Биллининг таънали қарашидан кўзини четга олиб, ғўлдиради:

— А бу сафар, мен ўйлайман, сен хато қиляпсан.

Жанублик хизматчилар дарғазаб бўла бошлашди. Улардан бири жаҳл билан:

— Наҳотки, сенингча, Худо ягона сенга гапирадими?

Билли қуруққина жавоб берди:

— Бир куни Кўрахда ҳам шундай фикр пайдо бўлди ва у ҳам Мусога худди шуни айтди, бироқ ер ёрилди ва Кўрахни ютди.[222] Мен билмайман, жаноблар, сизга Худо нима деди. Буни муҳокама қилиш мени ишим эмас. Фақат У нима дегани менга маълум.

[222] Саҳрода 16

— Худо бизларга шу маршрутни тузишни буюрди, — кескин узиб олди хизматчи.

— Менга бўлса Худо бу маршрут билан кетмасликни буюрди, — эътироз билдирди Билли.

Шунга қарамай, тортишув давом этаверди. Ниҳоят, Эрн Бакстер Биллини четга этиб, шивирлади:

— Бранхам ака, биз ноқулай аҳволга қолганга ўхшаймиз. Бизни ҳеч қандай пул ёки маблағимиз йўқ, шу учун бу ерда биз устомонлик билан хушмуомалали бўлишга мажбурмиз. Мен хохлардимки, сен бошқа энди овга бориш тўғрисида гапирмасанг, чунки улар сени ҳақиқатан ҳам Африкага сафари учун келган экан, деб ўйлай бошлашади. Қандай бўлганида ҳам, бу хизматчиларнинг ярми Масиҳчиларга ов қилиш мумкин эмас деб ишонишади. Сен ов тўғрисида эслатганингда, улар ибодатга муҳтож бўлган минглаб одамлар ҳақида ўйлайдилар ва сени хато қиляпти, деб ҳисоблайдилар.

Билли қолганлар ҳам эшита олиши учун унга анча баландроқ гапирди:

— Агар мен ҳеч қачон ов қилмасам, мен учун буни аҳамияти йўқ. Мен бор-йўғи Худо менга буюрганини қилишни истайман. Бакстер ака, сен мен билан етарлича вақт бўлдинг ва биласанки, қачон мен ваҳий кўрганимда ёки сенга Раббий Исми ҳақи гапирганимда...

Эрн Бакстер уни бўлди:

— Бранхам ака, агар сен ваҳийга амал қиладиган бўлсанг, унда мен бошқа аралашмайман. Мен, сен қандай қарор қилганингда ҳам, сен билан тураман.

Шу сўзлар билан у орқасига, олдинги машина ёнида турган хизматчилар гуруҳига асаб бўлиб қаради ва давом этди:

— Аммо сен ҳали бери шу Миллий Қўмитага боғлиқ экансан, кун кеч бўлаяпти, унда Клерксдорпга бориб, у ерда ўша одамлар учун ибодат қилолмайсанми? Кейин биз Йоханнесбургга қайтамиз, агар сен шунчалик хохласанг.

Бир талай шершох дарахтлар шоссега соя солган. Билли дарахтнинг пастки шохидан узалиб, баргларидан юлди. Уларни муштига ушлаганича, у машинага қайтди ва уларни хизматчилар оёғи остига ташлади.

— Яхши, — деди у кўзларига ёш олиб, — биз Клерксдорпга бугун оқшом йиғилиш ўтказиш учун борамиз. Аммо унутманг, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Шу маҳалдан бошлаб биз Худо иродасида бўлмаймиз ва биз Йоханнесбургга қайтмагунимизча, бизда нуқул муаммолар бўлади”.

Клерксдорпга келиб, улар Йоханнесбургда Биллининг кампанияси Жанубий Африканинг қолган қисмини қанчалик жундушга келтирганини кўришди. 10 000 дан зиёд одам (европалик) бу провинциал шаҳарчада йиғилган бўлиб, бу ер уларни муҳтожини қондиришга имконияти анча етишмас эди. атроф тепаликлар ва ёвонларда тарқалган қўлбола чодирлар ва кичикроқ лагерларга қараб туриб, Биллининг ҳайдовчиси тўлқинлаиб шарҳлади:

— Бу оқшом ажойиб йиғилиш бўладиганга ўхшайди.

Билли об-ҳаво инжиқлигига қарамай, очиқда умидсиз турган бу камбағалларга қараб (уларнинг кўплари касаллар эди), қаттиқ қайғурди.

Улар тўхташлари керак бўлган пастор П. Ф. Фурьенинг уйига жўнашди. Ўша оқшом Босворт ака Клерксдорп кампаниясини бошлади. Бироқ Билли ҳали йиғилишга бориш учун Фурьенинг уйини тарк этишга улгурмай, тропик бўрон бошланди. Қаттиқ ёмғир ўтларни босиб ташлаб, момоқалдироқ гумбурлаб кетди. Йиғилиш шошилинч тўхтатилди, бироқ Бакстер, Босворт, Шуман ва бошқа хизматчилар пастор Фурьенинг уйига фақат ярим кечасигина қайта олишди.

— О-о, қаранг-а! Ҳар қалай биз бугун йиғилиш ўтказишга ҳаракат қилдик, — деди Фред Босворт, ҳўл бўлган пиджак ва шляпасини тушириб юбориб.

— Шундай бўлади деб сизларга айтмаганмидим? — жавоб берди Билли. — Раббий менга бу ёққа келмасликни буюрди. Ҳозир мен Унинг иродасида эмасман. Мен Йоханнесбургга қайтишим шарт.

Жанубий Африкалик хизматчилар унга қўшилмадилар. Улардан бири деди:

— Биз қайтолмаймиз. Биз бу ваъдаларни берганмиз ва уларни бажаришимиз керак.

— Айтгандай, — бошқаси қўшиб қўйди, — бу ерда ҳар доим бўронлар бўлиб туради. Бўрон кечаси авжга чиқади, эртага бўлса ҳаво очилади.

Ҳақиқатан ҳам момоқалдироқ фақат кечаси қутурди, ва шанба куни тонг очиқ, иссиқ бўлиб, яхши кунлардан далолат берди. Бироқ ўша оқшом, қачонки улар Биллини йиғилишга этишга тайёрланаётганларида, бевақт совуқ фронт босиб келди. Йиғилишни яна бекор қилишга тўғри келди.

— Сизларга айтмаганмидим? — деди Билли. — Шу учун, эрта кечқурун бу ерда ер силкинади.

Миллий Қўмита аъзолари асаб бўлиб бир-бирларига қарай бошлашди. Ва ниҳоят, Фаришта билан гаплашдим, деган бу ғалати одамнинг сўзларини жиддий қабул қилдилар. Юстус ДуПлесис сўради:

— Сен ҳақиқатдан ҳам бу ерда эртага ер қимирлайди дейсанми?

— Мен билмайман, бўладими ё йўқми, — деб, фикрида юмшади Билли. — Мен буни мисол тариқасида айтдим, холос. Бироқ қандайдир ёмон нарса бўлиши керак, чунки бизлар Худо иродасидан чиқдик.

Миссис Фурье столга ҳузурбахш ичимлик ва егуликлар олиб келди, кейин суҳбатни эшитиш учун ўтирди. Билли стулида олдинга эгилди, бугун, сал олдинроқ у миссис Фурье ҳақида ваҳий кўрганини, аммо, токи ваҳийда кўрсатилганидек, ҳамма стол атрофида ўтирмагунларича, гапиролмаганини айтди. Аввал у миссис Фурьега унинг ёшлигидан айрим воқеаларни айтди, кейин бўлса уни юраги оғриши ва невроз туфайли ошқозони муаммоларини айтиб берди. У уни ташвишланмаслигини сўраб, кўнглини кўтарди, чунки Исо Масиҳ уни шифолади.

Жанублик хизматчилар оғзидан ҳайратланиш садолари тарқалди. Билли сўради:

— Энди сизлар менга ишонасизми? Худо менга Йоханнесбургга қайтишни, у ерда икки ҳафта қолишни, кейин Жексон аканинг фермасида дам олишни, у ердан эса тўппа-тўғри Дурбанга боришни буюрди. Ундан кейин мен уйимга қайтаман.

Фред Босворт деди:

— Бранхам ака, агар сен ўша маршрут бўйича борсанг, сен бу кичик шаҳарларда бўлганингдагидек, шунча одамга хизмат қила олмайсан. (Шу моментда Жанубий Африкалик хизматчилар улар режалаштирган йиғилишларнинг кўпи аҳолининг европалик қисмига мўлжалланганлигини била туриб, жим туришаверди. Билли буни фақат кейинроқ, фақат Дурбан Жанубий Африкада маҳаллий аҳолига оқ танли Африкаликлар билан бирга йиғилишларга қатнашиш рухсат бериладиган ягона жой эканлигини билиб олди.) Босворт давом этди:

— Бранхам ака, агар сен ушбу маршрут билан жанубга борсанг, Худо биз сўраганимиздан ҳам ёки ҳаёл қилганимиздан ҳам кўп ишларни амалга оширганини кўрасан.

Ўртоғининг елкасига қўлини қўйганча, Билли деди:

— Босворт ака, наҳотки биз бирга бўлган шунчалик кўплаб жанглардан кейин, ҳозир сен менга шубҳаланасан? Мен сенга Исо Исми ҳақи айтаман, биз Унинг иродасида эмасмиз, ва бундан кейин бизга нуқул муаммолар бўлади.

— Ва ҳар қалай, — уларга Шуман қўшилди, — биз ахир маълум бир биродарларимизга сўз берганмиз, шу учун биз шу маршрутга охиригача амал қилишимиз керак бўлади.

Улар ғайритабиий раҳбарликни ҳеч қандай қабул қилмаганлари боис, Билли соғлом фикрни ишлатишга уриниб кўрди.

— Бунга бир лаҳзамантиқан қаранглар. Йоханнесбургда бизга газета ва медицина ассоциациясининг хайрихоҳлиги бўлган эди; бунинг устига, у ерда юз минглаб одамлар еб-ичишга ва тунаш жойига эга. Бу ерда бўлса, одамлар очиқ жойда ётибдилар ва уларга ейдиган нарсалари йўқ ахир. Ўтган кеча уларни сувга чўкишига сал қолди, бугун бўлса улар совуқда дилдирашяпти. Агар бунга фақат табиий тарзда қаралса, наҳотки Йоханнесбургга қайтиб кетиш тўғри бўлиб кўринмайди?

Хизматчилар орасида Шуман жавоб бергунича, ғудур-ғудур ва томоқ қиришлар эшитилиб турди:

— Бранхам ака, биз бу маршрутни рекламасига минглаб доллар сарфладик. Биз аллақачон ерни ва бинолари ижарага олдик. Сана ва вақтлар ҳам тайин этилган. Одамлар келишни режалаштирдилар ва айримлари келдилар ҳам. Биз сўз бердик ва ўз сўзимизни бузолмаймиз.

— Нима дейман, мен ҳеч кимга ваъда бермаганман, ва эрталаб Йоханнесбургга қайтаман, — деди Билли.

— У ерга борганингда, сен нима қилмоқчи бўласан? — Юстус ДуПлесис сўради.

Шу ерда уни боши берк кўчага тиқдилар. Биллида пул йўқ эди ва у ўзи ҳеч нарса қилолмас эди. Шу учун, ҳатто Йоханнесбургга қайтганида ҳам, у ҳозир унга бу ишда қаршилик қилиб турган шу одамлар билан ҳамкорлик қилишга мажбур эди. У мудҳиш аҳволда қолди. Ўша ерда ўтириб ва ўз мунозарасида ўйланиб, тўсатдан Билли ўша Шривпорт, Луизианада келган башоратни эслади, қачонки Раббий Жанубий Африкада у учун шайтон тузоқ қўймоқчилигини айтиб, огоҳлантирган эди. Билли бу тузоқ фолбинлар ва жинларга алоқадор бўлади, деб ўйлаган эди. Аммо бу умуман бундай эмас эди. Мана қаерда тузоқ! Тўппа-тўғри шу ерда, унинг Масиҳчи дўстлари ўртасида, уларнинг деноминация системаларининг Сиёсий жағлари Биллининг атрофида, уни ўзларининг совуқ, қаттиқ тишлари аро ушлаб ва унга Раббий нима деб буюрганини қилишга қўймай, қисилди. Унинг аҳвол умидсиз бўлиб туюлди.

Билли ўз ҳомийларини огоҳлантирди:

— Худди аллақачонлар Павел айтганидай: “Менга қулоқ солиб Критдан кетмаганингизда эди, бу зарару-заҳматларга дучор бўлмасдингизлар”.[223] Хўш, мана, биродарлар, аммо мен Унинг йўл қўйиладиган иродасида меҳнат қилишни умуман истамайман. Мен Унинг ҳақиқий иродасида бўлишни истайман.

[223] Ҳаворийлар 27:21

Қўмита аъзоларига бу ғоя, Худода йўл бериладиган ирода борлиги, ёқди. Улардан бири деди:

— Мен ўйлайман, мана шу худди ўша ҳолатки, қачонки бизлар Худонинг йўл берган иродаси бўйича яхши ҳаракат қилиб биламиз. Бранхам ака, сен Раббийдан, сен шундай қилсанг бўладими, деб сўрасанг бўлмайдими?

Бу вақтга келиб, соат кечаси икки бўлган эди. Улар оқшом ўндан бери баҳслашар эдилар. Чарчаган ва саросимада қолган Билли деди:

— Бўпти, шундай бўлсин ҳам. Мен яна бир бор бу ҳақда ибодат қиламан.

Бу тўрт соатли баҳсни жимгина эшитиб турган Билли Поль Бранхам, отасини ётоқхонага олиб ўтди ва орқасидан эшикни ёпди. У отасини хонадан юриб бориб, деразадан ҳали ҳам тинмаётган бўронга қараётганини кузатиб турди. Отаси елкаларини сал энкайтириб турар ва қийналиб кетган кўринар эди, хонадан юриб бориб, Билли Поль унинг елкаларидан қучоқлади ва деди:

— Дада, бу бир тўда воизларга қулоқ солма, Худо сенга нима деса, шуни қил.

— Билли, мен тилка-тилка бўлиб кетаяпман, холос. Мен билмайман, қандай қилиб Худо мени қилишим керак нарсани қила оламан. Мени умуман пулим йўқ. Ҳатто агар мен Йоханнесбургга қайтсам ҳам, мен бу одамларнинг ҳамкорлигисиз қандай бўлса ҳам бирор йиғилиш ўтказишни фараз қилолмайман. Улар бўлса ҳеч ҳам ҳамкорлик қилишни истамаяптилар. Агар мен қачон дир ўт ва сув орасида қолган бўлсам, унда худди ҳозир шундай бўляпман.

— Дада, агар бу давлатда бошқа ҳеч ким сен билан турмаса, унда мен сен билан тураман.

Билли ўғлини қаттиқ қучди.

— Билли, мен билан ибодат тушур.

Улар бир кишилик кроватлар ўртасида тиз чўкдилар ва бирга ибодат қила бошладилар. Аммо тез орада Билли Поль уйқусига бўйсиниб ва кеч бўлганидан кроватига ўрмалади ва ухлаб қолди. Билли бўлса, жуда ташвишланаётганлигидан, ухлай олмас эди. Унинг фикрлари, уни тузоққа олиб келган, “болға” ва “сандон” орасида у ёқдан – бу ёққа “сапчир” эди. Шундайми ёки бошқачами, у уни Жанубий Африкага таклиф қилган одамларнинг ўзига қарши ҳаракат қилишга мажбур эди. У қандай қилиб уларни кўндиради? Уларни фикрини ўзгартиришни иложи бўлмаса, ундачи? Унда у қандай қилиб Йоханнесбург ва Дурбанда Худонинг иродасини бу одамлар кўмагисиз бажара олади? Унинг мунозараси ечилмайдигандай эди. Бошидаги жони қийналиши, гўё намни мочалкадан аста-секин сиқаётганга ўхшаб кетар эди; у нам унинг кўзлари четидан шўр таъмли ёшли бўлиб сизиб чиқар эди.

Эрталабки соат учларда, Билли Раббий Фаришташасини келганини ҳис этди. Кейинги лаҳзада нур чамбари пайдо бўлди ва кейин шифтга кўтарилди — унинг қахрабо шуъласи остида Раббий Фаришташаси турар эди. Кўчада шамол кучайиб, сусайиб, тинмай эсар, шундан деразалар дириллар эди. Билли бўлса қўрққанидан қалтирар эди. Раббий Фаришташаси билан ҳар бир юзма-юз учрашганида, у ўша шол қилиб қўядиган қўрқувни ҳис этар эди. Ғайритабиийлик шундай қилиб, у учун одатдаги ҳолат бўлмади. Бу бир бошқа ўлчов эдики, Билли буни тушунолмас эди ва таъсирига унинг инсоний ҳислари қийналиб бардош берар эди. Аммо, гарчи у титраса-да, у Фаришта келганидан миннатдор бўлган эди. Эҳтимол, ҳозир у бу чорасизликдан чиқа олади.

— Ким бу одамлар ва улар нимани билдирадилар? — сўради Билли.

Фаришта қўлларини кўксига қовуштириб турар эди. Гарчи Биллига Фариштани жилмайиб турганини кўришига тўғри келмаган бўлса-да, ҳозир унинг шиддатли нигоҳи жиддий эди.

— ***Улар билан сафарни давом эт, —*** *Фаришта қатъий деди.* ***— Сен улар билан кетишни бошлаган экансан, энди сенга буни қилишингга тўғри келади. Аммо унутма, агар сен улар билан жанубга кетар экансан, сен бу учун зарар кўрасан, жафо чекасан. Билли Полни уйғот ва унга шундай деб айт: РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Эрталаб ҳаво очиқ ва иссиқ бўлади". Улар Билли Полни эртароқ якшанба мактадига этишад. Йиғилиш шундай узоқ давом этгани учун, Эрн Бакстер Билли Полни сени чақириб келиш учун, сен бориб касаллар учун ибодат қилишинг учун, жўнатишади. Ўғлинг қора машинада ёшгина одам билан келади. Йўл-йўлакай у бошқа бир ёш одам учун кириб келади. Шундан кейин...***

Шу ерда Билли иккита туб аҳолилик одамни кўприкда, эвкалипт дарахти ёнида кўрди. Ўша туб жой одамларидан бири, овчиларнинг оқ кийимини кийиб олгани, қўлини кўтарди ва таёқ билан бошқасини энди урмоқчи бўлди. Фаришта деди:

— Билли Поль бунга сени қаратади. Шу аломатлар орқали, мен сени жанубга боришингга рухсат берганимни билиб оласан. Аммо, унутма, сен шу учун зарар кўрасан.

Қачонки у ваҳийдан чиққанида, Фаришта йўқ эди. Билли ўғлини уйғотди ва деди

— Билли, ҳозиргина менга Раббий Фариштаси келди.

У Билли Полга Фариштани сўзларини айтиб берди, кейин бўлса Бакстер, Босворт ва Стедсклю ухлаётган хонага шошилди.

— Биродарлар турингглар! Менда РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ — бор. У менга сизлар билан жанубга боришимга рухсат берди, аммо бу учун мен зарар кўраман, чунки бу Худонинг ҳақиқий иродаси эмас. Аслида, бизларнинг йиғилишларимиз, улар қандай бўлиши керак бўлса, шундай муваффақиятли бўлмайди, чунки ҳақиқатдан ҳам биз у ёққа бормаслигимиз керак эди. Эртага эрталаб бу бўрон тўхтайди...

Шундан кейин у уларга ваҳийнинг қолган тафсилотларини сўзлаб берди.

Якшанба кунги тонг Фаришта Биллига айтганидай, очиқ, тинч ва иссиқ бўлди. Билли Поль якшанба мактабига Эрн Бакстер ва Миллий Қўмитанинг бошқа аъзолари билан жўнади. Тез орада иккита ёш одам Билли Полни қора машинада орқага, уйига, у отасини чақириши учун олиб келишди. Билли кетишга тайёр эди. Йиғилишга боришда улар тор кўприкдан ўтдилар. У ерда, эвкалипт ёнида, иккита туб жойли оадм турар эди. Улардан бир овчиларнинг оқ кийимида эди. Билли Поль уларни бармоғи билан кўрсатиб, деди:

— Ота, унга қара! Анави одам қўлида таёғи билан иккинчисини урмоқчи бўлаяпти.

Билли бош ирғади.

— Поль, эслайсанми, сенга ўтган кеча нима деганимни? Мен жанубга борсам бўлади, аммо бу учун мен зарар кўраман.

59 БОБ
НИҲОЯТ, ДУРБАНДА
1951

КЛЕРКСДОРПДАН ТАХМИНАН 320 километрлар жануби-ғарбда 60 минг аҳолиси билан тартибсиз ўсиб, йириклашиб бораётган кон саноати шаҳри — Кимберли жойлашаган. Уилльям Бранхам Кимберлига 1951 йилнинг 17 ноябрида, чоршанба куни келди. Бироқ, унинг довруғи ўзидан олдин келиб улгурганди. Кимберлидаги биринчи оқшом 500 киши сиғдира оладиган черковдаги йиғилиш вақтида у касаллар учун ибодат қилди. Афсуски, ташқарида ўн баробар кўп киши бўлган эди.

Кейинги кун эрталаб, Фред Босворт Миллий Қўмита аъзолари билан шифоланиш кампаниясини каттароқ жойга кўчириш ҳақида суҳбатлашди. Қўмита унинг илтимосига рад жавоб бергани уни ажаблантирди. Улар Кимберлидаги маълум бир пасторга, шу йиғилишлар унинг черковида ўтказилади, деб сўз беришган ва ҳозир энди улар ўз ваъдаларини бузишни истамадилар.

Шундай қилиб, Фред Босвортнинг ўзи бу пасторни кўндиришга уриниб кўрди.

— Биродар, қулоқ сол, кўчалар ҳам, далалар ҳам ибодатга муҳтож минглаб касаллардан тўлиб кетган. Наҳотки сен ҳалиям йиғилишни сени черковингни кичкина биносида ўтказаман демоқчимисан?

— Улар менга йиғилишни мени черковимда ўтказаман деб ваъда беришган, — қайсарлик билар деди пастор, — шу учун биз йиғилишни менинг черковимда ўтказамиз.

— Ғирт кулгили, — ғазабланиб жавоб берди Босворт.

Билли меҳмон бўлиб турган уйга қайтиб, Босворт норозилигини билдира бошлади:

— Бранхам ака, сен бирор вақт воизни худбинларча йўл тутганини кўрганмисан?

Билли қуруққина қилиб аччиқ танбеҳ берди:

— Мана сенинг олдин айтган “мислсиз кўп”инг. Босворт ака, наҳотки сен бизни Раббий иродасидан чиққанимизни кўрмаяпсан?

Шу пайтдаги шаштитдан тушмай, Фред Босворт бу муаммони ўз кучи билан ечмоққа қарор қилди. Кимберлидаги одамлардан сўраб суриштириб, у, ниҳоят, ўша жойдаги мингта одам сиғдирса бўладиган спорт оренасини олди. У ерда Билли кейинги тўрт кун давомида йиғилишлар ўтказди.

Жанубий Африкага сафарини режалаштираётиб, Билли қора танли туб аҳолига ваъз қиламан, деб ўйлаган эди. Бунинг ўрнига у оқ танли европаликлардан келиб чиққан африкаликларга ваъз қиладиган бўлиб чиқди. Бу нарса уни худди Миллий Қўмитанинг “муқаддас маршрути”дай даражада хафа қилди. Билли туб аҳоли Ғайритабиий Хушхабарни қандай қабул қилишини кўришни сабрсизларча кутар, аммо унга буни йўл бермас эдилар. У бунга рухсат олиши учун Жанубий Африкада уч ҳафта бўлиб туриши керак эди. Оқибат натижада, уни Блумфонтейнда бўлган ҳафтанинг охирида (Климберлидан 160 километр жануброқда) Миллий Қўмита у учун якшанба куни туб аҳоли билан битта эрталабки йиғилишни ажратди. **(№7 Сурат)**

1951 йил 28 октябрининг ҳали тонги отмасидан туб аҳоли Блумфонтейндаги футбол майдонида йиғила бошладилар. Эрталабки соат 10:00да, Билли келган вақтда, стадионда 12 000дан кўп одам — ёппасига қора танлилар “денгизи” ўтирган эди; кўплаб аёллар оқ ёки қора кўйлакда эдилар. **(№8 Сурат)** Эрн Бакстер уларга Исо Масиҳга ишониш орқали Худонинг қутқариш режасини тушунтирди. Кейин Билли микрофонга келиб, шифоланиш ва имон орасидаги боғлиқликни тушунтирди. Бундан кейин имонни синов қилиш вақти етиб келди. Маҳаллий туб аҳолидан одамлар бирин-кетин америкалик хушхабарчига кела бошладилар, ва бири орқасидан бошқасига у уларни кимлигини ва уларда қандай муаммолар бўлганигача айтиб бераверди. Ибодат навбатидан ўн киши ҳам ўтиб улгурмай, бу қора танли одамлар Исо Масиҳ ҳақиқатдан ҳам шу ердалигига ишонч ҳосил қилдилар. Биргина умумий ибодатдан сўнг юзлаб африкаликлар шифоланди. Кейинги ҳафталар мобайнида, ўша ерлик пастор ва шифоланиш ва мўъжизалар тўғрисидаги гувоҳлар ҳақида маълумотлар йиғиб, бу йиғилишлар натижаларини аниқладилар. Натижалар эса жуда ҳайратланарли бўлиб чиқди: кўзи ожизларнинг кўзи очилди, одамлар турли хил кўринишдаги рак ва ҳар турли касалликлардан шифоланишди, ногиронлар ҳам шифо олдилар. Бир автобус ҳайдовчиси айтди: “Мен ногирон олиб келгандим, мен ўзим уни автобусга чиқаргандим, а қачонки у уйга қайтганида, у ўзи юра олар эди”. Умуман олганда, маҳаллий хизматчилар ҳисоб-китоби бўйича, Бранхам кампаниясининг биргина ибодат йиғилиши вақтида мингга яқин одам шифолангандилар.

Оддий фикрлайдиган одамларни, қачонки улар Уни ғайритабиий ҳодисаларини ўз кўзи билан кўриб, Исо Масиҳни қабул қиладиган одамларни — Билли айнан шуни Африкада кўришни умид қилган эди. Билли бу қора танли ерли аҳоли учун Миллий Қўмита аъзоларидан кўпроқ йиғилишлар белгилашларини илтимос қилди, аммо улар олдиндан белгиланган муддатлар ҳақидаги ваъдаларини янгичасига баҳона қилиб, рад қилишди. Билли бу деноминация одамларнинг ўжарлиги ва узоқни кўра олмасликларидан лол бўлиб қолди. Улар ўзларини, гўё бу маршрутлари ўн биринчи амрдек, ўзларини тутдилар.

Блумфонтейнни тарк этиб, Бранхам гуруҳи у ёқдан 1450 километр жануби-ғарбда жойлашган Кейптаунга жўнади. Бу ерда йиғилишлар Блумфонтейнда бўлганидек тарзда ўтди: беш кун ҳаяжонлантирадиган шифоланиш йиғилиши ўтказилди, бир якшанба эрталаби қора танлиларга ажратилган эди.

Бу қора танлиларга қандай муносабатда бўлаётганларидан Билли ташвишда эди. Оқ танли африкаликлар учун йиғилишлар Уингфилд аэропортининг йирик ангарида ўтди. **(№9 Сурат)** Ангар эшиклари очиб қўйилгани туфайли, 10 000дан ортиқ одам йиғилишга қатнаша олди. Қора танли африкаликлар эса, бошқа томондан, шаҳар ҳудудидаги анча кичикроқ бинони — Дрилл Холлдан фойдаланишга мажбур эдилар. **(№10 Сурат)** Туб аҳоли Уилльям Бранхамнинг ваъзини эшитишга шунчалар чанқоқ эдиларки, Дрилл Холлнинг ташқарисида кечаси 1:30дан навбатга тура бошладилар. Эрталаб соат 6:00да одамлар 8000 кишигача кўпайди. Афсуски, ниҳоят, эрталаб соат 9:00да эшиклар очилганида, ичкарига 3000 кишигина сиғди. Кетини ўйламайдиган Миллий Қўмита ҳатто холл ташқарисига овоз кучайтиргичлар ўрнатиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрмади, шу сабабли, кўчада қолиб кетган одамлар ваъзни эшита олишмади. **(№11 Сурат)**

Билли, умидсизлигини ёзнинг эрталабида даражадаги симобга ўхшаб кўтарилаётганини сезди. Миллий Қўмита шак-шубҳасиз бу йиғилишларни бетартиб ярамайдиган қилиб режалаштиргани учун айбни кўпини ўзига олиши керак. Бироқ, Билли ўзини ҳам бунда маълум қадар айбдор деб ҳисоблар эди. У Миллий Қўмита иродасига, гарчи у бунда ҳар қалай Раббий иродаси бўлмаганини билса ҳам, жуда истар-истамай кўнган эди. Фаришта уни бу учун зарар кўришини айтиб, огоҳлантирди. Билли, Фаришта шуни кўзда тутмаганмикин деб, тушунмай ҳайрон бўлар эди. Йўқ, Фаришта бошқа нарсани кўзда назарда тутган эди...

Кейптаундаги шифолаш кампанияси душанба кечқурун тугади. Сешанбада улар қирғоқ бўйлаб ғарбга (650 километр масофага) кетдилар ва қоронғу тушганича Порт-Элизабетга етиб келдилар. Кейинги кун оқшомда, 1951 йил 7 ноябрида Фэдер Маркет Холл деган катта аудиторияда Порт-Элизабетдаги биринчи йиғилиш бўлиб ўтди. **(№12 Сурат)** Бу ерда ташкилотчилар эҳтиётга яна бир бор етарлича баҳо бермадилар ва минглаб одамлар бинога киролмадилар. Бунинг натижасида, ҳафтанинг қолган қисмида Порт-Элизабетдаги шифолаш кампанияси кенг спорт аренаси — Девис Стадионида ўтди.

Бир кун эрталаб Билли, қорни қаттиқ оғриб уйғонди. Аввалига у буни калласидан чиқариб ташлади, аммо оғриқ кун бўйи давом этавергач, у безовталана бошлади. Агар уни ошқозонидаги сирли касали уни қийнаш учун қайтган бўлса, унда нима бўлади? У кўп кунлардан бери жуда тиғиз сафарининг кун тартибидан қўшилиб кетган таъсирини сезган эди. 1947 йили қаттиқ чарчаганидан, уни ошқозони оғриши қайталаган эди. Ўша вақтда у бир йилдан кўп вақт, то ўзи кафедрада ҳушидан кетиб йиқилмагунича, бор кучини сарфлаган эди. Ўша касаллик сабабли, у шифолаш кампаниясини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлганди. Уни ошқозони лимонга ўхшаб ачиб кетган, аҳволи оғирлигидан, Биллини ўлишига сал қорлди. Шу нарса такрорланармикин? Миллий Қўмита аъзолари ҳам унга дам олишига қўймай, уни бор куч-қувватини симиришар эди. Бу ғайритабиий ваҳийлар уни жисмонан қанчалик чарчатишини улар тушунишмасди.

Бироқ, уни чарчоғидан ҳам баттар ёмонроғи, қорин бўшлиғида зўриқаётган оғриқ эди. Порт-Элизабетдан соҳил бўйлаб юқорига 240 километрда жойлашган Ист-Лондонга келиб,бу оғриқ унинг азалдаги душмани — ошқозони оғриғи эмаслигига амин бўлди. У бу қаттиқ санчиқ оғриқни ошқозонидан пастроғида сезар ва бу оғриқ қайт қилишдан ҳам кўра оғриқли эди. Қачонки бошқалар, уни сафар вақтида кузатиб келганлар ҳам бетоб бўлгач, Билли тушундики, бу нарса шу ерга хос, эҳтимол, овқат ёки ичимликдан келиб чиққан эди.

Ист-Лондонда беш кун бўлишгач, **(№13 Сурат)** улар Африканинг шарқий соҳили бўйлаб юқорига, (бу ёқдан 480 километр масофага) Дурбанга жўнадилар. Йўл бўйлаб кетаркан, Билли раскладушкада ётган қора танли аёл ҳақида ваҳий кўрди. Тез орада улар одатдаги қора танлилар қишлоқчаси яқинидан ўтишди. Билли ҳайдовчидан машинани тўхтатишини сўради. Билли ва уни ҳамроҳлари машинадан тушиб, бу қишлоқчага кирдилар, у ерда қолган кулбалардан ҳеч қандай фарқ қилмайдиганига, Билли кўрсатганига кириб бордилар.

— У ерда бизлар раскладушкада ётган аёлни топамиз. У силдан жуда ҳам қаттиқ шикастланган. У Масиҳчи ва инглизча гапиради.

Улар кулбага кирганларида, мана, у ерда айнан Билли айтгани каби, у ётар эди. Аёл уларга инглиз тилида шундай деди:

— Мен шифоланишим учун узоқ вақт ибодат қилдим. Исо менга, бошқа мамлакатдан пайғамбар мен учун ибодат қилиш учун юборишини ва мен шифоланишимни ваъда берди.

Раббий Исо Ўз ваъдсида турди.

Дурбанга улар 1951 йил 20 ноябрида етиб келишди. Бу йирик шаҳарнинг осиёча ўзига хослиги, Биллида кучли таассурот қолдирди. Кўчаларда рикшалар[224] бўзчини монисидай қатнар эди. Ҳиндистонлик аёллар ўзларининг анъанавий шойи кийимлари — сарида базарларда қора кийимли мусулмон хотинлар ва қора танли ўша ерли аёллар билан юришар (баъзи туб ер аёллари бўйнида ва билакларида мис ҳалқалари бўлар эди) эди. Қорасоқолли сикхлар[225] бошларида оқ салла ва беллари орқа томонида узун қин-пичоқлари билан лой билан бўялган, жингалак сочлари донаклар билан безалган, қулоқ солинчакларига узун қалин ҳалқалар осиб, чўзилган баланд бўйли, ярим ялонғоч африкаликлар тўдаси билан аралашиб юришар эди. Қачонки Билли миллатларнинг ушбу "гулдастаси" ҳақида сўраганида, жаноби Шуман тушутирди: Дурбанда 440 минг аҳоли бор, ундан 130 000 киши африкалик туб аҳоли, 110 000 — европалик африкаликлар, а 200 000 киши эса Ҳиндистондан келганлар. Бу ҳиндлар олдинига найзалар остида ишлатиш учун қул сифатида олиб келинди. Улар ўз осиёга хос меросларига олдингидай қаттиқ ёпишиб олганлар, бу дин томондан ҳам шундай: индуизм, буддизм ва ислом.

[224] Рикша — (япон. "jinriksha": "jin" — одам+ "riki" — куч+ "sha" — фойтун) **1.** Енгил икки ғилдиракли рессорли аравача, одам одамлар ва юкларни ташишга мўлжалланган, иккита шотидан тортади ёки итариб юради (Осиёнинг баъзи бир мамлакатларида). 1867 йил Америкалик Гобл томонидан Японияда патент олинган. XX аср бошидан Шарқий ва Жанубий Осиёда ва Жанубий Африка Республикасида тарқалган. **2.** Шунақа аравани тортиб юрган одам. (Тарж.)

[225] Сикхизм — дин, (1469-1539) (руҳий ўқитувчи) Нанак томонидан Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий томонидаги гурулар субконтиненти, Панжобда асос солинган. Сикх, эски ҳинд тили — санскрит тилидан келиб чиққан бўлиб, "издош" ёки "шогирд" деган маънони англатади. 1990 йилга келиб сикхлар диний ташкилоти аъзолари 16 млн.га яқин бўлган. (Тарж.)

Дурбанда биринчи йиғилиш чоршанба оқшом Сити Холл биносида ўтказилди. Йиғилишга кириш фақат оқ танли африкаликларга рухсат берилди. Бинога киролмаганлар ваъзни Сити Холлни ўраб турган паркларга ўрнатилган овоз кучайтиргич карнайлардан эшитдилар. **(№14 Сурат)** Одамлар кўп натижаларни кутган эдилар, шу учун улардан бу ерга ногиронлар аравачаларида ва замбилларда келган кўплари, у ёқдан ўз оёқларида чиқдилар.

Пайшанба куни хизматни от чоптириш учун мўлжалланган Грейвилл Рейс Корс[226] деб аталадиган йирик стадионга кўчирилди. Соя қилинган трубиналарда 20 000 дан ортиқ киши ўтирар, ва яна кўплаб одамлар учун жойлар қолган эди. Гапириш учун платформага чиққан Билли, халқ ичида қора танлилар ҳам, буғдой ранг ҳиндлар ва оқ танли европаликлар ҳам борлигига ҳайрон бўлди. У Дурбаннинг мэри, Сидней Смитга мурожаат қилди:

[226] Инглизчадан сўзма-сўз: "Грейвилла Ипподроми" (Тарж.)

— Мен ўйламагандим, Жанубий Африкада бизни бира-тўла оқ ҳамда қора танлиларни йиғилишга таклиф қилишга йўл қўймайдиган ирқий сегрегация қонунлари амал қилса керак, деб ўйлаган эдим.

— Сегрегация қонунлари бор, — мэр тушунтира бошлади, — агар сиз қараб турсангиз, бу ирқлар ажратилган. Мана бу тўсиқларни кўряпсизми?

Эндигина Билли бу одамлар тўдаларини ажратиб турган оқ девор линияларини кўрди.

— Аммо, нима учун бу тўсиқлардан баъзилари қора танлилар орасидан ҳам ўтган?

— Бу деворлар ҳар хил қабилаларни ажратиб туради: банту, свази, ксхоза, зулу. Бу ердан ўндан ортиқ ҳар хил қабилалар бор ва улардан баъзилари бир-бири билан душман.

— Нима учун биз энди бошқа шаҳарларда ҳам шундай қилолмадик? — Билли сўради. — Ўшанда бизлар Хушхабарни кўпроқ одамларга етказган бўлар эдик.

— Дурбан — бу ҳукумат бундай қилишга рухсат берган якка-ю – ягона жой.

Эндигина Билли, нима учун Раббий Фариштаси унга тўппа-тўғри Дурбанга боришни ва у ерда бошқа кўрсатма бермагунича, қолишликни буюрганини тушунди. О-о, қанийди, агар у Фариштани буйруғига қулоқ солган бўлсайди! У энди бу хатоси учун қанчалар қийналар эди. Ҳозир ҳам уни қорин бўшлиғидаги оғриқ тўхтамасди. Худди унинг ичакларида каламушлар югурчилар ва уни ичакларини кемираётгандек эди. Биллига оғриқдан нақ икки қад бўлиб букилмаслик учун, ҳатто одамлар ибодат учун олдинга чиқа бошлаган вақтларида ҳам кафедрадан қучоқлаб олишига тўғри келар эди; ҳаттоки, қачон унинг кўзи олдида ваҳий пайдо бўлган ва у бегона кишиларнинг юрак сирларидан ҳам огоҳ бўлган вақтида ҳам; ҳатто бу одамлар шифоланган вақтида ҳам.

“Самовий Ота, илтимос, мени кечир, — Билли кўплаб таржимонларни, уни охирги сўзларини ўн бешта ҳар хил тилларга таржима қилганларича кута туриб, аста ибодат қилар эди. — Мен бу хатоимдан афсусдаман. Исо, Сен бу одамларни шифолаган пайтингда, мени ҳам шифола”.

Бироқ уни овутадиган ваҳий пайдо бўлмас эди. Гўё, худди Худо Ўз пайғамбари муҳтожидан юз ўгиргандай эди ва шу вақтнинг ўзида Ўз болалари орасидаги кичкина бир муҳтожга ҳам жавоб берар эди. Виждон кемиришларидан қийналиб, Билли шундай юз ўгирилганига, рад этилганига лойиқлигини ҳис этар эди.

Ўша ердагилар, навбатдаги одамларнинг муҳтожлари бирин-кетин бехато ошкор бўлаётганини ва касаллар шифоланаётганини кўриб, ҳаракатга келди. Соқов ва гўнг индус-бола эшитгач ва умри бўйи биринчи марта гапирганида, халқнинг имони кескин кўтарилди ва “четидан тўлиб тоша бошлади”. Билли ногиронлар, касаллар, гўнглар ва кўрларни ҳозирнинг ўзидаёқ тирилган Қутқарувчи, Исо Масиҳ қўлидан ўз шифоларини олишларига ишонтириб, овозини кўтариб ибодат қилди. Бироқ, бу ибодатни охирги таржимон таржима қилиб бўлишидан анча олдин аёл ва эркак, ёшу-қари ногиронлар аравачаларидан тура бошладилар ёки ҳассаларини ташлаб юбордилар; болалар ўз оёқларидан металл қисқичларини ечиб олдилар ва улар ҳам ташлаб юборавердилар.

Афсуски, халқнинг ғолибона шовқинини энг авжида оғриқдан ҳиқиллаётган Биллини платформадан иккита бақувват одам олиб кетишди.

Келувчилар транспорт ҳаракатини, кўкрагича ботқоқда ботиб бораётган бегемот тезлигигача секинлаштирганча, Дурбанга қараб юришни давом эттиравердилар. Жума куни, тушдан кейин одамлар Грейвилл Рейс Корс иппадромида икки баробар кўпайиб, 40 000 дан ошиб кетди. Сидней Смит билан бирга машинада ўтириб, хизматга кетаётган Билли, қўлларида қўлбола ҳайкалчалари билан кетаётган кўплаб қора танли одамларни кўрди. У Библияда бунақа будпарастлик ҳақида ўқиган эди, бироқ ўз кўзи билан биринчи марта кўрди.

— Мана бу будлари билан кетаётган одамларга қаранг, — Билли шу заҳоти мулоҳазасини билдирди.

— Уларнинг баъзилари Масиҳчилар — мэр деди.

— Масиҳчилар? — Билли қайтарди, ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб. — Масиҳчилар бутлари биланми?

— Ҳа. Бу ерда қора танли Масиҳчилар ота-боболари бутларига ҳали бери ёпишиб олганлар.

— Қизиқ-ку, бу. Мен улардан бирортаси билан гаплашмоқчиман. Сиз ана у ерда турган қора танлини тилида гаплашиб биласизми?

Йўл четига буриб тўхтаб, мэр ва унинг меҳмони машинада чиқдилар ва бўйи 2,10 метрлар, вазни — 140 килограммлар келадиган вазмин негрга қараб келдилар. Яқинроқ келиб, Билли унинг бути қуриб қолган қон билан бўялганини кўрди. У негрдан мэр орқали сўради:

— Сен Масиҳчимисан?

— О, ха, — жавоб берди негр. — Мен кўп йилдирки Масиҳчиман.

— Сен нима учун бу бутни олиб юрибсан?

— Менинг отам менгача қаерга бормасин, бу бутни ўзи билан олиб юрган. Бир куни у бир ўзи чўлда ов қилиб юрганида, арслон уни изидан тушган. Отам олов ёққан ва шу худони чақириб, сеҳргаримизни дуосини айтиб ибодат қилаверган ва арслон кетган. Энди мен ҳам доим шу худони олиб юраман. Агар миссионерлар худоси менга панд берса, унда бу худо мени алдамайди.

— Мен ўйлайман, сен керак эмас томонга имонингни йўналтирасан, — унга таъна қилди Билли. — Мен ҳам овчиман ва мен ёввойи ҳайвонларнинг феълини биламан. Ўша арслонни бу бут қувгани йўқ, балки олов қочирган.

Негр бунга шубҳаланиб қаради. Билли сўради:

— Сен бугун стадионга йиғилишга келасанми?

— Эртага, — ғўнғиллади у.

— Яхши. Унда сен эртага Исо ҳеч қачон панд бермаслигини кўрасан.

1951 йил 25 ноябрь, якшанба куни бўлиб ўтган учта йиғилиш, Грейвилли Рейс Корс иппадромидаги одамлар келишида олдинги рекордлардан ҳам ўтиб кетди. Нафақат трибуналар, балки марказий майдон ҳам ҳайвонлар тўдасига ўхшаб, оқ тўсиқлар билан ажратиб қўйилган ҳар хил қора танли қабилалар ерда ўтириб олишган эди. (№15 Сурат) Эрталабки йиғилишни муҳтарам Босворт ўтказди, кундузгини бўлса — муҳтарам Бакстер. Кечқурунги йиғилиш Биллига, у ваъз қилиши ва касаллар учун ибодат қилишига ажратилган эди.

Бу вақтга келиб, Билли ўн беш таржимон орқали ваъз қилишига ўрганиб қолганди. Бу секин процесс эди, унинг натижасида одатдаги 15 дақиқали ваъзга уни бир ярим соати кетар эди. Билли деди: “Исо Масиҳ Худо Ўғлидир”. Биринчи таржимон товуқ қақиллашидай товуш берди; иккинчи

таржимоннинг нутқи шоғолни увиллашини эслатди; учинчисининг таржимаси олдинги иккаласидан бутунлай фарқ қилар, ва шундай қилиб, бу ўз навбати билан давом этаверди. (Олдин Билли тез-тез 1 Коринфликларга 14:10да Павел, маъносиз товуш йўқ деб айтганига тушунишни истар эди. Энди бўлса, бу ҳар турли ўзига хос тилларни эшита туриб, Павел нимани кўзда тутганини англади.) Ниҳоят, ўн бешинчи таржимон уни гапини таржима қилиб бўлди, ва Билли давом этди: "Исо гуноҳкорларни қутқариш учун ерга келди". Таржима қилиш жараёни яна бошланди...

Ҳали таржимонлар бу гапни таржима қилишар экан, Билли платформа четига келди ва Сидней Смитдан сўради:

— У ерда, майсазорда нима бўлаяпти? У ерда муштлашишяптими?

Мэр ҳам бу қий-чувни кузатиб турди:

— Тушунмадим. Мен ҳаммасини билиб келиш учун полицияси юбораман.

Тез орада полициячи қуйидаги хабарни олиб келди:

— Бранхам ака, у ерда, одамлар орасида, негр аёл ҳозиргина боласини туғди. У билан ҳаммаси жойидалигига ўхшайди.

— Сиз уни бу ердан олиб кетмоқчимисиз?

— Биз шуни таклиф қилдик, аммо аёл боласини артиб тозалади ва кўкрак бериб эмиза бошлади, бизга у ибодат йиғилишида қолишни хохлашини айтди.

Бундай қатъият Биллини қойил қолдирди. Агар бу аёлнинг умиди, қолган ҳамма одамларнинг истагини билдирганида эди, унда бугун ҳақиқатдан ҳам, олдинда ҳайратланарли шифоланиш хизмати турибди.

Ибодат карточкаларини тарқатиш ўрнига, бир неча миссионерлар дюжина (ўн икки) касал одамни топдилар, ва уларни ибодат учун қатор қилиб қўйдилар. Ибодат навбатига биринчи бўлиб шарқий-ҳиндлар бўлган аёл олдинга чиқди. Унинг танаси ранг-баранг сари-ҳиндлар кийимига ўралган, пешонасини эса кўзлари ўртасидаги қизил нуқта безаб, — бу ҳиндлар маданиятида гўзаллик белгиси, *кумкум* рамзи эди.

Худди Исо Самариялик аёл билан учрашганидек, Билли ҳам унинг руҳи билан боғланиш учун, у билан қичқагина гаплашди.

— Леди, нима учун энди сен, ҳинду бўла туриб, менга, Масиҳчига ёрдам сўраб келдинг? Нима учун ўзингни руҳонийларингга бормаяпсан?

— Улар менга ёрдам беролмайди, — жавоб берди аёл.

Аёлнинг боши узра, врач кабинетини кўрсатиб, ваҳий пайдо бўлди, у ерда у врачни ташҳисини эшитаётган эди. Билли деди:

— Леди, сен туберкулёзсан. Мен ишонаман, агар сен Исо Масиҳни ўзингни шахсий Қутқарувчинг деб қабул қилсанг, У сени шифолайди.

Аёл шу заҳотиёқ бир тиззасида туриб, бошини эгди, узун юбкасини барини олди ва кўзларини устидаги қизил нуқтани артиб ташлади. Билли аёл атрофида нур ялтираганини кўрди.

— Опа, — деди у, — Исо Масиҳ ҳозиргина сени шифолади. Бор ва ҳамма қолган умрингда Унга хизмат қил.

Қаторлар орасида ғулдур-ғулдур пайдо бўлди, ва Билли бошқа ҳинд аёларини бармоқларига туфлаб ва кейин қизил нуқталарини ўчира бошлаганларини кўрди. Кимдир одамлар орасидан қичқирди: "Кришна!"

Бошқа ҳиндлар буни такрорлай бошлашди; "Кришна! Кришна!" — улар америкалик хишхабарчи уларнинг худоларидан бирини айтди деб ўйлаб, қичқираверишди. (Кришна — бу ҳиндларнинг Вишну худосининг ердаги сиймоси.) Уларни тинчлантириш учун қўлини кўтариб, Билли тушунтирди:

— Йўқ, мен умуман "Кришна" деб айтмадим. Мен *Масиҳ* дедим, — ва у бу исмни "м" ҳарфига алоҳида урғу бериб, аниқ қилиб айтди, — *Исо Масиҳ;* мен — Исо Масиҳ хизматкори.

Навбатдаги аёл оқ танли аёл эди. Кўринишидан у соппа-соғ эди, ва у ёқинроқ келганида, Билли ундаги ёқимли руҳни сезди. У деди:

— Сиз Масиҳчилигингизни кўряпман.

У буни маҳқуллади.

— Опа, мен сизни черковга бораётганингизни кўраяпман. Сиз Голланд Реформаторлари Черковига тегишлисиз.

Кейин у тушунолмай, пауза қилди. Бу аёлнинг аҳволи бошқача тус ола бошлади. У ваҳийда кўпинча касаллар атрофида ёрқин нур ялт этганини кўрар ва бу ўша одам шифоланганини англатар эди. Бироқ бу ваҳийда ҳамма нарса қоронғилашаверди, худди сояларни оқшом тушиши билан қуюқлашишига ўхшаб.

— Опа, бир неча кун олдин сиз врач қабулида бўлгансиз. Врач сизни текширган вақтида, эрингиз сизни холлдан кутиб турган эди. Сизни эрингиз қора сочли ва мўйлови бор ва у кулранг костюм кийган. Врачни сочлари оқарган ва у кўзойнак тоқади. Врач сизга тухумдонингизда киста бор деди. Бу сизни ҳаётингизга хавф солмайди, аммо шунга қарамай, врач уни олиб ташламоқчи.

Аёл буни бош ирғаб маъқуллади. Ҳали Билли гапираётган экан, аёл теварагидаги ваҳий янада қоронғилашаверди. У энди: "Менинг опам, Раббий сизни дуо қилсин ва шифоласин", — деб айтишга оғзини жуфтлаган ва унга бироз умид билан платформадан тушиб кетишига рухсат бермоқчи эдиямки, бироқ у буни айтишга улгурмай, бирдан ваҳий дафн маросимига ўтди, ва у унитанаси солинган тобутни эркаклар қабрга олиб бораётганини кўрди. Шунда Билли бу аёлни бир неча кун ҳаёти қолганини тушунди ва шу учун у аёлга бу ҳақида тўғридан-тўғри айтгани яхши бўлади, деб қарор қилди.

— Леди, сиз кўринишдан соғлом ва бақувватсиз. Биргина сизда ёмон нарса, — бу тухумдондаги киста, аммо бу умуман арзимас нарса. Бироқ ўлимингизга тайёрланинг, зеро РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сизни умрингиз умуман кам қолди".

Аёлни кўзлари ола-кула бўлиб кетди, ва у зўрға деди:

— Сэр?

— Ҳа, опа, бу шундай. Сизни юрагингиз Худо олдида тўғри аҳволдами, шунга амин бўлинг, холос.

Қачонки бу аёл платформадан кетгач, яхши кийинган оқ танли одам зинадан ва платформадн қора танли болани ушлаб олиб кела бошлади. Эркак америкалик хушхабарчидан бир неча метрда тўхтаган пайтда, бола ўзи олдинга ўтди. Билли бор-йўғи болага бир қаради ва деди:

— Ҳар қандай одам бу болани кўзи қийшиқ, ақийлигини кўриши мумкин. Мен уни шифолай олмайман, аммо Исо Масиҳ шифолай олади. Эҳтимол, Худо менга бирор нарса кўрсатар, бундан боланинг имони кўтарилар.

У бу йигитчани ўтмишини кузатиб, озроқ ҳаёллаб турди.

— Мен баланд бўйли, озғин зулу-аёлни қўлида чақалоғи ва уни эрига кўрсатаётганини, эр эса болани кўзи ғилай эканини билганини кўряпман. Мен бу Масиҳчи оиласи эканлигини билдим, чунки ваҳийда мен уларни ибодат қилаётганликларини кўраяпман.

Қачонки зулу таржимони бу сўзларни таржима қилган эди, одамлар болани ота-онаси бу ҳақиқат эканини, қўлларини силкиб ва қичқириб айтиб, ўрниларидан туришди.

Бу вақтда бола бошини эгди. Билли деди:

— Менга бола учун ибодат қилишим керак эмас, чунки у шифоланиб бўлди. Сиз уни кетишига қўйсангиз ҳам бўлади.

Ёш зулу боласи бошини кўтарди ва жилмайди. Бу чинданам шундай бўлган эди: энди унинг кўзлари тўғриланиб, нормал ҳолга келганди. Бола платформадан тушди, аммо уни шу ерга олиб келган одам ҳали кетмаган эди. У яқинроқ келди ва деди:

— Мистер Бранхам, мен сиз билан бироз гаплашмоқчи эдим.

Эрн Бакстер:

— Биз ҳар қандай одамга Бранхам ака билан, у мойланиш остида бўлган вақтида гаплашишга қўя олмаймиз, — уларнинг орасида туриб деди.

— Мен бор-йўғи унга савол бермоқчи эдим.

Иккала эркакка бурилиб, Билли деди:

— Баркстер ака, ҳаммаси яхши. Врачни гаплашишига қўйиб бер.

— Мен врач эканимни қаердан билдингиз?

Билли бу саволга эътибор бермай қўяверди.

— Врач, сизга қандай ёрдамим керак?

— Бу тўппа-тўғри мен — Британиялик врачман. Мен ўша болани бу ерга келишидан олдинроқ текширган эдим ва яна мен ҳозиргина уни текширдим. Олдин уни кўзлари ғилай эди, энди эса йўқ. Сиз буни қандай қилдингиз? Сиз уни гипноз қилдингизми?

— Агар ғилай кўзлар гипноз орқали тузалса, унда сиз, врачлар шу билан шуғулланишингиз керак. Лекин бу гипноз эма эди, а Худонинг қудрати.

— Мистер Бранхам, мен — бор-йўғи черков аъзосиман. Бироқ мен ҳозиргина Худо қанчалик реал, ҳақиқат эканини кўрдимки, У ғилай кўзларни ҳам тўғрилай билар экан. Мен Исо Масиҳни ўзимни Қутқарувчим деб қабул қилишни ва мен бу ҳақида сизни бутун аудиториянгиз олдида айтишни истайман.

Уруғдонида кистаси бўлган ўша аёлнинг платформадан кетганидан кейин ўн минутлар ўтди. Ҳали Британиялик врач халққа гапириб мурожаат қилар экан, платформага хабарчи кўтарилди ва таржимонларнинг бирига ниманидир ҳаяжон билан вайсай кетди, у эса кейин Биллига айтиб берди:

— Аёлни эслайсизми, сиз уни ўлимга тайёрланишинг керак, дегандингиз? У ҳозиргина ўлибди. Бу одам уни эрини билади ва уларни ёнида ўтирган экан. Аёл ўз жойига қайтганида, у эрига шундай дейди: "Э, ҳеч қачон ўйламаган ҳам эдим, мен...", ва у хотинига жавоб беришга улгурмай, аёл ўша ерда жон таслим қилиб, йиқилди.

Кейинроқ улар аёл юрак хуружидан вафот этганини билишди.

Навбатда энг охирги киши – қора-танли одам бўлиб, у шунчалик букри эдики, у эмаклаб келаётган эди. Уни ақли қолоқлиги равшан кўриниб турган эди. Уни мураббийи бу букрини уни бўйнидаги итнинг бўйинбоғига маҳкамланган занжирда ушлаб турар эди.

— Бу бечора жонзодга қаранг, — Биллини раҳми келиб деди. — Агар мен ёрдам қилиб билсам, ёрдам қилар эдим. Ҳақиқат шундаки, мен унга ёрдам беролмайман. Бироқ Исо Масиҳ ёрдам бериб билади. Бу одамни ҳаёти яширин қололмайди, чунки бу ерда Раббий Фариштаси турибди.

Ваҳий пайдо бўлганида, у кутилмаган бир нарсани очди. Билли деди:

— Мен бу йигит Масиҳчилар оиласида ўсганини биламан, чунки унинг кулбаси деворида Исонинг расми осилганини кўряпман. У туғилганидан бери шундай мажруҳ аҳволда. Аммо, айнан ҳозир у ўзи учун ҳавотирланмаяпти, ўз укаси учун қайғуряпти. Тўрт йил аввал унинг укаси катта сариқ ит ёки эчки устидан йиқилиб тушиб, майиб бўлиб қолди. Энди уни укаси ногирон ва ҳассаларда юришга мажбур. РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Унинг укаси шифоланди".

Шу онда кучли қичқириқ янгради. Одамлар тўдасининг энг охирида баланд бўйли негр турган эди ва ўзининг тилида у ўша одамни укасилигини айтиб қичқириб, боши устида икки ёғоч қўлтиқтаёғини силкир ва ҳозиргина шифоланганини айтар эди.

Мана шу мўъжиза туфайли халқ жунбушга келди ва улар эшита олишлари учун тинчланиб олишларига анча вақт кетди. Билли бу қий-чувни сабр қилиб кузатиб турди ва кейин яна ўз эътиборини, олдида эмаклаганча турган бечора букри одамга қаратди. Ҳавода кўкиш соя пайдо бўлиб, у бу одамни тўғри турганини ва туппа-тузук юрганини кўрсатиб турган ваҳийга айланди. Билли аудиторияга мурожаат қилди:

— Сизлар бу одамни укасини Исо Масиҳ шифолаганини кўрдингиз. Агарда Худо бу шакли ўзгариб деформацияланган ва ақли камроқ одамни шифоласа, сизлардан нечталарингиз Раббий Исога хизмат қиласизлар?

Қора танли, буғдой ранг ва оқ қўллар бутун стадион бўйлаб кўтарила бошлади. Билли бу одамни олиб келган васий кишига, букрининг бўйнидан бўйинбоғини ечишни буюрди. Васий ташвишланганча ва эҳтимол озроқ қўрққанидан, йўқ деб бош ирғади. Билли ўзиникида туриб олди:

— Уни ўз оёғига турғазиб қўй ва занжирни еч. Худо уни халос этди.

Васий занжирни ечиб ва одамни елкасидан ушлаб турғазиб, истар-истамас унга бўйсинди. Букри жуда ҳам ёрдамга муҳтож эмас эди. Унинг умуртқаси бир-икки қарсиллаш билан тикланди, ва шифоланган қора танли одам 50 000 одамни кўзи олдида бор бўй-бастини кўрсатиб турар эди. Билли уни ялонғоч белидан қучоқлади ва у билан платформа четига келди, кейин эса қайтиб кафедрага борди. Эркаккина жилмайди ва уни ақли ғайритабиий тарзда нормал ҳолатга қайтганини тасдиқлаб, аудиторияга қўл силкиди.

Оломон, гўё, гумбурлагандай бўлди ва ер қимирлаганга ўхшаб жунбушга келди. Қулай вазиятдан фойдаланиб, Билли деди:

— Сизлардан қанчаларингиз ҳозир Исо Масиҳни ўз Қутқарувчиси деб қабул қилади?

Минглаб қўллар кўтарилди. Эрн Бакстер деди:

— Бранхам ака, мен ўйлайман, улар сени нотўғри тушунишди. Улар, сен улардан жисмоний олишни хохлайсизми, деб ўйлаган бўлишлари керак. Сен яхшиси бу саволни таржимонлар орқали яна бир бор такрорласанг.

Шундай қилиб, Билли микрофонга деди:

— Мен сизлардан жисмоний шифоланишни хохлайсизми, деб сўрамадим. Мен сизлардан Исо Масиҳни ўзингизни шахсий Қутқарувчингиз деб қабул қиласизми, деб сўрадим. Агар қабул қилсангиз, унда оёқларингизга турингглар.

Минглаб одамлар турдилар. Билли деди:

— Исо сизнинг юрагингизга кира олишидан олдин, сизлар, биринчидан ўзларингизни сохта худоларингиздан воз кечишингиз керак. Сизлар, бутларни олиб юрганлар, мен истардим, сиз ҳозирнинг ўзида уларни синдириб ташлангизлар.

Эркаклару-аёллар ўзларининг лойдан ясалган бутларини синдириб ерга ташлай бошлаган вақтда, иппадром устида чанг булут кўтарилди. Биринчи навбатда Билли овозини чиқариб, бу одамларни жони қутқарилиши учун ибодат қилди, кейин эса ҳамма касаллар ва бетоблар шифоланиши учун умумий ибодатини айтди. Минглаб бу янги Масиҳчилар шифоланганликларини айтиб, қичқириша бошладилар.

Кейинги кун меҳмонхонада Фред Босворт якшанба оқшомидаги йиғилиш ҳақида гапиришдан ҳеч қандай ўзини тўхтатолмас эди.

— Бранхам ака, одамлар тарқалишаётганларида, улар ўз ҳассалари, раскладушкалар, ногиронлар аравачалари ва оёқ учун металл тортмаларни йиғиб, катта қилиб ўйдилар. Мен у ерда турдим-у, кўзларимдан бор ёшларимни тўкдим, йиғлайвериб. Менинг ҳамма 40 йиллик Хушхабар воизлигим вақтида ва касаллар учун ибодат қилганларимда, менга бунг ўхшашини кўришга тўғри келмаган эди.

Шаҳар мэри Сидней Смит деди:

— Бранхам ака, бу ёққа кел, деразадан қара. Анави юк машиналари кеча оқшом одамлар қолдирган қўлтиқтаёқ ва бошқа нарсалар билан тўлдирилган.

У ёққа қараб, Билли молларни ташийдиган еттита катта-катта машиналарни меҳмонхона ёнидан ўтаётганини, уларни ортидан юзлаб шифоланганлар, — ҳар бир қабиладан бўлган қора танли одамларни, уларни бир-бири билан бошқа нифоқлашмай, қўшилишиб кетаётганларини кўрди. Улар бораётиб, бир-бирларини қўлларидан ушлаб ва Бранхам Миссияси кампаниясининг: “Ишон, фақат ишон, Худога ҳамма нарса мумкин, ишон, фақат ишон!” — деган лейтмотив қўшиғини куйлаб боришар эди.

Сидней Смит деди:

— Бизнинг оддийгина ҳисоб-китобларимиз бўйича, кеча оқшом йиғилишда 50 000 одам иштирок этди, агар у якшанба кунги учала йиғилишни ҳаммасини бирга ҳисобласа, — 100 000 дан ҳам кўп бўлади. Кеча 30 000 га яқин одам юракларини Исо Масиҳга бердилар, а қанча одам шифоланганини ҳисоблашни ҳеч қандай иложи йўқ.

— Мен бўлсам, мана, қанчалик бетоблигимдан базўр оёқларимда туряпман, — Билли қўшиб қўйди. — Биз Йоханнесбургдан, худди Фаришта буюрганидай, тўппа-тўғри Дурбанга келишимиз керак эди. Шу вақтга келиб, ҳаммага, Раббий бизларни Дурбанга бўлишимизни хохлаши аён бўлган бўлиши керак.

Афсуски, бу ҳаммага ҳам равшан эмас эди. Мистер Шуман чоршанба эрталаб Эрн Бакстер, Билли ва Билли Поль Солсбери, Родезияга учади деб тушунтирди.

— Ва – ва Дурбанни тарк этамизми? — саросимада ғўлдиради Билли. — Нима учун? Ахир Раббий айнан шу ерда фаол ҳаракатда-ку.

Шуман ўзларининг узрли сабабларининг яна ўша “қолдиқларини” “тўкиб ташлади”.

— Бизлар бир ой муқаддам тайин этган маршрутимизга риоя қиламиз холос. Бу маршрутга асасон, сен Солсберида икки кун ўтказасан, ундан кейин Преторияда битта йиғилиш бўлади, а ундан кейин эса, сизларнинг учиб кетишингиз олдидан битта охирги йиғилиш учун Йоханнесбургга қайтамиз. Мен тушунмайман, нимага сен хафасан. Ахир сен ўзинг хохлаганингдек Дурбанда йиғилишларингни ўтказдинг-ку.

— Родезия, Солсбери бу ердан қанча узоқ?

— 1300 километр шимолда.

Билли бу одамларнинг беъманилигини базўр тушунолди. У аниқ фактларни кўрсатди:

— Бу ерда, Дурбанда мени ваъзимни истаётган 50 000 одам бор. Улардан кўплари бу ерга келиш учун жуда узоқ йўл босишган. Улардан минглаби — янги, эндигина имонга келган Масиҳчилар. Ва мана, бирдан сизни ҳаёлингизга мени 1300 километрлик парвозга жўнатиш келди, ва сиз ҳали мени нега хафалигимни тушуниб етолмаяпсизми?

— Бранхам ака, мен ҳам афсусдаман, бироқ Родезиядаги биродаримизга сени у ерга этамиз, деб ваъда берганмиз, ва бизлар сўзимизда туришимиз лозим.

Ўзининг заифлигини, касаллигини ҳис қилиб, Биллини Миллий Қўмита режасига асосан бу турнени тўхтатиб, Билли рози бўлди. У Солсберида бор-йўғи 1500 одам учун ваъз қилди. Уларнинг Родезияда ўтказган икки куни, унинг хотирасида худди қандайдир ёмон тушдай “сузиб юрди”. Ундан кейин у орқага, Жанубий Африкага учди ва у ерда, Треторияда битта ва яна иккита йиғилиш Йоханнесбургда ўтказди. Йоханнесбургдаги ўша якунловчи хизмат вақтида Биллига, гўё у ўлаётгандай бўлиб туюлди. Шунга қарамай, унинг дарди ўй-фикрларни фарқлаш инъомига ҳам, Худони қудратига ҳам тўсқинлик қилмади. Ўша оқшом бошқа ваҳийлар орасида у аудиторияда кўзи

кўр аёлни кўрди. Уни кўрсатиб, у аёлни туришга ва шифони қабул қилишга қизиқтирди. У бу чақириққа жавоб бермади, бироқ унинг ўрнига ўша қаторни ўзидан бошқа аёл турди.

Билли ўрнидан турган аёлга бурилиб, деди: — Мен сизни ҳам кўзингиз ожиз эканини биламан, аммо нима учун энди сиз турдингиз? Сиз — яғудий аёлсиз, ва сиз Исони Масиҳ эканига ишонмайсиз. Сиз нима деб ўйлайсиз, Исо сизга кўришни ато этиб билармикин?

Аёл бош ирғаб тасдиқлади. Билли давом этди:

— У ҳали сизни Раббингиз ва Қутқарувчингиз бўлмас экан, мен Уни сизни Шифокорингиз бўлишини сўрай олмайман. Агар сиз Уни Масиҳ — Нажоткор каби қабул қилсангиз, қўлингизни кўтаринг.

У қўлини кўтарди ва кўзи кўра бошлади.

Ниҳоят, Биллини Жанубий Африкани тарк этиш вақти келди. Ўша ғилай кўзли болани текширган Британиялик врач Билли билан Йоханнесбург аэропортида учрашди ва шундай деди:

— Худо мени миссионер-медик бўлишга чақираётганини мен ҳис этаяпман. Бранхам ака, бу ҳаммаси учун мен сиздан қарздорман. Шу ёққа келганингиз учун, мен миннатдорман.

Унинг миннатдорчилигини юз мингга кўпайтирса бўлар эди. Африканинг узоқ-узоқларидан, ҳар ҳафта минглаб одамлар сувдан имон келтираётгани ҳақида гувоҳликлар келиб турди. Бутун Жанубий Африка черковлари одамларга, қайсики улар яқинда реал ва тирик Худони — сезиларли Худони кўрганларидан руҳланган одамларга тўлиб кетди. Уилльям Бранхам миссияси Жанубий Африкада ўн ҳафта бўлган вақтида, 11 та шаҳарда 500 000 киши қатнашган 120 та хизмат ўтказди. Бу ғалабанинг якуний натижаларини фақат Худо аниқлай олар эди, бироқ Билли уни унга жуда қимматга тушганини билар эди.

Фред Босворт Бранхам миссиясининг қолган аъзоларини, гарчи ўзи уйга ўша куни учмаган бўлса-да, аэропортгача кузатиб борди. Босворт Жанубий Африкада пасторлар ва миссионерларга ёрдам бериб, уларга минглаб янги имонга келган Масиҳчиларни қувватлаш, барқарор қилиш учун яна бир ой қолишга ният қилди. **(№16 Сурат)**

Самолёт келишини кутиб ўтираркан, Билли қорнидаги оғриқдан тиришиб типирчилар эди. У яна Фред Босворт билан учрашармикан ёки йўқми деб, ростакамига ўйлаб қолди. Ниҳоят, самолёт қўнди ва тез орада йўловчиларни чиқиши бошланиши керак эди. Ҳайрлашиш вақти келди. Билли дўстини қучоқлаб туриб, деди:

— Босворт ака, мен 42 ёшдаман, ва мен ўйлашимча мени умрим охирига етяпти. Павел каби, мен ҳам улуғ курашда астойдил курашдим, умр довонини ошиб бўлдим, имонни сақладим,[228] — дея оламан.

[228] 2 Тимофейга 4:7

— Бўлмаган гап! — Босворт тўнғиллади. — Сен бор-йўғи йигитчасан. Мен 40 ёшимда, мен ахир энди ваъз қила бошлагандим! Ҳозир мен 70 да, ва мен ҳалиям дадил турибман. Бранхам ака, сен ҳозиргина ўқишингни тугатдинг ва диплом олдинг.

Билли ўқишни тугатгани билан рози бўлди-ю, аммо дипломини олганига келганда, унчалик ҳам имони комил эмас эди. Унга кўпроқ, у ҳозиргина битириш имтиҳонидан ўтолмагандай туюлар эди.

60 БОБ
ФАРИШТАНИНГ ОЛДИНДАН АЙТИШИ
1952

— БИЛЛИ БРАНХАМ, о раҳмдил Худойим! — доктор Эдер тиббий ҳисоботдан нигоҳини олиб, қичқириб юборди. — Сен Африкада амёбани юқтирибсан-ку!

Сэм Эдер лаборатория текширишларини ўқиб бўлгач, у бошини ғамгин силкиди.

— Билли, мен сенга ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Мен сени мутахассисга жўнатишимга тўғри келади.

Яна бир неча таҳлиллар ўтказгач, доктор Лукас унга нохуш фактларни айтиб берди:

— Мистер Бранхам, бу амёбалар паразитлар ҳисобланади. Улар миттигина циста[229] кўринишида ўтиб юради ва оқ қон таначаларидан озгина каттароқ бўлади. Сиз, эҳтимол, улардан бирини овқат ёки ичимлик орқали юқтиргансиз. Бу касаллик симптомалари, бу паразитлар организмга тушганида, тахминан, бир ой ёки бир ярим ойдан кейин пайдо бўла бошлайди. Мен ҳали сизда бўлганидай ёмонини кўрмаганман.

[229] Циста — бир ҳужайрали ҳайвон ёки ўсимлик яшаш формаси (Тарж.)

Билли эслади, уни қорин бўшлиғидаги биринчи оғриқларни Порт-Элизабет шаҳрида сезган эди — Йоханнесбургдан кетганидан тўрт ҳафта кейин. Бу дегани, у, аниқроғи, амёба цистасини Клерксдорпда ютган. Бу вақт бўйича тўғри келади. О-о, кошки энди у Фаришта буюрганидай Йоханнесбургга қолганида эди! Бундай қисмат умуман уни бошига тушмас эди.

Доктор Лукас давом этди:

— Амёбиаз — бу бошдан ҳисобласа, учинчи паразитар касаллик бўлиб, бутун дунё бўйлаб юз минг одамга юқадиган касаллик. Кўп ҳолларда бу амёбалар фаолиятсиз ҳолатда туради. Гарчи буни юқтириб олган одамлар ҳозир бацилла (бактерия) ташувчи ва бу касалликни тарқатишлари мумкин бўлса-да, уларнинг ўзлари бунда касаллик таъсирига учрамайдилар. Бошқа ҳолатларда, худди, масалан, сиздагидай, паразитлар ҳаракатга келади. Нима учун биз буни билмаймиз. Ҳозирги моментда бу амёбалар сизнинг ичакларингизда шиллиқ суюқлик ҳисобидан яшаяпти. Биз у ерда улар устидан назорат қилиб туришга уриниб кўрамиз, чунки, агар улар ичаклардан чиқса, улар жигар ёки мияга қараб йўналишади, ва ундан кейин муаммо чуқурлашади. Афсуски, дори бу паразитларга кучли таъсир қилмайди. Мен сизни икки ойлик даволаш курсидан ўтказмоқчиман.

Билли клиникада бўлган вақтида, таҳлиллардан бири вақтида, ундан барий-сульфат[230] эритмасидан озроқ ичиш талаб қилинди. Бу таҳлилни ўтказаётган врач деди:

[230] Барий-сульфати — оқ майин эзилган ҳидсиз ва таъмсиз порошок. Ичишда сувдаги суспензия кўринишида, ошқозон, қорин ва ичакларни рентген текшириши вақтида контраст восита сифатида ишлатилади (Тарж.)

— Мистер Бранхам, мен эшитдим, сиз миссионер экансиз.

— Ҳа, мен — миссионер-хушхабарчиман. Мен яқиндагина Африкадан қайтдим.

— Мен ҳам воизликка ўқиган эдим. Мени Масиҳчиликда ҳеч нарса йўқлигини билиб олишимга, менга тўрт йил керак бўлди. Шундай қилиб, мен Муҳаммад, Будда, Конфигурация ва бошқа кўпларнинг таълимотларини ўргана бошладим. Мен Масиҳчилик бокира қиз туғиши ва қутқарувчини эътироф этадиган ягона дин эмас эканлигини билиб, ҳайрон бўлдим. Мен шундай хулосага келдимки, бунинг ҳаммаси ҳеч вақо йўқ, шунинг учун мен бу чалкашликлардан қутулдим, ва ҳозир мен агностикман. (объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор қилувчи)

Биллининг ичак-чавоғи оғриқдан тилка-пора бўлар, ақли эса уни йиғлагудек аҳволига юзасидан қўрқувга тўлиб-тошар, шу сабабли у бундай ўткир одам билан баҳслашишга кучи етмаслигини сезиб турар эди. Билли ичида ибодат қилди: Раббий Исо, менга яна бир бор бу одам билан гаплашишга имкон бер, қачонки мен яхшироқ бўлганимда”. У уйига келганида ва хотинига хунук янгиликларни айтиб берганида, Меда деди:

— Билли, сен Нью Олбанида, миссис Шейнни эслайсанми?

— Жексон акани черковидан, якшанба мактабининг ўша нервоз ўқитувчиси; у учун айни Жанубий Африкага кетишим олдидан ибодат қилган аёл эмасми?

— У ўша. Сен ҳали Африкадалигингда, у менга ҳар неча кунда қўнғироқ қилиб турди. Энди эса сен уйда экансан, у менга ҳар куни қўнғироқ қилаяпти.

— Уни аҳволи қандай?

— Даҳшатли. Унинг аҳволи шунчалар ёмонлашадики, у базўр уйидан чиқа олади. У сени, қачонки сен мойланиш остида бўлганингда ибодат қилишингни хохлайди, аммо унингча у йиғилишга кела олмас экан.

— Буни аҳамияти йўқ. Мени ҳозирги аҳволимда, мен, эҳтимол, умуман навбатдаги йиғилишни ўтказолмайман.

— Билли, бундай дема. Нима бўлганида ҳам, миссис Шейн мени сендан, қачонки сенга Раббий Фариштаси кейинги сафар яқинлашганида, сен билан у учрашиши учун рўйхатда унга биринчи ўринда бўлса мумкинми, деб сўрашимни истайди.

— Албатта, — паришонхотир деди Билли, у Раббий Фариштасини Клерксдорпдаги ўша машъум кундан, қачонки у Раббий иродасига қарамасдан, Миллий Қўмита маршрутига амал қилишга қарор қилган кундан бери кўрмаган эди. У ўйлади: “О, мен ҳаётимни қанчалар нобуд қилдим!”

Кейинги ҳафталар Билли учун ғирт даҳшатни ўзи бўлди. Доридан оғриқ сусаймади. У оғриқдан қийналиб кетганидан, базўр ухлай оларди. Кечаси билан у нуқул у ёқдан – бу ёққа уйда: “Худойим, илтимос, менга раҳминг келсин. Мен бошқа ҳеч қачон била туриб Сенинг чизиғингдан чиқмайман”, — деб чақириб, ялиниб, уйни ичида юриб чиқар эди: сўз ҳам демас, ваҳий орқали ҳам, ва ҳатто, гарчи Билли доим Библиясини ўқиса-да, ёзилган Каломуллоҳ орқали ҳам. Ночор ва ёлғизлигини сезиб, Билли ақлида тушкунлик қарига борган сари кўпроқ “сийғонарди”. О-о, у қанчалар бундай нодон бўлиши керак эдики, Раббийни тўғридан-тўғри буйруғига қулоқ солмади? Кундан-кунга у ўз хатоларидан сабоқ олишга ҳаракат қилиб, ҳар турли қарорларни текшириб, ҳар хил тафсилотларни таҳлил қилиб, ўзининг Африкадаги мунозарали баҳсли ҳолатларини қайта кўриб чиқаверди. У унинг энг катта хатоси Жанубий Африка Миллий Қўмита — лидерлар гуруҳи билан боғланганлигини кўрди, қайсики улар ўз қарорлари ва фикрларида қанчалар маҳкум турар эдиларки, уларни фикрини қарама-қарши томонга, ҳатто агар Худони Ўзи улардан режасини ўзгартиришни сўраганида ҳам уларни кўндириш имконсиз эди. Кейин билли унга Американинг деноминацион воизлари орасида ҳам шундай қатъиятли, ашаддий муносабатлиларни кўришига тўғри келганини англаб етди.

Эҳтимол, айбдор одамлар эмас, балки система эди. Ҳар бир Масиҳчи ташкилот олдидан белгиланган таълимот ва низомга риоя қилар, қайсики кўпинча шунчалик қадрланадиган догмага айланар, шундан черков аъзолари Каломни бошқача кўра олмас эди. Агар улар доим ҳақ бўлсалар, ҳаммаси жойида бўлар эди. Аммо нима бўлади, агар улар хато қилаётган бўлсалар-чи? Агар уларга Худо ниманидир кўрсатмоқчи бўлса-ю, улар буни қабу қилмасалар, чунки бу уларнинг догмаларига мос, тўғри келмайди, унда нима бўлади? Бундай бўлса, уларнинг шахсий махкам, саботли туришлари уларни ҳакм қила билар эди ва уларга Худонинг ҳукмларига гирифтор қилар эди. Агар деноминацион Масиҳчилик ҳақиқадан ҳам Худонинг Руҳига ёрдам бермаса-да, қарама-қаршилик қилса, унда нима бўлади?

Ўз ҳаракатларини узоқ танқидий таҳлилларидан кейин Билли шундай хулосага келдики, унинг иккинчи хатоси у танқидга ўта таъсирчанлигида эди. Бундай таъсирчанлиги унинг болалигидаги таҳқирчанлигидан, қачонки у оиласининг ёмон отлиғ обрўси туфайли жамиятдан ҳайдалганидан келиб чиққан эди. Масиҳчи бўлиб, у болалиги ва ўспиринлигида олмаган севги ва эътиборга эга бўлди. Бироқ унинг болалигидан баъзи бир комплекс одатлари ҳали ҳам унда, уни тез асабий бўлиши ва танқидга чидай олмасликни ҳам айтганда, унда қолган эди. Энди бўлса, уни диққатини кўплаб одамлар ўзига қаратишга ҳаракат қилганларида, у ҳаммани кўнглига қарамоқчи бўлар, буни эса иложи йўқ эди. Билли шундай қарорга келди, ҳозирдан бошлаб ва бундан буён у Худо ундан нима қилишни истаганида ҳам, бу жараёнда кимнидир хафа қилиб қўйганида ҳам, у ҳаммасини бажариши керак. Унга Раббий Исо Масиҳни хафа қилиб қўйганидан кўра, одамларни кўнглини қолдиргани яхшироқ бўлади.

Афсуски, Биллига Раббий ундан нима исташини билиши ҳамма вақт ҳам осон бўлавермас эди. У бир танқидий фикр ҳақида тинмай ўйлар эди, қайсики бу фикр, мулоҳаза унга йиллаб тинчлик бермас эди. Кўплаб Масиҳчилар у шифолаш кампаниялари вақтида етарлича одамлар устидан ибодат қилади деб шикоят қилишар эди. Юзлаб касал одамлар ўзлари учун у шахсан ибодат қилишини истаб, ҳар бир йиғилишга келар эдилар. Юрак сирларини билишлик унинг танасини жуда толдиргани туфайли, камдан-кам ҳолатларда унда ўн – ўн икки одамдан ортиқ киши учун ибодат қилишга кучи қолар эди. Кўп хушхабарчилар у ҳам Оал Робертс ва бошқа имон билан шифолаш хушхабарчилари каби одамларни узун навбатга тузиши ва уларни олдидан у тегиб ва қисқагина ибодат қилиши учун иложи борича шошилинч ўтказиши керак, дер эдилар. Эҳтимол, у танқидчилар ҳақ эдилар; мумкин, унинг методи чиндан ҳам жуда секиндир. Баъзан Билли бу жумбоқни у бундай кампанияларни Худо

аслида қандай ўтказишини хохлашига тушунолмай, соатлаб ўйлар эди. Бошқа ҳолларда, бу савол энди муҳим эмас деб ҳисоблар, чунки яна ваъз айтишига тўғри келмас деб ўйлар эди.

Бир куни саҳарда Меда эрини тиз чўкиб турганини кўриб қолди; у диван устида бош эгиб, ҳўнграб йиғлар эди.

— Билли, нима бўлди?

— Азизам, агар сен мени қанчалик ёмон бўлаётганимни билсанг эдинг! Мана, мени ёшим бор-йўғи 42 да, соғлигимга бўлса путур етди, хизматим тугади ва мен қарзга ботдим. Қандай қилсам экан? Келажакда мен учун нима турибди? Мени йўлим охирига келганга ўхшайди.

— Мумкин, бирор нима еб олганингдан кейин, сенга яхши бўлар, — деб Меда таклиф қилди.

Билли шундай қаттиқ йиғлаганидан қовоқлари шишиб, кўзи юмилиб қолаёзди. Меда уни столга этди ва у қовурилган тухум ва нонни озроқ "чўқилади". Охирги вақтларда уни иштаҳаси кескин ёмонлашди. Шунинг натижасида, бир неча ҳафтада бор-йўғи 50 килограммча келгунича узлуксиз ориқлади. Биллининг аҳволи яхшиланмади, балки ёмонлашаверди.

1952 йилнинг тахминан феврали ўрталарида, Билли ундан навбатдаги таҳлил олишлари учун клиникага жўнади. Текширишлар натижаларини ўргана туриб, доктор Лукас бош чайқади.

— Жаноби Бранхам, мен сизни шифолаётган дориларим таъсир қилмаяптими, деб қўрқаман. Бундан кейин мен мишьякни ишлатаман.

— Мишьяк? А бу хавфли эмасми?

— Ҳа, мен дозалашда жуда ҳушёр бўлишим керак. Бироқ жаноби Бранхам, бу хусусда алданманг, — сизни аҳволингиз жиддий. Ҳар йили амёбиазадан 40 000га яқин одам ўлади. Бу актив амёбаларичаклар деворини еб ташлайди ва қон айланишига тушиши мумкин, улар эса уни жигарга этади, у ерда улар ўлдирадиган йиринглар ҳосил қилади. Баъзан улар қон орқали тананинг бошқа органларига, бош мияга ҳам етиб боради. Бундай бўлганида одамни иситмаси чиқиб, ўн соат ўтиб ўлим топади.

Билли уйига қаттиқ ташвишда қайтди. У янги дорисини врач буюргани бўйича қабул қилди, аммо у фақат уни терисини сариқ-жигарранг бўлишида "ёрдам берди".

Тахминан шу вақтда, Биллининг ошнаси доктор Сэм Эдер уларнинг умумий дўсти бошига кулфат тушгани ҳақида хабар бериш учун қўнғироқ қилиб қолди.

— Билли, сен биласан, Делбертни онаси бир неча йил бурун ўлган эди. Делберт ҳозир 17 да ва ёмон кампания билан аралашиб қолди. Энди у касалхонад ётибди, захмда ўлаяпти. Мен уни организми қабул қилиб билгунича, пенициллин ўтказдим, аммо бундан унга наф бўлмайди. Мен фақат сен билишинг керакми, деб ўйладим.

Гарчи Билли шунчалик қаттиқ бетоб бўлса-да, касалхонага бориш ва оиласининг эски қадрдонидан хабар олиш учун бор кучини тўплади. У касалхона палатасига кирганида, Делберт деди:

— Бранхам ака, сени бу ерга келганингдан мен уялиб кетяпман.

— Делберт, аҳволинг жуда оғирми?

— Врач айтдики, мен Худо билан ярашиб олишим керак экан.

— Мен сени онангни Масиҳчи бўлганини биламан. Сен ўзинг-чи?

— Мен мустақил яшай бошлаганимда, бир хил йигитлар менга, агар чека бошласам "зўр" бўлади дейишди, шу учун ҳам мен чека бошладим. Кейин мен шайкадаги бошқалар билан кампания учун пиво ича бошладим ва у ёқ – бу ёққа қарашга улгурмай, буни илакиштириб олдим.

— Юракни Исо Масиҳга беришга ҳали ҳам кеч эмас.

— Мен-мен шуни истайман, — йигит дудуқланиб бошлади, — лекин Худо мени қабул қилмайдими, деб қўрқаман, чунки мен шунақа гуноҳкорман.

— О-о, албатта, У сени қабул қилади, — Билли уни ишонтирди. — Айнан шу учун У, гуеоҳкор одамларни қутқариш учун Хочда Ўз Ҳаётини берди.

— Мени У қабул қилади, деб ўйлайсанми, гарчи ҳозир менда шундай касаллик?

— Сен Унга танангни эмас, жонингни тақдим этишинг керак.

— Унда мен Унга бораман.

Библияни очиб, Билли овозини чиқариб, Юҳанно баён этган Инжилнинг 14-боби, 1-оятидан ўқий бошлади:

Юрагингиз ғаш бўлмасин. Худога ишонинг, мега ҳам ишонингиз!

Отамнинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмаса эди, Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман, деб айтармидим?

Мана, Мен бориб сизларга жой тайёрлайман-у, яна келиб, Мен бўлган жойда бўлишингиз учун сизларни олиб кетаман.

Мен борадиган жойни эса сизлар биласизлар, йўлни ҳам биласизлар.

— Раббим! — деди Фома, — қаерга боришингни билмаймиз-ку, йўлни ҳам қандай билиб оламиз?

Исо унга деди:

— Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отамнинг олдига боролмайди...

Бу бобни ўқиб бўлиб, Билли кроват олдида тиз чўкди ва ибодат қила бошлади. Делберт қўлини кўтариб, йиғлади: "Азиз Худо, менинг жонимга шафқат қил. Илтимос, мен гуноҳкор бўлиб ўлиб кетишимга қўйма. Мен бутун юрагим билан, Калом ҳақиқат эканига ишонаман ва мен ҳозир Сени Қутқарувчим деб қабул қиламан".

Билли турди ва:

— Ҳозир бўлса, кел, Илоҳий шифоланиш ҳақида гаплашамиз, — деб Делбертни елкасига уриб қўйди.

— Энди эса аҳамияти йўқ, ўламанми ёки йўқми, — деди Делберт қўлини юрагига қўйиб туриб. — Мана бу еримда нимадир бўлиб ўтди-ку, ва ҳозир мен ўлишдан қўрқмайман.

— Ҳа, Делберт, нажот топиш — бу энг асосийси. Бироқ, Ўша Раббий Исо сени жонингни қутқарган Зот, сени касал танангдан ҳам қутқариши мумкин.

Билли бу йигитни кўксига қўлларини қўйиб, яна ибодат қилди.

Билли уйга қайтиб келгач, у Сэм Эдерга қўнғироқ қилди ва:

— Доктор, Делбертга яна битта пенициллиндан укол қилиб юборчи, — деди.

— Билли ,мен унга аллақачон керагидан ортиқ антибиотик доза қилганман. Агар бу бирор нимага ёрдам бериши керак бўлса, унда бу вақтда унга яхши бўлиши керак эди.

— Яна битта укол унга зарар қиладими-а?

— Йўқ.

— Унда сен менга бир хизмат қилиб юбормайсанми? Нима бўлганида ҳм, унга яна битта укол қилгин.

— Яхши. Лекин унга бундан яхши бўлмайди.

Бир неча кун ўтиб, доктор Эдер унга қўнғироқ қилди ва:

— Ўша охирги укол таъсир қилди. Делберт бундан тузалаяпти, — деди.

— Жуда соз! — Билли хитоб қилди.

Гўшакни қўйиб, у дўсти учун жуда хурсанд эди-ю, аммо ўзи учун ачинар эди: "Раббий, — Билли илтижо қилди. — Сен Делбертни шифоладинг. Нега Сен мени шифоламайсан?"

1952 ЙИЛ ФЕВРАЛИНИНГ охирги ҳафтасида Уилльям Бранхам доктор Лукаснинг клиникасига қайтиб борди.

— Менинг аҳволим бу сафар қандай? — сўради Билли.

Доктор Лукаснинг юзида табассум пайдо бўлмади.

— Менинг ҳар бир сизни текширганимда, мен сизнинг организмингизда янада кўпроқ амёба учратаяпман. Жаноб Бранхам, менда сизни хавотирга солиш истаги йўғ-у, бироқ сиз оилали эркаксиз, ва сизда бир неча болаларингиз бор. Сизни ҳамма ишларингиз жойидалигига ишончингиз комил бўлиши керак. Тиббиёт сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Агар бу паразитлар сизни қон айланишингизга тушса, сизда кучли иситма бошланади. Агар улар сизни жигарингизга тушса жуда ёмон бўлади, аммо улар юракка ёки бош мияга етиб борса, сиз ўн соат тура оласиз, ва шу билан тамом.

Билли уйига қаттиқ хавотирда қайтди. Ўша кеча Худодан йиғлаб раҳм-шафқат сўраб, хонада у ёқдан – бу ёққа яна юриб чиқди. Бироқ у ҳозир олдингидан ҳам кўпроқ умидсизликка тушганди. Қарийб ҳар ярим соатда у танаси температурасини, унда иситма бошландими-йўқми, билиш учун текшириб турди. Оиласи усиз қандай яшайди? Билли Поль билан ҳаммаси жойида бўлади, аммо қизларичи? Мартда Ривқо 12 ёш бўлади, Сарра бўлса бир ёш холос. Қандай қилиб Меда икки қизчани вояга етказади?

Соат 11ларга яқин Билли ётди ва ухлаб қолди. Кечаси соат учда нимадир уни уйғотди. У қоронғуда, кровати ёнидаги соатнинг тиқиллашини эшитиб ётар эди.

Бирдан у енгилгина босимни, қайсиданки унинг териси санчилар эди, ҳис қилди. Раббий Фариштаси умуман яқинроқда эди. Билли қаттиқ ҳаяжонга тушиб, кутар эди. Кейин у ўша таниш овознинг:

— Ўзингни кичкинангга бор ва унга сув ичир,*— деганини эшитди.*

Шундан кейин босим тугади.

Чойшабда туриб, Билли пижамаси устидан халатни ташлади ва коридордан қизчасини ётоғига борди. У ерда эса Саррани кровати олдида туриб, хириллаб қолгунича йиғлаганини кўрди. Охирги бир неча кунлар давомида у бетоб эди ва шундай қаттиқ йиғлаганидан, овози чиқмай қолган эди. Билли уни қўлига олди, у билан ошхонага ўтди ва унга бир стакан сув қуйиб берди. У стаканни ичиб бўшатди. Билли ўйлади: "Наҳотки ҳайрон қоларли эмас, менинг Раббим Сарра учун шундай қилди?! Исо шундай азиз ва ғамхўр".

Саррани яна ўз кроватига қўйиш ўрнига, у уни ўзининг кроватига Меданинг ёнига қўйди. Қизча ўша заҳот ухлаб қолди. Билли Саррани хонасига қайтди, иккита бир киши ётадиган кроватларнинг бирига чўзилди, аммо ҳеч ҳам ухлаб қололмади. У ҳозир ҳам нечанчи марта ўйлаб ўйига етолмасди: "Менга келажак нима беради? Ҳозир менга умуман озроқ яшашим қолган деб ўйлайман. Менинг иситмам кўтарилади... кейин, ўн соатдан сўнг, мени умрим тугайди... ва хотинимни бир ўзига бу икки қизимни тарбиялашига тўғри келади... О Худойим, мен бирор нарса қила оламанми?" — у қаттиқ йиғлаб юборди.

Тинчликни пастгина шовқин бузди, қайсики баландлайверди. Бу яқинлашаётган қуюнни эслатар эди. Билли адёлини олиб ташлади ва кроват четида ўтириб, деди: "Азиз Худовандим, Сен қулингга кечирим билан келаяпсанми ёки бўлмаса мени Уйга олиб кетганими?"

Бирдан пульсланаётган камалаксимон Нур пайдо бўлди ва шифтга кўтарила бошлади. Ўша Нур остидан Раббий Фариштаси чиқди. Уни қўллари кўксида қовушган, қўлида бўлса кўплаб оппоқ қоғоз варақларини ушлаб турган эди. Фаришта деди:

— Сен ўзингни келажагинг ҳақида тушунмай турган экансан...

— Ҳа, — деди Билли, — мени келажагимда нима кутаётганини билишни истар эдим.

Фаришта полга бир неча қоғоз парчаларини тушуриб юборди. Билли ҳар бир саҳифада сўзлар ёзилганини кўрди-ю, аммо уларни ўқишидан олдин, Фаришта деди:

— Бунга қара, *— ва қўлида қолган варақларни Биллига кўрсатди. Уларни ҳаммаси бенуқсон, бекаму-куст оқ, ҳеч қанақа белгилар билан ёзилмаган эди. Фаришта бу варақларни ҳавога отди. Бирдан, ногоҳон хонанинг шифти йўқолиб қолди. Бу қоғоз варақлари оқшомги осмонда учиб, токи юлдузлардан майдагина нуқтадай кўрингунларича, юқорилаб-юқорилаб кўтарилаверди. Кейин улар Сомон Йўлидан ҳам нариларга кетиб, кўринмай қолди. Ўшанда осмондан паст, аниқ овоз келди:*

— Сенинг келажагинг тоза ва мусаффо!

Билли ўзига келганида, олдингидай кроват четида ўтирган эди. Хона қоронғи ва жим-жит эди. Танаси увишганини ва саросимада қолганини ҳис этиб, у ялинди: "Худойим, агар мен Сенинг нигоҳингда мархамат топган бўлсам, менга айт, бу амёбалар билан нима бўлади? Улардан қутуламанми? Раббим, агар Сен менинг гуноҳимдан ўтган бўлсанг, менга яна бир-бор гапир!"

Ўша ғайритабиийнинг Мавжудлиги яна бутун хонани тўлдирди, ва ўша Нурдан Фаришта чиқди. У гапирган вақтида, унинг овозида раҳмдиллик ва ўша вақтнинг ўзида қатъийлик бор эди.

— Сен ўша амёбалар хусусида ўйловдасан. Улар сени бошқа безовта қилмайди.

Шу сўзлар билан Фаришта ғойиб бўлди, Билли бўлса бу вақтда қувонгандан-қувонди. Ахир у шифоланди. Шифоланди! Худо мўъжиза қилиб, уни танасига тегди. У ҳар қалай яшайди ва оиласини тарбиялайди. У ҳатто ўз хизматини тиклайди. Ўз хизматини эслаб, Билли ўйлади: "Фаришта ҳозир шу ердалигида, мен касаллар учун қандай ибодат қилишим кераклигини сўрашим керак эди". *Бирдан Фаришта яна унинг олдида пайдо бўлди. Фариштанинг оқ кийимлари унинг боши устида пульсланаётган ғайритабиий нурни қайтарар эди.*

Билли деди:

— Ҳар хил одамлар, мен 15 кишига ибодат қилганимда, Орал Робертс ва бошқа хизматчилар бу вақт ичида 500 одамга ибодат қиладилар деб, менинг йиғилишларимни танқид қиладилар. Сен айтдинг-ку, мен одамларда ўзимга ишонтиришим керак деб. Мен буни, ваҳий пайдо бўлишини кутиб, қандай қилаётган бўлсам, шундай давом эттиришим керакми? Ёки Босворт ака таклиф қилаётганидай, тезкор навбат билан ибодат қилишим керакми?

— Буни фақат руҳингга қулоқ солиб қил, *— Фаришта жавоб берди ва кейин ғойиб бўлди.*

"Буни фақат руҳингга қулоқ солиб қил", — Билли такрорлади. Қанақанги руҳлантирувчи сўзлар! Ахир айнан шу сабоқни олган эди-ку, Жанубий Африкадаги хатосидан.

Тез орада Фаришта ўша Борлини "Хш-ш-ш-ш, хш-ш-ш-ш, хш-ш-ш-ш..." деб шамолда бир текис ритмда гуриллаётган оловни эслатадиган, ўша таниш товушни Билли яна ҳис қилди. Фариштанинг шу кечаси пайдо бўлиши олдинги ҳамма келишидан фарқ қилар эди. Одатда Фаришта битта хабар билан келар эди. Бу кечаси эса бир неча бор пайдо бўлди.

Фаришта Биллини руҳда кўтарди ва Дурбандаги йиғилишга этиб туширди. У Грейвилл Рейс Корс ипподроминнинг шимолий бурчагида турар ва жанубга, айни у бир неча ой бурун ваъз қилган ўша

жойга қарар эди. Одамлар трибуна ва стадионни аниқ у буни эслаганидай тўлдирдилар. Бу ўша йиғилиш эканига Билли амин бўлгани заҳотиёқ, Фаришта уни олди ва шарққа олиб кетди. Билли Дурбандаги йиғилиш кўм-кўк фазода қандай чўкиб ва ғарбда хиралашиб қолиб кетганини кузатиб турди. Кейин Фаришта уни бошқа йиғилишга келтириб қўйди. Бу одамлар қора танли ва озғин эдилар; улардан кўпчилигини сонларида боғламалари ва саллалари бор эди. Билли улар (Ост-Индия) Ҳиндистоннинг туб аҳолиси бўлса керак, деб ўйлади.

Бирдан Билли ўзини устида улкан генератор гуруллашига ўхшаш шовқинни эшитди. Юқорига қараб, у осмондан тушаётган, қизил кийимга бурканган ва чўзиб турган қўлида тебраниб турган йирик прожектор ушлаган бошқа Фариштани кўрди. Пастда тўпланган одамлар қўлларини кўтардилар ва Исо Масиҳга шукроналар айтиб, қичқира бошладилар. Баландда бўлган фаришта оломонни четларини ёритиб ва ўша одамлар қаторларини, ҳаттоки яқинроқдаги тепаликларгача чўзилганини кўрсатиб, қўлидаги прожекторни барча бор қуввати билан ёқди. Билли қанчалик кўра олишига қараганда, бу одамлар океанига ўхшаб кетар эди. Унинг олдида олдингидек турган Раббий Фариштаси хитоб қилди:

— Бранхамнинг бу йиғилишида 300 000 одам қатнашади!

Бу ваҳий кучидан ҳайратланган Билли, икки кроват орасида узала йиқилди. У ўзига келиб, ёғоч дарпарда ортидан тушаётган куннинг нурини кўрди. У уйда жим-житлик бўлганидан, ҳали эрта бўлса керак, деб тушунди.

Кейин у ғалати бир нарсани эшитди. Овозидан, шамолда титраётган китоб варақларини шитирлашини эслатар эди — фақат бу шамол бўлолмас, чунки деразалар ёпиқ эди. Ўтира туриб, Билли унинг Библияси кроват олдидаги оқшом столчасидан кўтарилганини ва токи унинг олдига ҳали ҳавода муаллақ туриб келгунигача, хонада секин-аста ҳаракатланаётганини кўриб, сесканиб кетди. У Ҳаворийлар Фаолиятининг 27-бобида, қаердаки Павел ўзининг махкум бўлган кемаси экипажига қаттиқ бўрон вақтида мурожаат қилган эди. Матн устида бирдан қўл пайдо бўлди ва оятларга кўрсатдики, уни Билли ўқий бошлади:

Эрлар, менга қулоқ солиб Критдан кетмаганларингизда эди, бу зарару-заҳматларга дучор бўлмасдинглар.

Энди эса ўтиниб сўрайман: дадил бўлинглар. Чунки сизлардан ҳеч бир жон ҳалок бўлмайди, фақат кема нобуд бўлади.

Мана, мен унга мансуб бўлган ва Унга хизмат қилиб юрган Худонинг Фариштаси бу кеча менга зоҳир бўлди.

У: "Қўрқма, Павел! Сен Қайсарнинг олдида туришинг керак. Кема йўловчиларига келганда, уларнинг ҳаммасини Худо сенга бағишлади", — деди.

Шунинг учун, эрлар, дадил бўлинглар! Чунки Худо худди менга айтганидек қаттиқ ишонаман.

У Муқаддас Ёзувда бу лавҳани ўқиб бўлиши билан, ўша қўл ҳавода турганча, саҳифаларни орқага, Ёшуа Китобининг 1-бобига варақлади, 1- ва 2-оятни кўрсатди ва кейин Билли ўқий бошлагач, қаиордан-қаторга пастга қараб тушаверди:

Менинг қулим Мусо вафот этди. Энди ҳаммангиз — бутун Исроил халқи, Мен сизларга юртга кириш учун Иордан дарёсидан ўтишга тайёрланинглар.

Мусога ваҳда берганимдай, оёғингиз теккан ҳамма жойни сизларга бераман.

Ўша қўл 5- ва 6-оятларга алоҳида аҳамият бераётгандай эди:

Эй, Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас кела олмайди; ва Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан; сени тарк этмайман, ва ҳеч қачон ташлаб кетмайман.

Дадил ва ботир бўл, Исроил халқининг ота-боболарига, сизларга мана шу юртни бераман, ваъда қилганман, улар бу ерларни олиб, эга бўлишига сен бош бўласан...

Амр қиламан, дадил ва ботир бўл, ваҳимага тушма, қўрқма, қаерга борсанг ҳам, Мен, Эганг Худо, сен билан бирга бўламан.

Наби Ясу Китобининг биринчи бобини ҳаммасини ўқиб бўлиб, Билли Библиясига қўлини чўзди. Шу лаҳзадаёқ, у олдин қаерда бўлса, ўша оқшом столчасида пайдо бўлди.

Ногоҳон эшик тақиллади. Меда сўради:

— Кирсам бўладими?

"Қизиқ, — ўйлади у. — Нима учун энди, у киришга рухсат сўраяпти?

61 БОБ
УЧТА ГУВОҲ
1952

МЕДА БРАНХАМ яна эшикни қоқди:

— Билли тузикмисан?

— Ҳа, — жавоб берди у, — киравер.

Меда қўлида ухлаётган боласи билан ётоқхонага кирди.

— Билли, бирор нарса бўлдими? Бир неча соат олдин Сарра туфайли ўрнимдан туришимга тўғри келган эди, шу учун, энди турган экансан, сенга қарамоқчи бўлдим, аммо эшикка келганимда, менда шундай кучли ҳиссиёт пайдо бўлдики, мен уни очмаслигим керак эди. Мен ўйладим, эҳтимол, ваҳий бўлгандир, шу учун меҳмонхонада ўтириб, ҳозиргача Саррани аллаладим.

Билли соатига қаради. Соат миллари эрталабки олтини кўрсатар эди. Ахир у ваҳийда уч соатдан кўп бўлган эди!

— Ҳа, азизам, бу ваҳий эди. Раббий Фариштаси эрталаб соат учдан бери шу ерда эди. Худо мени кечирди ва мен бу паразитлардан тузаламан энди.

— О-о, Билли! — оҳ урди у. — Бу ажойиб янгилик

Бир неча дақиқадан сўнг унинг ҳаяжони босилиб, савол беришга ўтди:

— Билли, бугун сен Нью-Олбанилик ўша асабий аёлдан хабар ололмайсанми? У мендан, қачон сенга кейинги сафар мойланиш келишиниайтишимниилтимос қилаяпти.

— Албатта, севгилим. Унга эрталаб ўнларда келишини айт. Энг аввал, бу эрталаб мен банкка боришим ва чек қоғозларимиз ҳақида бизнинг даромад солиғимиз ҳисоби билан танишишим керак. Шу билан бирга, мен доктор Лукасга қўнғироқ қилмоқчиман ва у мени яна текшириб кўра билармикан, билмоқчиман.

Меда Шейн хонимга қўнғироқ қилар экан, бу вақтда Билли ўтирди ва ўша ваҳийни маъноси ҳақида ўйлай бошлади. Биринчи Ёзув жойининг маъносини тушуниш унчалик қийин эмас эди, чунки бу унинг Жанубий Африкадаги фожеасига мос келар эди. Павел ўша денгизчиларга, агар улар унга қулоқ солганларида ва Критда қишлаб қолганларида эди, унда улар ўз кемаларидан айрилиб қолмас эдилар, деди. Бутунлай равшанки, Павелда ҳам, уни Худо етаклаётганига ишонмайдиган одамлар туфайли қийинчиликлар бўлган эди.

Павел ўша хатоси туфайли кемадагилар билан бирга қийналганди, бироқ Худо марҳамати билан ҳеч ким ўлмади. Биллига келганда, у учун бу сабоқ ойдиндан ойдинроқ эди: у энди бошқа ҳеч қачон одамларнинг фикрига кўнмайди, қачонки Раббий бошқа йўлдан олиб борар экан.

Наби Ясу Китобининг 1-бобини унга боғлиқлигини тушуниш эса, анча қийинроқ вазифа эди. *“Мен Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан; сени тарк этмайман, ва ҳеч қачон ташлаб кетмайман”*. Бу, шак-шубҳасиз бу хизматга нисбатан Худонинг бурчи, мажбуриятини эълон қилиш эди. Бироқ Биллининг ва Наби Ясунинг хизмати ўртасидаги ўша ўзига хос боғлиқлик нимада эди? Унга Худо, худди Наби Ясу Исроилликларни уларнинг табиий ваъда этилган ерига олиб борганидай, у черковни руҳий ваъда этилган ерга элтишни буюрмаяптимикин? Ҳаммаси шу фикрни эсга солар эди. *“...зеро, сен бу халққа, уларнинг ота-боболарига ваъда қилган еримни улар олиб, эга бўлишига бош бўласан...”* Наби Ясу нафақат Исроил фарзандларини улар Канон ерини олишларидаги жангларда бош қўмондон эди, балки бу жанглар тугагач, у ўша ерни Исроилнинг ўн икки қабиласи ўртасида бўлиб, уларни ер юзидаги меросига жўнатди, Ҳаворий Павелнинг сўзи бўйича, Худо Масиҳчи черковларига руҳий мерос беришни ваъда этди. *“Эй биродарлар, сизларга шуни айтяпманки, фоний махлуққа (эт ва қон) Худонинг Шохлигидан мерос насиб этмайди. Ўткинчи махлуқ ўлмасликдан улуш ололмайди. Мана мен сизларга бир сирни айтяпман: ҳаммамиз ўлмаймис-у, аммо ҳаммамиз ўзгариб кетамиз. Тўсатдан, кўз очиб юмгунча, охирзамон карнайи чалинганда ўзгариб кетамиз. Ҳа, карнай чалинади ва шу онда марҳумлар ҳеч ўлмайдиган бўлиб тириладилар. Шунда, биз ҳаёт бўлганлар ҳам ўзгариб кетамиз. Бу ўткинчи баданимиз чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган вужудга бурканиши керак”.*[231] Билли Худо уни мажусийлар черковини руҳий меросга элтишига чорлаяптимикан, деб тушунмай ҳайрон бўлар эди.

[231] 1Коринфликларга 15:50-53

Ўша ваҳий яна нималарни англатмасин, Биллига олдида яна кўплаб жанглар ўтиши тургани равшан эди ва Худо уни қўрқмай олдинга боришга руҳлантирар эди: *“Мана, Мен сенга амр қиламан: дадил ва ботир бўл, қўрқма ва ваҳимага тушма; зеро, Раббинг, Худовандинг қаерга борсанг, ҳар*

жойда сен билан бирга бўламан”. Ручкани олиб, Билли ўша ваҳийнинг маъносини қисқача қилиб ўзининг Ч.И. Скоуфилд Библиясини охиридаги варағига, ҳар доим буни эслаш учун ва ёнида туриши учун ёзиб қўйди. **(№17 Сурат)**

Нонушта вақтида Биллининг қайнонаси кирди ва у сўради:

— Сизни ишларингиз яхшими, ҳаммаси жойидами? Бугун эрталаб раковинадаги кечаги идиш-товоқларни ювишга тушдим, шунда менга Раббийни: “Биллининг уйига кир. Нимадир бўлди”, — деганини ҳис этдим.

Брой хонимга ўша эрталаб саҳарда Фариштанинг тез-тез келгани ҳақида айта туриб, Билли Библияда нимадир айтилганини хотирлади: *“...айтилувчи ҳар бир сўз икки ёки уч шоҳиднинг гувоҳлиги билан тасдиқлансин”.*[232] У Фаришта айтганлари ҳақиқат эканини тасдиқлаш учун иккинчи гувоҳ эди. Нонушта қилиб бўлгач, Билли доктор Лукасга қўнғироқ қилди:

[232] Қонунлар Китоби 19:15; Матто 18:16

— Мен бугун эрталаб текширишдан ўтмоқчиман.

— Нимага?

— Менда амёбалар бошқа йўқ.

— Йўқ, улар ҳали сенда бор, турибди. Ушбу паразит билан зарарланганда, одам бутун қолган умри бўйи ундан қийналади.

— Бугун эрталаб Раббий мен учун нимадир қилди. Мени яна бир бор текширишингни истайман.

Доктор Лукас тараддудланиб қолди.

— Э... хўш... мен ахир сени у кунлар текшириб бўлгадим. Сени ичакларинг ўша паразитларда тўлиб кетган. Бироқ қайта текширишдан ўтишни хохласанг, унда бугун тушдан кейин кел, мен сени яна бир бор текшираман.

Билли банкка у эндиочилган пайт келди. Ўз ишларини чаққон-чаққон тугаллаб чиқаётган эди, бирдан у бинодан ҳали чиқиб кетмаслиги кераклигини ҳис қилди. У фойеда бир четга чиқиб, аста ибодат қила бошлади: “Раббий Худованд, Сен нима қилишимни истайсан?” У портфелини қўлтиғига қистириб, у ерда бир неча тураверди. Кейин уни ақлига бир овоз айтди: *“Боб Денисонга қара”.*

Боб Денисон банкнинг кассирларидан бири, Биллининг эски таниши эди. Боб кассалар деразачаларидан бири ортида бошини эгиб турар эди. Билли келди-да, хурсанд бўлиб деди:

— Хайрли тонг, Бобби. Бугун ишларинг қалай?

Боб бошини кўтарганида, унинг кўзлари ёшларга тўла эди.

— Билли, мен билмайман, буни сен қандай қабул қиласан, аммо бугун кечаси соат учда уйғондим, ва мени тушимда мен муаммомни сенга айтишим кераклиги айтилди. Ва мана, сен шу ерда, шу учун сен буни рад этмассан, деб умид қиламан.

— Қизиқмисан, Бобби, албатта, рад этмайман. Мен сени эшитаман.

— Қарийб менинг ҳамма қариндошларим ракдан ўлиб кетдилар, ва ҳозир менда бу касалликнинг ҳамма сипмптомлари бор. Охирги бир неча кунлари мен ўлгундайин хавотирдаман.

Боббининг ўнг қўлини чап қўлига олиб, Билли рак ёвуз руҳини қаттиқ тебранишини сезди. Биллининг чап қўли шишди ва қизарди.

— Бобби, кел, Исо Масиҳ сени танангга тегиши учун ибодат қиламиз.

Қисқагина ибодатдан кейин вибрация тўхтаб қолди. Рак кетди. Билли ўйлади: “Мана, менинг учинчи гувоҳим”.

У уйига қайтганида, Шейн хоним аллақачон келганди. Уни ўзи қаттиқ асабийлиги туфайли машинасини ҳайдолмаслигидан, уни иккита дугонаси олиб келишганди. Билли миссис Шейн билан хонасида гаплашар экан, уларни меҳмонхонада кутиб туришларини илтимос қилди. Бунинг устига, Биллининг уйига баптист-одамлар, у учун ибодат қилишларини истаб келди. Билли бу одам билан аввал ҳеч қачон учрашмаган, бироқ уни шуҳратини билар, чунки бу одам авваллар Кентукки штати, Луисвилли шахри командасининг профессионал бейсболчиси эди. Ҳозир эса у талоқ ракидан ўлаётган эди, ва тиббиёт нуқтаи-назаридан бу касаллик даволаб бўлмайдиган эди. Билли уни ётоқхонада кутиб туришини сўради.

Хонасига кириб, Билли миссис Шейнни у ёқ – бу ёққа юриб, қўлларини қарсиллатаётганини устидан чиқди. У стулга ўтириб, деди:

— Салом, мисис Шейн. Марҳамат, ўтир.

Стулга қўпол ўтириб, у тутила-тутила сўради:

— Бр — Бранхам ака, а Раббий Фариштаси шу ердами?

— Ҳа, опа, биз уни борлигида ўтирибмиз.

— Жуда яхши. Энди сен мендан бу ёвуз руҳни қувиб биласан. Мен шундай бўлаяпманки, худди оёғим остидаги ер ҳамма вақт ёрилади-ю, ва мени ютади.

— Бир дақиқа, опа. Биз кимни ҳайдашимизни билиб олишимиз лозим. Кел, олдин озроқ гаплашайлик. — У аёлни тинчланиб олиши учун, уни бу муаммодан четга тортмоқчи бўлди. — Кел, биз бирги бироз саёҳат қиламиз...

— Йўқ! — чинқирди у. — Мен саёҳат қилишим мумкин эмас!

Уни овози жазавада кучаяверди.

— Илтимос, ўзингни бос, — уни юпатди Билли. — Мен ҳаёлан саёҳатни кўзда тутган эдим. Кел, фикран ўша даврга ўтамиз, қачонки Худо эркак ва аёлни яратди ва уларни Эдем Боғига қўйди.

Билли миссис Шейнн асабларини тинчлантириб, аста гапирди.

Тез орада у кичикроқ қора машинани ҳавода, улар орасида учиб кетаётганини кўрди.

— Сен бирор вақт автомобил ҳалокатида бўлганмисан? — сўради у.

— Йўқ, Бранхам ака. Нима учун сен буни сўраяпсан?

— Мен ниманидир кўрдим, холос.

У гапиришда давом этди, ва тез орада ножўя ҳақиқатни очиб, ваҳий яна тикланди.

— Сен иккинчи жаҳон уруши вақтида эрга тегдинг ва сени эрингни Францияга жўнатдилар. Сен ёлғиз қолдинг ва сен бошқа эркаклар билан ахлоқсиз ҳаёт сура бошладинг. Бир куни оқшом сен оқ сочли йигит билан қора машина эдинг, ва сен никоҳ аҳдингни буздинг. Орқага қайтишда ўша қора машина темирйўл переездидан ўтаётганида, поездга урилиб кетишига сал қолди.

Миссис Шейн қичқириб юборди ва полга беҳуш йиқилди. Меда нима бўлганини кўриш учун хонага югуриб кирди. Билли ва Меда аёлни туришга ва стулга ўтиришига ёрдам беришди. У ўзини тўхтамай қалтираганча, йиғлаб юборди:

— Бранхам ака, зинҳор бу ҳақида ҳеч кимга айтма!

— Опа, сени муаммонг ҳам айнан шу ерда яширинган. Ва сени аҳволинг озгина ҳам яхшиланмайди, токи сен бу ҳаммасини тузатмас экансан. Сен учун неча марта ибодат қилиб билишлари менга муҳим эмас. Улар оёқлари билан ер тепишар, қичқиришар ва сенга 200 литр мой қуйишар, аммо бунинг бариси ёрдам бермайди. Токи сенинг ҳаётингда фош қилинмаган, ошкор қилинмаган гуноҳ бор экан, ўша руҳни ўша ерда туришига ҳаққи бор. Агар сен соғайишни истасанг, сенга эринг олдида ўша гуноҳингни тан олишингга ва ҳаммасини тузатишингга тўғри келади.

— Мен аллақачон буни тан олганман, Бранхам ака. Мен аллақачонлар буни Худога айтиб, товба қилганман.

— Сен Худо олдида гуноҳ қилмадинг. Сен турмушга чиққан эдинг, ва сен никоҳдаги ваъдаларингга қарши гуноҳ қилдинг.

— Бранхам ака, аммо мен буни эримга айтолмайман. У ахир, шубҳасиз, мени ташлаб кетади.

— Опа, мен сенга ҳақиқатни айтганимни биласан. Ўша гуноҳ ҳақида сендан, ўша оқ сочли йигитдан ва Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Сен айтдинг, ўн йил давомида психиатрга шифоланиш учун қатнадим, деб. У буни сендан чақириб ололмади. Бироқ, мана шунда-да сени муаммонг. У сени чуқур онгинг остида ётибди. Сен токи буни эринг олдида тан олмайсан ва виждонингни тозаламайсан, умуман тузалмайсан.

— Мен бундай қилолмайман, — ҳиқиллаб йиғлаб, деди у. — Учта фарзандим бор. Ахир бу оиламизни бузади-ку.

— Оилангиз ҳар қандай бўлганда ҳам бузилади, чунки энди сен ақлан ўзингни узоқ вақт бошқариб юролмайсан, ушлаб юролмайсан. Сенга яхшиси эрингга боришинг ва у билан бу ҳаммасини муҳокама қилиб олишинг керак.

— Мен—мен бундай қилолмайман, — у хўнгдаб юборди. — Мен чиндан ҳам бундай қилолмайман.

Билли турди.

— Сен нимани танласанг, шу. Мен кучим етган ҳаммасини қилдим. Мен сенга, буни Худо менга кўрсатди, дедим ва сен буни ҳақиқат эканини биласан ҳам. Қолган ҳаммаси сенга боғлиқ. Ҳозир мен у хонага ўтишим ва у рак бўлган одам билан кўришишим керак.

— О-о, Бранхам ака, илтимос, мени ташлаб кетма! — у ялина бошлади.

Бирдан Билли миссис Шейн ёнида турган одамни кўрди. У баланд бўйли, сочи тартиб билан ёнга таралган ва оқ куртка кийган эди. У шундай бурилганидан, Билли унинг орқасида ёзилган "CHEVROLET" деган сўзни ўқий билди. Билли деди:

— Сени эринг "Шевроле" автомобил кампаниясида ишлайди, шундай эмасми?

— Ҳа, — деди у кўз ёш қилиб.

— У қоражингала сочларини ёнга тараган, баланд бўйли одам.

— Ҳа. Бу ҳақиқат.

— У ўша гуноҳни қилганини сенга келиб, тан олиши керак.

У қўллари билан кескин равишда юзларини чангаллади.

— Йўқ, фақат мени эрим эмас! У черковда нозир, ахир.

— У ташқидан қандай кўриниши менга муҳим эмас; Худо уни юрагини кўради. Уруш пайтида, эрингни Англияга жўнатганларида, у бир қиз билан учрашади ва у билан яшайди. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Бор-йўғи уч кун бурун у офисда ишлайдиган қора сочли аёл билан билдирмай жўнаб қолди. У оч қизил кўйлакдв эди. Улар яшил "Chevrolet" машинада, унда Индиана штатининг номер белгиси бор, қора қайин остида тўхтадилар. Ва тўппа-тўғри ўша ернинг ўзида сен бир кунлар унга хиёнат қилганингдай, у ҳам сенга шундай хиёнат қилди.

— Бу аёлни мен биламан, — деди у ҳайрон бўлиб. — Бунинг устига, ўша машинани ҳам биламан.

— Сен яхшиси бориб эрингга қўнғироқ қил ва буларни ҳаммасини муҳокама қилиб ол.

Билли рак бўлган одам учун ибодат қилганича, миссис Шейн ишда бўлган эрига қўнғироқ қилди ва ундан йўлда учрашишини илтимос қилди. Унинг икки дугонаси уни ўша жойга этишди ва уни эри келгунига қадар кутиб туришди. Эрини ёнига, олдинги ўринга ўтириб, у аста-аста гапира бошлади:

— Биламан, шу бор ўн йил давомида ўша психиатрга бораверib, сендан пул шилавердим. Аммо ҳозиир, ўйлайманки, бу муаммонинг илдизини топдим. Бир куни мен бир иш қилиб қўйдим, бир расво ишки, у ўшандан бери менга тинчлик бермайди. Мен шуни айтишга мажбурман, ва сен мени кечирасан, деб умид қиламан.

Қачонки у ўз гуноҳини тан олиб бўлган эди, эри ғазаблана бошлади. У қўшиб қўйди:

— А уч кун олдин сен офисингдаги секретар аёл билан вақтингни ўтказмадингми? Сизлар яшил "Шевроле"да қора қайин остида тўхтатмадингизми ва сизлар ҳам мен қилган ишни қилмадингизми?

У хотинига эҳтиёткорона қаради ва сўради:

— Бусен ким билан гаплашдинг?

— Мен ҳозиргина Бранхам аканикида бўлдим. У менга шуни айтди.

Бу кутилмаган янгиликдан унинг иккиюзламачилиги, тешилган шинадан чиққан ҳаводай учиб кетди.

— Азизам, бу ҳақиқат. Агар сен мени кечирсанг, мен сени кечираман. Мен черковга бораман ва нозирлик вазифасини рад қиламан, а сен эса якшанба мактаби ўқитувчилигидан воз кечасан. Кел, Худо билан ярашамиз ва болаларимизни тўғри тарбиялаймиз.

Бранхамлар оиласи уйига етиб келиб, улар қўлтиқлашиб эшикка келишди. Билли ҳозиргина ракдан қийналаётган одам билан ибодат қилиб бўлган эди. (Ўша пациент ўзининг мўъжизакорона шифосини олди.) Билли эр-хотин Шейнларга деди:

— Мен бу нарсани ўрталарингизда ўзаро ҳал қилиб олганларингизни кўрганимдан хурсандман. Энди биз Исо Исмини чақирамиз ва бу иблисни чиқишга мажбур қилишимиз мумкин.

Бир неча дақиқа ўтиб, миссис Шейн мутлақо янги аёл бўлди.

Кейинроқ ўша куни Билли клиникага борди. Гарчи доктор Лукас жуда банд бўлса-да, у ҳар ҳолда Биллини ўз жадвалика "суқиб киргизди".

— Шундай қилиб, сен бугун эрталаб телефондан нима дединг?

— Менда бу амёбалар бошқа йўқ.

— Жаноб Бранхам, сен, аниқроғи, бу симптомларнинг вақтинчалик пасайганини сезгандирсан. Бунақаси баъзан бўлади. Тиббиёт тилида бу ремиссия деб аталади.

— Йўқ, доктор, бу вақтинчалик эмас. Бу доимий. Мен тўлиқ шифоландим.

— Сен менга ахлатдан проба олиб келдингми?

Доктор Лукас бу пробани клиника лабораториясига этди. Тез орада у қайтиб келди ва:

— Мен сени кўпроқ текширгим келаяпти, — деди.

Бу текширишни ўтказиб, у деди:

— Жаноб Бранхам, амёбалар ҳали ҳам ўша ерда, аммо энди улар фаол эмас. Менга ҳеч қачон олдин шунақа бўлганини эшитишимга тўғри келмаган ва менда нима уларни бундай фаолиятсизликка олиб келиши мумкинлиги ҳақида зиғирча ҳам тасаввур йўқ.

— Мен биламан, бу нимадан бўлганини, — ишонч билан деди Билли. — Раббий Исо мени шу кеча соат учга яқин шифолади.

Врач деди:

— Мен сенда энди бошқа инфекция йўқ дейишимдан олдин, менга сени уч ой давомида мунтазам текшириб боришимга тўғри келади.

— Мени ҳар куни текширсангиз ҳам майли, агар хохласангиз.

Қабулхона орқали ўта туриб, Билли доктор Лукаснинг кабинети остонасида турган ва ҳамшира билан гаплашаётган ҳамкасбини кўриб қолди.

— Мистер Бранхам, — деди врач, қўлини қисиш учун унга кела туриб, — сиз билан яна кўришганимдан хурсандман.

Билли ичида ибодат қила бошлади: “Раббий, агар Сен мени у билан дин ҳақида гаплашишимни истасанг, унда уни ўзи бу мавзуда гап очсин. Мен унга буни ўтказмоқчи эмасман”.

Врач деди:

— Ўша Африкадаги ўша қабилалар ҳақида нима деб ўйлайсиз? Улар доимо ривожланиб боришяпти, шундай эмасми?

— Шундай деб ўйлайман.

— Жанубий Африкада Ост-Индиядан кўп аҳоли кўчиб келаяпти, шундай эмасми?

— Тўғри. Дурбаннинг аҳолисини қарийб ярми ҳиндлар.

— Мен бу ҳақида кўп ўқиганман. Улар индустлар, шундай эмасми?

— Уларнинг кўпи индуслар, аммо айримлари мусулмонлар.

— Бу ҳиндларақлли одамлар. Аслида, менинг назаримда, Махатма Ганди ер юзида яшаганлар ичида энг доноси бўлган.

— Ҳар ким ўз фикрида қолишига ҳақи бор. Бироқ шу ерда мен сизга қўшилолмайман. Мен энг доно деб Исо Масиҳни ҳисоблайман.

— Бас боғлайман, сиз ўша индус ва мусулмонларни ўз динингизга киритишингизда кўп муваффақиятга эришмагансиз, шундай эмасми?

— О-о, умуман акси. Бизда бор-йўғи бир кунни ўзида 30 000 киши имонга келди.

— Нима? — сигаретини ерга тушириб юбориб, бидирлади врач. — Ўттиз минг киши бир куни имонга келди?

— Агар сиз шубҳаланаётган бўлсангиз, Дурбан мэри, Сидней Смитга қўнғироқ қилишингиз ва ундан шу тўғрисида сўрашингиз мумкин. Биз ҳисоботларни камайтириб олганимизни билиб оласиз.

— А сиз улар индуслар бўлганига ишончингиз комилми?

— Уларнинг кўпи индуслар эди. Қачонки улар орасида Қудратли Худо кучини ҳаракатини кўрганларида, улар бу мен уларга айтиб берганни ўзи — Исо Масиҳ эканига ишондилар. Мен юзлаб индус хотин-қизларнинг Масиҳни қабул қилгач, пешоналаридаги қизил нуқтани артиб ташлаганларини кузатиб турдим.

Қабулхонадагиларнинг барчаси бу суҳбатга қулоқ солиб тургандай эди. Врач тушуриб юборган сигаретасини туфлиси билан ўчирди. Кейин у Биллини елкасига ура туриб шундай деди:

— Хўп, оғайни, сиз даҳо бўлсангиз керак.

— йўқ, сэр. Мен — етти йиллик маълумотли чаласаводман. Менинг Раббим Исо даҳодир.

— О-о, бу хусусда нима дейишни мен билмайман, — жавоб берди врач. — Мен бунгача етолмайман, зеро бу қандайдир жуда узоқларга кириб боради.

— Мени кечирасиз, доктор, сиз билан бундай тўппа-тўғри гаплашганимга, аммо сиз бир нарсани назардан қочиряпсиз. Сиз билимга эга бўлган, ақлли одамсиз. Бироқ билим сизни манзилнинг фақат маълум бир қисмигача этади. Эдем боғида иккита дарахт бор эди. Улардан бири билим дарахти, бошқаси бўлса — Ҳаёт Дарахти эди. Қачонки Одам билим дарахти мевасидан ейиш учун Ҳаёт Дарахтидан кетган эди, у ўз Яратувчисидан ажралиб қолди. Ўшандан бери инсон ўша билим дарахтидан ейишни давом эттираяпти, ва у уни ҳалок қилаяпти. У қазиб олишни ва метални ишлатишни ўрганди ва у нимани яратди. Қиличлар ва найзалар. Кейин у порохни кашф қилди. Бир неча вақтлар ўтиб, у автомобиль яратдики, қайсики у порохдан ҳам кўп одамларни ўлдирди. Энди бўлса, у атом бомбасини ихтиро қилади.

— Аммо инсон агар бу ҳаммасини ихтиро қилмаганида ҳам, у барибир ўлар эди.

— Йўқ, ўлмас эди, агар Ҳаёт Дарахти билан қолганида. У абадий яшаган бўлар эди. Ўлим у Ҳаёт Дарахтидан билим дарахтига ўтганидан пайдо бўлди. Бироқ инсон олдингидай абадий яшаши мумкин, агар у Ҳаёт Дарахтига қайтса, қайсики Исо Масиҳдир.

— Бу хусусда мен унчалик ишонмайман, — ғўлдиради врач.

— Мен маълумот олишга қарши эмасман, — давом этди Билли, ўз фикрини хулосалаб. — Бироқ муаммо шундаки, қайсини сиз олимлар, сизни маълумотингиз хусусида пайдо бўлади, бу шундаки, сиз ҳаммасини мантиқан хулосалашга урунасизлар. Сизлар билим дарахтидан шундай

юқорига қанча кўтарилиб билсангиз, шунча кўтариласизлар, аммо сиз шунчалик баландда бўлган вақтингизда, бошқа юқорига кўтарила олмайсиз, ўшанда сиз тушунмаган неки бор, ҳаммасини нкор қиласиз. Билим дарахти ёмон эмас, аммо қачонки сиз бу дарахтдан шунчалик юқорилаганингизда, сиз Ҳаёт Дарахтига сакраб ўтишингиз ва яна чиқишда давом этаверишингиз керак. Худо Каломига имон ҳам айнан шундан иборатдир.

62 БОБ
МИЧИГАН КЎЛИДАН ЧАПГА БУРИЛИШ
1952

ГАРЧИ Уилльям Бранхам касали симптомлари у шифоланган куни йўқолган бўлса-да, у дарҳол меҳнатини тиклай олмади. Унинг ҳаётига раҳна солган амёбалар билан курашлардан сўнг, у жуда озғин ва мадори қолмаган эди. Ўзининг тиқилинч жадвалига риоя қилиб, бирин-кетин шифоланиш кампанияларини ўтказишни давом эттириш учун етарлича қувватга кириши учун, тўрт ой ўтди.

1952 йил апрелида Фред Босворт қўнғироқ қилиб, қизиқтирадиган таклифини айтди:

— Бранхам ака, Балтиморда бизларга бутун июль ойига бепул кондиционерли аудиторияни таклиф этяптилар. Бинода 10 000 ўтириш жойи бор. Бу йиғилишларни молиялаштириш учун беш юз хизматчи имзо чекишди: методистлардан, баптистлардан, Тўлиқ Инжилчилардан — ҳаммасини айтолмайсан ҳам. Улардан беш юзи ҳамкорлик қилиш хохишида. Бунақаси қаерда кўрилган?

— Агар менга Худо ўша ёққа бор, деб буюрса, унда мен айнан ўша ёққа бораман. Аммо ҳозирда мен Балтиморга боришга раҳномалик сезмаяпман.

Бир неча кундан кейин Эрн Бакстер қўнғироқ қилди.

— Бутун мамлакат бўйлаб сен уларга келишингни хохловчи одамлар бор. Шунчалик кўп шаҳарларда сени ташрифингни истаяпти: Хаммонд, Сион, Чикаго, Батл-Крик, Миннеаполис ва Сан-Францискода. Мен сени 1952 йилнинг қолган қисмида сени жадвалингни бемалол тўлдирар эдим. Хуллас, сен нима қилишни режалаштирасан?

— Ҳозирги пайтда бирор ёққа боришга менда раҳномалик умуман йўқ.

Бакстер таклиф қилди:

— Унда, кел, Чикагога кетамиз. Улар сен учун у ерда катта аренани тайёрлашаган.

— Эшитилиши чакки эмас.

— Бунитасдиқлашим керакми?

— Йўқ, яхшиси озроқ кутамиз, — иккиланиб жавоб берди Билли.

Ўша куни Билли хотини билан планетарийга (планета ва бошқа осмон жинслари ҳаракатини кўрсатадиган аппарат ёки қурилма) борди. Қачонки у сунъий кеча осмон гумбазсимон шифтда ҳаракатланаётганини кузатаётган эди, Муқаддас Руҳ уни “астагина дуртди” ва деди: *“Ҳозирча Чикагога борма. Хаммонд ва Сионга жўнаб кет”*. Уйга қайтиб, Билли Эрн Бакстерга қўнғироқ қилди ва ундан Индиана штати, Хаммонд ва Иллинойс штати, Сионга йиғилишлар тайинлашини сўради.

Бакстер деди:

— Бу тўлиқ июлни банд қилади. Ундан кейин қаёққа боришни истайсан?

Билли, унда Сиондан кейин бирор ёққа боришга хохиш бўлмади, деб жавоб берди. Эрн Бакстер хўрсинди.

— Бранхам ака, бу катта аудиторияларни ижарага олиш учун, биз маълум бир саналарни билишимиз зарур. Батл-Крик хусусида нима дейсан?

— Бўлади, деб ўйлайман. Мен Сиондан кейин икки жойга боришни ўйлайман: Батл-Крик, Мичиган ва Миннеаполис, Миннесота. Мени кўпроқ Батл-Крик томонлар жалб қилади, чунки Миннеаполисда мен олдин бўлганман. Бироқ ҳеч қанақа узоқ муддатли ваъдалар қилма.

Эрн Бакстер Биллининг рухсатисиз шу заҳот Батл-Крикдаги алоқачи шахс билан боғланди ва Билли учун 16 августдан бошланиб ва кетма-кет 14 оқшомга чўзиладиган кампанияни тайинлаб қўйди.

Кейинги эрталаб саҳарда Биллининг тушида уни хотини ухлаб ётган қирғоқдаги уйга лойқа сув тўлқини бостириб келаётгани кирди. У мушкул аҳволда Медага ёрдамга ташланиб, уни улкун тўлқин уйчани парча-парча қилишидан бор-йўғи бир неча сония олдин чиқариб олди.

Билли терлаб кетганча, уйғонди, бироқ, ёнида бемалол ухлаб ётган хотинини кўриб, у тинчланди. “Қаранг-а, қанақанги қўрқинчли туш! Қизиқ, бу бирон нарса дегани эмасмикин?” — ўйлади у.

Кейин у бирдан кўм-кўк сувда сузаётган кемада ўтириб қолди. Худди кеча ва кундуз нимаси биландир ўхшаш бўлмасин, аммо шунга қарамай бир-биридан фарқ қилганидек, худди шундай ваҳий ҳам тушга ўхшайди, аммо ундан фарқ қилади. Тушлар воқеликнинг соясидир ва одамга, қачонки унинг кўзлари юмуқ бўлиб, қаттиқ ухлаганида, эслаб қолиш қийин бўлган, тушунарсиз таассуротлар қолдириб, келади. Ваҳий эса унинг кўзлари очиқ қуёш нурлари каби ҳиссиётларга таъсир қилиб ва

мияда аниқ-равшан тасвирлар қолдириб, пайдо бўлди. Билли қанчалик турган жойини аниқ била олар экан, у ҳақиқатан ҳам қайиққа ўтирар ва шундай катта кўлда сузар эдики, қирғоқ туманли узоқликларда ингичка чизиқда кўринар эди. Кейин у яқинлашаётган товушни, қайсики "тр-тр-тр-тр..." деб гуриллаётган кичикроқ моторни эслатадиган товушни эшитишди. Орқага қараб, сув остида ҳаракатланаётган ғира-шира шарпани кўрди. Ўша соя аста-секин қайиқ тумшуғига яқинлашди, аммо қайиқ билан энди урилиб кетай деганида, у чапга бурилди ва ғойиб бўлди. Кейин у бир айланиб келди ва унинг қайиғи тумшуғига яна яқинлашди, охирги моментда чапга бурилди ва кўринмай кетди. Билли қайиқнинг бортидан бу ғалати предметни кўриш умидида эгилди, бироқ бунинг ўрнига у сув остида йўлни кўрди, қайсики бу йўл унинг қайиғи остида Т-формадаги чоррахага тўғри келди: бир тармоғи чапга, бошқаси эса — ўнгга кетар эди. Эндигина у Раббий Фариштасининг овозини эшитди: ***"Бу сени чапга бурилишингни кўрсатади".***

Бирдан Билли ўз ётоқхонасида, тўшагида ўтириб ва кўзлари катта-катта очиқ ҳолда пайдо бўлди. У шошиб қолди. Нима бўлди ўзи? У хотини ҳақида туш кўрди, ва ундан кейин... У яна ухлаб қолдими, ёки бўлмаса, у иккинчи тушини кўрдими? Бу тушдан кўра анча аниқ туюлди: кўринишлар беками-кўст аниқ эди, гўё Билли ҳақиқатан ҳам кўл бўйлаб қайиқда сузгандай эди. Бироқ, агар бу ваҳий бўлса, унда у нимани билдиради? Бир қарашда ҳеч қандай маънога эга эмасдай эди.

У бу кечинмани тушунишга урониб, кўп фикрлади, аммо, охири, буни тинч қўйди.

ХУШХАБАРЧИЛИК СОҲАСИДА етти ой бўлмаганидан сўнг, Уилльям Бранхам ўзининг хизматини 13 июль 1952 йили Индиана штати, Хаммондда саккиз кунлик имон билан шифоланиш йирик кампанияси билан тиклади. Америкада ибодат жараёни Африкадагидан фарқ қилади. У ерда, Африкада битта мўъжизани кўриб, юзлаб одамлар шифо олишлари мақсадида, Исо Масиҳга ишонишлари учун илҳомлана олардилар. Фариштa унга, агар у одамларда ўзига ишонч уйғотолса, ҳеч нарса, ҳатта рак ҳам унинг ибодати олдида туролмайди, дегани туфайли, Африкада унинг меҳнати енгилроқ эди. Бу инъомни ишлатиш, марафонга югуришдек, олдингидай чарчатадиган эди, лекин Африкада ҳеч бўлмаганда, у ўзини қуруқ ердан чопгандай сезган эди. Хаммонддаги касаллар учун ибодат, тиззагача чуқур сув ҳовзасидан чопишни эслатар эди. Аудитория юрак сирларини ғайритабиийлик билан фарқлашга асосан совуқ ва босиқ муносабатда бўлди. Гарчи кўплаб одамларда шифо олишлари учун етарлича имон бўлса-да, Билли учун худди тиниб турган ботқоқдан чиқаётган лойқадек, аудиториядан "сизиб чиқаётган" шубҳаланишларни сезишда давом этди.

Ибодат навбати бошида биринчи бўлиб соғлом ва бақувват кўриниб турган аёл чиқди.

Билли деди:

— Сиз менинг бугунги биринчи пациентим экансиз, мен сиз билан озроқ гаплашиб олмоқчиман. Мен ўйлайман, бизлар нотанишмиз, шундай эмасми?

— Ҳа.

— Биз иккимизда ҳам инсонга хос руҳ, қачонки менга бу мойланиш келади, бу ҳам шундай Руҳ. Бу Раббий Фариштаси, қайсики Худодан Элчидир. Бу Худонинг бир қисми, сизни дуо қилиш учун юборилган Илоҳий атрибут, Илоҳий неъмат. Агар сизда ишончсизлик руҳи бўлса, У сизни дуо қилолмайди. Агарда сизни руҳингиз мойил, илтифотли бўлса, унда У сизга бир нима дейолади ва сизни дуо қила олади.

— Нима десам, сиз бу ерда нимадир бўлаётганини сезаяпсиз. Бу Унинг шу ерда Борлиғи, Раббий Фариштаси, қайсики айнан ҳозир шу ерда, мендан бир метр жойда турибди, Ҳа, опа, сиз креслода ўтирдингиз ва ўқидингиз ва худди ўшанда навбатдаги бош оғриғи хуруж қилди. Ваҳийда мен сизни бошингизни қандай уқалаётганингизни кўряпман. О-о, сиз мени китобимни ўқидингиз[233]*. Сиз ўйладингиз: "Агар мен ўша йиғилишга борсам ва ундан ўзим учун ибодат қилишини сўрасам, мумкин, бу бошимдаги оғриқлар тўхтар". Бошингиз оғриқлари аёллар касалликлари туфайли бўлаяпти. Сизга бошқача деганларини мен биламан, аммо бу нотўғри. Врач хато қилди. Мен — Худонинг пайғамбари эканимни сиз билиб олишингиз учун мен сизга яна бир нарсаларни айтаман: сиз "Масиҳчилик фани" номли черковга борасиз. Мен сизни "Масиҳчилик Фани" ўқув залида ўтирганингизни кўрдим. Бу тўғрими? Агар тўғри бўлса, қўлингизни кўтаринг.*

[233] У бу ерда *"Уилльям Бранхам — Худодан юборилган инсон"* деган, 1950 йилда Гордон Линдсей ёзган китобни далил қилиб кўрсатади.

Қачонки у қўлини кўтарганида, Билли уни нур чақнашлари ўраб турганини кўрди. У бошини эгди, ибодат қилди, кўзини очди ва қачонки Фариштанинг Нури ундан аста кетаётиб, аудитория устидан ҳаракатланаётган ўша лаҳзада бошини кўтарди.

— Кечирасиз, нимадир бўлаяпти бу ерда. Мен ваҳийда қора танли аёлни кўраяпман, у бошини худди шу тарзда ушлаб турибди.

Билли у аёл томонга қўли билан кўрсатди ва ҳатто ваҳий унинг очиқ турган кўзи олдида бўлиб ўтаётса ҳам, гапираверди.

— Бу, ана у ерда ўтирган сариқ кофтадаги аёл. Ахир сизда бош оғриши оқма ярадан эмасми? Агар бу тўғри бўлса, ўрнингиздан туринг. Сиз Худонинг Ўғли Исо Масиҳга ишонасизми? Сизнинг бошингизни оғриқлар қолдириши ва бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги учун, мен сиз учун Илоҳий дуоларни Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи сўрайман.

Билли аудиторияга мурожаат қилиб, деди:

— Бу ердаги ҳар бир шубҳаланувчига уят бўлиши керак.

Бироқ, бунга қарамай, шубҳаланувчилар ишонмасликда давом этаверишди. Кейинроқ Билли, бошқа хушхабарчи Хаммондда яқинда ваъз қилганини ва бу одамнинг Илоҳий шифоланишни изоҳлаб, тушунтириб бериши бу одамларни бу тушунчадан узоқлаштирганини билиб олди. Халқнинг орасидаги кўп кишилар, юрак сирларини фарқлай билиш, ибодат карточкалари билан боғлиқ бўлган хийла-найрангдан бошқа нарса эмас, деб ўйлаганди. Сешанба оқшомида Билли Поль 100 та ибодат карточкасини тарқатди. Бироқ, қачонки Муқаддас Руҳ келгач, У Биллини бу карточкаларга эътибор қилмасликка ва бунинг ўрнига карточкаларни олмаганлар касаллардан қўл кўтаришларини сўрашга ундади. Бир неча қатордаги карточкаси бўлмаган одамларни кўрсатиб, бу эркак ва аёлларни уни ўнг томонидан ибодат навбатига туришларини сўради.

Навбатда биринчи бўлиб ёши ўтган аёл, шап-шап юриб, зиналардан платформага кўтарилди. Билли деди:

— Сизда ибодат карточкаси йўқ. Сиз бу кеча шу ерга шунчаки келдингиз, ўтирдингиз ва мен сизни чақирганимга озроқ ҳайрон бўлдингиз. Мен сизга биродарман, холос. Мен “биродар” дедим, чунки сиз Масиҳчи аёлсиз. Мен буни биламан, зеро сиздаги ёқимли руҳни сезаяпман. Мен сиз билан, худди бизнинг Устозимиз қудуқ олдида аёл билан, қачонки У унга “Менга сув бер”, — деганидек, гаплашяпман. У аёлнинг руҳи билан контактда бўлиш у билан гаплашишни хохлади. Қачонки мен сизнинг руҳингиз билан контактда бўламан, ваҳий пайдо бўлади. Шундан кейин мен нимани кўрсам, фақат шуни айта оламан. Бироқ, агар мен сизнинг муаммонгиз, муҳтожингиз нимадалигини била олсам, сиз мен Унинг пайғамбари эканимга ишонасизми?

— Мен сизни охирги пайтлар изтиробда эканингизни кўряпман. Бир нарса бўлдики, ундан сиз қаттиқ ҳаяжондасиз. Бир бир нечта муаммодан қийналаяпсиз: сизда камқонлик, аёллар касаллиги, ва сиз ҳамма бу вақт ичида асабийлашасиз. Бироқ ҳаммасидан кўпроқ сизни ўша рак қўрқитаяпти. Сиз у сизни ўлимга элтишидан қўрқасиз... ва ҳақиқатдан ҳам, агар сизга Худо раҳм-шафқат кўрсатса, у сизни ҳаётингизга зомин бўлади. Агар бу тўғри бўлса, одамлар кўриши учун қўлларингизни кўтаринг.

У қўлларини кўтарди. Билли яна шубҳаланувчиларга хитоб қилди:

— Мен сизларга, мени қаллоб деб ўйловчиларга мурожаат қилаяпман. Сиз ўйлайсизки, бу ақлий телепатия, гўё буларни ҳаммасини ибодат карточкаларидан мен ўқийман. Ахир сизни ўзингизга уят эмасми? Бу учун Худо сизлар билан шуғулланади. Худо сизнинг гуноҳкор жонларингизга раҳм-шафқат қилсин.

Билли яна аёлга бурилди, бошини эгди ва уни шифоланиши учун ибодат қилди.

— Шундай экан, менинг опам, уйингизга боринг ва у рак тўғрисида бутунлай унутинг. Сиз соғаясиз.

Шундан кейин ўша оқшом скептицизм аудиториядан, қайноқ июль ҳавосида “эриб кетиб”, ғойиб бўлди. Ҳафтанинг қолган қисмида, Хаммондда Илоҳий Руҳ эркин ҳаракат қилди. Аудиториядаги кучайиб бораётган имон, Биллини шунчалик таассурот қолдирдики, у бир йиғилиш вақтида у қанча одам учун ибодат қила оларкин, эксперимент қилмоқчи бўлди. У юз ёки ундан кўп одам учун ибодат қилиб биламан деб умид қилди ва уларнинг имонлари шунчалик кучли бўлдики, шу туфайли улар уни ваҳийгача элтишмайдилар. Шунга қарамай, анча кўп ваҳийлар зоҳир бўлди, шу учун 78 одам ибодат навбати орқали ўтганида, Билли тинкаси қуриганидан йиқилди.

Кейинги эрталаб кампанияни давом эттириш учун етарлича кучга кирди, бироқ жуда тез-тез шундай қилишга уриниш учун у қадар нодон эмас эди, чунки унинг танаси ўша кучанишга чидай олмас эди. Ваҳий беихтиёр пайдо бўлар эди: у уни чақириб ҳам, тўхтатиб ҳам билмас эди. Қачонки ундаги инъомдан етарлича имон оқими тортқилар экан, юрак сирларини билиш ўзидан-ўзи “оқиб келаверарди”. Биллининг организми бунга ҳар кечқурун тахминан ярим соатча, ундан кўпга эмас, чидай олар эди. Ҳаддан ташқари кўп вақт бошқа ўлчовда бўлиш унинг танасини 1948 йили бўлишига сал қолганидек, ўлдириши мумкин эди. Ўтган оқшом ўз эксперементини ўтказганидан, у ҳар қалай хурсанд эди. Энди у билардики, унга ибодат карточкаларини ишлатиши у ҳар оқшом ибодат қиладиган одамлар сонини чегаралаш учун керак бўлади. Агар аудитория ибодат навбатида юрак

сирларини билишни кузатиб туриб ҳам ишонмаса,унда Билли (ёки, аслини олганда, Худо) уларга бошқа ҳеч нарса билан ёрдам беролмайди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ августда ўз кампаниясини Мичиган штати, Батл-Крикда бошлади. Бу шаҳар Мичиган кўлининг шарқий қирғоғида жойлашаган бўлиб, 40 минг аҳолиси бор кичикроқ шаҳар эди. Бир неча йиғилиш ўтказиб, у таажжубга тушди. Худонинг неъмати тўла-тўкис ҳаракат қилар, бироқ, худди Хаммондда ҳам бўлгани каби Батл-Крикдаги Масиҳчилар, гўё, унинг аҳамиятини тушунмас эдилар, шу туфайли уларнинг имони "саёзлигича" қолаверди. Бироқ, Хаммонддан фарқли ўлароқ, бу ерда Билли муаммо нимадалигини аниқлай олмади. Эҳтимол, у Жанубий Африкада кўрган шавқ-завқ, энтузиазмдан "талтайиб" кетгандир. У Эрн Бакстерга деди: "Бу ерда нимадир чатоқ. Мен билмайман, бу нима, аммо буни билишни хохлайман. Эрта кундузи ўрмонга бораман ва токи бунга жавоб олмагунимча, ибодат қиламан".

Эртаси эрталаб Билли кўл ёнидаги, у бемалол ибодат қила оладиган хилват жойга борди. Улуғвор эман остидаги ёввойи узум новдалари орасида тиз чўкиб, тез орада ибодатга шўнғиди.

Тўсатдан у кўлда кичикроқ моторли қайиқда бўлиб қолди. Қачонки у шарқий қирғоққа паралеел равишда шимолга сузаётган пайтида, унинг двигателидан "тр-тр-тр-тр" деган товуш чиқар эди. Кейин моторли қайиқ кўлнинг ғарбий соғили томонга, чапга бурилди. Шу пайт Биллининг ёнида Раббий Фариштаси пайдо бўлди ва деди: ***"Батл-Крикдаги йиғилишнингни ёп ва шу заҳоти Миннеаполисга жўнаб кет".***

Шу сўзлар билан Фаришта ғойиб бўлди ва бироз вақтдан кейин Билли ўша сершоҳ эман дарахти тагида тиз чўккан ҳолда, соҳилда бўлиб қолди.

Билли апрелда уйида кўрган ваҳийни эндигина тушунди. У ўшанда Мичиган штати Батл-Крикка ёки Миннесота штати, Миннеаполисга бориши керакми ёки йўқлигини билиш ҳақида ибодат қилган эди. Унинг олдинги ваҳийсидаги тиниқ сув Мичиган кўлининг тимсоли эди. Агар ўша жойнинг географик картасига қараса, Батл-Крик Мичиган кўлининг ўнг томонида, Миннеаполис эса — чап томонида жойлашганини кўрган бўлар эди. Бу ҳамма вақт Худо уни чап томонга бурилишини хохлар эди, аммо у нима сабабдандир буни тушунмади. Ҳозир у Батл-Крикда Раббий иродасига хилоф равишда турган эди. Ундан ҳам ёмони, унинг администратори икки ҳафталик кампанияни режалаштирган ва у яна саккиз кун йиғилиш ўтказиши керак эди. Бу мажбуриятдан чиқиб кетиш, гўё, жуда кўнгилсизликдай эди.

Билли меҳмонхонага қайтиши биланоқ, у администраторига нима қилишлиги кераклигини айтди. Олдинига Эрн Бакстер у ҳазиллашяпти деб ўйлади. Қачонки у, ниҳоят, Билли буни жиддий айтганини тушунгач, Бакстер маҳаллий хизматчи, муҳтарам Флойд билан кенгашни тайинлади. Флойд Батл-Крикдаги кампаниянинг ташкилотчиси эди. Билли ўз ваҳийсини ва нима қилиши кераклигини тушунтирди. Жаноби Флойд ташвишга туша бошладики, бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлар эди.

— Бранхам ака, Батл-Крикда бу йиғилишларни ташкил қилишимизни Худо хохлаганлигига мен ишонаман.

— Мен бунда сиз билан баҳслашмайман. Мен билмайман, нима учун мен ҳали уйда бўлганимда,апрелдаги бу ваҳийга эътибор қилмадим, аммо энди мен буни тушунаман ва мен нима қилишимни Худо истаётган бўлса, ўшанга бўйсунишим керак.

— Бранхам ака, — Эрн Бакстер деди, — бу кампанияда ўн тўртта черков қатнашади. Биз ахир бу ерда ҳам ҳамкорларимизни инобатг олишимиз керак.

— Бу тўғри, биз эътиборга олишимиз керак..., — гапнинг ўртасида пауза қилиб, Билли жавоб берди. У шу яқинда Раббий Фариштасини ҳис этди ва бирдан бу синов эканлигини англаб етди. Худо ўша ваҳий хусусида саросимага тушишига йўл қўйди ва у Жанубий Африкада дуч келишига тўғри келган ўша ҳолатни эслатадиган аҳволга тушди: ўша хизматчилар уларнинг манфаатлари эътиборга олинишини хохлашар, а администратори бўлса, ўша хизматчиларни маъқуллаганди. Аммо Худо унга бошқача иш тутишни буюрди.

— Биродарлар, — деди Билли, — мен сизларни севаман, аммо Муқаддас Руҳ менга кўлнинг бошқа томонига боришимни буюряпти ва мен ўша ёққа бораман. Ҳали бирор нарса бўлиб қолишини кутиб турмай, мен яна ўша хатоимни, Жанубий Африкада қилган хатоимни қилмайман. Мен Худога бўйсунган бўлишим лозим.

— Бранхам ака, — стол атрофида хафа бўлиб ўтирган хизматчилардан бири аччиқланиб деди, — сен ўзингни фундаменталист эканингни маъқуллайсан. Каломдан бунга ўхшашини қаердан топасан?

— Бу ўша ерда турибди, — бемалол жавоб берди Билли, — Филипп Самарияда уйғониш хизматида эди, қачонки Муқаддас Руҳ уни у ёқдан чақириб олганида ва уни даштга бир одамга юборди. Ўша одам Эфиопияга Хушхабар етказди.[234]

[234] Ҳаворийлар 8:26-39

Мистер Флойд қошларини чимирди.

— Мен тушунмайман, нима учун Худо бу йиғилишларни ташкил қилишга рухсат берди-ю, ва ундан кейин, сен бу ерга келганингдан сўнг, сени У бошқа жойга юборади.

— Флойд ака, Батл-Крикка Муқаддас Руҳ орқали яхши эски вақтлардаги уйғониш мажлислари керак, а шифоланиш кампанияси эмас. Уйғониш одамларни руҳий сферага қайтаради. Йиғилишлар тайин этилган экан, нима учун энди сиз уйғониш йиғилишлари ўтказадиган хушхабарчини таклиф этмайсиз, у мени алмаштириши учун?

Флойд елкаларини қисди.

— Хўп, Масиҳчилар, эҳтмол, тушунарлар, аммо мен билмайман, буни қолганлар қандай тушунишаркин?

Хонада бир неча сония жимлик ҳакм сурди.

Худди шу вақтда Билли ўша ғайритабиий Нурни, Флойднинг боши устида шуъланаётганини кўриб қолди. У деди:

— Флойд ака, мана ҳозир сен ўша вақт, қачонки Ишайё пайғамбар Езекияга борди ва унга сенинг ибодатингни Худо эшитди, деган ўша вақт ҳақида ўйлаяпсан.[235]

[235] 4 Шоҳлик 20:4-6

Жаноб Флойд қошларини кўтарди ва деди:

— Бранхам ака, бу ҳақиқат.

— Тасдиқ, — жавоб берди Билли. — Муқаддас Руҳ бу тўғри қарор эканини исботлаш учун шу ерда.

— Лекин сен қандай қилиб, мен нима ҳақида ўйлаганимни билиб олдинг?

— Эслайсанми, Библияда дейилган: ***“Исо уларнинг мулоҳазаларини сезди”.***[236] *Бу худди ўша Муқаддас Руҳ.*

[236] Луқо 5:22

Бу хизматчилар истар-истамай бошқа хушхабарчини бу кампаниянинг бошқа йиғилишларида ваъз қилиши учун таклиф қилишга рози бўлишди. Ўз спонсорларини хафа қилиш Биллига қанчалар оғир бўлмасин, кўнглида ўз Раббийсига бўйсунганидан кўнгли жойида, думоғи чоғ эди. Жанубий Африкада олган сабоғи унинг хотирасида бир умрги муҳрланди.

Ўша оқшом Батл-Крик аудиториясига, у нима учун бу кампанияни олдинроқ тарк этаётганини тушунтириб, Билли шундай деди:

— Сиз буни тушунмаслигингиз мумкин, аммо мен сизларни доимий Масиҳий севги билан севаман, ва Худо буни ҳақиқат эканини билади. Мана шунда Унинг Илоҳий иродаси борлигини билсам эдим, мен шу ерда қолган бўлар эдим, шу шаҳарда кейинги олти ҳафта давомида, токи уйғониш бутун шаҳарни қамрамагунича қолган бўлар эдим. Мен буни қилишга тайёрман, бироқ мен Унинг қўлларида юмшоқ бўлишим керак, ва У менга нимани буюрса, худди айтганидек қилишим лозим.

63 БОБ
МУҲАББАТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ
1953

1953 ЙИЛ ФЕВРАЛИДА Уилльям Бранхам Флорида штати пойтахти, Таллахассида бир ҳафталик шифоланиш кампаниясини ўтказди. Бир куни, у, хотини ва администратори шаҳар марказидаги кафеда тушлик қилишар экан, унга олти яшар қизча витрина ортидан жилмайиб, қўл силкиди. У қизчага қўл силкиб, жавоб берди. Тез орада у отасини қўлидан ушлаб, шу ресторанга келди. Улар Биллининг столи ёнида тўхташди ва қизча деди:

— Бранхам ака, сиз мени эслайсизми?

— Йўқ, эслолмасам керак.

— Сиз мен учун ибодат қилганингизда, Худо менинг кўрмайдиган ожиз кўзимни шифолади.

Уни отаси ҳаммасини тушунтирди. Ўтган йили бахтсиз ҳодисада қизи кўзини қаттиқ жароҳатлади. Уни врачи бу кўз билан кўришга ҳеч қандай умид йўқ деди, бироқ отаси, — “йўқ, ҳали умид бор”, — деди. У қизини касалхонадан олди, машинасининг орқа ўриндиғида қизи учун тўшак қилди ва фақат бензин олиш учун ва овқатланиш учунгина тўхтаб, Индиана штатига қараб йўлга тушди. Жефферсонвиллига улар якшанба куни кечқурун келдилар ва Биллини айни у черковдан чиқаётганида учратишди. Билли қизча учун ибодат қилди ва энди у шифоланган эди.

— Сени қайси кўзинг кўрмас эди? — сўради Билли.

— Мана буниси, — деди қизча. — Йўқ, буниси демоқчи эдим.

У олдинига бир кўзини, кейин бошқаси кўрсатди.

— Биласизми, мен ҳатто эслай олмайман.

Уни отаси кулиб юборди ва деди:

— Бу мана бу кўзи эди.

Қизча кета туриб, Биллига конверт тутди, у эса уни чўнтагига солиб қўйди ва уни ҳақида уйига келгунича бутунлай эсидан чиқариб юборди. Конвертни очиб, у ерда у муқаддас Валентина кунига бағишланган ажойиб шеър остига имзо қўйилган откриткани кўрди.

1953 йил майида Билли Арканзас штати, Жонсбородаги бир хизматчи маҳаллий радио эшиттиришлар программаси вақтида Илоҳий шифоланишлар устидан кулди. У Уилльям Бранхамни нафақат қаллоблик қилишда айблади, бироқ тингловчиларга, “Мен ҳар қандай одамга 1000 доллар бераман, агар у шифоланишдек мўъжиза ҳақиқатан бўлиб ўтганини исботлаб билса”, — дея чақириқ қилди.

Радиопрограмма тугагач, бир соат ичида ўнлаб одамлар Биллининг администраторига, агар Билли ўша одамнинг чақириғига рози бўлса, ўз исботларини кўрсатишларини таклиф қилиб, қўнғироқ қила бошлашди. Билли шифоланишларнинг ҳар хил ҳолатларини йиғди ва: “Келинглар, бориб ўша 1000 долларни олайлик”, — деди. Бир одам ўзининг врачи билан, у қачондир ракдан ўлаётганини тасдиқлаши учун, биргаликда келди. Бошқа бир аёл ўзининг аёл қўшниси ва врачини, шу билан бирга ўзининг касаллик тарихи ёзилган тиббий қоғозларини, ўзини артритдан азобланиб, йигирма йил ногиронлар аравачасида ўтказганини исботлаш учун олиб келди.

Қачонки улар бу хизматчини қаршилаганларида, у уларнинг ҳамма асосли исботларига қарамай, зарбадан ўзини четга ола бошлади.

— Хўш... ҳм... мен қилолмайман... э-э... пул бу ерда эмас. Улар бизнинг деноминацион марказимизда, Техасда турибди.

— Унда, эртагаёқ бизлар Техасга учамиз ва уларни оламиз, — қатъий деди Билли. — Мен бу пулни миссионерлар учун фондга топширмоқчиман.

Афсуски, ўша одамлардан ҳеч ким, кимки унинг хизматини исботини кўрсатган бўлса, у билан Техасга бундай қисқа вақтга жўнаёлмадилар. Шу учун бу деноминация хизматкори альтернативи — бошқа имкониятни таклиф қилди:

— Қачонки сизлар менинг марказимга борсангиз, мен бир қизни олиб келаман ва уни қўлини устара билан кесаман. Агар сиз ўша кесилган жойни менинг биродарларим кўз ўнгида шифолаб билсангиз, унда мен сизга 1000 доллар бераман.

— Сизда ақлий қолоқликнинг оғир ҳолати, — жирканиб жавоб берди Билли. — Қандай қилиб Масиҳчи бундайин ахмоқона мулоҳаза қила олади экан? Бу, Исога айтганларини жуда эслатади: “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, қани хочдан тушиб кўр-чи, ва бизлар Сенга ишонамиз”.[237] Ахир бу имонсизнинг азалдан маълум: “Исо, бизларга аломат кўрсатгин”,[238] — деган бақир-чақири-ку, ўша

пайтда ҳар куни мўъжизалар бўлиб ўтар, ўшанда фарзийлар буларни кўриш учун яқинроқ эмасдилар. Ёинки, улар агарда мўъжизаларни кўрганларида ҳам, улар буни жинлар бошлиғи, иблис кучи билан қилинди, дейишар эди. Ҳар доим шундай бўлган ва бўлади. "Устоз, биз сенга ишонамиз, агар сен у ёққа борсанг, қаерга биз истасак, сен борсанг ва биз хохлаган қилиш керак бўлган ишни қилсанг". Бироқ фарзийларнинг шартлари Исо устидан ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эди. У Ота иродасини бажаришда эркин эди. Бугун ҳам У худди шундай.

[237] Матто 37:39-43

[238] Матто 12:38, 16:1; Марк 8:11; Луқо 11:16

1953 йилнинг июнида Билли Индиана штати, Коннесвиллига сафар қилди ва бир ҳафтада тўққизта йиғилишни "сиғдира" билди. Шундан кейин, кўп ойлар давомида кампаниялар ўтказишдан чарчаб, у ёзнинг қолган қисмини оиласи билан дам олишга қолдирди.

Албатта, уйда ҳам унга ҳеч қачон тўлиқ дам олишнинг иложи йўқ эди. Одамлар ҳар доим унинг тинчини бузишарди. Билли ўзининг Эвинг Лейн кўчасидаги уйида беш йилдан бери яшаётган бўлса, у ҳар доим деразадорпардаларини тушириб овқатланар эди. Бегона одамлар ўзларини муаммолари ҳақида унга айтиб беришни истаб, ундан маслаҳат олиш умидида ва у учун у ибодат қилиши учун у билан учрашишни кутиб, унинг ҳовлисида тез-тез келиб туришар эдилар. Улар сутканинг ҳар қандай пайтида келишардилар. Билли бирданига 30 та машинани уйи олидида турганини кўрди; улардан баъзилари тез ёрдам машиналари эди. Ҳар сафар у хонага кира туриб, унинг биринчи иши дераза дорпардаларини тушириш эди, бўлмаса, кўчадан кимдир уни кўриб қолиши ва деразани тақиллатиши ёки дабдурустдан таклифсиз, уни уйига учрашиш учун кириши мумкин эди.

Билли ибодатга муҳтож бўлган ҳеч кимни рад қилолмас эди. У одамларни яхши кўрар ва улардан шифо излаб ёки руҳий тинчлик топишга уриниб келганларнинг 99% и самимий юрак инсонлар эканини билар эди. Унинг ўтлоғида қайсидир она бетоб боласи билан турган бўлса, ёки қандайдир одам ракдан ўлаёзиб, уни ибодатини кутиб, уни уйи рўпарасида, йўлакда машинасида тунади. Уларга ёрдам бериш учун Биллига, уни кучи етган ҳамма ишни қилишига тўғри келар эди. Шундай қилиб, қачонки бу нотанишлар уни уйига келганларида, у улар учун Исо Исми ҳақи ибодат қилар эди. Баъзан кечалари, охирги келган киши учун ибодат қилиб бўлиб, ечиниб-кийиниши учун етарлича кучи қолмас, шу учун ўқ теккандек, шу заҳотиёқ йиқилар эди.

Ҳаттоки, оддийгина уй олдидаги майсазорни ўришдек иш ҳам унинг тез-тез келиб турувчилар сабабли оғир бўлар эди. Ҳар сафар, у ишгаурингган маҳал, кимдир у учун ибодат қилишини истаб, келиб қолар эди. Билли қайта кийинар, суҳбат ўтказар, келган одам учун ибодат қилар, ундан кейин яна бошқатдан ўзининг ишчи кийимини кияр ва кейинги келувчи пайдо бўлгунича яна озроқ ўрар эди. Кундан-кунга ибодат олишни хохлаган шунчалик кўп одам келганидан, Билли майсазорини ўриб тугатолмас эди. Баъзан унга жанг гўё, ютқазилгандай туюлар эди. У ҳовлиси олдини майсасини ўриб тугатганида, орқа томон майсазори ҳақиқий ўтлоққа айланар эди.

Бир куни кундузи келувчилар намойишида "жимжитлик" бўлиб қолди. Ўз иш кийимини кийиб, Билли орқа ҳовлига шошилди ва газонаносилкасини юргизди. Тез орада у носилкани итариб билгунича итари, қалин ўтлар орасидан ўрилган жой очди. Ёзнинг жазирамасидан кўйлаги тердан шалобба бўлди қолди, шу учун уни ечди ва бир томонга ташлаб қўйди.

Орқадаги деворга қоқиб қўйилган ходачада қалдирғоч учун уйча турган эди. Билли ари оиласи бу уйча ичига ин қурганини умуман эсдан чиқарди. Майса ўришни тугатиш учун шошиб, носилка билан деворга яхши урдики, шундан бу қалдирғоч уяси силкинди. У ердан аччиқланган бир гала ари ўч олиш учун учиб чиқди. Бир неча дақиқа ичида улар Биллини ўраб олишди; баъзилари ҳавода айланишар, бошқалари эса унга қўнишди ва ўткир нишларини чуқурроқ ботиришга тайёрланишди. Билли тушундики, аҳвол жуда оғир, чунки бундай кўп арилар одамни чақиб ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас. Кейин ундаги қўрқув ўрнига муҳаббат ўрин олди. Олдидаги газононосилкани итаришда давом этиб, у деди: "Азиз арилар, мен сизларни безовта қилганимдан афсусдаман. Мен биламан, бу нишлар — бу сизларга ўзингизни ҳимоя қилишингиз учун Худо берган қурол, аммо мен сизга ёмонлик қилмоқчи эмасман. Мен — Худонинг хизматкори, ва мен кейин уйга қайтишим ва яна бошқа Худо фарзандларига ибодат қилишим учун, бу газонни ўри бўлишим керак. Шу учун Исо Масиҳ Исми ҳақи ўз уйларингизга қайтинглар. Мен сизни бошқа безовта қилмайман".

Ариларнинг булути ўша заҳотиёқ кўтарилди ва қайтиб ўз уйисига томон учиб кетди. **(№18 Сурат)** Бу ҳодисани ҳайрон бўлиб кузатиб, Билли ишини тўхтатиб турди. У худди шу нарсани кўп йиллар бурун, қачонки у ўлдирувчи-ҳўкиз билан учрашганида ҳам бошидан ўтказган эди. Ўшанда табиат қонунини ўзгартириб, Биллини севги, муҳаббат тўлдирган эди. Бу инсоний севги эмасди; бу қандайдир анча чуқур, кенг, тўлақонли мукаммал севги эди; Библияда бу "агапо" деб, ёки одам орқали намоён бўладиган Илоҳий муҳаббат, баркамол Илоҳий муҳаббат деб аталади.

У тушуниб етмасди, худди шу нарсани пайғамбар, қачонки уни оч шерлар орасига, хандакка ташлаганларида, шу нарсани бошидан ўтказмадими экан. Шерларнинг оғзини тўсиб қўйган муҳаббат эмасми экан, уларни Дониёрни ейишга қўймай?[239] Муҳаббат, шак-шубҳасиз, бу ариларнинг ниятини ўзгартирди. Билли англадики, қачонки муҳаббат намоён бўлса, иноят кучга киради.

[239] Дониёр 6:16-23

Билли бошлаган ишини давом эттирди. У орқа ҳовлини ўриб бўлиши билан, бир неча машина келди ва унинг уйи олдида тўхтади. Биллининг уйга кириш ва навбатдаги Худо фарзандлари учун ибодат қилиш маҳали бўлди.

Кейинроқ у қизларини нима учун йиғлаётганини билиш учун, ошхонага келди. Ошхонада Сарра полга чўзилиб ётганини, стол ёнида ўтирган Ривқони ва Медани ювиқсиз идишлар тўла раковинага қараб турганини кўрди. Учаласи ҳам йиғлашарди.

Эрига қараб, Меда йиғлаганча, деди:

— Билли, мен ақлдан озаман. Эрталабки нонуштадан кейин болалар ҳеч нарса ейишмади. Бугун уйда шунча одам кўп бўлдики, мен ошхонада ҳеч нима қилолмадим.

Эндигина Билли тушунди, нима учун қизларини йиғлаганини. Улар нафақат оч қолишдан, балки онаси ҳам асабий муҳит яратган. У биларди, агар у тўғри муҳит яратолса, уларни тинчлантириб билишини...

Хотинини бағрига босиб, тинчлантира туриб деди:

— Ҳа, баъзан қийин бўлиб кетади. Лекин эсингда тут, биз Раббий Исо Масиҳга хизмат қиламиз. Шу эрталаб ҳақида ўйлаб кўр. Наҳотки ўша болакай оёқ қисқичларини ечиб, яхши юриб кетганини кўриш ажойиб эмасми эди?

Билли ўз қалбида ибодат қилди: “О Раббим, бунда менга ёрдам бер. Менинг хотинимга Ўз Борлигингни ва Ўзингни муҳаббатингни юбор”. У деди:

— Меда, бир неча вақт, аниқроғи, бошқа ҳеч ким келмайди. Кел, ейишга бир нима тайрлаймиз. Мен сенга ёрдам бераман.

У енгларини шимарди ва раковинадан ювилмаган товани олди.

— О-о, йўқ. Сен, эҳтимол, менга идиш ювиб ёрдам берасан, аммо сен овқат қилолмайсан, ахир.

Билли жилмайди.

— Ким у, тайёрлаёлмайдиган? Сен ҳали менга ҳеч қачон картошка қовурганингни кўрмаганман ҳам дерсан? Мен у билан катта бўлганман-ку, ахир.

Илғар-илғамас кулгудан Меданинг оғзининг бир томони яшнади ва тез орада ўзига келди: меҳрибон ва қувноқ. Бир неча дақиқа ўтиб Сарра ва Ривқо йиғидан тўхташди. Уйдаги муҳит ўзгарди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМНИНГ кўплаб келувчилари орасида ўша йил ёзида доктор Моррис Ридхед бор эди, у ўша вақтда дунёдаги йирик баптистлар миссионерлик ташкилоти, Судан Миссиясининг раҳбари эди. Билли доктор Ридхедни меҳмонхонага ўтказди, Меда бўлса чойникда чой олиб келди ва уни шиша кофе столчасига қўйди.

Доктор Ридхед тўғридан-тўғри келишидан мақсадига ўтди.

— Бранхам ака, шу кунларда мен бир мусулмон-йигит билан суҳбатлашдим, у яқинда шу ерда, Америкада коллежни тугатди ва уйига, Ҳиндистонга қайтаётган экан. Раббий ҳақида гувоҳлик бериш имкониятини ўтказиб юбормай деб ундан мен сўрадим: “Нима учун энди сен ўша ўлган пайғамбаринг Муҳаммаддан юз ўгирмайсанда ва тирилган Исони қабул қилмайсан?” У жавоб берди: “Марҳаматли жаноб, сизнинг Исо мен учун нима қилади-ю, уни менинг Муҳаммадим қилолмайдм?” Мен айтдим: “Исо сенга абадий ҳаёт бериб билади”. У жавоб берди: “Муҳаммад менга абадий ҳаётни ваъда қилган, агар мен қуръонга амал қилсам”. Мен давом этдим: “Исо сенга шодлик ва тинчлик бера олади”. У жавоб берди: “Муҳаммад менга шодлик ва тинчликни берган. Мен бундан ортиғига Исодан муҳтож эмасман”. Мен дедим: “Исо Масиҳ бугун тирик, Муҳаммад бўлса бир неча юз йиллаб ўлик”. У жавоб берди: “Агар Исо тирик бўлса, унда буни исботланг. Қаерда ўзи У?” Мен дедим: “У менинг юрагимда яшайди”. У жавоб берди: “Муҳаммад ҳам менинг юрагимда яшайди”.

— Шу пайт мен шу қадар ҳафа бўлдимки, яна нима дейишни ҳам билмадим. Йигит мени саросимага тушганимни кўрди ва шундай деди: “Кўрдингизми, биз мусулмонлар ҳам сиз Масиҳчилар каби, шунча психологияга эгамиз. Бу нима учун бугунги кунда ислом дунёда буюк динлардан бирилигини сабабларидан бири. Лекин, тан олишим керакки, Сизнинг Исо сиз Масиҳчиларга, Муҳаммад бизга ваъда берганидан кўра кўпроқ ваъда берган. Мен сизларнинг Библиянгизда ўқиганман, Исо деган, У сизлар билан асрнинг охиригача бирга бўламан[240] ва У қилган ишларни сизлар ҳам қиласиз:[241] жинларни қувасиз, ўликларни тирилтирасиз, касалларни шифолайсиз ва шунга

ўхшашлар. Менга кўришга рухсат беринг, Масиҳчилар ана ўша ишларни қилаётганини, ва ўшанда мен Исони тирик эканига ишонаман”.
[240] Матто 28:20
[241] Марк 16:17-18; Юҳанно 14:12

Билли эшикда иккита эркак билан саломлашди ва уларни меҳмонхонасига олиб ўтди. Деразаларда яшил гулли пардалар осилган бўлиб, улар деворда оч-яшил тус бериб турар эди. Тош камин тепасида мойли краскалар билан чизилган картина осиғлиқ турар ва унда Билли 1909 йилда туғилган ёғоч кулбача тасвирланган эди. **(№19 Сурат)** Қўшимча қилиб қўйилган столда Техас штати, Хьюстонда олинган фотографиянинг нусхаси турган бўлиб, унда Биллининг боши устида нур чамбар кўринишида шуъалаланаётган Раббий Фариштаси кўриниб турар эди. **(№20 Сурат)** Копп акалар қизил чарм диванга, Билли бўлса уларни қаршисида ёстиқчали яшил креслога ўтирди. Уларни ўртасида худди ўша кофе столи, қайсики уни доктор Ридхед Муқаддас Руҳни олаётиб майдалаб юборган ўша столча турар эди. Столнинг синган шиша қапқоғи янгисига алмаштирилган эди.

Лерой Копп Биллидан ўз ҳаёти ва хизмати тўғрисида айтиб беришни сўраб, интервьюни бошлади. **(№21, 22 Суратлар)** Гарчи Билли тингловчилар олдида 20 йил давомида чиққан бўлса-да ва бир ерда тўпланган ўн минглаб одамлар олдида интервьюга одатланмаган эди. У суҳбатнинг мазмунига қуруқ ёндашган ҳолда, ўзининг ғалати болалиги ҳақида сўзларди. Унга етти ёш бўлганда, Фариштa унга қуюн ичидан: *“Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда расво қилма. Улғайганингда сен учун меҳнат бўлади”*, — деб айтгани ҳақида эслатди. У 1946 йилда ўша Фариштa одам қиёфасида у билан учрашганини ва унга бутун дунё одамлари учун Илоҳий шифоланиш инъомини намоён этишни буюрганини ва бунда унга уни чақирилганини тасдиқлаш учун Худодан иккита аломат: биринчиси — мўъжиза ва шифоланиш, иккинчиси эса — инсон юрак сирларини фарқлай олишдек аломатларни ваъда қилгани ҳақида ҳам сўзлаб берди. Билли уларга Фариштани қандай қилиб, Библиявий тарихдан фойдаланиб, унга унинг хизматини тушунтирганини айтиб берди. Масалан, ўша воқеа, қачонки Нафанаил Исо билан учрашгани ва Исо уни ҳақида билганидан ҳайрон бўлгани;[248] ва Исо Самариялик аёл билан Ёқубнинг қудуғида гаплашган ва унинг муаммоси, мушкулотини у айтмаёқ билгани воқеаси. Аёл айтди: *“Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан... Қутқарув Масиҳ келажагини биламан. У келганда ҳамма нарсани бизга маълум қилади”. “Исо аёлга: Сен билан гаплашаётган Мен Ўшаман,* — деди”. Исо унинг юрагида яширин сирни очгандан кейингина Самариялик аёл Исони Масиҳлигини, Исроилга ваъда қилинган Қутқарувчи эканини билди.[249]
[248] Юҳанно 1:43-50
[249] Юҳанно 4:3-26

Шу моментда ҳужжатли фильм қизиқ тус олди. Ноқулай паузадан кейин Билли деди:

— Копп ака, Исроилга режалаштирилган кампанияларга келсак, мен Исроилда Раббимга хизмат қилишдан хурсанд бўламан.

Жаноб Копп қўшиб қўйди:

— Бранхам ака, биз ўйлаймизки, қачонки улар эски аҳд башорати Иоил 2:28 да айтилган — охирги кунларда Раббий Ўз Руҳидан ҳар бир жонга солади. Унинг ўғиллари ва қизлари башорат қиладилар... ва ўспиринлари ваҳийлар кўрадилар, — деган башоратининг бажарилганини кўрганларида, кўплаб яҳудийлар Исо Масиҳ — Мессия эканига ишонадилар.

— Ҳа, Копп ака, мен ўйлайман, яҳудийлар учун менинг хизматим самарали бўлади, чунки Янги Аҳдда ёзилган: “Яҳудийлар аломат ажойиботлар пайида, юнонлар бўлса донолик қидиради.[250]
[250] 1Коринфликларга 1:22

Бу фильмда қисқача шарҳлар ўз жойида эмасдай кўриниши мумкин, агар ўқувчи ёки эшитувчи унинг келиб чиқиш манбаларини билмаса. 1950 йилда Билли Швеция пойтахти Стокгольмда бир неча йиғилиш ўтказди.

Луи Петрус бу вақтда Исроилда миссионерлик фаолиятини бошлади. Охирги икки йил ичида унинг черкови Фаластин яҳудийлари орасида асосий эътиборни янгитдан келган яҳудийларга қаратиб, бир миллион Янги Аҳдни тарқатди. Бу одамлардан кўплари Янги Аҳдни китоб кўринишида олиб, Исо ҳақида илк бор ўқидилар. Кўплаб яҳудийлар Луи Петрусга айтдилар: “Агар Исо Мессия бўлса, ва ҳалиям У тирик бўлса, унда марҳамат қилиб бизга Унинг Мессияга хос ажойиботларини кўрсатинг ва бизлар Унга имон келтирамиз”. Петрус яна Уилльям Бранхам ҳақида ўйлади.

1953 йил баҳорида Луи Петрус Майнер Арганбрайн билан боғланди, (№23 Сурат) қайсики у Халқаро Тўлиқ Инжил Ишбилармонлар Жамиятининг бош президенти (ХТИИЖ) эди, унга ХТИИЖни Уилльям Бранхамнинг шифолаш кампаниясини молиявий таъминлашини таклиф этиб, унинг натижасида замонавий яҳудийлар ўзларининг Мессиясининг ажойиботларини кўрган бўлардилар. Бу икки одам Биллига ўз режаларини тақдим қилдилар. Майнер Арганбрайн умуман

яқингинада Исроилдан қайтди, у ерда у кўплаб яҳудийлардан, улар самолётдан тушаётганларида интервью олди. Арганбрайн бир қари одамдан сўради:

— Сиз бу ёққа, Исроилда вафот этиш учун келдингизми?

— Йўқ, мен бу ёққа Мессияни кўриш учун келдим, — яҳудий жавоб берди.

Билли бу ҳикояни эшитганида, унинг юраги завқ-шавқда аланга олди.У: “Бу менинг хизматим учун идеал — кўнгилдагидек иш бўлди!” — деб ўйлади. Энди бўлса, августда, Лерой Копп *“Йигирманчи аср пайғамбари”* ҳужжатли фильмини ёзиб олаётган бир пайтди, Петрус ва Арганбрайн Исроилга Бранхам кампаниясини ташкиллаштиришди.

Биллининг Исроил ҳақидаги шархларидан кейин ҳужжатли фильм унинг “Филадельфия” черковидаги кампаниясига уланиб, у 1953 йилнинг 29 августидан 7 сентябригача ўтказилди. Гарчи фильмда фақат битта ибодат навбатидан фрагмент кўрсатилган бўлса-да, унда Билли 5 киши учун ибодат қилган эди, улар унинг ўтган етти йил ичида ибодат қилган ўн минглаб одамларни ифодалар эди. Иккита одам умумий аудиторияда аниқ таниб олинган эди. Кейин Билли навбатдаги аёл учун, унинг мушкулоти нимадалигини очмай, ибодат қилди. Кейинги аёлга у камқонликдан қийналишини айтди. Ҳар қандай ишонмовчи, гумондор, шубҳаланувчи скептик бу аёл шундай рангпар кўриниши туфайли унинг дардини билди бед айтиши мумкин эди. Бироқ охирги аёлнинг дардини билишнинг иложи йўқ эди.

Ўрта ёшлардаги аёл хушхабарчи олдида асабий ҳолда қўлларини орқага буклаб турар эди. Билли тўппа-тўғри унинг кўзига қараб туриб, деди:

— Мен, бизлар умуман нотаниш эканимизни кўряпман. Сиз бошқа шаҳардан. Сизнинг юрагингизда оғир юк бор. Ва, авваламбор, сизнинг муаммонгиз-юрагингиз. Бу тўғрими?

— Бу ҳақиқат, — жавоб берди у.

— Сизни қалин туман ўраб турибди. Сизни ортингиздан қора соя эргашаётганини кўраяпман. О-о, бу ахир қип-қизил ёлғон-ку. — (Аёл маъқуллаб бош ирғади ва ҳаяжондан қалтирай бошлади.) — Кимдир сиз ҳақингизда ёлғон гапирди ва бу одам Илоҳий шифоланишни эътироф қилади. У сизни жодугар деди. Бу тўғрими?

— Ҳа, — деб жавоб берди у йиғлаб, юзини қўллари билан беркитиб, бош ирғади.

— Ва ҳозир сизни черковингизда шу туфайли шов-шув доврўқ кўтарилди. Ахир шундай эмасми? Сизни пасторингиз ҳозир касал. Унда полиомиелит. Бу тўғрими?

— Ҳа, сэр.

— Опа, у одамлар сиз ҳақингизда нималар дейишига эътибор берманг. Улар ёлғон гапиришяптилар. Ва сизнинг юрагингиздаги ягона муаммо — бу сизни юрагингизга таъсир қилган ўша асабийлик ҳолатидир. Уйингизга тинчлик билан боринг ва Худо сизни дуо қилсин. Сизда ҳаммаси жойида. Сиз жодугар эмассиз.

Ҳали аудитория руҳланиб, Раббийни улуғлар экан, Билли деди:

— Мен ишонаман, Худо сизларни шу даражада дуо қиладики, бундан сиз бошқа энди ишонмай иложингиз йўқ. Ҳозир шубҳаланишингиз сиз учун гуноҳ бўлар эди. Худо Ўз Ўғлини юборгандан ва ҳамма ажойиботларни қилганидан кейин... Ўз Библиясини юборди, Ўз воизларини юборди, Ўз инъомларини юборди... ва ҳали ҳам яна Унга ишонмайсизми?... унда сиз учун охирида ҳукмдан бошқа ҳеч нарса қолмайди.

— Юрак сирларини фарқлаш, билишнинг ягона қиладиган иши — бу Исо Масиҳнинг ваҳийси орқали Худони улуғлашки, қачонки У шу ерда ер юзида бўлганида, У шу каби ишларни қилганди. Ва У деди: “Қачонки Мен кетаман, Мен яна келаман. Яна озгина, ва дунё энди Мени кўрмайди (бу ишонмайдиганлар), сизлар бўлсангиз Мени кўрасиз (ким, имонлилар), зеро Мен сиз билан ҳатто сизларда, асрнинг охиригача бўламан”.[251] Унда ишонмаслик — бу гуноҳ. “Бор ва энди бошқа гуноҳ қилма (ёки бошқа энди имонсиликда бўлма), тағин бошингга янада ёмон кун келмасин”, — деди Исо.[252] Бунга ё ишониш, ё ҳалокат.

[251] Матто 28:20

[252] Юҳанно 5:14; 8:11

— Аммо Худо сабрли ва меҳрибон. Қачонки одамлар Унинг Сўзини қабул қилмаса, унда худди Исо Масиҳ бундай қиламан деб ваъда бергани каби, черковга мўъжиза ва ажойиботлар юборилади.[253] Ва ростини айтганда, мен ишонаман, Худо мана ҳозир мажусийлар билан меҳнатини тугатяпти, ва У шу заҳотиёқ яҳудийларга ўтади. Мажусийлар эса ўз таълимотлари ва ақидалари билан, ва ўзларининг совуқ, формал деноминациялари билан қоладилар. Ҳақиқий Черков Кўтарилишга олинади ва Хушхабар яҳудийларга кетади. Омин. “Омин” “шундай бўлсин” дегани.

[253] Юҳанно 14:12; Марк 16:15-18

64 БОБ
ҲАЁТГА МОЙЛАНИШ
1953

1953 ЙИЛ ЁЗИДА Уилльям Бранхамга уни тинчини бузадиган, фақат биргина келувчилардан бўлмаган, уйини ўзида турли хил сиқувларни енгиб ўтишига тўғри келади. Яқингинада унинг ўғли ўзининг қатъий Масиҳчилик тарбиясига қаршилик қила бошлади. Кўпгина ўспиринларга ўхшаб, Билли Поль ҳеч қандай жавобгарликсиз ва чегарасиз ўз турмуш тарзини хохлади. Афсуски, бунақа муносабат хатарли йўлдан боришга қизиқтирар эди. Билли буларни ўғли билан гаплашиб олиш учун қулай фурсат кутар эди.

Бир куни кечқурун ибодат вақтида, Билли ўз ўғлини оқшомги ўтиришда ичиб, хуррам бўлганини ваҳийда кўрди. Билли Поль деразадан сакради ва ҳавода умбалоқлаб, ерга шиддат билан йиқилиб тушаётган эди. Билли қўрқиб қичқирди: "О Худойим, уни ўлишига йўл қўйма! У менинг яккаю-ягона ўғлим ахир!"

Ваҳий Биллини қаттиқ ҳавотирга солиб, тушунарсиз натижалар билан тугагани натижасида уни чаккаларидан тер томчилари оқа бошлади. У ибодат қила бошлади: "Раббий, илтимос, мени ўғлимни шундай ҳалок бўлишига йўл берма".

Тахминан ярим кечаси Билли поль оёқ учида юриб, уйга кирди; оғзидан пиво ҳиди анқир эди. Эрталабига Билли ўғлини уйқудан тўймагунича, уйғотмади. Билли Поль соат 10ларда туриши билан, биринчи иши бориб дўстини кўрмоқчи бўлди. Ўғли ташқари эшикдан чиққанида, Билли подъезд йўлагида машинасини ювяётган эди. Билли шлангдаги сувни бекитди-да, деди:

— Ўғлим, сен кечқурун кеч келдинг, шундай эмасми? Мен сенга қаерда бўлганингни айтишимни хохлайсанми?

— Йўқ, сэр, — жавоб берди Поль. Унинг отаси буни қилиб билишини у билар эди.

— Поль, сен нотўғри йўлдан кета бошладинг.

— Дада, мен у ерда қандай ҳаёт эканини кўргим келади.

— Ўғлим, отанг сени яхши кўради, шунга ишонасанми?

— Мен биламан, мени яхши кўрасан.

— Жуда соз, чунки, сенга нима демоқчиман, мен муҳаббат билан дейман. Мен йиғилиш вақтида қиладиган меҳнатингга қўйиб беролмайман, чунки бу менинг хизматимга ёмон таъсир қилади. Бунинг устига, бундай ҳаёт кечириб ва доимгидек шу ерда яшай олмайсан.

— Дада, қандай бўлмасин, мен уйдан кетмоқчи эдим. Мен бу дунёда нималар борки, кўришни истайман.

— Поль, бундай қилма. Гуноҳ сени сен хохлаганингдан ҳам узоқроқ олиб кетади ва сен истаганингдан кўпроқ ушлаб қолади. Агар сен гуноҳга берилсанг, у сенинг ҳаётингни бутунлай бўйсундиради ва бу ҳаммаси сен ўйлаган, истаган тўловдан ҳам кўра қимматга тушиб, тугайди.

— Дада, мен барибир кетишни хохлайман.

— Кетишдан олдин, менга бир хизмат қил. Мана бундай қўлларингни ёй.

Билли қўлларини елка текислигида икки ёнга чўзди. Билли Поль отасини илтимосини бажарди. Шунда Билли деди:

— Энди орқага бурил ва орқангдаги деворга қара. Сени соянг хочни ҳосил қилди. Бу хочнинг қоқ марказида иккита йўл кесишади: улардан бири осмонга этади; бошқаси эса — дўзахга. Сен бир вақтнинг ўзида иккита йўл бўйлаб юролмайсан. Бугун сен мана шу чорраҳада турибсан. Мен сенга айтишим мумкин, қайси тўғрилигини, аммо сени ўзинг танлашингга тўғри келади. Бироқ, агар сен нотўғри йўлдан кета бошласанг, бу йўлнинг қаеридадир Худо сени орқага қайтаради, чунки мен Белги[254] остида сенга бўлган ҳаққимни арз қиламан. Орқага йўл оғир бўлиши мумкин, аммо бу сени танлаганинг.

[254] Чиқиш 12:13

Билли Поль нотўғри йўлни танлади.

Бир неча кун ўтиб, Ҳиндистондаги пресвитериан черкови архиепископи — доктор Пилай Биллининг уйига, уни Ҳиндистонда шифоланиш кампаниясини ўтказишга кўндириш ниятида ташриф буюрди. Билли ва Меда қизчаларини Нью-Олбанидаги тиш врачига этишга тайёрланишаётган эдилар, шу учун Билли архиепископни бирга боришини илтимос қилди. Меда Ривқо ва Саррани стоматолог кабинетига олиб кетган экан, бу пайтда Билли билан доктор Пилай архиепископнинг таклифини муҳокама қилишар эди.

Бирдан Билли ўзида машинадан чиқишга кучли хохиш сезди. Олдинига бу ҳис-туйғусига эътибор бермади, аммо тез орада: ***“Дарҳол машинадан чиқ”****, — деб шивирлаган овозни эшитди. Энди у тушундики, Раббий у билан ёлғиз гаплашмоқчи. Узр сўраб, Билли машинадан чиқди ва кўчадан кета бошлади. Тез орада Раббий Фариштаси шундай деди:* ***“Иложи борича тезроқ уйга қайт. Билли Полни аҳволи оғир”.***

Уйга келиб, Билли қайнонасини верандада турганча, жазавада йиғлаб: “Билли Поль касалхонада ўлаяпти!” — деяётганини кўрди. Билли нима бўлганини билиб олиш учун, уни тинчлантирди. Кеча балиқ овига борган ва кўлга йиқилган. Бугун эрталаб томоғи оғриганидан шикоят қилган эди, шу учун миссис Брой уни доктор Эдерга боришга мажбур қилди. Билли Полда пенициллинга кучли аллергик реакция бўлишини билмай, врач унга пенициллин укол ўтказди. У билганида жуда кеч бўлган эди. Антибиотик тез орада уни қонига тушгач, уни юраги тўхтаб қолди. Доктор Эдер унга адреналин инъекцияси ўтказиб тирилтирди, бироқ унинг аллергик реакцияси давом этаверди. Билли Полни тез ёрдам машинасида касалхонага этиб, у ерда уни тирик қолиши учун бор кучларини сарфлашди.

Касалхонага келиб, Билли реанимация бўлимига қараб чопди ва каридорда доктор Эдерни учратди. Доктор Эдер деди:

— Унда пенициллинга реакция бўлишини мен билмовдим. Мен унга олдин бу антибиотикни қилгандим ва унда реакция бўлмаган эди. Аммо бу сафар реакция бўлди. Биз унга адреналиндан учта укол қилдик, аммо унинг пульси сусаяверяпти. Мен қаттиқ афсусдаман, Билли, аммо, мен ўғлингни ҳалок қилганга ўхшайман.

— Доктор, сен менинг дўстим, ахир. Мен билмайман, сен ўғлимни ҳаётини қутқариш учун қўлингдан келган ҳамма ишни қилгансан. У билан учрашсам, мумкинми?

— Биз унга нафас олдирадиган трубкани улаб қўйдик ва у ҳозир беҳуш аҳволда, лекин сен унга боришинг мумкин.

Билли реанимацион палатага кирди ва орқасидан эшикни ёпди. Билли Поль осмонга қараб ётар ва унинг бурнига пластмасса трубка ўтказилган эди. Унинг танаси шишган эди, терисини ранги, кўзи атрофи терисини қорайган жойларидан бошқа ҳамма жойи ўликка ўхшаб кўкарган эди; унинг чакаги осилиб қолган, шу учун оғзи катта очиқ эди. Орқароқда органларни ҳаёт фаолиятини қувватлаб турадиган аппарат жимгина қулқуллар ва ғувиллар эди.

Тиз чўкканча, Билли оташин бўлиб ибодат қила бошлади: “Азиз Худовандим, тиббиёт нуқтаи назаридан, ўғлимни куни битган, аммо мен Сендан унга раҳм-шавқат қилишингни ва ўлишига йўл бермаслигингни сўрайман”.

Бир неча дақиқа ўтиб, унга икки кунлар олдин бўлган, худди ўша ваҳийни кўрди, фақат бу сафар охири бошқача эди... У Билли Полни деразадан қандай сакраганини, ҳавода умбалоқлаб, пастга тушаётганини, аммо шу лаҳзада қандай кучли иккита қўлни чўзилиб, уни ушлаб олганини ва уни орқага, деразага кўтариб олганини кўрди.

Кейин у Билли Полни сўзларини эшитди:

— Дада, мен қаердаман?

Бу ваҳийнинг бир қисми эмас эди.

Билли ўрнидан туриб, уни койкаси ёнига келди.

— Поль, сен касалхонадасан. Хавотир олма. Ҳозир ҳаммаси жойида.

Бир неча дақиқадан кейин Билли ҳамширани чақирди. Билли Поль, унинг бурнидан пластмасса трубкани олишларини хохларди. Ҳамшира унинг пульсини текширганида, унинг юрак уриши нормал эди.

Афсуски, ўлим билан бу “учрашув” Билли Полда тавба қилишига ундамади. Уни касалхонадан жавоб берганларида, у бильярдларга суяниб, ичиб, чекиб, картабозлик қилиб ва азарт ўйинлар ўйнаб, ўзининг гуноҳли хатти-ҳаракатларини қайтадан тиклади. Уни тўғри йўлга қайтариш учун бақувватроқ дарё зарур эди. Бу сабоқ унча узоқда эмас эди.

1953 йил 13 сентябрида Билли Поль 18 ёшга тўлди. Октябрда Билли таътил олди ва оиласи билан Колорадо штатига кетди. Билли Поль мустақил яшаётгани ва ота-онаси билан борди-келди қилиб турмаганидан, на Билли ва на Меда сафарга чиқаётган вақтда ўғилларининг соғлиги ёмонлашганидан бехабар эдилар. Билли Полни ичидан қон ўтар эди. У қўлидан келганича бу симптомларга эътибор бермай, врачга фақат ошқозони оғриғидан икки қат бўлиб қолганидан кейингина борарман, деб юраверди. Қачонки шу нарса бўлиб ўтгач, доктор Бреннер шу заҳотиёқ уни госпитализация қилди.

Билли Полнинг аҳволи танг эди. Уни ичагида тез-тез алкагол истеъмол қилганидан бўлса керак, яралар пайдо бўлган эди. Фақат биргина қон кетишининг ўзи уни соғлигига жиддий хавф

туғдирар эди. Ундан ёмони, уни ичакларини блокировка қилиб, қон айланишни узиб қўйиб ва ҳужайра тўқималарни жонсизлантириб, яраларнинг бирини устида чандиқ тўқима ҳосил бўлган эди. Шунинг оқибатида гангрена пайдо бўлди. Доктор Бреннер Билли Полга дарҳол колостомия[255] қилишни маслаҳат бериб, аксинча у ўлишини айтиб, хавфдан огоҳлантирди.

[255] Колостомия — йўғон ичакни қориннинг олд деворидан сунъий чиқариб, шу йўл билан йўғон ичакдаги ҳамма нарса шу тешикдан чиқадиган қилинади.

Билли Поль пайсалга солар эди. У, агар отаси у учун ибодат қилиб билса, унда ҳаммаси жойида бўлади деб ўйлаб, бу ҳақида отасига хабар беришни ғоят кучли истар эди. У бу қандай бўлишини, отасининг имон билан шифоланиш кампаниялари вақтида ҳам ва ўзини уйида ҳам кўрган эди; юзлаб марта мўъжиза кетиданмўъжизалар бўлар эди. Нима учун энди бу нарса унинг ҳолатида ҳам бўлмайди экан? Бу, шак-шубҳасиз, *бўлиб ўтар эди,* агар фақат у ерда отаси бўлсайди. Аммо ҳеч ким уни отасини қаерда эканини, ёки қачон қайтишини аниқ билмас эди. Бир неча кун қолдираверишларидан кейин доктор Бреннер таваккал қилмай операцияни бошқа қолдиришни мумкин эмас деб туриб олди. Картага Билли Полнинг ҳаёти қўйилган эди. Миссис Брой истар-истамас қўл қўйиб, доктор Бреннер набирасини операция қилишига рухсат берди.

Кейинги эрталаб, Билли Поль тақдиридан нолиб, асабий бўлиб операцияни кутар эди. Бир соатдан кейин доктор бреннер унинг ичакларини баъзи қисмларини олиб ташлашга ва ичакнинг охиридаги очиқ жойини қорин деворидан тешиб, целлофан халтачага чиқармоқчи эди. Бутун қолган умрида у ёнида бу целлофан халтача олиб юришга маҳкум эди. У беихтиёр отаси айтганлари ҳақида ўйлади: “Бу ҳаммаси сен ўйлаган, истаган тўловдан ҳам кўра сенга қимматга тушади”. О-о, нима учун ҳам у Раббий Исо Масиҳга тескари бурилди.

Кейин у елкасида кимнингдир қўлини сезди ва отасининг овозини таниди:

— Салом, Поль.

Уни енгиллик ҳисси қоплади.

— Дада, мен сени зўр бериб қидирдим. Шу ҳамма вақт қаерда эдинг?

— Мен оилам билан Колорадода дам олдим. Поль, эслайсанми, Иллинойс, Вандалиядаги ўша кечани, қачонки Худо сенга Ўз Фариштасини кўришга қўювди?

Билли Поль ўша пульсланаётган нур дастасини, уни кўз ўнгида одам қиёфасига айланганини эслади. Фариштa қўлларини кўксида қовуштирганча, уларнинг меҳмонхона номерида турган эди. Талабчанлик ва қудрат таралиб турган у юз ифодаси Билли Полнинг хотирасида яхши ўрнашиб қолган эди.

— Дада, мен ўша кечани ҳеч қачон унитолмайман.

— Худди ўша Фариштa мен билан Колорадонинг серқоя тоғларида учрашди ва: *“Дарҳол Биллига қараб жўна. У танг аҳволда”*, — деди. Ўғлим, гуноҳкорнинг йўли қийин, оғир.

— Дада, мен учун ибодат қил.

Билли бош силкиди.

— Ҳозирча, ҳали бўлмайди, ўғлим. Гуноҳ қилган мен эмас ахир, сен-ку. Аввало сен Худодан кечиришини сўрашинг керак. Агар сен Исо Масиҳни Раббим деб қабул қилишга тайёр бўлсанг, мен ишонаман, У сени шифолайди.

Ўша ерда, касалхона койкасида Билли Поль орқага бурилди, ўша чорраҳанинг марказига қайтди ва бу сафар тўғри йўлни — Абадий Ҳаётга элтувчи йўлни танлади. Кейин отаси уни шифоланиши учун ибодат қилди.

Доктор Бреннер ўз пациенти билан операциядан олдин кўришишга кирганида, Билли ундан Билли Полни яна бир бор текширишини илтимос қилди. Анчайин эксперемент ва таҳлиллар ўтказиб, доктор Бреннер деди:

— Жаноб Бранхам, мен буни тушунмаяпман. Ўғлингизда қон кетиши тўхтади ва мен гангренага хос инфекциянинг изини ҳам тополмаяпман. Гўё мўъжиза юз берди.

— Сиз, бу воқеанинг энг аломат томонини ҳали билмайсиз, — деди Билли. — Поль Раббий Исо Масиҳдан кетган эди, аммо бугун у қайтди. Бу ҳамма мўъжизалардан ҳам буюги.

1953 ЙИЛ НОЯБРИДА Уилльям Бранхам Кентукки штати, Оуэнсборода тўққиз кунлик имон билан шифоланиш кампаниясини ўтказди; кейин, 29 ноябрда Флорида штати, Палм-Бичда узоқ кампания бошлади. Уни Палм-Бичдалигида Гордон Линдсей қўнғироқ қилди ва ундан, Чикагода жума куни, 11 декабрда *“Шифоланиш Овози”* журнали вакилларининг съездида сўзга чиқасанми, деб сўради. Билли Палм-Бичда 15 декабргача бўлишини режалаштирган эди, аммо у ўтган ёзда Линдсейга (шу билан бирга Иосиф Мэттсон Боузэга ҳам) Чикагода *“Шифоланиш Овози”* журнали вакилларининг съездида гапиришни ваъда бергани туфайли, у Флоридадаги йиғилишлар сонини қисқартиришга рози бўлди. Билли Линдсей билан суҳбатни тугатиши билан, у Мэттсон Боузэга,

қачон у Чикагода бўлишини дўстига хабар қилиш учун қўнғироқ қилди. Унга съездда фақат бир оқшом гапириши кераклиги туфайли, Мэттсон Боузэ ундан, Чикагода, Филадельфия черковида шанба кечқурун ва якшанба эрталаб ваъз қилиб билармикин, деб сўради. Билли унга бундай қилишдан хурсандлигини айтди.

У Вест Палм-Бичдаги йиғилишини кечқурун 6 декабрда тугатди. Ўша кечқурунни ўзида у Билли Поль билан (у кампаниялар пайтида яна ёрдан бера бошлаган эди) уйга кетдилар. Улар навбат билан кечаси ва кундузи кун бўйи машинани ҳайдаб, уйга кейинги куни эрталаб саҳар соат учларга яқин кириб келдилар.

Билли бориб ухлашга тайёрланаётган эди, уни ётоқхонасида Раббий Фариштаси пайдо бўлди ва деди:

— Чикагода нимадир кўнгилдагидек эмас.

— Бу, Филадельфия черковидами? — сўради Билли.

— Йўқ, *— деди Фаришта, Биллининг кўз ўнгида ваҳий оча туриб.*

Билли "Шифоланиш Овози" журнали редактори Гордон Линдсейни бошқа бир одамга бурилганини ва "Бориб, Бранхам акага буни айт. Аммо унга мени ҳам борлигимни билдириб қўйма", — деб айтганини кўрди. Ваҳий тарқалганидан кейин, Фаришта деди:

— Бу одам сен билан съездда юзма-юз кўришади ва сени йиғилишдан чиқариб юборади.

Билли унга кейинги саволини бера олишидан олдин, уни бу сўзларни маъноси хусусида таажжублантириб қўйиб, Фаришта ғойиб бўлди.

1953 йил 11 декабрида Билли *"Шифоланиш Овози"* журнали вакилларининг съездидаги ўзига тайинланган чиқишига 45 дақиқа қолганида етиб келди. Эшикда уни Велмар Гарднер деган одам кутиб олди, уни қўлидан ушлади ва у билан шошилганча вестибюль орқали ён томондаги хонага ўтди. Гарднерга орқасидан эшикни ёпишга сабри чидолмаётганга ўхшар эди. Тез орада бошқа эркак келди ва ўзини *"Шифоланиш Овози"* журналидан жаноб Холл деб таништирди. Билли мистер Холлга ваҳийда Гордон Линдсей гаплашган ўша одамни таниди.

Мистер жиддий оҳангда деди:

— Бранхам ака, эшитишимизча, сен эртага кечқурун ва якшанбада "Филадельфия" черковида ваъз қилишни режалаштираётган экансан. *"Шифоланиш Овози"* журнали вакиллари, агар сен Иосиф Мэттсон Боузэда ваъз қилсанг, унда биз сени съездда гапиришга рухсат бермаймиз, деб қарор қабул қилди.

— Агар мен Боузэ акада ваъз қилсам, бунинг нимаси ёмон?

— Хўш, у Чикагодаги айрим черковларга ёқмайди. Ва бу ерда, бизнинг съезд вақтида бирликни сақлаш учун, биз бу қарорни қабул қилдик, холос.

— Сен "бизлар" деб кимларни назарда тутяпсан.

— *"Шифоланиш Овози"* журнали директорлар кенгаши Гордон Линдсей бунга ҳеч қанақа алоқаси йўқ.

Билли эса ундан ҳам кўпроқ маълумотга эга эди. У мана энди, бу ҳаммаси нимагалигини кўра билди. Бундан сиёсатнинг сассиқ ҳиди аниқ эди: *"Шифоланиш Овози"* журнали ташкилоти ва Чикагодаги баъзи черковлар уни босим орқали уларнинг ғояларига мувофиқлашишга мажбур қилишга интилдилар. У Жанубий Африкадаги ўша бўронга чидамаганида эди, у эҳтимол, бу сиқув остида синган бўлар эди. Унинг хотирасида, у амёбадан шифоланган ўша кечасида Фариштанинг айтган сўзлари келди: *"Руҳингга қулоқ солиб иш тут, холос".*

— Ўтган ёзда Боузэга акага мен унда бу съезд вақтида ҳеч бўлмаса битта йиғилиш ўтказаман, деб ваъда берган эдим ва мен ваъдамнинг устидан чиқиш ниятидаман.

— Унда сен бу кечқурун гапиролмайсан.

— Мен қарши эмасман. Мен фақат кираман ва хизматни тинглайман.

Ўрнидан туриб, Билли эшикни очди. У ҳали у хонадан икки қадам ҳам узоқлашмай, Гарднер ва Холл уни қўлидан тутдилар ва шошилинч вестибюль орқали бинодан чиқиш жойига этдилар. Съезд зали эшиклари очиқ эди ва Билли кимнингдир: "Биз Бранхам ака бу оқшом гапирмаслигини афсус билан маълум қиламиз. Унинг акаси бетоб, шунинг учун у келолмайди", — деб эълон қилганини эшитиб қолди.

Қанчалик айёроно айтилган! Ахир бир томондан бу тўғри эди. Биллининг укаси Говард чинданам касал эди. Яқинда Раббий Биллига отасини ваҳийда, Чарльз осмондан тушганини ва Говард кўмиладиган қабрнинг кўринишини белгилаганини ваҳийда кўрсатганди. Бироқ, Билли укасини *қачон* ўлишини билмас эди; бунинг устига, Говарднинг бетоблиги Чикагога бўлган бу сафарга ҳеч қандай таъсир қилмаган эди.

Буларнинг устидан юқори юриш учун унинг қилаётган ҳамма ҳаракатларига қарамай, бу нарса унинг хизматига черковлар сиёсатиқанчалик кучли таъсир эта олиши мумкинлигини билдирадиган навбатдаги дарс эди. У ҳақиқатдан ҳам қўлидан келганича ҳаракат қилди. Унинг ҳамма йиғилишлари фақат деноминацияларо бўлмай, аммо у, бунинг устига, уни молиялаштираётган ҳар турли деноминация хизматчиларини хафа қилмаслик учун, ўз ваъзларини атайлаб соддалаштирар эди. У ҳар доим Исо Масиҳнинг ўлими, кўмилиши ва тирилишиорқали нажот ва шифо топиш ҳақида ваъз қилардики — бу мавзулар билан Масиҳчилар, ҳеч бўлмаганда, нимададир келишишар, рози бўлишар эди. Ҳар сафар, у ўзида бу чегарадан ташқарида ваъз қилишга хохишни ҳис этса, у буни ўзининг Индиана штати, Жефферсонвиллидаги черковида ваъз қилар эди. Ва бундан халқаро хизматда, Биллига ўхшашга, ҳамманинг кўнглини топиш мумкин бўлмаганидай, черковлар сиёсатининг тузоғидан қочиб қутилиш ҳам мушкул эди. *“Шифоланиш Овози”* журнали вакиллари съезди вақтидаги уларнинг бошидан ўтган кўргиликлари буни очиқ-равшан қилиб кўрсатди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Чикагодан уйига қайтиши билан, Жорж Райт ўлим ёқасида эканини билди. Ҳатто нарсаларини уйга киргизишга ҳам вақтини кетгизмай, Билли машинасига ўтирди-да, Миллтаунга жўнади. Жорж Райт унинг хизмати бошланган кунларидан уни дўсти эди. Йиллар ўтиб, Билли ўрмонли тепаликларда юриб ва олмахону-қуёнлар овлаб, у кўп ажойиб дамларини Райтлар оиласи фермасида ўтказган эди. Улар неча марталаб Райтларнинг ошхонасида маза қилиб бирга овқатланган ва кўплаб библиявий иловаларни муҳокама қилишгандилар. Бунинг устига, улар кўплаб саргузаштларда бирга бўлган эдилар. Жорж ҳатто, Жоржия Картер тўққиз йил тўшаклик ётганидан сўнг, туберкулёздан шифо топган ўша кечаси Биллига ҳамроҳ бўлиб борган эди. Билли Райтлар фермасига этадиган таниш қишлоқ йўлига бургани пайтида, унинг ич-этини соғинч кемирар эди.

Жорж Райт яна Биллини кўрганидан шундай қувонганидан, тез гапиришга урунди, лекин йўтали тутиб, у қон тупура бошлади. Жорж яна гапиришда давом эта олгач, у аста деди:

— О, Бранхам ака, биз сен билан Чикагода боғланишга урундик. Сен телеграммамизни олдингми?

— Йўқ, Жорж ака. У менга етиб бормадиям. Аҳволинг қандай сени?

— Қон уюши аввал оёқларимда пайдо бўлди, кейин бўлса тиззаларимгача келди. Луисвиллидан мутахассис врач мени текширишга келди. У мени уч ёки тўрт кунлик умрим қолганини айтди; у яна, қачонки бу қон юушлари юра бошласа, улар ё мияга боради ва мени фалаж қилиб қўяди, ё юракка боради ва мени шу заҳот ўлдиради, деди.

Кроватга йиқилиб, Билли Худодан Жоржни ўлишига қўймаслигини илтижо қила бошлади. Ўзининг эски қадрдон дўсти учун ибодат қилишда давом этиб, Билли Райтларнинг фермасида бир неча кун бўлди. Ҳар кун тонг қоронғусида у елкасига сочма ўқ отадиган милтиқни илдириб олар ва қуён овлаб, уйни орқа томонидан юқорига, қор тушган ўрмонли тепаликларга ўрмалар эди. Учинчи кун эрталаб, тепаликлардан пастга, фермага қайтаётиб, ҳовлида тўхтаб турган ўнта машинани санади. Бу нима деганилигини у билар эди. Уни шу ердалигини одамлар билиб олишган ва у ибодат қилиши учун кела бошлаган эдилар. Райтларнинг фермасида бир дақиқа қолишига виждони йўл қўймади. Миссис Райтнинг уйи эшиги олдида одамларнинг тўпланиши ва шундай зиқ бўлиб турган пайтда шовқин қилишлари, энди шу етмай турувди.

У нарсаларини йиғиштирган вақти, Биллига Меда қўнғироқ қилди.

— Билли, сен ҳозироқ уйга келишинг керак. Миссис Бейкер шу ерда, шаҳарда Масиҳчи-миссионерлик меҳнатини қилаётган ўша яҳудий бева аёл, сен уни қизи учун ибодат қилишингни истайди.

У миссис Бейкернинг қизини танир эди, чунки уни биринчи боласини оёқ тўпиғи майиб туғилган ва у Билли у учун ибодат қилгач, шифоланган эди. У миссис Бейкернинг шуҳратидан билар эди, чунки баъзан у ҳақида маҳаллий газета мақолаларида тилга олиниб турилар эди. Авваллари у содиқ яҳудий аёли эди, аммо кейин у Масиҳчиликни қабул қилди, Чикагодаги Мудининг Библия Институтига қатнади ва уни имтиёзли тугатди, Кентукки штати, Луисвиллига кўчиб келиб яшади ва кўп йиллар давомида ўша региондаги яҳудий аҳоли ўртасида актив миссионерлик фаолиятини олиб борди.

— Мен ҳозир нима бўлмасин кетмоқчи бўлиб тургандим, — деди Билли. — Миссис Бейкернинг қизига нима бўлди?

— У шу кунлар фарзанд туғди ва унда ёмон асоратлар пайдо бўлди. Миссис Бейкер буни септицемия[256] деб атаяпти. Бу қон заҳарланишини билдирса керак, деб ўйлайман. Чақолоқни соҳлиги яхши, онаси бўлса мушкул аҳволда. Уни баптистлар госпиталига олиб кетганлар.

[256] Септицемия (лотин. Septicaemia) қонда заҳарларнинг органлар ва тўқималарда яра ҳосил қилмайдиган, биринчи яллиғланган жойдан узоқлашган йиринглатувчи бактериялар ва уларнинг заҳарларини мавжуд бўлиши. Бу термин анча кенг маънода қоннинг ҳар қандай заҳарланишини белгилашда ҳам ишлатилади. (Тарж.)

— Мен уйга қайтишдан олдин ўша ерга кириб ўтаман, — жавоб берди Билли.

Шелби Райт, Жоржнинг 40 ёшли ўғли, ҳовли олдидаги каттакон тол ёнида турган машинага Биллини чамадонини олиб борди. Шелби деди:

— Бранхам ака, биламан, сен онамга умид уйғотишга ҳаракат қилдинг, аммо сен ўзинг аслида отам ҳақида нима деб ўйлайсан?

— Ҳа, Шелби, отанг ўлади. У 72 ёшда. Худо унга 70 йил умр ваъда берган[257]. Мен Худодан унга умр сўрадим, аммо бу ҳақида У ҳеч нарса демади. Жорж Масиҳчи, шу учун у кетишга тайёр. Хуллас, мен ўйлашимча, Худо уни уйига олади.

[257] Санолар 89:10

— О-о, отам кетишга тайёр, биламан. Аммо биласанми, кўпроқ мени нима ташвишга солаяпти? Отам кўп йиллар Миллтаунда, Худо Шифоловчидир, дея ҳаммага гувоҳлик қилган эди. Энди бўлса, ўша одамлардан баъзилари унга: агар Худо шундай Шифокор бўлса, унда нима учун У ўша қон уюганини эритиб юбормайди? — деб унинг устидан куляптилар. Ва ҳаммасидан ҳам кўпроқ "Масиҳ Черкови"дан бир хизматчи масҳара қилаяпти.

Ўша куни тушда Билли баптистлар госпиталига кирди. Миссис Бейкер вистибюлда қизининг палатаси ёнида, бошқа бир аёл ва руҳоний католик билан тортишиб турган эди. Билли уларни ёнига келганида, у аёл миссис Бейкерга шундай деди:

— Бироқ у мени қизим ахир ва мен уни дўзахга кетишини истамайман. Мен истайманки, менинг руҳонийим уни ўлимга мойласин.

— Бир дақиқа, — Билли уни гапини бўлди. — Сиз биринчи мени киритишингиз лозим. Мен — Бранхам ака ва мен бу аёлни ҳаётга мойлагани келдим.

Бу сўзлардан қайнонани ҳаяжон эгаллади. Билли таклиф қилди:

— Нима учун энди сизлар ҳал қилишни уни эрига қўйиб бермайсиз?

Аёлнинг эндигина йигирмадан ўтган эри, шубҳасиз палатага биринчи Биллини киришини ва хотинини ҳаётга мойлашини афзал кўрди. Қайнонаси минғиллаб ёнга ўтди ва Биллини ўтказди.

Ёшгина она беҳуш аҳволда ётар, унинг жони эса ҳаёт билан ўлим орасида "титрарди". Билли унинг кровати ёнида тиз чўкди ва ўн дақиқа давомида Исо Масиҳдан унга меҳр-шавқат ва унга яшашга йўл беришини илтижо қилди. Ниҳоят, у турди, кўз ёшларини артди ва пальтоси билан шляпасини олди.

Бу ёш она устида Олов Устуни пайдо бўлганида, у ҳали хонадан чиқмаган эди. Бу Нур шу ондаёқ Биллини ваҳийга олиб ўтди. У худди шу ёш онани ошхонасида турганини ва кострюлда қайнаётган шўрвани аралаштираётганини кўрди. У тек турмаётган кичкина ўғилчасига қаради, бармоғини лабларига қўйди ва: "Ш-ш-ш-ш". Чақалоқ ухлаяпти", — деди.

Кейин ваҳий ғойиб бўлди.

Билли ишонч билан жилмайиб, вестибюлга қараб одимлади. У ерда бир тўп бўлиб, аёлнинг эри, врач, руҳоний ва иккала буви турган эди. Билли унинг эрига деди:

— Ўғлим, менда сен учун яхши янгилик бор. РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сени хотининг соғаяди". Шу кеча у оғир бўлади, бироқ эрталаб унинг аҳволи яхши бўла бошлайди. 36 соат ичида у шунчалик тузаладики, уйга қайтса ҳам бўлаверади. Агар у билан шундай бўлиб ўтмаса, унда мен сохта пайғамбарман.

Миссис Бейкер билан уни куёви қувонган бир пайтда, руҳоний таажжубда врачга қаради, у эса бош чайқади ва жўнаб қолди.

Қайнона жаҳл билан қараганча, аччиқлаб бидирлади.

— Ўғлим, биз бўйнимизгача бу сафсаталардан тўйиб кетмадикми? Ҳозир руҳонийга уни ўлимга мойлаш фурсати келди.

Ёш эр руҳонийни киришига йўл қўймади. У онасига жавоб берди:

— Мени биринчи ўғлим товони майиб туғилган эди, эслайсанми? Мен уни Бранхам акани уйига ибодат учун этгандим. Бранхам ака ваҳий кўрди ва бир сутка ичида чақалоқни оёқчаси тўғриланади, деди. Эртаси эрталаб биз унинг кроватига қараб чопдик, ва ҳаммаси худди Бранхам ака айтганидек аниқликда бўлиб ўтган эди. Агар ҳозир Бранхам ака, "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ", 36 соат ичида мени хотиним уйга соппа-соғ қайтади, деган бўлса, унда учрашгунча. Мен уйга бориб, уни қайтишига ҳозирлик кўраман.

Билли баптистлар госпиталидан чиққанида, киришдаги зинапояда унга Чарли МакДауэлл пешвоз чиқди ва ундан у билан Кентукки штати, Франкфуртга, унинг онаси учун ибодат қилишга боришни илтижо қила бошлади. Врачлар ҳозиргина бу 61 ёшли аёлни операция қилишган эди. Улар

қарасалар, унинг танасини хатарли ўсма шунчалар емирган экан, шу учун улар кесилга жойни қайта тикиб ҳам ўтиришмади. Улар кесилган жойни ёпишқоқ лента билан тортиб қўйдилар, холос, чунки у барибир бир неча соатдан кейин ўлиши керак эди.

Чарли МакДауэлл ва Билли Франкфуртга кечқурун кеч чоғи келдилар. Касалхонада Билли миссис МакДауэллга қўл қўйди ва Исо Масиҳ Исми ҳақи уни шифоланишини сўради. Кейин у орқага йўл олиб, эрталаб бешларда уйига етиб келди. Унинг уйини эшиги зинасида, уни қайтишини кутиб, бир неча нотаниш одамлар ухлаётган эдилар. Улар ҳар бири учун ибодат қилиш Биллининг бурчи эди. Кейин у ҳолдан тойиб, тўшакка қулаб қолди.

Бир неча соат ўтиб, у қуёш нуридан уйғонди. 1953 йил 28 декабрь, душанба эрталаб соат тўққиз эди. Пижамаси устидан халатини ёпиб, кутиш хонасидан ваннахонаси томон кетди.

Меҳмонхона эшиги яқинидан ўта туриб, у ерда турган хушбичим ёш аёлни кўриб, ҳайрон бўлди. У деди: "Ҳайрли тонг, мадам. Сиз бу ерда нима қилаяпсиз?"

У унга ҳеч қандай жавоб қайтармади. Бунинг ўрнига у бошини ўгирди ва ошхонада ким биландир гаплаша бошлади. Билли, у ким эди, шуни кўриш учун бу томонга назар ташлади. Айнан шу вақтда унинг кўзи олдида ваҳий очилганини англади, чунки у қараб турган ошхона унинг ошхонаси эмас эди. У ерда ошхона шкафчаларига суянганча миссис МакДауэлл турар ва телефондан гаплашар эди. Билли ичида ўйлади: "Бу ахир ўша аёл-ку, у учун ўтган кеча ибодат қилган эдим".

Худди шу оннинг ўзида орқасида ғалати товушни эшитди. Тушуниб етолмай, бу нима бўлиши мумкин эканини билиш учун у бурилди. У ерда унинг олдида мажнунтол турар, осмондан эса сариқ-қўнғир ранг тупроқ шу дарахт остидаги тўғритўртбурчак хандакка: "шлёп-шлёп-шлёп" деган товуш чиқариб тушар, ва шу хандакни тўлдирар эди. Мажнунтолнинг новдалари нима учундир таниш кўринди... А ҳа, ахир бу Жорж Райт уйи ёнида турган мажнунтол-ку. Билли Фариштанинг "қабрлар" ҳақида нимадир деганини эшитди-ю, аммо буни аниқ эшитолмади, шу учун Худодан бу ваҳийни қайтаришни сўради.

Бирдан у ўзини Жефферсонвиллидаги черковида, кафедрада кўрди. Жорж Райт асосий эшикдан кирди, қаторлар оралаб йўлакдан одимлади ва Биллини қўлини сиқди. Фаришта деди:

"РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: Жорж Райт уни устидан кулганлар учун гўр қазади".

Эндигина Билли Жоржни яхши бўлишини тушунди.

Нонуштадан сўнг у Чарли МакДауэллга қўнғироқ қилди ва унга, уни онаси касалхонадан уйга қайтишини айтди. Кейин у Райтларга қўнғироқ қилди. Гўшакни Шелби олди.

— Бранхам ака, отам бу эрталаб қарийб фалаж бўлиб қолди.

— Буни аҳамияти йўқ. У соғаяди. Бориб отангга айт, менда у учун "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ" бор. У уни устидан кулган одамлар учун гўр қазийди.

— Бранхам ака, а сен отамни қабристонда баъзан гўрков бўлиб ишлашини билармидинг?

— Йўқ, Шелби, мен буни билмасдим.

Энди-ку, у бу ҳақида билгач, ўша ваҳий тушунарлироқ бўлди.

Бу ҳамма ваҳийлар икир-чикиригача ҳақиқатга айланди. Миссис МакДауэллнинг аҳволи шу заҳотиёқ яхши бўлди. Унинг врачи уни такрор текширди ва рақдан из ҳам тополмай, довдираб қолди. Ҳақиқатан, у билан бўлган воқеа барча ходимларни ўйлантириб қўйди. У учун ибодат қилганидан бир ҳафта ўтиб, у уйига қайтди ва ўзининг одатдаги уй юмушларини тиклади. У ҳар куни, уни Билли ваҳийда телефонда кўргани каби, қизи билан телефонда маза қилиб узоқ-узоқ гаплашди.

Билли Жорж Райтга "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ" деганидан икки кун кейин, унинг тиззаларидаги қон уюшлари ҳеч қандай қийинчиликларсиз сўрилиб кетди. Шундан кейин у тез соғайди. Бир куни якшанба эрталаб у Бранхам Чодирининг асосий эшигини очди, қаторлар оралаб йўлакдан платформага борди ва Биллини қўлини сиқди; буни у қилганидай, айнан шундай Билли уни ваҳийда кўрганди. У Исо Масиҳ Шифокордир деб гувоҳлик берганлигидан, Жоржни касаллиги вақтида устидан кулганларга келсак, бир йил ичида у "Масиҳ Черкови" хизматкорини ҳам қўшганда, уларнинг бештасини дафн қилганларини гувоҳи бўлди. Жорж Райт бўлса, яна узоқ яшаб, у тўқсондан ҳам ўтиб, Уйга кетди.

Қони заҳарланишидан ўлаётган ўша аёлга келсак, кейинги кун эрталабида ўтказилган текширишлардан кейин, унинг қонида ҳеч қандай заҳарли токсинлар топилмади. Кейинги эрталаб у касалхонасидан уйга чақалоғи билан қайтди. Миссис Бейкер қувонганидан ашула айтишдан тўймасди. У миссионерлик фаолияти вақтида Исо Масиҳ уни қизини қандай шифолаганини ёниб-ёниб гувоҳлик қилар эди. Тез орада уни молиялаштираётган Масиҳчи ташкилот ўзининг молиявий ёрдамини тўхтатди. Бу ташкилотнинг хизматчиларидан бири шундай тушунтирди: "Бизларни Бранхам акага ҳеч қандай қаршилигимиз йўқ, аммо шу вақтнинг ўзида бизлар Илоҳий Шифоланиш билан боғлиқ келишмовчиликка тортишишни ҳам истамаймиз".

Буни эшитиб, Билли деди: “Унда улар Илоҳий режадан чиқдилар. Мўъжиза ва ажойиботлар доимо Илоҳий режани тасдиқлайверди. Ҳали бу дунё бор бўлар экан, ҳаммани бошқариш учун бу ерда ғайритабиий Худо бўлади; ва Унда ҳамма вақт Ўз қўлига олиб биладиган кимдир бўлади. Бу оқшом Унинг бутун дунё бўйлаб черкови бор. Унинг черковида талай қийинчиликларни бартараф қилиш лозим. Мен уларни йўқ қилолмайман; одамлардан ҳеч ким қилолмайди. Бу Худонинг иши. У бунга ғамхўрлик қилади. Одамлар томонидан ўйлаб топилган қанчалик программалар кўтарилмасин, аҳамияти йўқ, уларнинг ҳаммаси, битта қолмай йиқилади. Худони Ўзи Ўз программасини ўрнатади. Менга маълум бўлишича, Унинг программаси одамларни ҳукм остида қолмай, Исо Масиҳга имонга келиши ва Муқаддас Руҳ билан етакланишидадир”.

65 БОБ
МИСРДАН ЧАҚИРИЛИШ
1954

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ навбатдаги чет эл сафарини 1954 йил 23 февралда қилишни режалаштирди. Бироқ уни администраторлари 1 январда унинг қатъий аниқланган маршрутини ҳали аниқламадилар. Исроил ва Ҳиндистон кампаниялари учун режалар ишончлига ўхшар, аммо Жанубий Африкага сафар ноўмалум бўлиб қолаверди. Миллий Қўмитанинг баъзи аъзолари, гўё атайин ишни кейинга суришарди. Кейин январда ҳайратланарли бир нарса юз бердики, Биллини ўз режаларини ўзгартиришга мажбур қилди.

Бир куни уни уйига одамлар ёппасига "оқиб" келди. Улар уни ўзлари учун ибодат қилишини истарди.

У уларни меҳмонхонасига ўтиргизди-да, ўзи эса ниманидир олиш учун кетди ва остонада турган яна бир одамни кўрди. Олдинига у, бу кишини ўша одамлар гуруҳидан бири — машинадан кечроқ чиққан бўлса керак деб ўйлади. Биллини ўйлантириб қўйгани эса, бу одамни ғалати кийим кийиб олгани эди. У шарқий-ҳинду сикхлардан бирига ўхшаб кўринар, қайсики Билли уларни Жанубий Африка, Дурбанда кўрган эди. Уни қора сочлари ва бугдой ранг юзи уни бошидаги оппоқ салласида яққол кўзга ташланиб турар эди.

Эркак киши остонада бошини эгиб турар эди. Билли яқин келди ва қувониб саломлашди:

— Ассалом-у алайкум, жаноб.

Ост-ҳинду бошини кўтариб, деди:

— Бранхам ака, сентябргача чет элга жўнаб кетма.

Бунақа жавоб Билли ҳеч ҳам кутмаганди ва ҳатто ҳозир ҳам нима дейишни бимасди. У бурилиб туриб, қўли билан имлаганча, деди:

— Марҳамат, кираверинг.

Қачонки у яна бир ўша ёққа қараганда, нотаниш одам энди йўқ эди. У ғойиб бўлди холос! Билли эшикда довдираганча туриб қолди.

Биринчи гуруҳ машиналаридан кейин бошқа машиналар келди ва у одамлар учун ибодатни ўша кун фақат ярим кечаси тугатди. У кечаси бирларга яқин ухлашга ётди, аммо бир неча соатдан кейин уйғонди, чунки унинг тушига сентябргача Ҳиндистонга жўнаши керак эмаслиги кирди. Медани уйғотиб, унга тушини айтди; кейин у ухлаб қолди ва яна унга худди ўша нарса тушига кирди. Эрталабига у администраторларидан бирига қўнғироқ қилди ва унга ўша ваҳий ва тушларга мувофиқ, унинг чет эл кампанияларини сентябрга кўчиришини буюрди.

Унинг Африкага, Ўрта Шарқ ва Осиёга сафарлари кечиктирилганидан, уни администраторлари унинг жадвалига бутун Шимолий Америка бўйлаб ўтказилиши керак бўлган кампанияларни муддатларини кирита бошлади. 1954 йилнинг биринчи уч ойи мобайнида, Билли — Иллинойс штати, Вуд-Риверда; Арканзас штати, Хот-Спрингсда; Луизиана штати, Шривпортда йиғилишлар ўтказди. Шундан сўнг у Аризона штати, Финиксда саккиз кунлик кампания ўтказди. Кейин у шарққа, Колумбус, Огайо штатига қайтиши олдидан, у ерда у катта стадионда йиғилиш ўтказганди (400 черков хизматчиси ва уларни черковлари аъзоларини ўз ичига олган йиғилиш ўтказди), шу ерга қайтишдан олдин, Нью-Мексико штати, Карлсбадга келди. Мартнинг охирида Луисвилли ва Жефферсонвиллида йиғилишлар ўтказиш учун уйга қайтди.

Апрелда Билли иш жойидан кичикроқ таътил олди, аммо, одатдагидек, бу уни дам олишини кафолатламас эди. Касаллар ва муҳтожликдаги одамлар сутканинг ҳар қандай вақтида уни қидириб топишар эди. Бир ишлар кўп шанба куни, қачонки келувчилар сони бир неча кишигача камайганида, Билли Медага деди: "Агар яна бирор киши қўнғироқ қилса, уларга айт, улар эртага эрталаб черковга келаверсинлар, ва мен улар учун ўша ерда ибодат қиламан деб. Азизим, мен шундай чарчадимки, базўр оёқларимда турибман".

Қачонки қолган келувчилар кетиб бўлишгач, Билли Меда билан машинада сайр қилмоқчи бўлди. Уни ҳаёлида маълум бир маршрут йўқ эди; у озроқ бўшаш ва дам олиш учун уйдан чиқишни истар эди, холос. У Нью-Олбанидан жанубга, тепаликлар орасида эгри-бугри бўлиб кетган гўзал манзарали шосседан кетди. Ўртача баландлик, кукуруз майдонлари ва ўрмонлар қўшилиб кетганини кўрсатиб, кўз олдимизда қишлоқ жойларининг ўраб турган ажойиб кўринишни очар эди. Ниҳоят, Билли ва Меда шундай жойга келдиларки, у ерда йўқ қоя бўйлаб айланиб кета бошлаган эди.

Билли машинасини маневр қилиб, биринчи бурилишга келганида, у ўз кўзлари олдида оқ туман пардаси кўринишида Раббий Фариштасини кўрди. Шамол тўсадиган ойнани бутулай оппоқ тус қоплади. У олти километрли йўл оралиғини, ҳар бир бурилишда қайтариб, машинани тусмоллаб ҳайдаб борар экан, шу вақтнинг ўзида ўз кўзлари билан бу ердан қарийб 13000 километр масофада у нималардир бўлаётганини кўрди.

Меда тепаликлар ортидаги гўзал манзараларга қараганча, унга гапиришда давот этаверди. Беш дақиқа ўтиб, у эрига, нима учун у унга жавоб бермаётганини билиш учун қаради. У эрини нигоҳи шишадек қотганини кўриши билан тушундики, у ваҳийга чўккан.

— Билли! — Меда ҳаяжонда қичқириб юборди.

Билли бирдан ўзига келиб, машинани йўл четига тўхтатди.

— Азизам, мен ҳозирни ўзида Босворт ака учун ибодат қилишим керак. Мен уни ваҳийда, Жанубий Африкада поезддан тушаётганида ҳушидан кетиб йиқилганини кўрдим. Мен уи қандай кўтариб, замбилга қўйганларини кўрдим. У ҳозир касалхонада ва жиддий касал. Мен у учун ибодат қилишим керак.

Ўрмонли тепаликка қараб озроқ масофа ўтиб, у тиз чўкди ва ибодат қила бошлади.

Кейинги кечқурун, черковдаги йиғилишдан кейин, уйидаги тўртта телефонлардан бири жиринглади. Билли гўшакни олди. Луисвиллидан “Ғарбий Иттифоқ” оператори шундай деди: “Мистер Бранхам, менда сиз учун Жанубий Африка, Дурбандан телеграмма бор. У доктор Йигердан. У хабар қилаяпти: “Зудлик билан жаноб Босворт учун ибодат қилинг. Поезддан тушишда касал бўлди. Госпиталга ётқизилди. Эҳтимол, вафот этади”.”

У Дурбанга душанба куни қўнғироқ қилиб билган пайтда, Фред Босворт нафақат шифоланган, балки ўз меҳнатини давом эттириш учун касалхонадан ҳам чиққан эди.

Босворт бу мамлакатда Бранхамнинг навбатдаги кампаниясини ташкил қилишга уриниб, Жанубий Африка ялангликларида икки ойдан кўп сафарлар қилди. Ҳозирги пайтгача бу ҳаракатлар олмосни тиркаш билан баробар бўлди. Жанубий Африкадаги кўплаб Масиҳчилар Уилльям Бранхамни қайтишини ва кўплаб шифоланиш кампанияларини ўтказишини хохларди, бироқ кўплаб черков раҳбарлари буни қўллаб қувватламадилар. Бу саволнинг ҳал қилувчи ечими Жанубий Африка Миллий Қўмитасига қолган эди. Миллий Қўмитанинг баъзи нуфузли аъзолари, Уилльям Бранхамнинг “кенгпрофилли” хизмати маҳаллий кам таъминланган пасторларни таъсирига тупур етказди, деб асосландилар. Шундай кўпни кўрган ветеран – хушхабарчи – Босвортни алдашни иложи йўқ эди: бу уларнинг ҳасадларини яшириш учун фойдаланаётган разил, қабиҳ баҳонасидан бошқа ҳеч нарса эмаслигини у кўра билди. Бир неча ҳафта музокаралардан сўнг Миллий Қўмита, ниҳоят, Уилльям Бранхамга унинг виза олиш тўғрисидаги илтимосига рад жавобини берди. Унинг хизматига яна бир марта черков сиёсати тўсқинлик қилди, ва шу билан шунга ўхшаган қарши ҳаракатлар тўхтамади.

1954 ЙИЛ СЕНТЯБРИДА УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Нью-Йоркдан, Португалия пойтахти, Лиссабонга учиб, ўзининг учинчи чет эл сафарини бошлади. У ерда уни Барон Фон Блюберг кутаётган эди. Барон Фон Блюмберг кўплаб мамлакатлар бўйлаб сафарлар қилган бўлиб, у ўқимишли немис аристократи эди (у еттита тилни билан эди). 1950 йилда Барон Билли билан Финляндияда учрашди ва Масиҳнинг, қайсики Биллининг хизматида шунчалик равшан намоён бўлган ғайритабиий кучидан таъсирланган эди. Бароннинг бутун дунё бўйлаб монархлар ва бошқа сиёсий раҳбарларни ҳисоблаганда, алоқалари бўлгани туфайли, у Биллининг бу сафари маршрутини тузишини таклиф қилди. Португалиядан кейин Биллини Италияга, Миср ва Исроилга сафари мўлжалланган эди; ундан кейин унга Саудия Арабистонига ва ниҳоят, Ҳиндистонга учиши лозим эди.

Лиссабонда Барон Фон Блюмберг Билли учун президент ва унинг кабинети аъзолари билан зиёфат уюштирди. Бу Баронни Португалиядан бундан бошқа кампания ташкил қилиш қўлидан келмади, чунки рим католик черкови ўзининг кучли сиёсий таъсиридан фойдаланди ва унга ҳеч қанақа катта аудитория олишига йўл бермади. Биллига шаҳар чеккасидаги адирда жойлашган элликчилар черковида икки йиғилиш ўтказиш билан қаноатланишига тўғри келди. Бироқ ўша икки хизмат бу чет эл сафарининг қолган қисми учун ўрнак, намуна бўлиб, мўъжизаларга мўл бўлди.

Билли, Билли Поль ва Барон Фон Блюмберг Португалияни қолдириб, Италияга учдилар. Римда Билли ер ости зиндонига борди, у ерда ҳаворий Павел ўз имони учун махбусликда бўлган эди. Қачонки у ўша совуқ, зимистон зиндоннинг ҳужрасига қараганида, уни юраги Павелга муҳаббат тўлиб тошди, — ўша мажусийларга Хушхабар келтирган жасур элчига меҳри ошди. Дунё рад этган, ҳатто унинг давридаги кўплаб Масиҳчиларга тушунарсиз, у, шунга қарамай, ўзининг курашлари вақти давомида ўз топшириғидан ҳеч қанча тебранмади, оғиб кетмади. Павел ўзини бутун дунёга

улуғ, бебаҳо хазина — хуш хабарни этаётганини билар эди. Бу хушхабар шунда эдики, — Исо Масиҳ Унга ишонган ҳаммага, яҳудийлар орасидан бўлгандай, мажусийлар орасида ҳам ҳаммага Абадий Ҳаёт бериш учун ўликлардан тирилди. Павел ўз рағбатида, вазифасида қатъий турганлигидан, ҳар бир Масиҳчи ҳамма асрлар оша бунинг мевасини, меҳнати самарасини кўрди. Бу нарса қаттиқ сабоқ кўринишида Биллини лол қилиб, ҳайратга қолдирдики, у бу дарсни ўзининг хизматида ҳам қўллаб олди.

Римдалигининг иккинчи кунида Биллида соат учда рим папаси билан учрашув белгиланган эди. Барон Фон Блюмберг унга, у ўзини қандай тутиши кераклигини айтди — у қандай бир тиззада туриши кераклиги, ундан кейин эса рим папаси унга қўлини тутармиди, ва Билли католик черкови бошлиғининг унга "Сизнинг Муқаддаслигингиз" ёки "Муқаддас Ота" деганча, узугини ўпиши лозим эди.

Билли бошини норози чайқади ва деди: "Бундай бўлиши мумкин эмас. Бу аудиенция — қабулни бекор қилинг. Мен ҳар қандай одамни Муҳтарам, Доктор ёки бошқа бирор титул билан, у қандай истаса айтайман, аммо фақат Муқаддас Ота деб эмас. Исо айтган: "Худодан бошқа ҳеч кимни ота деб атаманглар".[258] Сажда қилишга келганда, мен фақат бир одамга — Исо Масиҳга сиғинаман".

[258] Матто 23:9

Шундай қилиб, рим папасини ҳузурида бўлиш ўрнига, Билли унинг данғиллама кошоналари бўйлаб экскурсия қилди. Ватикан шаҳри — бу Римнинг қоқ марказида жойлашган ягона, мустақил мини-давлат. Гарчи Ватиканнинг майдони бор-йўғи 44 гектар бўлса ҳам, у Рим католик черкови ҳукуматининг маркази ҳисобланади ва унинг таъсири дунёнинг ҳар бир мамлакатига тарқалган. Муқаддас Пётр, Ватикан боғлари ва Папа саройибазилика[259]сининг бойлиги ва ҳашаматлилиги Биллини қойил қолдирди. Бу биноларда бор бўлган бойлик ва дабдаба, одамни эсидан оғдирадиган эди, холос. Ватикан музейига бориб, Билли, рим папасининг осмон, маҳшаргоҳ ва дўсах устидан ҳокимиятини рамзий ишораси бўлиб қиладиган — улуғвор уч каррали тожни кўрди. Унда лотин сўзлари ўйиб ёзилган эди: "VICARIUS FILII DEI". Унинг маъноси: "Масиҳнинг Ўринбосари", ёки "Худо Ўғлининг Ўринбосари". Бу Ватикан бойликлари ва шу яқин орада жойлашган, ҳаворий Павел ўзининг охирги йилларини ўтказган зиндон ҳужраси орасида қанчалик қарама-қаршилик! Бу бойлик ҳақиқатни мавжудлигини билдирмайди деган, ҳайратланарли, ажойиб сабоқ эди. Билли ўйлади: "Хушхабар ялтирамайди, балки нур сочади, порлайди".

[259] (грекчадан basilik – шоҳ уйи) — Қадимги Рим архитектурасидаги савдо ва суд бинолари типи, кейинроқ — Византия, Сирия меъморчилигида, уйғониш даври ва барокко (санъатда, хусусан архитектурада: 16-18 асрларда расм бўлган серҳашам бадъий услуб) меъморчилигидаги роман ва готик усулидаги христиан ибодатхоналари асосий типларидан бири (Тарж.).

Ватикан яқинроғида, Масиҳчи хушхабарчи катта чодирда уйғониш йиғилиши ўтказаётган эди. У ерда нима бўлаётганини кўриш учун, Билли у ёққа борди. У ўша хизматчига кимлигини таништирганида, маҳаллий хушхабарчи ҳамма хизматни дунёга машҳур бўлган америкаликни қўлига қувониб топширди-ди, ўзи четга ўтди. Ўша ерда, Ватиканнинг саясида, Билли Худо Каломини ваъз қилди ва касаллар учун ибодат қилди. Худо кўплаб мўъжизалар қилди.

Билли Римдан Миср пойтахти Қоҳирага учди. У ерда у бир кунни диққатга сазовор жойларни кўришга бағишлаб, сфинкс ва пирамида олдида бўлди ва Буюк Пирамидада бош, бурчак тоши йўқлигини ўз кўзи билан кўрди. Билли учун бу бир тимсолдай туюлди, чунки Библияда, қирол Иаков таржима қилган инглизча Библияда ёзилганидек, Исо Масиҳ *ҳақиқий* Пештоқ Тоши ёки "бурчак тоши"дир.[260] Фақат биргина бино борки, қайсики фақат ўшандагина бурчак тоши ва пештоқ тош бир хил формада бўлади, — бу пирамидадир. Қачонлардир, қадим дунё ўтмишида Худо бу йирик, салмоқли иморатни Ўзининг буюк режаси ҳақида гувоҳ сифатида барпо бўлсин деб берганига ва тез орада ҳақиқий Пештоқ Тоши, ниҳоят, ўзининг керакли жойида ўтиради деб, Билли ишонар эди.

[260] Санолар 117:22; Матто 21:42; Луқо 20:17; Ҳаворийлар 4:11; 1Петр 2:7

Ўша оқшом Билли Миср ҳукмдори, қирол Фарук билан овқатланди. Эртаси эрталаб, қачонки у Қоҳиранинг халқаро аэропортида самолёт келишини кутаётганида, қайсики унда у Қуддусга учиши керак бўларди, уни ҳаяжони кучаяверди. Ахир тез орада у Қуддусда бўлади, Библия пайғамбарлари ерида, Исони ватанида, жаҳолатда қолган яҳудийлар диёрида бўлади. Улардан кўплари ҳалиям олдингидек ўз Масиҳларини кутаётгандилар. Гарчи яҳудийларни кўпроғи Масиҳчиликни ёлғон деб ҳисобласа-да, бироқ Биллининг одатдан ташқари характердаги хизмати туфайли Луи Петрус, шунга қарамай, йиғилишга 5000 га яқин исроиллик келишини кутаётган эди. Бутун Қуддус бўйлаб илиб чиқилган реклама плакатларидаги хабарлар, Биллининг "юрак сирларини фарқлаш инъоми" билан "Мессия аломати" орасида боғлиқлик борлиги ҳақида фикр туғдирар эди.

Бу унинг хизмати учун мукаммал муҳит, шароит эканлигига Билли ишонар эди. Ҳудожўй яҳудийлар ўз пайғамбарларини ҳурмат қилишар эди. Мусонинг қонунларида ҳақиқий пайғамбарнинг иккита малакаси, белгиси бирга урилган эди: биринчидан, у ваҳий кўради; иккинчидан, ундаги

инъомнинг аниқлиги 100 фоизли бўлади.[261] Билли Қуддусда ибодат навбати тузса-да ва унда юрак сирларини билиш инъоми ҳаракат қила бошласа, нима бўлар экан деб фараз қилар эди. Ўша яҳудийлар, шак-шубҳасиз, ўз Мессияларининг аломатини, белгисини таниб, билиб қолган бўлардилар. У тасаввур қилар эди, қандай бутун бошли аудитория, худди ўша 120 шогирдлари эллик кун[262] байрамида бу нарсани олганларидай, Муқаддас Руҳни олса эди. Агар шундай нарса бўлиб ўтса эди, мажусийлар даври якунига етар эди. Исо айтди: "Мажусийларнинг даврони тугамагунча, Қуддус мажусийлар томонидан оёқ ости қилинади".[263] Исроил халқ сифатида Исо Масиҳ Хушхабарини қабул қилгани заҳоти, Масиҳнинг мажусийлардан Келини ўз Куёви билан учрашишга кўтарилган бўлади, шу вақтда дунёнинг қолган аҳолиси даҳшатли разолат қийноқларига дучор қилинади. Кейин, охирги жангдан олдин яҳудийлар Масиҳнинг Хушхабарини уч ярим йил ваъз қиладилар. Ваҳий Китобига мувофиқ, Армагеддон жанги майдонидаги чанг тиниши билан, қуёш чиқиб, ором ва баркамолликнинг Мингйиллик Шоҳлиги бошланганини эълон қилади.[264] Билли ҳаяжонини зўрға ушлаб турган эди. Бу кун унга, эҳтимол, ҳаётидаги энг аҳамиятли ваъзини қилиши тўғри келади.

[261] Саҳрода 12:6 ва Қонунлар 18:15-22
[262] Ҳаворийлар 2
[263] Луқо 21:24
[264] Ваҳий 16:16; 20:1-3

Самолёт қўнди, лекин Биллида самолётга йўловчилар ўтишигача ярим соат вақти қолган эди, шу учун у аэропортнинг сувенирлар сотадиган дўконига кирди. Полкадан қора дарахтдан ўйиб ясалган, натурал фил суягидан ясалган дондон тишли филчани олиб, уни у доктор Эдер учун харид қилмоқчи бўлди. Шу пайт кимнингдир унга: "У ёққа учма" — деганини эшитди.

Билли чор атрофга алангласи, аммо ҳеч ким унга эътибор бермади. "Эҳтимол, менга шундай эшитилгандир", — ўйлади у ва катта хонага йўналди. Кейин у яна ўша овознинг аниқ: *"У ёққа учма. Ҳали у соат бошланмади"*, — деганини эшитди.

Бу Фариштанинг овози эканига ҳеч қандай янглишлик бўлиши мумкин эмас, аммо Биллини эшитганига ишониши қийин бўлди. Ахир йиғилишлар аллақачон тайин этилган эди-да. Самолёт кутиб турибди. У сўзлар нимани англатса экан? Одамлар тиқилиб кетган терминалдан чиқиб, у ангар орқасига ёлғиз қолиш учун ўтди. У ерда у ибодат қила бошлади: "Самовий Ота, бор-йўғи бир неча соатдан кейин мен Фалистинда бўламан, у ерда Сенинг жаҳолатдаги болаларинг олдида тураман. Мен ўша яҳудийларни уларнинг Мессияси аломатига ишонишларига даъват этаман. Улар юрак сирларини айнан Сен билаётганингни англасалар, улар албатта Муқаддас Руҳга тўладилар. Наҳотки Сен шуни истамайсан?"

Шу лаҳзадаёқ чўл ҳавосида ёрқин-оппоқ чамбар кўринишида осилиб, Раббий Фариштаси пайдо бўлди. Билли бирдан тисланиб, орқаси билан ангар деворига ёпишди. Муқаддас Руҳ деди: ***"Фалестинга жўнаб кетма. Бу жой сеники эмас. Ҳали у соат етмади. Мажусийларнинг қонунсизлик косаси ҳали тўлмади. Даладан яна кўплаб бошоқларни териб олмоқ лозим".***

Ўша ёрқин булут парчаси Биллининг оғзини очилиб турганича қолдириб, даштнинг дим жазирамасида ғойиб бўлди. У ҳозир қандай қилсин? Унинг Исроилдаги кампаниясини бунчалар қисқа муддат ичида бекор қилиш осон бўлмайди. Бунинг натижасида у, эҳтимол, уни Фалистинага сафарини амалга ошириш учун тиришиб, меҳнат қилганлар орасида аламли ҳисларни қўзғатиши мумкин. Бироқ Билли Жанубий Африкадаги оғир сабоғини ҳеч ҳам унутолмайди. У оқибати нима бўлишига қарамай, Муқаддас Руҳ унга нима буюрганида ҳам, ўшани қилишга қаттиқ қарор қилди.

Аэропорт терминалига қайтиб, Билли Қуддусга бўлган билетини, бошқасига — Греция пойтахти, Афинага алмаштирди. Бунинг натижасида Барн Фон Блюмберг гарданига Исроилга учиш ва ўша кунга белгиланган йиғилишни бекор қилишдек, нохуш топшириқ тушди. Барон у билан яна Саудия Арабистонида учрашиш ниятида бўлиб, у ерда Биллини олдида араб қироли билан тушлик қилиш турган эди.

Грециядa Билли Ареснинг бузилиб кетган маъбадини бориб кўрди. Арес — юнонларнинг момоқалдироқ ва уруш худоси бўлиб (римликларда Марс номи билан маълум), у ерда ҳаворий Павел қадим афиналикларга Хушхабар ваъз қилган эди.[265] Ўша оқшом Билли ўзининг меҳмонхона номерида Библияни, Раббий унга Мисрда нима деганини тушуниб етишга ҳаракат қилиб, ўрганди. У ўйлаб қолди, бунгача у ўз хизмати ҳақида қандай тушунарди. Кўринишидан, у ниманидир назардан қочирган эди. Аммо, у нимани ўтказиб юборди?

[265] Ҳаворийлар 17:22

Муқаддас Руҳ деди: "Фалестинга жўнаб кетма. Бу сенинг жойинг эмас". Шундай қилиб, у ҳозирги Исроилга уларнинг Мессияси аломатларини кўрсата оламан деб ўйлаб, хато қилди. Бу самимий адашиш эди. 1933 йилда Раббий унга: "Яҳё пайғамбар Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини эълон қилгани каби, сенга Унинг Иккинчи Келишини эълон қилиш мактуби топширилади", — деган

эди. Яҳё Чўмдирувчи Исони яҳудийларга тақдим этди. Ундан кейин Исо одамларнинг улар билан, У олдин ҳеч қачон учрашмаган ҳолда, ўтмишини (ва келажагини) билиб, ва уларнинг яширин фикрларини билиб, Ўзининг Мессия аломатларини намоён этиш орқали, Ўзини тасдиқлади.[266]

[266] Матто 12:25, 21:1-7; Марк 14:12-16; Луқо 2:345-35, 6:8; Юҳанно 1:5, 2:24-25, 5:19, 10:37; Ибронийларга 13:8

Охирги беш йил давомида Билли ўз йиғилишларида Мессия аломатини намойиш қилди. Қачонки Мойланиш келгач ва ваҳий пайдо бўлганида, у одамларнинг ўтмиши, келажаги ва онгидаги яширин фикрларини била олар эди. Бу юрак сирларини фарқлаш ҳар доим мукаммал бўлар эди, чунки буни у қилмас — Исо Масиҳ ҳар бир ваҳийни юборар ва ҳар бир мўъжизани амалга оширар эди. Билли электр кучайтиргичга уланган, микрофон ролини бажарар эди. Микрофон токи унга кимдир гапира бошламагунича товушсиздир. Ҳозирги ҳолатда Худо гапирар, а Унинг Муқаддас Руҳи бўлса уни бутун дунё бўйлаб Масиҳчилар эшита бошламагунича, юрак фикрларини фарқлаш инъомини кучайтирар эди. Раббий унга, унинг хизмати Яҳё Чўмдирувчи хизмати билан параллел бўлади дегани экан, унга Исроилга бориши ва яҳудийларга Мессия аломатини намойиш қилиши бутунлай мантиқий бўлиб кўринди.

Энди бўлса, у оддий бир фактни пайқамаганини кўрди: Библияда Исо Масиҳнинг икки бор эмас, балки уч бор келиши ҳақида сўз боради. Биринчи келиши қарийб 2000 йил аввал юз берди. Эрамизнинг 30 йилларига яқин Яҳё Чўмдирувчи яҳудийларга Исони уларнинг Мессияси ва Қутқарувчиси сифатида тақдим этди. Қачонки Исроил Исони рад қилди ва Уни михлади, шунда бу нарса дунёнинг қолганларига (мажусийларга) нажот топишга имкон берди.[267] Исо ваъда берди, У қайтаман деб, бу сафар мажусийлар черковига, Ўзини очиш ва Ўзи билан Ўзининг Мажусий Келинини олиш учун. Бу нарса Масиҳчилар орасида Кутарилиш[268] деб тушунилади. Библияда бу иккинчи марта Исо, кечаси ўғри келгандай келади дейилган.[269] Бу қачон бўлишини, Унинг Келинидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бундан кейин Исо яна бир бор яҳудийларга қайтади. Унинг учинчи келиши бутун дунёни ҳайратга қолдиради, *“ва ҳар бир кўз Уни кўради, Унинг баданини тешганлар ҳам кўради”.*[270] Бу сафар яҳудийлар Исони ўз Мессиялари каби қабул қиладилар.

[267] Римликларга 11:11,15,25,30
[268] 1Коринфликларга 15:51-54; 1Солоникияликларга 4:15-17
[269] Матто 24:42-44
[270] Ваҳий 1:7

Шундай қилиб, агар ҳозирги Исроилга Мессияни тақдим қилиш Биллига жоиз бўлмаса, унда унинг жойи қаерда экан? У жавоб излаб, Ёзувни ўрганаверди. Бу сирни ечадиган калит, Луқо 1:17даги фактда жойлашгандек эдики, унда Яҳё Чўмдирувчини Илёснинг руҳи бошқарган дейилган эди. “Илёснинг Руҳи” ҳақиқатдан ҳам Муқаддас Руҳни Ўзи эди, Қайсики Илёсга ўхшаган одамда амал қилган эди. Яҳё, ундан уни хизматида талаб қилинадиган оғир топшириқни бажара олиши учун, унда Илёсни руҳи бўлишлиги Худога керак эди. Билли яна 3-Шоҳлар китобининг 17 бобига мурожаат қилди ва Илёс билан Яҳёнинг ҳаётини ва хизматини таққослаб кўриш учун яна бир бор Илёс ҳақида ўқиди.

4-Шоҳларнинг иккинчи бобида у Илёснинг ер юзидаги ҳаётининг охирги куни ҳақида ўқиди. Худо ловуллаётган олов кўринишида келди ва Илёсни шу олов қуюнида Элишайни кўз ўнгида олиб кетди, Элишай Илёсни шогирди эди. Шу лаҳзадаёқ Илёснинг руҳини икки баробари Элишайга тушди, у бўлса ўша заҳот Илёснинг чакмонини кўтарди-да, у билан Иордан дарёсига урди ва хитоб қилди: “Илёсни Худо қаерда?” Дарё суви икки томонга сурилиб йўл очилди ва Элишай бошқа қирғоққа қуруқликдан ўтди. Худди ана шу ерда Худо инсониятга, Илёсни илҳомлантирган Руҳ, бошқа пайғамбарга ўта олиши мумкинлигини кўрсатди. Ўзининг бутун ҳаёти давомида Элишай бутун умри давомида Илёсдан кўра роса икки баробар кўп мўъжизалар қилди. Бу билан ундан Илёснинг руҳини ҳақиқатдан ҳам икки ҳиссаси бўлганлигини исбот этди. Элишай ҳатто ваҳий орқали сирларни ҳам билиб ола билар эди. У буни, қачонки у Исроил шоҳига Сирия шоҳининг ётоқхонасида айтган сўзларини айтиб берганида, намойиш қилди.[271]

[271] 4-Шоҳлар 6:12

Эски Аҳднинг сўнгги боби, Малахия 4га мурожаат қилиб, Билли ўқиди: *“Зеромана, алангаланаётган кечдай, кун келади; ўшанда барча манманлар ва бетовфиқлар сомондай бўладилар, ва уларни келадиган кун ёндириб юборади, дейди Раббий Сарвари коинот, шу учун уларни томирини ҳам, новдасани ҳам қолдирмайди... Мана, Мен буюк ва даҳшатли Раббий куни келишидан олдин сизларга Илёс пайғамбарни юбораман”.* Кўплаб библиячи олимлар, Малахия 4:5 Яҳё Чўмдирувчига тааллуқли деб ўргатар эдилар. Негаки, Гавриил Фаришта, Яҳёда Илёснинг руҳи бўлади деган эди. Исо ҳам Яҳёни Илёс деб кўрсатди.[272] Бироқ бу ўқитувчилар бутун, ҳамма ҳақиқатни тушуниб етмадилар. Малахия 4:5 фақат Яҳё Чўмдирувчига тегишли деб ўйлаш, хатолик эди. Яҳудийлар Яҳёдан, сен Илёсмисан деб сўраганларида, Яҳё уларга тўғридан-тўғри, у эмасман деди.[273] Бунинг ўрнига у Ишайё 40:3даги сўзларга ўзини тенглаштирди: *“Мен саҳрода хитоб қилувчининг садосиман:*

“Худовандга йўл ҳозирланглар”.[274] Исо эса Яҳёни Малахия 3:1га тенглаштирди: *Мана, Мен Ўз элчимни*[275] *юбораман, ва у Менинг олдимда йўл ҳозирлайди”.*[276]

[272] Матто 17:12-13; Луқо 1:17
[273] Юҳанно 1:21
[274] Матто3:3; Марк 1:3; Юҳанно 1:23
[275] Қирол Иаковнинг инглизча Библиясидан таржима. Рус синодал таржимасида: “Мана, Мен Ўз фариштамни юбораман...” (Тарж.)
[276] Матто 11:7-14; Марк 1:1-2; Луқо 7:24-28

Унда Малахия: “Мана, Мен сизларга буюк ва қўрқинчли Раббий куни келишидан олдин Илёс пайғамбаримни юбораман”, — деб башорат қилганида, ким ҳақида айтган? Ёзув, Осиё 11:1га ўхшаб — қаердаги шундай дейилган: “Исроил ёш бўлганида, Мен уни яхши кўрар эдим ва Мисрдан Ўз ўғлимни чиқариб олдим” — бир неча маъноларга эга. Осиё, қачонки Худо Мусони Мисрга Исроил болаларини қулликдан қутқариш учун юборгани ҳақида далил кўрсатар эди. Бироқ Матто Осиё 11:1ни Юсуф билан Марямподшоҳ Ироддан яширинiш учун Мисрга қочганларида ва кейин ўспирин Исони Мисрдан Ироднинг[277] ўлимидан кейин орқага, Исроилга олиб келганларига тўғри келадиган башорат деди.

[277] Матто 2:12-15

Малахия 4:5 ҳам Илёсни бир неча бор келишини назарда тутаётган бир неча маънодан иборат бўлишлиги керак. Маттонинг 17-бобидан шогирдлари Исодан сўрашди: *“Нега уламолар олдин Илёс пайғамбар келиши керак, деб айтадилар?” Исо жавоб бериб уларга деди:* ***“Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлига қўяди.***[278] *Лекин Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, у билан истаганларини қилишди; худди шунга ўхшаб, Инсон Ўғли ҳам одамлар қўлида азоб чекиши муқаррардир. Шунда шогирдлар Исо уларга Яҳё пайғамбар ҳақида гапирганлигини англадилар”.* Исо бу сўзларни айтган вақтида, Яҳё Чўмдирувчи ўлдирилган эди. Шунинг учун, *“тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди”,* — деб, Исо келажакни назарда тутган эди.

[278] Қирол Иаковнинг инглизча Библиясидан таржима. Рус синодал таржимасида: “Илёс олдин келиши ва ҳамма нарсани жойига қўйиши керак”. Шуни таъкидлаш муҳимки, Ёзувнинг ҳамма, Яҳё Чўмдирувчи ҳақида гап кетаётган жойларида “тайёрлайди” деган сўз ишлатилган (қаранг: Ишайё 40:3; Матто 3:13; Марк 1:3; Луқо 1:17, 76; 3:4; 7:27; Юҳанно 1:23), чунки унинг хизмати Исо Масиҳнинг Биринчи Келишига йўл *тайёрлашдан* иборат эди. Аммо Ёзувнинг бошқа жойларида, қаерда Масиҳнинг Иккинчи Келиши олдидан Илёс руҳидаги пайғамбар ҳақида айтилса, *“йўл қўяди”*, *“тиклайди”* деган сўз ишлатилади (қаранг: Матто 17:11; Марк 9:12). Чунки бу пайғамбарнинг хизмати Исо Масиҳ давридан 2000 йил мобайнида йўқолиб кетган барча библиявий сирлар ва ҳақиқатларни *тиклашдан* иборат. (Тарж.)

Масиҳнинг уч бор келиши мавжуд, бор экан ва пайғамбар-элчи Илёс руҳи билан Масиҳнинг Биринчи Келишини эълон қилган экан, Масиҳнинг Иккинчи ва Учинчи Келиши ҳам Илёс руҳидаги пайғамбар орқали эълон қилинади, деган мантиқий хулосага келиш мумкин. Ҳаммаси бўлиб Илёс руҳи беш бор келади: биринчидан, Илёсни ўзида; иккинчидан, Элишайда; учинчидан, Яҳё Чўмдирувчида; тўртинчи марта — мажусийлар учун, мажусийлар даврининг охирида пайғамбар-элчида; ва бешинчи марта — ҳозирги Исроилга келадиган пайғамбарда.

Худо Илёс руҳини Ўзининг буюк режасида бир неча бор ишлатишга танлаганининг бундай ўзига хослиги нимада? Илёснинг ҳаётини Яҳё Чўмдирувчи ҳаёти билан таққослаб, Билли кўплаб ҳайрон қоларли ўхшашликларни топди. Уларнинг иккаласи ҳам бақувват ва “дағал” одамлар бўлиб, улар дала-даштни яхши кўришар ва қийинчиликлар ва муҳтожликни қандай ечишни билишар эди. Иккала пайғамбар ҳам атрофларидаги руҳий, маънавий бузуқликка қўрқмай қарши чиққан эдилар. Илёс подшоҳ Ахабнинг юзига тик қаради ва: “Сен ва сени отанг хонадони Эгамизнинг амрларидан юз ўгирдингизлар, худо Баалга сажда қилиб, Исроилга бало келтирдингизлар. Энди бирортасига буюр: бутун Исроил халқини, Баалнинг Изабел дастурхонидан таом ейдиган 450 пайғамбарини, худо Ашеранинг 400 пайғамбарини менга Кормил тоғи ёнига тўплаб берсин”[279] — деди. Яҳё бўлса фарзий ва саддуқийларга қараб: *“Вой илонлар зоти! Бошингизга келадиган Худо ғазабидан қочиб қутилишингизни сизларга ким уқтирди? Бундан буён тавба қилганингизга яраша ҳосил беринглар!”* — деди.[280] На Илёс, на Яҳё пул, ҳокимият, шуҳрат ва аёллар билан қизиқмаган, йўлдан озмаган эди. Икки пайғамбар ҳам ахлоқсизликни қаралаган эди: Илёс малика Изабелни[281] бутпарастлигини ҳукм қилди, Яҳё Чўмдирувчи эса подшоҳ Ҳиродни, уни акасини хотини билан нотўғри яшаётганини айтиб, танбеҳ берди.[282]

[279] 3-Шоҳлар 18:18-19
[280] Матто 3:7-10
[281] 3-Шоҳлар 21: 17-23; 4-Шоҳлар 9:36
[282] Матто 14:3-4

Илёсда ҳам, Яҳё Чўмдирувчида ҳам ўз камчиликлари бор эди. Кармил тоғидаги ғалабасидан кейин Илёс Изабелнинг ғазабилан қочиб, даштда яширинiб юрди. Бу дарбадарликдан уни шундай тушкунликка тушдики, у Худодан ўзига ўлим тилади.[283] Яҳё ҳам ҳар хил ўзгарувчан кайфиятларда бўлиб ўтди. Зиндонда бўлганида у шундай умидсизликка тушдики, шогирдларидан иккитасини Исодан сўрашга юборди: “Келадиган Қутқарувчи Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?”[284] Бу

камчиликларни кўриб, Биллини кўнгли кўтарилди. Булар ҳаммаси унга, Илёс, Элишай ва Яҳё Чўмдирувчи қилган барчаси Худонинг Илоҳий таъсири натижаси бўлганлигини кўрсатди. Улар ўз кучларига ишона олмасдилар. Бу унга Раббийнинг Павелга айтган сўзларини эслатди: *"Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади"*.[285]

[283] 3-Шоҳлар 19:1-4

[284] Матто 11:3; Луқо 7:19

[285] 2-Коринфликларга 12:9-10. Рус синодал таржимада: "...Менинг қудратим заифликда амалга ошади". (Тарж.)

Гарчи Илёс ва Яҳё иккиси ҳам пайғамбарлар бўлишса-да, улар ўша кунлардаги диний бошлиқлар томонидан рад этилган эдилар. Шак-шубҳасиз, бу раҳбарлар Илёс ва Яҳёга куярдилар, чунки улар бирор бир обрўли каналдан чиқмаган эди. Илёс, Элишай ва Яҳё Чўмдирувчи ҳеч қанақа ташкилот билан алоқадор эмасдилар. Бунинг оқибатида ўз мактубларини, сўзларини ваъз қилиш эркинлигига эга эдилар. Улар, бошқа одамлар бу ҳақида қандай ўйлайди деб хавотирланмасдилар. Ва бу учала одам ҳам ҳеч қандай муроса қилмай, Худо Сўзини қўрқмасдан, дадил ваъз қилдилар. Худо айнан шунақа руҳни Ўз пайғамбарларида бўлишини истар эди. Айниқса, Масиҳни келишини эълон қилиш учун тайин этилган ўша Ўзининг учала хизматкорида. Фақат Илёс руҳи қаршилик қилувчиларнинг шиддатли босимига қарши тура олар ва *Раббийга тайёр бўлган халқни тақдим* эта олар эди.

Ўша Миср аэропортининг ўша ангори орқасида Муқаддас Руҳ Биллига: *"Бу сени жойинг эмас. Ҳали ўша соат келмади. Мажусийларнинг қонунсизлик косаси ҳали тўлмади. Ҳали далада яна кўплаб бошоқларни териш лозим"* — деган эди. Бироқ Исроилни сўров соати, худди эрталаб қуёш чиқиб, тун қоронғусини тумтарақай қилгани каби, шунчалар қатъий, албатта бўлиши керак. Исроилга охирги вақтда буюк қирғин тўғрисида огоҳлантириш берилганидан сўнг, Малахия 4:2да шундай дейилган: *"Сизлар учун эса, Менинг Исмимни эъзозлайдиганларустида Солиҳлик Қуёши чиқади ва Унинг нурларида шифоланасиз"*. Ваҳий 1:7да Исо Масиҳ ҳақида гап боради: *"Мана, У булутлар билан келяпти! Ҳар бир кўз Уни кўради. Унинг баданини тешганлар ҳам кўради..."* (баданини тешганлар деб, яҳудийлар назарда тутилади). Бу ҳақида Зикириё 12:9-11да башорат қилинган. Ҳаворий Павел бу тўғрисида Римликларга мактуби 11:25-27да айтган эди. Яҳудийлар, ниҳоят, Исо Масиҳни ўз Қутқарувчилари деб қабул қиладилар, ва айнан Илёснинг руҳидаги пайғамбар Исроилга Мессияни тақдим қилади. Билли, бу бешинчи ва якунловчи Илёс Ваҳий 11:3-11даги икки гувоҳнинг бири бўлади деб ўйлади, чунки бу гувоҳлардан бири ёмғир ёғмаслиги учун кун юзини боғлаш қудратига эгадирлар. Библияда бўлса, қурғоқчилик чақириш қудратига фақат, ягона пайғамбар — Илёс эди.[286]

[286] 3-Шоҳлар 17

Қачонки яҳудийлар, ниҳоят ўз Мессияларини қабул қилганларида, мажусийлар даври тугайди. Кейин Масиҳни рад этган мажусийлар устига Худонинг қаҳри-ғазаби ёғилади.[287] Бу қанчалик даҳшатли эшитилмасин, Исо бу дунёни тинч ва баркамол шоҳлигида бошқара олишидан олдин, булар бўлиб ўтиши шарт.

[287] Малахия 4:1; Матто 24:21; Ваҳий 2:22; 7:14

Буларнинг ҳаммасини қачон бўлиб ўтишини Билли билмаса-да, бироқ ҳарқалай, Худо иккита воқеани бўлиб ўтишини кутаётгани унга маълум эди. Биринчидан: У мажусийларнинг гуноҳлари маълум даражага етишини кутаяпти. Муқаддас Руҳ деди: *"Мажусийларнинг гуноҳ косаси ҳали тўлмади"*. Исо деди: *"Мажусийларнинг даврони тугамагунча, Қуддус мажусийлар томонидан оёқ ости қилинади"*.[288] Худо бир кунлар Иброҳимга уни душманлари Амурийлар ҳақида ҳам шунга ўхшаш бир нима деган эди. У айтди-ку, У Амурийларни гуноҳи ҳаддидан ошмагунича, уларни ҳукм қилмайман, деб.[289] Ўша кунлар Амурийлар Канъон (Фаластин)нинг катта қисмида ҳукмронлик қилар эди. Ҳатто Иброҳим яшаган кунларда ҳам Амурийлар гуноҳкор, ахлоқ бузуқ эдилар. Худо уларни йўқ қилган пайтда, амурийларнинг кўпхудолик дини ёмон йўлга кирди ва фолбинлик, диний фоҳш ва бутларга болаларни қурбон қилишни киритиб, оддий будпарастлик рамкасидан чиқди. Билли ҳозирги, замонавий мажусийлар дунёси ҳам шу йўналишда кетаётгани, ҳаттоки болаларни қурбон қилишгача борганини кўра билди. Ахир абортлар болаларни ўзига хос равишда қурбон қилиш эмасми? Қандай қилиб ҳозирги ҳукумат туғилмаган болаларни ўлдиришни қонунлаштириб, бунчалик аморал, ахлоқсиз бўла билдийкин?

[288] Луқо 21:24

[289] Ибтидо 15:13-16

Иккинчидан, Худо Ўз болаларини қачон қутқарилишини кутаётган эди. Қачонки Унинг охирги ўғли ёки қизи Муқаддас Руҳни олади, ўша лаҳзада мажусийлар Черкови кўтарилади, яъни Олий ўлчовга ўтади. Шундан кейин мажусийлар учун нажот эшиги ёпилади, ва ўшанда Ваҳий 22:11да ёзилган сўзлар бажарилади: *"Фосиқ, майли, ёмонлик қилаверсин; нопок, майли, ифлослик қилаверсин. Солиҳ эса тўғри иш қилаверсин ва муқаддас киши ўзини муқаддас сақласин"*

Билли ўзининг хизматини Исроилга нисбатан библиявий муносабатини ҳозир яхшироқ тушунганидан қониққан ҳолда, Библиясини ёпди. Олдин у Илёс руҳини тўрт марта келади деб ўйлар эди; ҳозир эса у беш марта бўлиши кераклигини кўрди. Унинг ўз хизмати Исроил билан ҳеч қанақа боғлиқлиги йўқ эди. У мажусийларга Хушхабар айтиш учун белгиланган эди, ва у айнан шуни давом эттиришга ният қилди: касаллар учун ибодат қилиб, уни ваъзларини эшитадиган бирини бу ердан, бошқасини у ердан топиб — доим “бошоқ териб”, буғдой дони каби жонларни териб-йиғиб, ҳосил Хўжайини учун ва Раббийга тайёрланган халқни тақдим қилиб, Исо Масиҳ Исми ҳақи воизлик қилди.

66 БОБ
ҲИНДИСТОНДАГИ (ЕЧИМ) ЯКУН
1954

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ГРЕЦИЯДАН Эр-Риядга, Саудия Арабистони пойтахтига учди. У ерда у Барон Фон Блюмберг билан Саудия қироли зиёфатида бўлди. Саудия Арабистони христианликка зид қонунлар билан, қатъий мусулмон давлати бўлганидан, Билли у ерда йиғилиш ўтказолмади. У ёқдан Ҳиндистонга учиб, 1954 йилнинг сентябрининг охирги ҳафтаси ўртасида Бомбейга қўнди. У ерда уни ўнлаб Масиҳчм миссионерлар ва черков раҳбарлари кутиб олдилар.

Ҳиндистон методистлар черкови архиепископи унга шундай деди:

— Мистер Бранхам, мен умид қиламанки, сиз бу ёққа миссионер сифатида келмагансиз. Биз Библия тўғрисида, сиз америкаликлардан кўра кўпроқ биламиз. Нима бўлганида ҳам, бу шарқ китоби-ку, ахир. Муқаддас Фома бу ерда 1900 йил бурун Хушхабар ваъз қилган. Бироқ биз эшитдикки, сизга Худо шундан инъом берганидан, бу неъмат Библияни яна жонли қилади, деб. Худди мана шу нарсаларни бизлар кўришни истаймиз.

— Албатта, — жавоб берди Билли. — Мен сизнинг одамларингизга Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул абад Ўша эканини кўрсатмоқчиман.

Гарчи уни Бомбей қашшоқ одамларга тўлиб кетгани ҳақида огоҳлантиришган бўлишса-да, у ҳамма жойда юрган одамларнинг доимий ҳаракатини кўриб, улар билан дуч келишга тайёр эмас эди: одамлар йўлак бўйлаб тиқилиб кетишган, кўчалардан тўда бўлиб чопишар, шу учун уни таксиси сирена чалиб, улар билан тўқнашмаслиги учун доим айланиб, айланиб юрар эди. Тўдадаги одамларнинг кўплари қора танли ва қора сочли эдилар; буларнинг айримлари ҳатто африкалик негрлардан ҳам қорароқ кўринар эдилар. Уларнинг барчаси ориқ ва оёқяланг эдилар. Аёлларнинг кўплари анъанавий сарада кийинишган бўлса, эркакларнинг кўпчилиги фақат белларига мато ўраб олишган эдилар. Кийимлар ранг-баранглигига тўлиб кетган эди. Биллининг таржимони маълум бир этнин гуруҳни кўрсатди: қора соқолли сикхлар, бошларида саллалари, орқа ён бошларида узун пичоқ осиб олинган эди; қизил-жигарранг кийимларидаги бенгал мистик-монархлари; мусулмон сўфилар — бутунлай оппоқ кийиниб олишган ва эчки соқол қўйишган; карлик чўчқаларини қулоқларидаги ҳалқаларидан боғлаб олиб бораётган жанублик тамиллар[291] ўтириб олган фақирлар[292] — улар қўл оёқларини боғлар каби тутишар эдилар; йўлакда ўрнатилган кичикроқ қурбонгоҳга тиз чўкиб, оловга сиғинаётган парслар,[293] оғзиларига бирор ҳашаротни кириб кетишидан эҳтиёт қилиб, ниқоб тақиб олган жайнлар,[294] уларнинг ишонишлари бўйича, бу қотиллик ҳисобланади. Бундан ташқари Билли жуда кўпчилик қашшоқларни, чакона савдогарларни, фақрлар, монархлар ва бозорчиларни кўрди. Кўчаларда товуқлар, эчкилар ва брахман сигирлар бемалол юрар эди.

[290] Суфийлар — Суфизм издошлари. Суфизм — (арабчадан “суф” — дағал мжун мато, шундан келиб чиқиб — бу жонда кийим таркидунёчиликдан дарак беради) — исломдаги мистик илоҳиётга ишонувчи оқим. VIII-IX асрларда пайдо бўлди, X-XII асрларда тугал шаклланди. Суфизм учун характерли томони шундаеи, улар метофизика билан таркидунёчиликни мувофиқ кўрадилар ва мусулмончилик урф-одатларни рад этадилар. (Тарж.)

[291] Тамиллар — Жанубий Осиё халқи. Улар Ҳиндистонда (кўпроқ тамилнад штатида), Шри-Ланкада, шу билан бирга Малайзия, Бирма, Сингапур, Австралия ва Океанияда яшайдилар (Тарж.)

[292] Фақирлар (араб. камбағал) — 1) кезиб юрувчи дарвиш (ўта ночор мусулмон роҳиби), 2) Ундан ташқари Ҳиндистонда жамоага қарашли хизматкор, камдан-кам фокусчи, дрессировкачи, башоратчи, табиб; оғриқни сезмаслигини намойиш қиладиган дайди фокусчи (охирги маъносида “фақир” сўзи Европада тарқалган). (Тарж.)

[293] Парс — моддий жиҳатдан таъминликни ҳаёт мақсади қилиб кўтарувчи Ҳиндистондаги дин жамоасини вакили. (Тарж.)

[294] Жайн — жайнизм издоши, Ҳиндистонни қадимги миллий дини. Одатда жайнизм мил. ав. VI асрда ташкил топган деб ҳисобланади. Дин асосчиси сифатида эъзозланган пайғамбар Жинни исмидан дин ўз номини олган. Жайнизм фалсафаси асосига Жинни таълимоти киритилган улар: тўғри кўриш, тўғри билиш ва тўғри юриш-туриш каби ибтидонинг учта “тўғри” асосларидан иборат. (Тарж.)

Кўчалар лойгарчиликдан жуда ёмон манзарага эга эди. Ҳамма жойда иссиқ ва намгарчиликдан чириётган ахлатлар тўда-тўда бўлиб ётар, оқибатда нонхўрак ва касалликлар тарқалиб кетган, ноиложлик ҳукм сурар эди. Ўн этажгача бўлган бино гўё ҳар лаҳзада қулаб кетадигандай эди. Миссионерлардан бири Биллига, мана шу мустаҳкам бўлмаган биноларда дунёда одамларнинг энг юқори концентрацияси бор деб айтди: Бомбейнинг баъзи қисмларида аҳоли бир квадрат милда[295] аҳоли зичлиги жуда катта миқдорда — 200 000 кишига етади.

[295] 2,6 километр квадрат. (Тарж.)

Биллини ўзи камбағалликда ўсган ва Америка Жанубида ва Африкадаги қора танлиларнинг қашшоқлигини кўп кўрган эди... Бироқ унга ҳали ҳеч қачон бир рупия олиш умидида қалай косачаларини чўзиб турган бунчалар муҳтож одамларни кўрмаган эди, бир рупия 230 грамм гуруч хариди учун, — бу уч кунга етгулик озиқ-овқат бўла олар эди. Бошпанасиз бутун бошли оилалар кўча четларида жойлашиб олишган эди. Уларда тратуарда жойлари бор бўлиб, буни улар *ўзлариники* деб

ҳисоблашар эдики, шундан пиёдалар уларни айланиб ёки босиб ўтишар эди. Масиҳчи миссионер Биллига, Ҳиндистон Буюк Британиядан бор-йўғи бир неча йил муқаддам мустақил бўлди, деб тушунтирди. Кутилмагандаги британлар муддатидан маҳрум бўлишлик бу йирик мамлакатни инқирозга учратди. 400 миллионли аҳоли учун етарлича озиқ-овқат ишлаб чиқариш Ҳиндистон ҳукумати олдида мушкул вазифа қўйди. Миллионлаб ҳиндлар ҳар куни очликдан қийналар эди. Билли бу уларни кўзларидан кўриб турар, айниқса қашшоқларнинг кўзларидан кўриб турар эди: масалан, бир вақтлар унинг қўли панжалари бўлган, энди эса иккита оппоқ матога ўралган қўллари орасида қалай косача тутган моховни ва элефантиазис[296] билан касалланган ва дарахт тўнкасига ўхшаб қолган катта оёқларини судраётган бола.

[296] Элефантиазис — терини ва тери ости тўқималарини лимфаларнинг узоқ вақт ҳаракатсизликдан қалинлашиши ва лимфатик томирларнинг кенгайиши оқибатида тананинг маълум бир органларини (одатда оёқни) йириклашишига олиб келади; филлашиш — йириклашиш касаллиги. (Тарж.)

“Тож-Махал” меҳмонхонасига рўйхатлашгандан кейин Биллини Бомбей мэри ва бошқа давлат раҳбарлари, Жавоҳарлал Нехру, Ҳиндистон бош министри билан бирга тушликка олиб боришди. Жавоҳарлал Нехру жуда ўқимишли одам бўлиб, инглиз тилини жуда яхши билар эди. Тушлик пайтида Нехру ўз меҳмонига қаради ва шундай деди:

— Мистер Бранхам, сизни тобенгиз қочган деб ўйлайман.

Билли тарелкасига қаради. Унда гуруч билан тайёрланган ва зайтун мойи суртилган баррача оёқлари солинган эди. Бу таом тўйимлилигидан, Билли унга қараб, кўнгли кўтарилаёзди. У мулойимгина жавоб берди:

— Бу, таом туфайли бўлса керак, деб ўйлайман. У мен одатланган овқатдан озроқ фарқ қилар экан.

Бундай жавоб Нехруни қаноатлантирмади. Билли меҳмонхонага қайтганида, бош министрнинг шахсий врачи уни текшириш учун кутиб турганини кўрди. Врач унинг қон босимини текширганига қадар, ҳаммаси жойидадек эди.

— Мистер Бранхам, сиз ўзингизни жуда чарчагандай ҳис этаяпсизми?

— Ҳа, сэр. Нима қипти ўзи? Менда бирор нима жойидамасми?

— Сизнинг қон босимингиз хавфли даражада пасайган. Амалда, у шунчалик пастки, мен сизни ҳали ҳам тирик эканингизга ҳайрон бўлаяпман. Мен сизга Америкага иложи борича тезроқ қайтишингизни ва ўз врачингизга текширтиришга боришингизни маслаҳат бераман.

— Мен олдин бу ерда, Бомбейда иккита йиғилиш ўтказишим лозим, — ҳорғин жавоб берди Билли, — ва ундан кейин тўппа-тўғри уйга кета оламан.

Кейинги куни унинг спонсорлари уни йиғилиш ўтказиши учун йирик епископлар черковига элтишди. Ҳукумат унга очиқ майдонда ўтказишига рухсат бермади, чунки улар унинг хавфсилигига кафолат беришолмас эди. Январда Америкадан бир хушхабарчи, миссис Дауд, Ҳиндистонга келди ва Бомбей четроғида очиқ ҳавода бир неча йиғилишлар ўтказди. У ўзини Илоҳий шифоланишни ваъз қиладиган Масиҳчи деб реклама қилди-ю, бироқ у пулга жуда ҳам кўп аҳамият берди. Қачонки у йиғилган камбағал одамлардан хайрия йиғмоқчи бўлган эди, ғалаён бошланиб кетди. Миссис Дауднинг бошига ғишт билан тушурганларидан, у шу ердаёқ ҳушидан кетди, бошқа икки одам эса дўппосланиб ташланган эди. Ўша мувофаққиятсизлик шаҳар мансабдорларининг ҳали-ҳали эсидан чиқмаган эди. (Билли мана эндигина Раббийнинг унга сафарни сентябргача қолдиришини буюрганини тушуниб етди.)

У йиғилиш ўтказиши керак бўлган епископпаль черкови жуда катта эди. Ибодатхонанинг ўзида бир неча минг одамни жойлаштирса бўлар эди. Черковни територияси да очиқ ҳавода эса бундан йигирма баробар кўп одамни сиғдирса бўлар эди. Бунинг устига, черков яқинидаги ҳар бир кўча бўйлаб кўплаб кварталларда овоз кучайтирувчи карнайлар ўрнатилганлиги сабабли, тиқилиб кетган халқ йиғилишни эшитса бўлар эди. Бомбей ва яқин атрофда жойлашган юзлаб Масиҳчи пасторлар ва хушхабарчилар бу йиғилишларни ўтказиш учун биргаликда ҳамкорлик қилдилар. Бу нарса амалда Уилльям Бранхамнинг халқаро машҳурлиги билан биргаликда жуда ҳам кўп одамларни ўзига жалб қилдики, шаҳар мэрининг тахминий ҳисоб-китобига кўра, 500 000га яқин эркак, аёл ва болалар бўлган эди. Одамларнинг аниқ сонини белгилашнинг иложи йўқ эди, бироқ у ерда ҳеч бўлмаганда 300 000 одам бўлганини у билар эди, чунки Фаришта 1952 йилнинг февралида, ваҳийда айнан шу рақамни айтиб ўтган эди.

Ўша оқшом йиғилганларга Билли Исо Масиҳ, Хуо Ўғли ҳозир ҳам 19 юз йил бурун У қандай бўлса, Ўшандай деб тушунтирди; шу учун, агар У ўликдан тирилган ва бугун тирик бўлса, унда У ҳозир ҳам ўша кунларда бўлганидек, ҳаракат қилишини кутса бўлади, деди. Қачонки ибодат қилиш хизматини бошлаш вақти келганида, бунақанги кўпчилик одамларга ибодат карточкасини тарқатишни ақлга сиғдириб бўлмас, шу учун Билли бир неча хушхабарчилардан оғир касаллардан

қанчадир одамни танлашни ва уларни навбатга тизишни илтимос қилди. Улар бири кетидан бошқаси олдинга ўтавердилар, ва Билли уларга, уларни ким эканлигини, уларнинг муҳтож-муаммолари нимада эканигача айтиб берди ва кейин улар учун ибодат қилди. У уларни исмларини айта олмади, шу сабабдан уларни ҳарфлаб айтди, ва ҳаммаси майда-чуйда тафсилотларигача аниқ бўлди. Бироқ, шу ерда бўлган халқ бу ғайритаббий билимни кўриб туриб ҳам, Масиҳчиликни қабул қилишмади, улар ҳинд сеҳргарларининг ҳар турли тушуниб бўлмайдиган найрангларини кўришга ўрганиб қолган эдилар. Бундан сўнг бир аёл ўғлини зиналардан ёш ўғлини ушлаб, хушхабарчи олдига келтирди. Бутун халқ ичида жимлик ҳукмрон; ҳамма сукут сақлаб кутар, ва тинглаб турар эди. Улар бу америкалик ўз Худоси қудратини қандай мақтаганини эшитган эдилар; энди бўлса улар Исо ҳақиқатдан ҳам америкалик айтгандай қиладиган ишларини амалга ошира олармикин дея, уни ўзлари кўришга интиқ эдилар.

Билли ибодат қила бошлади: “Раббий, Сен имонли масиҳчиларга, улар Сенинг ироданг бўйича, Ўғлинг Исми ҳақи неки сўрасалар, берилади, деб ваъда бергансан.[297] Бу одамлар Сени ягона ҳақиқий ва тирик Худо эканлигингни билишлари учун, мен гўнг ва карлик руҳига мана ҳозирни ўзида Исо Масиҳ Исми ҳақи бу боладан чиқиб кетишини буюраман”.

[297] 1Юҳанно мактубига ҳавола.(Тарж.)

Боланинг орқароғига ўтиб, Билли кафтлари билан қарс эттирди. Бола чўчиб кетди ва дак этиб тушди. Кейин Биллига қараш учун бола қайрилди ва оғзидан чиққан биринчи сўзни айтди. Микрофон бу сўзни илиб олди-да, уни юз минглаб одамлар учун кучайтириб берди. Аудитория ҳаяжондан шунақанги шовқин-суронга тўлиб кетганидан ҳеч тинчланавермади. Натижада йиғилишни режалаштирилганидан олдинроқ тугатишга тўғри келди. Аммо буюк бир ечим, якун учун замин тайёрланган эди.

Бунинг устига, Бранхам кампанияси вақтида йиғилган бундай катта оломон, Ҳиндистондаги бошқа дин раҳбарларида қизиқиш уйғотди. Шу сабаб улар америкалик хушхабарчи билан учрашишни имконияти бормикин, дея суриштиришди. Кейинги куни Биллини жайнлар маъбадига олиб боришди. У ерда ундан ўндан ошиқ ҳар хил ҳинд секталарни ифодалайдиган бир гуруҳ диний раҳбарлар интервью олишди. У ерда индуизм, даосизм,[298] жайнизм, буддизм, конфуционство,[299] ислом, брахманизм,[300] сикхизм, зороастризм[301] ва бошқалар бор эди. Ҳамма бу раҳбарлар Масиҳчиликни инкор қилишар, ва улардан ҳар бири Биллига савол берар ёки танқидий муҳокама қилар эди. Монах-жайн деди: “Агар Америка Масиҳчилар давлати бўлса, унда нима учун энди 100 000 одамларни ўлдириб, Японияга атом бомбасини ташлади?” Калиф-мусулмони унга қўшиб деди: “ва улар нима учун энди аёлларга кўчада қарийб ярим ялонғоч юришларига рухсат беришади?” Билли Америкада ҳамма одамлар Исо Масиҳ қонунлари бўйича яшамайдилар, деди. Кейин брахман руҳонийси сўради:

[298] Даосизм — асосида “дао” (“йўллар”) тушунчасини жамлаган фалсафий таълимотлар ва қадимги халқ мифологик тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган хитой дини. (Тарж.)

[299] Конфуцийлик — мил.ав. VI асрда Конфуций томонидан асосланган Хитойдаги сиёсий-ахлоқий таълимот. Зодагонларни қизиқишларини ифодалаб, конфуцийлик ҳукмдорнинг ҳокимиятини муқаддас ва осмондан берилган деб эълон қиларди ва одамларни баланд ва пастга ажратарди. (Тарж.)

[300] Брахманизм — қадимги ҳинд дини (олий худоси — Брахма), мил.ав. VIII — IX асрларда ташкил топган. (Тарж.)

[301] Зардуштийлик — қидимда ва ўрта аср бошларида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган дин. Зардуштийлик араб босқинсилигигача Эронни давлат дини бўлган. Зардуштийлик номини қадимги Эрон (мил.ав. X ва VI асрнинг биринчи ярми) динини реформатори бўлган пайғамбар Зардушт (Заратуштра) исмидан олган. (Тарж.)

— Агар Исо шундай муқаддас бўлган бўлса, унда нима сабабдан У ўлиши керак эди?

Билли жавоб берди:

— Исо одатдагидай одам эмас эди. Худонинг Ўзи инсонлар гуноҳлар учун ўлиш учун ва худди шу йўл билан одам абадий яшашига имконият бериб, Исо Масиҳ қиёфасига кирди. Худонинг ягона талаби — бу, инсон Исо Масиҳ қилган ишларига ишонишдир.

Буддист монархи сўради:

— Қандай қилиб энди Исо бизларнинг гуноҳларимизни ололади ва бизга ҳаёт беролади?

Ҳиндистонда ҳар хил ҳашарот кўплигидан, Билли бу одамлар тушунолишлари учун, яққол мисолдан фойдаланди.

— Гуноҳ заҳарли арига ўхшайди. Охир-оқибат, у ҳар қандай одамни чақади ва уни ҳалок этади. Аммо ўлим танада туради, лекин жонда эмас. Ари чақа туриб, ўз нишини одам танасига қолдиради, шу учун у энди бошқа чақа олмайди, Худо ўлимдан, унинг нишини суғириб олиш учун тана бўлиши лозим эди. Исо худди шуни қилди ҳам. У ўлимга ўзини чақишга қўйиб берди ва шу тарзда У ўлимнинг ҳуқуқидан маҳрум қилди. Шундай қилиб, агар ҳар қандай одам Исо қилган ишга ишонса, у абадий яшай билади. Исо буни, ўликлардан тирилиб, исбот қилди.

Битта сикх унга хитоб қилди:

— Агар Исо ўликдан тирилган бўлса, унда нима сабабдан биз Уни кўролмаймиз?

Билли жавоб берди:

— Мен биламан, сизга Масиҳчилик миссионерлари Исо Масиҳнинг библиявий таълимотлари, брошюра, мактаблар, касалхона ва етимхоналар кўринишида намойиш этганлар. Мен буларнинг ҳаммасига қўшиламан, аммо, шунга қарамай, Масиҳ сизларга тўлиқлигича кўрсатилмаган.агар сизлар бугун оқшом менинг йиғилишимга келсангиз, Исо Масиҳ Ўзининг бутун қудратида намойиш этилишини кўрасизлар.

Биллини ҳайрон қилгани — уларнинг ҳаммаси келишга рози бўлишди.

Ўша кеч Биллининг полициячилар билан ўраб олинган автомобилини одамлар орасидан епископлар черковига етиб бориши учун икки соат керак бўлди. Черковга кириб, у кафедра олдида тўрт қатор турган полициячиларни кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Полициячилар ортидаги биринчи қаторнинг ўзида, шу бугун эрталаб жайнлар маъбадида суҳбатлашган ўша диний раҳбарлар ўтиришган эди.

Минглаб ҳиндлар черковни бутунлай тўлдиришган. Бино ташқарисида ярим миллионга яқин одам америкалик хушхабарчининг сўзини эшитиш учун карнайларга иложи борича яқин туриш иштиёқида, ғуж-ғуж тўпланишган эди. Ўз ваъзи вақтида Билли яна ари чаққанидан сўнг нишидан маҳрум бўлиши ҳақидаги мисолидан фойдаланиб, Исо Масиҳ нима учун ўлгани ва ўликдан тирилганини тушунтириб берди. **(№24 Сурат)** Ниҳоят, Исо Масиҳга Ўзининг қудратини намоён қилиши фурсати келди. Ибодат навбатидан нечтадир одам ички органлари муаммолари билан ўтганларидан сўнг, олдинга бир одам чиқди, унда бир қарашда нимадир, қандайдир ишкали бор эдики, уни ҳамма кўра олар эди. Билли Поль уни полициячилар девори ёнидан, қўлидан ушлаб, зиналардан отасига олиб чиқди. Билли бу ориқ одамга раҳми келиб қаради. Унда фақат белида ўралган матоси бор эди. Унинг кўзлари эса Биллининг кўйлагидай оппоқ эди.

Тез орада, бу одамни ваҳийга айланиб, ҳавога кўтарилаётганини ва ёшаравериб, то у ҳали кўра оладиган кунларигача етди. Унинг оила аъзолари ҳам пайдо бўлди. Кейин Билли бу одамни шундай бир чуқур эҳтиром билан қуёшга сиғинаётганини кўрди. У бутун кун бўйи қуёшга, токи унинг ультра бинафша нурлари унинг кўзини тўр пардасини бузмагунича қараб турганини кўрди. Энди у қашшоқ эди. Ваҳий мўъжиза ҳақида бирор-бир белгисиз тугади.

Билли бу бечора одам билан гаплашаётган экан, унинг сўзларини карнайлар миллионлаб қулоқларга етказар эди.

— Сиз оилали ва сизда иккита бола, иккита ўғил бор. Сизнинг исмингиз...ҳм... — У унинг исмини айтишга тили келмади, шу учун уни ҳарфлаб айтди. — Сиз диндор одам, жуда ҳам самимий диндор. Сиз қуёшга сиғинасиз, ва шундан сиз бутунлай кўр бўлиб қолдингиз. Бу тўғрими?

Камбағал одам бу ҳақиқатлигини тасдиқлади. Ваҳийда бу кўзи ожиз одамни шифоланишига ишора бўлмаганлигидан, у одам учун ибодат қилиб, навбатдаги касалга ўтмоқчи бўлди.

Бирдан ўша ваҳий яна қайтди. Мана гап қаерда! Билли ўзини қўлини кўр одам бошига қўйганини ва шундан кейин нима бўлиб ўтишини кўрди.

Биллига дадиллик кирди. Ҳозир буни дўзахдаги жинлар ҳам тўхтатолмас эди. Бу ваҳийлар доимо бажарилар эди. Улар алдаёлмас, зеро булар “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ!” эди.

Билли олдинда ўтирган Бомбейнинг дин раҳбарларини кўрсатиб, деди:

— Ҳиндостон диндор жентельменлари, бугун кундузи сизлар менга ўзингизни худоларингизни қанчалик буюклигини ва Масиҳчилар Худоси қанчалик аҳамиятсизлигини айтгандингизлар. Энди мен сиздан сўрамоқчи эдим, бу кўр одам учун сизнинг худоларингиз нима қила олади? Мен биламан, сиз бу одамга нотўғри худога сиғинаётганини ва сизлар уни ўзингизга оғдиришга уринасизлар. Сизлар, буддистлар ундан буддист қилган бўлардингиз; сиз, мусулмонлар, ундан мусулмон қилган бўлардингиз. Бизнинг Америкада ҳам худди шундай бўлаяпти: методистлар катоиклар методист бўлишини истайди; баптистлар методистлар баптист бўлишини истайди, элликчилар бўлса, уларнинг ҳаммаси элликчилар бўлишини истайди. Бу бариси психология холос — уларнинг фикрлашини бир фалсафадан бошқасига алмаштириш. Аммо, шу одамни яратган Худо, унинг кўзини очишга қодир, шундай эмасми? Нима қилдик, унда қайси худо ҳақиқатан мавжуд? Агар бугун сиз айтган худоларингиздан бири бу одамни шифолаб билса, сиз ўша Худога, ва фақат унга сажда қилишга рози бўлармидингиз? Агар сизлар шундай қилишга рози бўлсангиз, қўлларингизни кўтаринглар.

Бино ичида ҳам, ташқарисида ҳам қўллар океани кўтарилди.

— Дунё динлари жентельменлари, мана сизларга имконият. Сизларнинг қайсидир худоингиз бу одамга кўришни ато эта оладими? Агар сизнинг динларингиздан ҳар қандай ҳақиқий бўлса, унда мен сизни олдинга чиқишга ва буни исбот қилишингизга даъват қиламан.

Аудитория бирдан худди кутубхонадагидек жим бўлиб қолди. Кўчада ота-оналар, мана шу яқин бир неча дақиқада бўладиган нарсани назардан қочирмаслик учун ўз болаларини тинчлантиришди. Билли ўзини Кормил тоғида турган ва 400 та Боол руҳонийларини очиқ майдонда текширишга чиқишга рози бўлишлари учун чорлаётган Илёсдай ҳис қилди.[302] Бомбейнинг диний раҳбарлари миқ этмади.

[302] 3-Шоҳлар 18

— Сизларнинг руҳонийларингиз ва монахларингиз ғоятда жим, — Билли гап билан узиб олди. — Нима учун улар бу одамни шифолаш учун бу ёққа чмқмаяптилар?

Бу даъватга ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Чунки улар бундай қилолмайдилар, мана нима учун. Мен ҳам қилолмайман, аммо Исо Масиҳ қила олади. Исо бу одамга нафақат Абадий Ҳаёт бера олади, аммо У бу одамга кўришни ато этиб, ҳозирни ўзида ҳам исботлаб ҳам билади. У менга буни ваҳийда қандай бўлишини кўрсатди, шу учун, агар шу нарса бўлиб ўтмаса, унда мен сохта пайғамбарман ва сизлар мени Ҳиндистондан ҳайдаб юборишга ҳаққингиз бўлади. Бироқ, бу нарса ҳар қалай бўлиб ўтса, сизлар тирилган Исо Масиҳга ишонишингиз ва қабул қилишга бурчлидирсизлар. Сиз буни қиласизми?

Яна ҳамма жойда қўллар кўтарилди.

Бир қўлини камбағалнинг кўзига қўйганича, Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, Сен бу одамга кўришни ато этишингни мен биламан, чунки Сен буни менга кўрсатдинг. Мен шу ердагиларни ҳаммасини, агар Сен буни амалга оширсанг, Сени ўзларининг шахсий Нажоткори деб қабул қилишларига ваъда беришга ундадим. Осмону-ерни яратган ва Исони ўликдан тирилтирган Худованд, энди Сени Худо эканлигинг маълум бўлсин. Мен буни Исо Масиҳ Исми ҳақи сўрайман”.

Билли фақир одамнинг кўзидан қўлини олиши билан, одамгина ўзининг тилида қичқириб юборди, натижада халқ шовқин ва ҳаракатлар “бўрони”га айланиб кетди. У кўра олар эди! Бечора одам қувончи ичига сиғмай, Биллини қучоқлаб олди, кейин платформада чопиб бориб полициячини қучоқлади; кейин у қайтди ва: “Мен кўряпман! Мен кўряпман!” — дея тинмай қичқирганича, Бомбей мэрини қучоқлади.

Полициячилар аудиториядагилар сиқувини сақлаш учун ўз қаторларига қисилдилар, лекин бу ҳаракатларини фойдаси бўлмади. Халқ — қирғоққа босиб келаётган океан тўлқинидай олдинга отилди; мохов оталар, қўлида болалари билан оналар, — уларнинг барчаси америкалик хушхабарчига тегилиш учун ҳаракат қилишар эди. Полиция бу “цунами”ни тўхтатишга ожиз эди. Улар Билли ва Билли Полни орқадаги чиқиш эшигига шошилинч олиб ўтишар экан, шу пайт оғир аҳволдаги касаллар бошқа томондан Биллига тармашдилар. У фақат бир оёқ кийими ва пиджаги чўнтакларидан, улар одамларнинг қўлларида қолиб кетганди, айрилиб, уни кутиб турган машинада паноҳ топди.

Кейинги эрталаб, Билли ўзининг меҳмонхонаси деразаси ёнида туриб, пастга, кўчага қаради. У чўмоли уясига ўхшаб кетар эди: қора бошлар ҳар томонга ҳаракатланар эди, рикшилар халқ орасидан ўтиб борар, улгуржи савдогарлар ҳам ўз товарларини садақа сўраётган гадойлар олдида олишларини таклиф қилишар эди. Гадойлар бир кунгагина очликларини қондириш учун ялинишар эди. Бу барча кўриниб турган манзара Биллини шунчалик безовта қилдики, у эрталабки нонуштасини ҳам еёлмади. У ўйлаб қолди: “Улар ҳам менинг Сарра билан Бекки сингари шунчалик ейишга арзийдилар-ку, ахир”. Хонасидаги апельсин ва крекерларни олиб, у кўчага чиқди ва назарида энг муҳтож бўлган ўша одамларга тарқатиб берди. Атрофини қўлини чўзган ва ялинган одамлар пайдо бўлди. Озиқ-овқат тугагач, Билли чўнтагини миссионерлик фондидан қолган охирги румиясигача бўшатди. Шундан кейин унинг хайрия қиладиган нарсаси тугади, қашшоқ тиланчилар эса уни олдингидай ўраб олиб, ундан нотаниш тилда эҳсон сўрайверишди. У уларнинг юзларида ёзилган ночорлик ифодаларини тушунар, айниқса у ёшгина онани унинг юзида қандайдир касалликдан излари қолганини кўрганидан, оғриқдан сиқилди. У аёл бир қўли билан озғин болачасини бағрига босиб, бошқаси билан бўлса Биллига чўзиб, боласига едириш учун бирор нима беришини ёлворар эди. У бошқа ҳеч нарса беролмади, шу учун юраги ўксиб, руҳи оғирлашиб, меҳмонхонага қайтди. Ўша куни тушдан кейин Билли уйига учиб кетди.

67 БОБ
ТУШУНАРСИЗ ҚИЙНАЛИШ
1954

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ҲИНДИСТОНДАН уйига қайтгач, у беш кунни тўшакда ўтказди. Унинг ҳамма мушаклари оғрир эди. У ўзини шундай чарчаган сезар эдики, базўр қимирлай олар эди; бунинг устига уни ҳали ҳам уйқусизлик қийнар эди. Бу қисман Жефферсонвилли ва Бомбей орасидаги вақтнинг минтақавий 11 соатлик фарқи туфайли суткавий циклнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг оқибатида Биллининг организми учун кундузи кечасидек туюлар эди. Бироқ қон босимининг пасайиши ва асабларининг қийналиб кетиши ҳам унинг бетоблигининг сабабларидан бири эди. Ҳаммасидан ёмони, унинг руҳи ҳам қон босими каби тушиб кетди. Биллини ёмонлашган соғлигидан ташқари ҳам ўйлайдиган ташвишлари кўп эди. Биринчидан, Эрн Бакстер Бранхам кампаниясининг администраторлик вазифасидан кетди; иккинчидан, Билли Полни яқингинада армияга чақиришди. Бироқ бу иккала кўнгилсизликни бирга олгандагидан ҳам ёмон қийнагани, уни назарида хизматида қандайдир ишкал, камчилик бор эди. У исталган натижа бермаётган эди. 1946 йилда унга Фаришта шундай деди: *“Мусога, у Худо томонидан юборилганини тасдиқлаш учун иккита аломат берилгани каби, сенга ҳам иккита аломат берилади”.* Мусо кўрсатган аломатлардан бири, ғаройиб тарздаги шифоланиш эди, қачонки у мохов қўлини қўйнига тиққанида, кейин эса уни ҳамманинг кўзи олдида мутлақо соғ ҳолда чиқаргани эди. Аммо Мусога бу аломатни фақат бир марта кўрсатишига тўғри келди, кейин эса Исроилликлар унинг кетидан токи Ваъда Этилган Ергача эргашдилар.

Бизнинг кунларимизда Худо одамларни инсонлар теологиясидан Худонинг амалга оширган режаси — Исо Масиҳни тушунишларига ҳаракат қилиб, уларни руҳий Ваъда Этилган Ерга жалб қилаяпти. Худди Исроилликлар Қизил денгиздан қуруқда юриб ўтиб, ўз Ваъда Этилган Ерларига ғайритабиий кечинмалари орқали етиб борганлари каби, худди шундай бугун ҳам одамлар Муқаддас Руҳни олиб, бу руҳий Ваъда Этилган Ерга ғайритаббий кечинмалари орқали етиб боришлари мумкин.

“Тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди”, — деганида Исо Ваъда Этилган Ердан далил келтирган эди. Пётр ҳам Ҳаворийлар Фаолияти 3-бобда: “Худо сизларга фароғат кунларини баҳш этсин ва аазлдан тайинланган Исо Масиҳни олдингизга юборсин. Гарчи, Худо қадимдан бери муқаддас пайғамбарлар оғзи билан билдирган борлиқни тузатиш вақти бўлмагунга қадар, У осмонда қолиши керакдир” — деб буни эслатиб ўтди.[303]

[303] Қирол Иаковнинг инглизча таржимасидан. Рус синодал таржимасида: “Раббий номидан фароғат кунлари келсин, У сизга тайин этган бу ҳаммаси бажо бўлмагунича, осмонда қолиб турган Исо Масиҳини юборсин”. (Тарж.)

Билли бу “тузатиш вақти” аллақачон келганига ишонар, ва унинг хизматиМасиҳчилик черковини унинг руҳий Ваъда Этилган Ерига олиб бориши лозим деб ўйлар эди. Саккиз йил давомида у Исонинг борлигини ва Масиҳнинг Қудратини намойиш қилиб, Америка, Европа, Африка ва Осиё бўйлаб сафарлар уюштирди. Билли кўрган минг-минглаб ваҳийларда, у юрак сирларини фарқлаганларида бир мартагина ҳам хатолик бўлмаган эди — бирор марта! Худодан фақат мукаммаллик келар эди. Унда нима учун Масиҳчи деноминациялар ораларида Масиҳнинг аломати борлигини кўра билмадилар? Ахир бу аломат ер юзида 1900 йилдан кўпроқ бўлмаганди-ку! У уларнинг диққатини атом бомбаси портлашига ўхшаб ўзига жалб қилиши керак эди. Бу аломат, Исроил мустақил давлат бўлган воқеа каби бир қаторда, ҳар бир имонли одамга, охири яқин экани айтилиши, хабар қилиниши керак эди. У Масиҳчиларни Муқаддас Руҳга чўмдирилишлари учун оташин бўлиб Худони излашга ундаши керак эди. Уларни Худо Каломига ғайратга алангалатиши керак эди. Бу аломатдан барча деноминация раҳбарлари ўз турли-туман тафовутлари бир томонга отишлари ва ягона улкан армияга ўхшаб Масиҳ ишини, юмушини ёқлаш, ҳимоя қилиш учун жинслашишлари керак эди. Бир сўз билан айтганда, бу Масиҳ аломати Масиҳчилик жамоасини уни таг-томиригача қимирлатиши ва уни Исо Масиҳ сиймосида, Сўзда қайта қуриши лозим эди.

Нима сабабдан бу ўзгариш ва ҳодисалар бўлиб ўтмади? Исо Масиҳ Ўзини улар орасида кўрсатганини саккиз йил кузатганидан кейин ҳам, кўпчилик Масиҳчилар илиқлигича, бефарқлигича қолаверишди. Улар ўз деноминацияларида карахт бўлиб ва расмиятчилик қилиб, ўз дунёвий черковлари йиғилишлари ва миссионерлик режалари билан қониқиб, ўз раҳбарлари, воизларига ўзлари нимага ишонишлари керак бўлса, ўшани гапиришларига қўйиб берганлари билан кифояланиб, мамнун ўтиравердилар. Хўш, унда қаерда ўзи у ўша *“доғи йўқ — бекаму-кўст, шавкатли черков”,* Павел айтган “бенуқсон, беғубор, камоли чиройли жамоат”.[304] Қани ўша Черков, *“куёви олдида*

безаниб чиқаётган келин каби тайёрланган”, қайсики у ҳақида Ваҳий Китобида ёзилган?[305] Қаерда севги, довюраклик, ғайрат-шижоат ва ҳақиқий имонлиларнинг имони қани?

[304] Эфесликларга 5:27

[305] Ваҳий 21:2

Биллини чанг тўполон булути бўғиб ташлаганга ўхшаб,умидсизлик қоплади. Фаришта унга: *“Сен бутун дунё одамларига Илоҳий шифоланиш неъматини олиб келасан”* — деган эди. Бунинг устига, Фаришта Биллига, уни Худо юборганлигини тасдиқлаш учун берилган ушбу икки аломатни қандай ишлатиши ҳақида муфассал тушунча бермаган эди. Билли ҳайрон бўлиб қолди. У пайғамбарга хос аломатни уни Илоҳий шифоланишга жуда ҳам кўп қаратиб, нотўғри ишлатмадимикин? Нима бўлганда ҳам, Орал Робертс, Томми Хипс, Томми Осборн ва бошқа кўплаб хушхабарчилар ўз шифоланиш кампанияларида ғайритабиий юрак сирларини фарқлашни намойиш қилмаган ҳолда мақбул натижалар олаётган эдилар. Эҳтимол, агарда Билли ўзидаги неъматни бевосита пайғамбарона йўналишга йўналтирса ва одамларни Худо Каломига маҳкам туришлари учун ўз таъсирини ишлатганида, балки ўшанда унинг хизматидан Масиҳчилар жамоасига ишончли, барқарор таъсири бўлармиди.

Охирги саккиз йил давомида Билли кўп ҳолларда эшитувчилар ибодат хизматлари вақтида ўз шифоларини олишлари учун ишонч пайдо бўлиши, уларга имонни кўтариши учун библиявий ҳикоялар ва шахсий кечинмаларни айтиб бериб, қисқа-қисқа ваъзлар қилар эди. Унинг кампанияларида барча деноминациялардан одамлар бўлганлигидан, уларни кўнглигини оғритиш эҳтимоли камроқ бўлиши учун, у ўз таълимотини қутқарилиш, имон ва Илоҳий шифоланишлар каби бир неча асосий назарияларга тўғрилади, қаратди. Энди эса, у бу ҳақида қанча кўп ўйласа, бу фаолиятини ўзгартириш лозимлигини шунча кўп хис қилди. У одамларни янада олдинроқ етаклаш зарур эди. У уларни ҳақиқат ва адашишлик, библиявий таълимот ва инсоний урф-одатлар орасидаги фарқ, тафовут ҳақида ўргатиши керак эди. У айрим одамларни хафа қилиб қўйишини англади; эҳтимол, у кўплаб одамларни дилини оғритар. Бу турган гап. Агар унинг хизмати Масиҳчилик черковига мустаҳкам таъсир ўтказиши керак бўлса, унда унга, кимки хафа бўлишига қарамасдан, анча чуқур таълимотни ваъз қилишига тўғри келади. Худо уни бутун дунёга эътиборли қилиб танитиб, Биллини дуо қилди. У ўзи эга бўлган ушбу таъсиридан Масиҳчиларни Худо Каломида қаттиқ тасдиқланишлари учун фойдаланмоқчи бўлди. Шунда уларга мўъжизалар кўриши зарур бўлмайди. Имонлари Худо Руҳининг шабадасида кўтарилиши ва парвоз қилиши учун мўъжиза кўришига зарурат бўлмайди.

Аммо, аввало, Билли кучини йиғиши, ўзини қўлга олиши керак эди. Унинг доимий хизмати вазифаси, хусусан, юрак сирларини билишдан зўриқиши сабабидан, асаблари бузилай деб қолганди. Инсон организми бутунлай тинкаси қуриганича фақат маълум бир босимга чидаши мумкин. Биллига ўз кучини тиклаши учун бир неча вақт ёлғиз қолиши лозим эди. Бахтига, октябр ойи бўлиб, у уни доим ов қилиш учун сақлаб қўярди. Бир неча ҳафтадан кейин у Колорадо штатининг Серқоя тоғларида лагерда, одамлар таъсиридан олисда, жойлашади. У ерда у жўшқин сойлар гўзаллигидан завқланиб, ҳаётбахш сувлардан ичиши ва буюк тоғ чўққилар қўйнида асабларини тетиклаштириши мумкин. У ерда у ўз Парвардигори билан эркин мулоқот қилиши ва ором олиши мумкин. Бунақанги таассуротлар Биллини ёшартирар эди. Йилнинг қолган қисмида, ҳар сафар хизмати жуда кучли туюлса, у тез-тез кўзларини юмиб олар ва ўзи олдин бўлган қайсидир бир гўзал тоғ водийсини, ўша жойлардаги олган оромини яна қайтадан ўзида ҳис қилиш учун ҳаёлида жонлантириб, томоша қилар эди.

Ҳозир эса қийналиб кун бўйи тўшагида ётган кўйи, Билли фикран 1952 йил овга Канадада бўлган вақтларини эслаб кетди. У Британия Колумбиясининг узоқ шимолида, ҳеч бўлмаганда 160 километр каттароқ йўлдан узоқдаги манзилда жойлашди. У от миниб, тизмалар орасида қисилган баланд водийларни текширди. Бир куни Билли каттакон кемирувчи-айиқни изига тушди. У уни отиш нияти йўқ эди, фақат унга етарлича яқинроқ келиш ва бир неча дурустгина фотосурат олмоқчи эди. У куни бўйи қалин бутазорлар оралаб, ўша айиқ изидан юраверди ва бу урунишини фақат қоронғу қуюқлашавергани туфайли, сўқмоқдан юришни иложи бўлмагачгина тўхтатди. Орқага, лагерга қайтиш учун узоқ юриш керак эди. Ўрмон тўлин ой нурига тўлганидан, от юрадиган сўқмоқни етарлича ёритаётган эди. Бир жойдан сўқмоқ тоғ чўққисидан ўтар ва қияликдан эски ёнғин бўлган жойга қараб пастга тушиб келган эди. У ерда кўп йиллар бурун дарахтларни нобуд қилиб, шиддатли олов ёнган эди-ю, аммо уларни таг-тугигача куйдирмаганди. Энди ўша ёнган дарахтлар ой ёруғида тоғ ён бағрида юзлаб қабр тошларига ўхшаб турар эди. Билли ёнғин бўлган ўша жойнинг ярмини ўтганида, шамол турди ва жонсиз, қотиб қолган шохлар орасидан, қадимги индеец жангчилари руҳига ўхшаш увиллай бошлади. Бу ер у кўрган энг ваҳимали жой эди.

У отни тепаликда тўхтатди. Билли ой нури тушиб турган жонсиз дарахтларнинг ғамгин мозорига қараб туриб, Иоил пайғамбар сўзлари ҳақида ўйлай бошлади: *“Личинкадан қолганини чигиртка еди, чигирткадан қолганини қурт еди, қуртдан қолганини капалак қурти еди”.*[306] Бу мудҳиш тоғ ён бағри Биллига, у кўрган кўплаб совуқ, формал черковларни эслатар эди. Қачонки Муқаддас Руҳ улар ораларидан кучли шамол эсишидай ўтганида, улар мурдадек совуқ ҳолатларида шунчалар расмиятчиликларида қолдиларки, уларнинг биргина кўлидан келгани — бу: “Мўъжизалар кунлари ўтиб кетган. Бу бизларни дастуримизга мос келмайди. Энди бошқа ҳеч қанақа Илоҳий шифоланиш, пайғамбарлар, ваҳийлар, Муқаддас Руҳдан чўмилиш ёки Руҳнинг инъомлари йўқ”, — дея қайғули инграшлари бўлди.

[306] Иоил 1:4 (Муаллиф.). Қирол Иаковнинг инглизча таржимаси. Рус синодиал таржимасида: “Капалак қуртидан қолганини чигиртка еди, чигирткадан қолганини қуртлар эди, қуртлардан қолганини эса қўнғизлар эди”. *Изоҳ:* личинка, капалак қурти, курт ва чигиртка битта ҳашаротнинг ўзини турли ривожланиш даври ҳисобланади. (Тарж.)

Билли ўйлаб қолди: “Раббий, Сен мени нима учун бу тепаликда тўхтатдинг? Сен менга бирор бир сабоқ беришни истамайсанми?” Пастликка қараб, у бутазордан чиқиб турган ёш қарағай новдаларинипайқади. Бу ям-яшил ва эгилувчан ёш новдалар шамолда чайқалар ва рақс этарди. Тўсатдан Билли ҳайқирди: “Аллилуйя! Улар ўзларини худди уларда Муқаддас Руҳдан уйғониш бўлганидай ҳис этишарди!” Унинг сабоғи ҳам мана шунда эди. Ўша қари ўлик черковлар хокидан Худо янги Масиҳчилар ҳосилини ваъда қилди. Улар Унинг Каломига Унинг бутун қудратида ишонишади.

Кейинги куни эрталаб Билли лагерда Иоилнинг башоратини қолган қисмини ўқиди: “Ер-замин қўрқма; қувонгин ва шодлан, зеро Раббий буюк иш қилади... Мен ўша чигиртка, курт, қўнғиз ва личинка еб битирган йилларни тиклайман — Мен сизга юборган, Менинг буюк лашкарларим. Ва тўйгунингизча ейсиз ва тўясизлар ва Раббий Исмини улуғлайсизлар, Худоингизни, Қайсики сизларга жуда ҳам яхши, ажойиб қилди... Ва ўшандан кейин Мен бутун жонзод узра Ўз Руҳимни ёғдираман. Сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, Мўйсафидларингиз кароматли туш кўрадилар. Йигитларингиз ваҳий кўрадилар... Юксакликда, осмонда ғаройибот, Тубанликда, ер юзида эса ажойибот: Қон, олов ва паға-паға тутун барпо қиламан. Худованднинг улуғ ва нурафшон куни келишидан олдин, қуёш қоронғуликка, ой эса қонга айланиб кетади. Ўшанда Худованд Исмини айтиб чақирган ҳар бир киши нажот топади”.[307]

[307] Йўэл 2:21-32. Айрим жойлари қирол Иаковнинг инглизча Библиясидан таржима қилинган. Рус синодал таржимасида: “Қўрқма ер; зеро Раббий буларни қилишда буюк... Ва Мен сизларга юборган, Менинг буюк лашкарларимни — чигиртка, қуртлар, қўнғиз ва қўнғизлар еган ўша йиллар эвазига қайтаради...” (Тарж.)

1954 ЙИЛНИНГ ОКТЯБРИ ОХИРИДА, Колорадо штатининг Қояли тоғларида бир неча ҳафта ов қилгач, Уилльям Бранхам танаси бардам, аммо руҳи безовта ҳолида уйига қайтди. Унга гўё у яна ниманидир қилиши керак эди-ю, аммо айнан нималигини билмас эди. Эҳтимол, у ўз кампаниялари вақтида кўпроқ таълимот беришни бошлаётганлигидан кўтаринки руҳда эди.

1954 йил 24 октябрь, якшанба куни ўзининг Жефферсонвиллидаги черковида ваъз қила туриб, Билли шундай деди:

— Сизлардан кўпларингиз мени Хушхабарни ваъз қилган йигитчалигимдан бери кўриб, кузатиб келасизлар. Ва мен Хушхабарни ўзим бошлаган ҳеч бир бўлакчасини ҳам ўзгартирмадим. Мен олдингидай ўшани ўзини ўргатаман, чунки Бу менга қайсидир семинариядан берилмаган эди, ва Бу менга одам орқали ваъз ҳам қилинган эмас. Бу Библияга очиқлик, ваҳий орқали келди. Рост. Шу учун, мен Бу Худодан келганлигини биламан ва мен ўша Хушхабарга риоя қиламан.

— Кўп йиллар олдин мен Исо Масиҳ Исми ҳақи сувдан чўмдирилиш тўғрисида ваъз қилгандим. Мен одамзодни токи Исо Масиҳ Қонида муқаддасланиш орқали покланиши ҳақида ваъз қилганман. Мен Муқаддас Руҳдан чўмилишни, Худо халқини Осмон Шоҳлиги учун муҳрланиши ёки тасдиқланиши деб ваъз қилганман. Сизлар буларни шундайлигини биласизлар. Мен Илоҳий Шифоланиш ҳақида иаълим бердим. Мен Исо Масиҳнинг Иккинчи Келиши ҳақида таълим бердим. Мен оёқ ювиш ва қутлуғ кечани черковнинг муқаддас нарсаларидек ўқитдим. Мен Раббий олдида муқаддаслик ҳақида таълим бердим. Мен буларни ҳаммаси ҳақида энг бошидан таълим бердим.

— Мен ўзга тилларда гапириш Муқаддас Руҳга чўмдирилганликнинг исботи ҳисобланмаслиги ҳақида ўқитдим. Қўшиқлар куйлаш, хурсандчилик ҳайқириғи, ўзга тилларда гапириш, — бу аломатлардан ҳар қандайи бўлиши мумкин ва шунда ҳам улар бехато исбот ҳисобланмайди. Фақат битта Шахс бор, ана Ўша у ерда Муқаддас Руҳ борлигини айтиши мумкин, — бу Худонинг Ўзи. У Ҳакам. Мен одамларни қандай куйлаганини, ҳайқиришганини ва ўзга тилларда гапиришганини кўрганман, аммо уларнинг мевалари улар Унга эга эмаслигини исбот қилганди.

Бу Билли ўзининг имон билан шифоланиш кампанияларида ваъз қилишни истаган таълимотлардан баъзилари эди. Бундай муҳим ҳақиқатларга кўпроқ аҳамият бериб, у ўзининг хизмати кўпроқ кучли ва узоқ давом этади, деб умид қилган эди.

Биллининг охирги шифоланиш кампанияси 1954 йил 3 декабрда Нью-Йорк штатининг Бингемтонида бошланиши керак эди. У Бингемтонга бир кун олдин келди ва меҳмонхонада тўхтади. Жума куни эрталаб, соат еттида уйғонди. Билли Поль ҳали уйқуда эди.[308]

[308] Билли Поль армияда хизмат қилиши хусусида кўрикдан ўтиш учун врач қабулига келишидан олдин, отаси унга шундай деди: "Ўғлим, ташвишланма, сенга армияга боришингга тўғри келмайди, чунки Худо сени мен билан меҳнат қилишингга чақирди".

Тиббий кўрикдан сўнг врач Билли Полдан сўради:

— Анчадан бери сенда юрак хасталиги борми?

— Юрагим касаллиги менда борлигини билганим ҳам йўқ, — жавоб берди у.

Армия врачлари уни юраги касал эканидан огоҳлантирдилар. Уларнинг текширишлари бўйича, Билли Полнинг юраги уни армияда хизмат қилишидан қолдириш учун етарлича оғир эди. Билли Поль уйга ҳар қандай, хохлаган куни ўлиб қолишидан ташвишга тушиб қайтди. У бу ҳақида отасига айтганида, Билли кулди ва жавоб берди:

— Мен ахир сенга армияга боришингга тўғри келмайди, чунки Худо сени мен билан меҳнатга чақирган, дегандим-ку. Энди шаҳар марказига бор-да, доктор Эдердан юрагингни текширишини илтимос қил.

Сэм Эдер Билли Полни юрагини электрокардиограмма қилди ва кейин уни юрагини яхши деб ишонтирди.

Билли астагина одеялодан чиқди ва деразадан шаҳарга қарай бошлади. У кўча ҳаракати ёйилиб, чаплашиб, кейин эса у ваҳийга чўмганида, йўқолиб кетаётганини кўрди.

Ваҳийда у очиқ жойда йиғилиш ўтказаётганини кўрди, аммо у бу қаерлигини аниқлай олмади. Ибодат навбатидан ўтаётган одамларнинг сочлари қора ва таналари худди америкалик индеецлар каби қизғиш эди. Оқшом эди. Одамлар шифоланганликлари учун Худони улуғлашар ва ҳайқиришар эдилар. Билли ибодат навбатидан ўтаётган ва бир қўлида бир жуфт пайпоқ, бошқасида эса — галстук тутиб, ўтаётган аёлни кўрди. Унга бу нарса ғалати бўлиб кўринди.

Кейин ваҳий ғойиб бўлди ва у яна ўзининг Бингемтондаги меҳмонхона номерида бўлиб қолди.

Билли дафтарчасини олди-да, бу ваҳийни ёзиб қўйди. Бундан бир неча йил олдин у ўз ваҳийларини ёзиб боришни бошлаган эди. Албатта, у ибодат навбатлари вақтидаги ваҳийларни ёзишга зарурат йўқ эди. Унинг йиғилишларини магнит ленталарига борган сари кўпроқ ёзиб борила бошланди, бу эса, у руҳ таъсирида гапирган нарсаларни эшитиши ва ваҳийларни эсда сақлаб қола олади дегани эди. Аммо Билли йиғилишлар орасида кўрган ваҳийларини унутиб қўймаслик учун ёзиб борди. Айнан мана шу ваҳий, Нью-Йорк штати, Бингемтонда кўрган ваҳий, ёзиб боришлар яхши ғоя эканлигини кўрсатди. Кампаниялар олдинга силжийвериши ва юрак сирларини фарқлаш кучайгани сари, Билли жума куни эрталаб кўрган ваҳийси, унинг хотирасидан то қарийб кўтарилиб кетмагунича хиралашаверди.

Икки ҳафтадан сўнг ўзининг Жефферсонвиллидаги черковида Билли шундай деди:

— Менинг кейинги кампаниям 12 январда Чикагода бошланади; биринчидан, "Филодельфия" черковида, кейин эса бизлар шаҳардаги бирор катта аудиториясига ўтамиз. Кейин мен Ғарбга, Финниксга жўнайман, Раббий хохласа.

— Мен жуда ҳам сизларни, мен учун ибодат қилишингизга муҳтожман — менинг соғлигим учун эмас. Худонинг мархамати туфайли бу эрталаб, мени билишимча, саломатлигим ажойиб. Мен жуда бахтиёрман ва бу учун миннатдорман. Бироқ мен руҳий раҳбарликка муҳтожман. Мен тинимсиз равишда ўзимни омадсиздай, иши юришмаган одамдай ҳис қилаяпман. Нимадир: "О-о, сени шартинг кетиб, партинг қолган", — деб шивирлаб, орқамдан эргашиб юрибди. Эҳтимол, бу шундай, аммо мен кучим етгунича, ўзимда бор бўлганим ёрдамида энг яхшисини қилишни хохлайман. Шундай қилиб, мен қандай қилиб тўғри иш тутишимни билишимга У йўл қўйиши учун, мен Муқаддас Руҳ билан кўпроқ етакланишни жуда ҳам истайман. Чунки, 45 га киргандан кейин, агар мен Раббий учун қачондир энг тўғри келадиган ёшда бўлсам, менинг назаримда, мана ҳозир, чунки 45 да барча ёш болаликлар ўтган ва сен ўзингни тутиб биласан, сочларинг оқаради, биласизлар, юмшайан. Бу ҳаётнинг шундай даврики, унда ҳақиқатан ҳам ўзини тўхтатиб олган ва собитқадам бўлиш керак, ўзининг энг махкам пайти бўлиши керак. Агар мен ўзимни нимага эга эканим қачонлардир биладиган бўлсам, менинг фаҳмим бўйича, мен буни ҳозр билишим керак. Ва У менга ўзининг Хушхабарида кўрсатгани учун мен шу қадар миннатдорман.

— Аммо, нима учундир, мен ўзимда ҳали қониқиш сезмаяпман. Мен Худодан кўпроғини олишга ташнаман. Менда шундай ҳиссиёт борки, гўё мен нимадир қилишим керагу, ва мен буни ҳеч ҳам тўғри бажаролмаяпмандек. Менинг назаримда, гўё мен учун у ерда яна қанақадир меҳнат тайёрланган. Мен нимагадир қарийб эришяпман, аммо тўлиқ эмас. Агарда мен фақат ўша ҳолатга киролсам эдим, ўшанда менда ҳаммаси жойида бўлар эди.

1954 йилнинг охирги кунида Билли ўзининг черковида, янги йил хизмати вақтида шундай деди:

— Бугун оқшом мен, буюк Иегова-Худо, бир кунлар Синай тоғида садо берган, бир кунлар бошқа бир тоғда турган ва Бахтиёрлик Амрларини ўргатган, ўликлардан тирилган Ўша буюк Иегова-Худо — бугун У бизнинг орамизда эканини билишдан миннатдорман. Бугун У Ўшадир, ўшанда қандай бўлса. У. Ва бир ўйлаб кўринг: Самовий Худо Ўзининг шунчалар камтар олдики, пастга тушди ва биз каби бу дунёдаҳеч нарсага арзимайдиган одамлар биланмуомала қилди... У мени шунчалар севдики, пастга тушди ва Ўз Марҳамати бўйича мени қутқарди. Мен бунга ҳеч қандай сазовор эмасдим, аммо У мени қутқарди, чунки одамнинг яралишидан бурун мени қутқарилишимни тақдир қилди. — Ўзининг ҳали дунё пайдо бўлмасидан олдин билиши бўйича қутқарди. Ва У ҳар бир қутқарилган эркак ва аёл учун ҳам шундай қилди. О-о, бу қандай ажойиб ва ҳайратланарли!

— Мен бугун қалбим билан истардимки, бу йил (агар Худо менинг ибодатимни эшитса), кириб келаётган йил менинг ҳаётимда буюк йил бўлишини истардм. Ҳозирга келиб, Худо марҳамати туфайли мен Масиҳ учун ярим миллиондан кўп жонни қўлга киритдим. Умид қиламанки, кейинги йил шу вақтда бу сон миллионга етади, чунки (агар бунда Раббийнинг иродаси бўлса), мен яна чет элга сафарларни, бизнинг молиявий аҳволимиз буни амалга оширишимиз учун яхшиланиши билан, яна бошламоқчиман.

— Биламан, кун охирига келди; соатлар аллақачон ўтиб кетди. Дўстларм, кечки соялар тушаяпти ва мен кучим етган барчасии адо этишни истайман, чунки бу ўлимга маҳкумлар учун биргина, ягона вақтдир. Бу бутун Абадийликдаги, бизлар Масиҳ учун кимнидир озод қилиш йўлида берилган имтиёзга сазовор бўладиган ягона вақтдир. Келинглар, қўлимиздан келадиган, кучимиз етадиган ҳаммасини адо этайлик. Келинглар, қилиб билаганча, ҳар бир соатни Унинг шарафи учун ажратайлик. Мана шу кириб келаётган йилда менинг ниятим шунақа. Худонинг ёрдами ва сизларнинг ибодатларингиз билан мен буни адо этаман.

Уилльям Бранхамнинг хизмати ўзгариш олдида турган эди — таг-тоири билан, ва сира у ўйлаганидай ҳам эмас...

ТЎРТИНЧИ КИТОБ:

ХУШХАБАРЧИ ВА УНИНГ МАЪҚУЛЛАНИШИ

(1951 — 1954)



Уилльям Бранхам — ҳозирги замон тархида парадокс бўлди. 1946 йили унинг оддийгина хизмати ярим йилдан оз вақт ичида номаълумликдан миллий масштаб даражасида машҳурликка сакраш қилди; ва вақт ўтиши билан бу бутун дунё бўйлаб имон билан шифоланиш оловини ёқди. У бу жасоратни буюк неъмат — одамларни ўзига жалб қилдирган ғайритабиий аломат туфайли амалга оширди. Тез орада бутун дунё бўйлаб Масиҳчилар бунга эътибор бера бошладилар. 1951-1954 йиллар давомида Уилльям Бранхам тарихда ўша вақтгача бўлмаган энг йирик Масиҳчилар йиғилишларини ўтказди: Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридаги йиғилишларнинг бирида 300 000 одам иштирок этди. Унинг хизматига Америкада ва чет элларда унинг хизматига талабнинг чеки, поёни йўқдай эди. Бироқ, Уилльям Бранхам батамомо қониққан эмас эди. Нимадир, гўё нимадир етмаётгандек эди. Нима эканини у узоқ вақт билмай юрди, аммо 1954 йил охирларида билди. Унинг хизматида ўзгариш бўлиши лозим эди.